У. УБАЙДУЛЛАЕВ

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ: ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ МАФКУРА ИЛМИЙ
ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

У. УБАЙДУЛЛАЕВ

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ: ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

Тошкент
"Университет"
2009

халқлар ва миллатларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва сиёсатларга берилиб кетмоқдалар...

...Бугун барчамиз учун оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бугун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий". Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳеч ким, ҳатто энг демократик ва қудратли иқтисодий, ҳарбий салоҳиятга эга давлат ҳам халқаро терроризм "холдинги" таҳдидларидан ўзининг хавфсизлигини сўзсиз кафолатли равишда таъминлай олмайди.

Ушбу фикр мазкур муаммони тўғри тушуниш ва халқаро жамоатчиликни огоҳлантириш нуқтаи назаридан улкан аҳамият касб этди. Чунки терроризм миллий давлат чегараларидан чиқиб, тобора кенгайиб, глобаллашмоқда. Инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига раҳна солмоқда. Бу ҳол жаҳон жамоатчилигининг халқаро терроризмга қарши курашга қаратилган саъйи ҳаракатларини янада кучайтиришни тақозо қилмоқда. Ушбу муаммони бартараф қилиш самарадорлиги, кўп жиҳатдан, терроризмнинг глобал негизлари, унинг тадбир-чоралари, ташкилий тизими, халқаро хавфсизликка таҳдид механизмини илмий-назарий ўрганишнинг даражасига боғлиқ. Бироқ, бу борада амалга оширилган ишлар, аксарият ҳолларда, террористик хуружларнинг тафсилотлари баёни даражасида қолмоқда. Шунингдек, жамоатчиликда терроризмдан қўрқув, ваҳимага тушиш, давлатларнинг унга қарши курашишда ожизлигига берилаётган урғу акс таъсир қилиб, салбий натижалар бераяпти.

Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида халқаро ҳуқуқда "терроризм" ва уни талқин қилишда бир тўхтамга келинмаганлигини таъкидлаймиз. Шу сабабли мазкур китобда халқаро терроризм ва унинг ҳозирги кўринишларини назарий-методологик нуқтаи назаридан очиб беришга ҳаракат қилинган.

Китобни тайёрлашда муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишдаги иштироки кўл келди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўртинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди. Бу талқикотга миллий қонунчилик меъёрларидан келиб чиқиб ёндашиш имкониятини яратди.

Китоб устида ишлаш давомида мавзуга оид хорижда эълон этилган кўплаб далиллар, шунингдек, чет эллик терроролог олимларнинг тадқикотлари натижалари таҳлил қилиниб, умумлаштирилди.

Китоб замонавий терроризм масаласини тадқиқ қилаётган мутахассислар, шунингдек ўқув юртларида махсус курсларни ўқиш учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлаймиз.

Муаллиф ушбу китобни тайёрлашда ўзларининг қимматли таклиф ва маслаҳатлари билан ҳисса қўшган тақризчиларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

I. ТЕРРОРИЗМ – ЗАМОННИНГ МУДҲИШ ҲОДИСАСИ

Терроризм ва у билан курашишнинг қандай кечаётганлигини илмий таҳлил қилиш, унинг яқин келажакдаги ҳуружларини башорат қилиш, демак, унинг олдини олишга ҳам имконият беради. Унинг ўтмиши, тарихига назар солиб, терроризмнинг кучлилар ёки ожизлар, жиноятчи гуруҳли тўдалар ё диний экстремистик гуруҳлар ёки якка шахслар, жумладан руҳан носоғлом шахслар томонидан содир қилинганлигини кўриш мумкин. Бироқ, унинг моҳияти сиёсий, иқтисодий, этник ва ҳатто ҳудбинлик мақсадларига эришишда ишлатилган қўркитиш, зўравонлик воситаси эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бизнинг бундай хулосага келишимизга қуйидаги тарихий далиллар ишончли асос бўла олади:

- 1865 - АҚШ президенти Авраам Линкольн;
- 1881 - АҚШ президенти Жеймс Гарфилд; рус императори Александр II.
- 1884 - Франция президенти Сади Карно;
- 1897 - Испания Бош вазири Антонио Кановас; Австрия императрицаси Елизавета;
- 1900 - Италия қироли Умберто1;
- 1901 - АҚШ президенти Уильям Маккинли;
- 1911 - Россия Бош вазири П. А. Столипин;
- 1914 - Австро-Венгрия тахти вориси шаҳзода Франц Фердинанд;
- 1948 - Ҳинд халқининг тан олинган етакчиси Махатма Ганди;
- 1961 - Конго (ҳозирги Заир) Бош вазири Патрис Лумумба ва унинг ҳукуматининг тўрт нафар аъзоси;
- 1963 - АҚШ президенти Жон Ф. Кеннеди;
- 1968 - АҚШ адлия вазири ва АҚШ президентлигига номзод Роберт Кеннеди (Ж. Кеннединиг укаси);
- 1968- АҚШ қора танлиларининг атоқли сиёсий ва диний арбоби, шунингдек АҚШ президентлигига номзодини қўймоқчи бўлган Мартин Лютер Кинг;
- 1973 - Чили президенти Сальвадор Альенде;
- 1978 - Италия Бош вазири Альдо Моро;
- 1981 - Миср президенти Анвар Садат;
- 1984 - Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди;
- 1986 - Швеция Бош вазири Улоф Пальме;
- 1989 - Ҳиндистон Бош вазири Ражив Ганди;
- 1991 - Эрон Бош вазири Бахтиёр;
- 1996 - Исроил Бош вазири Ицҳок Рабин сиёсий сабабларга кўра терроризм қурбони бўлганлар.

Бунга Россия подшолари, Р. Рейган, Л. Брежнев, Голда Меир, Ф. Кастро, Д. Неру, М. Каддафи, Ҳусни Муборак, Я. Арофат, Ш. Перес, Ро Де У, Пак Чжон Хи, Рим папаси Иоанн Павел II ва яна бошқа

кўплаб атоқли шахслар ҳаётига уюштирилган суиқасдларни ҳам қўшиш мумкин. Иккинчи жаҳон уруши даврида У. Черчилл ва И. Сталинга уюштирилган суиқасдлар эса ҳалигача тўла очилгани йўқ.

Юқорида қайд этилган жиноятлар, шунингдек Будённовск (қотиллик, ҳомиладор аёллар ва болаларни гаровга олиш) воқеалари исбот талаб қилмайдиган террористик ҳаракатлар эканлигини яққол кўрсатиб туради. Аммо шу ерда: Чехиянинг Лидица, Белорусиянинг Хатин, Вьетнамнинг Сонгми, Ливаннинг Сабра ва Шатилла қишлоқлари аҳолисининг бутунлай қириб ташланишини, Хиросима ва Нагасакининг бомбардимон қилинишини қандай талқин қилиш мумкин? – деган савол туғилади. Сонгмидаги Америка лейтенанти У. Коллини ёки француз халқининг жаллоди, лионлик "қассоб" К.Барбьеларни террористлар жумласига қўшиш мумкинми ёки йўқми; ўзбек зиёлилари Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, А. Икромов, Ф. Хўжаев каби етук намоёндаларнинг жисмонан йўқ қилиниши мумтоз маънодаги сиёсий террор ҳисобланадими ё йўқми?

ССЖИ парчаланиб, КПССнинг ҳалокатидан сўнг кўплаб мудҳиш жиноятлар ошкор бўлмоқда. Янги, мустақил миллий давлатларда тарихий, ахлоқий меросниг қайтадан кашф қилиниши, суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида кўпгина воқеа ва ҳодисаларга ёндашиш тамойиллари ҳам ўзгариб бормоқда.

Бу борада халқаро амалиётда ҳам силжишлар юз бермоқда; 1996 йил ноябрида Гаага Халқаро трибунали томонидан хорват Дражен Эрдемович 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди. У Босния серблари армиясига чақирилган ва ҳарбий тадбирлар чоғида бир қишлоқда 80га яқин Босния мусулмонларини шахсан ўлдирган эди. Гаага Халқаро трибунали Босния серблари етакчилари Р. Каражич, Д. Младичларнинг ҳаракатларини террор ва геноцид сиёсати, деб баҳолади.

Бироқ, бир томонни бут қилиб, бошқа томонга эътибор сусайди. Чунки уларнинг душманлари ҳам худди шундай усул ва воситалардан фойдаланишган эди-да. Шу боис, Адолат маликаси- Фемиданинг холислиги қани? Нима учун у кўзлари боғланган ҳолда турли қароргоҳ ва окопларда жойлашган Босния серблари –христианлар ҳамда мусулмонларнинг бир хил хатти-ҳаракатини турлича баҳоламоқда? - деган саволлар туғилиши ҳам табиий.

Терроризм – аввалambор, сиёсий-ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий-психологик, динлараро ва бошқа муаммоларга бориб тақалувчи жуда мураккаб, турли кўринишли, ўзгарувчан ва кундан-кунга авж олиб бораётган мудҳиш ҳодиса бўлиб, унинг бартараф қилиниши бу муаммоларнинг ечими билан ҳам боғлиқ. Зеро қандай ҳаракатларни террористик ҳаракатлар, деб таснифлаш мумкинлиги тўғрисидаги саволга дунёда ҳозирча якдил жавоб йўқ. Гарчи бу ҳодисанинг моҳияти ҳаммага аёндек бўлса-

ли, лекин жаҳон ҳамжамиятида ҳаммага маъқул бўлган ҳуқуқий таъриф яратилган эмас.

Террор "куч, турли хилдаги қуролларни қўллаш, кўпинча бегуноҳ қурбонларга сабаб бўлувчи зўравонлик" сифатида таърифланади. Лекин, бирор бир мамлакат ичидаги ёки давлат чегарасидан ташқаридаги фожиали воқеани таҳлил қилганда ягона бир ёндашув ҳозирча йўқ.

"Террор" тушунчаси муомалага илк бор Францияда Буюк инқилоб даврида киритилган бўлиб, айнан қўрқув, даҳшат, зўравонлик маъноларини англатади. Ҳозир бу атама халқаро сиёсий луғатда мустаҳкам ўрнашди. Ижтимоий тараққиёт билан бир қаторда "террор", "терроризм" тушунчалари ҳам янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда террор ҳодисасининг юзга яқин белгилари мавжуд. Аммо уларнинг турлича шарҳланиши, яъни баъзида муаммонинг ўзини, иккинчи ҳолатда эса унинг ҳуқуқий баҳосини таърифи билан аралаштириб юборилишини таъкидлаш жоиз. Лекин, мантиқан олиб қаралганда, терроризм халқаро жиноят ва шунинг учун уни шарҳлашга бир хил ёндашув керак.

Хуллас, терроризмнинг умумэътироф қилинган таърифини ишлаб чиқиш муаммоси ҳалигача ечилган эмас. Тадқиқотчи Г.И.Морозовнинг фикрига кўра "терроризм"нинг давлатлараро даражадаги умумий, ягона таърифини ишлаб чиқиш бир қатор субъектив ва объектив омиллар билан боғлиқ масаладир. У объектив омилларга кўпгина давлатлар томонидан миллий хавфсизликнинг турлича тушунилишини, терроризм ва унинг шакллари тўғрисидаги тасаввурларда ҳам тафовутлар мавжудлигини таъкидлайди.

Г.И.Морозовнинг фикрича, айрим давлатларнинг терроризм ва унинг яширин алоқаларига батамом тўсиқ бўла олувчи қатъий чоралардан фойдаланишни хоҳламаслиги субъектив омиллар сирасига киради (Морозов. Г.И. Международный терроризм. Государство и право. М., 1997, с. 73).

Энди бевосита "террор" атамасига келсак, муаллифнинг фикрича, унга аниқ ҳуқуқий таъриф бериш учун бу сўзнинг келиб чиқишига, яъни лотин ўзагига эга бўлган "қўрқув", "даҳшат" сўзларига асосланиш керак бўлади. Бу сўз роман-герман тилларида ҳам айнан шундай маънони англатади. 2001 йил 11 сентябр куни АҚШ шаҳарларида содир этилган террорчилик хуружлари нафақат шу мамлакат аҳолисини, балки бутун жаҳон ҳамжамиятини ҳам қўрқув ва даҳшатга солди. Портлатилган Умумжаҳон савдо маркази ва бошқа жойлардан бевосита олиб борилган телерепортажлар ҳам, кейин эса кукунсимон оқ модданинг куйдирги касалини тарқатувчи модда эканлиги ҳақидаги шов-шувлар жамиятда кучли қўрқув ҳосил бўлишига ўз ҳиссасини қўшди. Демак, террорчиларнинг туб мақсадлари амалга ошгани ҳақида фикр юритиш мумкин. Таниқли тилшунос "Рус тилининг изоҳли луғати" муаллифи С.И.Ожегов

терроризмни "ўз сиёсий рақибларини жисмоний зўравонликлар, ҳатто яксон этишгача бўлган кўринишда бартараф этиш", деб таърифлайди (С.И. Ожегов. Словарь русского языка. М., "Русский язык", 1989, с. 794). Хорижий сўзлар луғатида ҳам айнан шунга ўхшаш шарҳлар берилган: "сиёсий рақибларни зўравонлик билан бостириш, қўрқитиш сиёсати" дейилган (Словарь иностранных слов. М. "Русский язык", 1991., с. 494.). С.И.Ожеговнинг фикрича терроризмни "жисмоний зўравонлик йўли билан қўрқув ва даҳшат муҳитини сақлаб туришга йўналтирилган ҳаракат" деб тушуниш мумкин бўлади. Бироқ, бу ҳам унинг моҳиятини тўлиқ очиб бериш учун етарли эмас. Чунки, унинг мазмунига сиёсий, диний, ижтимоий ва бошқа белгиларни ҳам қўшмасдан бўлмайди.

Бундан ташқари терроризмни маълум ҳудудий доирага бўлиб тушунтириш зарур. Яъни уларни: а) бир давлатнинг ҳудудидаги ёки ички, америкачасига белгилайдиган бўлсак "уй ичидаги" терроризм; б) халқаро терроризм, яъни бир неча давлатлар манфаатига ёки минтақа, қитъа, бутун дунёга зарар етказувчи жиноятлар тури сифатида талқин қилиш керак.

Демак, қачонки давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда "Per in parem imperium non habet" (Тенглар ўз тенглари устидан ҳокимиятга эга эмаслар) тамойили етакчилик қилсагина, терроризмни ўрганишга, унга якдиллик билан ёндашишга эришиш мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, террор ҳар қандай ҳолатда ҳам "конфликт"(можаро) билан боғлиқ "қўрқув", "даҳшат", "зўравонлик"ни ўзида мужассамлаштиради. Бундан келиб чиқиб, асосий муаммони аниқлаш учун можаро (конфликт) тушунчасини ҳам шарҳлаб ўтишимизга тўғри келади.

Конфликт (можаро) сўзи (лотинча Conflictus) "тўқнашув", "жиддий ихтилоф", "баҳс" (С.Ожегов бўйича) ва "қарама-қарши манфаатлар, қарашлар тўқнашуви" (Хорижий сўзлар луғати) маъноларини англатади. Бундай тўқнашувларда рақиблар ёки томонларнинг бири ўзаро келишувга интилиш ўрнига мавжуд муаммони қўрқитиш ва зўравонлик воситалари билан ечишга ҳаракат қилади. Мисол тариқасида Аристотель ва Т. Гоббсларнинг можароларнинг қандай юзага келиши тўғрисидаги нуқтаи назарларини таққослаб кўрамиз.

Т.Гоббс инсон тушунчаси остида қандайдир мустақил бирлик, индивидни тушунади ва бу одам учун бошқа кишилар (яъни жамият) унинг яшаш муҳити, душмани ёки ҳамкоридир. Бу одам ўз олдига мақсад ва вазифалар қўяди ҳамда бошқалар билан бўлган муносабати, алоқаларидан ўз мақсадига эришиш воситаси сифатида фойдаланишга ҳаракат қилади. Қисқача айтганда, Гоббс жамиятда "ҳамманинг бир-бирига қарши уруш ҳолати ҳукм суради" деб тушунади, можароларга эса инсоннинг табиати учун хос бўлган худбинлик, очкўзлик ва ҳокимиятпарастлик хусусиятлари сабаб бўлади, дейиш билан бир қаторда, табиий ҳолатда

...лар тенглигини ҳам инкор этмайди. Агар одамлар қобилият жиҳати-...тенг бўлса, улар ўзларининг талаблари жиҳатидан ҳам тенг бўлиши ...ак. Аммо улар талабгор бўлган нарса (буюм, предмет) бир вақтда ...ники бўлиши мумкин эмас. Айни шу жиҳатдан кишилар ўртасидаги муносабатларда можаролар пайдо бўлади.

Аристотелнинг фикрига кўра, "кишиларнинг мулкий тенгсизлиги" ва "барчанинг бир хил ҳурматга сазовор бўлмаслиги" можароларнинг ...сий манбаи ҳисобланади (Аристотель. Сочинение в 4-х томах, т. IV ...тат "Политика", М., Мысль, 1983, с. 421). Унингча, адолат устидан ...тсизликнинг устун кела бошлаши, давлат арбобларининг аввал ўз-...нинг фаровонлигини ўйлаши, кейин ўз халқининг эҳтиёжини ўйлаши ...сий можароларнинг асосий сабабидир.

Аристотелнинг бошқа бир фикри биз учун алоҳида аҳамият касб ...ади: давлат ўз моҳиятига кўра, кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечиришининг олий кўриниши, қулдорлик жамиятини эркин фуқаролар томонидан бошқаришнинг тимсоли, инсон эса ўз табиатига кўра ижтимоий, ...сий мавжудотдир. Агар кимдир тасодифий ҳолатлар оқибатида эмас, балки ўз табиий кучи эвазига давлатдан ташқарида яшаётган бўлса, демак у ё ахлоқий нуқсонга эга, ёки инсондан ҳам юксак даражадаги мавжудотдир. Бундай унсурлар, деган эди Гомер, "уруғсиз, қабиласиз, конунсиз, ўчоқсиз одам". Бундай одамнинг табиати фақат урушни қўмсайди (Аристотель, Сочинения в 4-х томах, Т., IV трактат "Политика", М. Мысль, 1983, с. 378-379.) Бу таърифда жиноятчилик, жангариликнинг табиати очиб берилган. Бундан кўриниб турибдики Т. Йўлдошев, Ж.Хожиев каби жангарилар ва уларнинг ҳамтовоқларини Аристотель ва Гомерлар таърифлаган кишилар сирасига киритиш ўринли бўлади.

Инсонийлик-ижтимоийликнинг етакчилиги одамнинг бошқа кишилар билан ҳамкорлик қилиш қобилиятини акс эттиради. Ижтимоий ҳаёт кишиларнинг биргаликда ва ҳамкорликда ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишлари билан изоҳланади. Маъно-моҳияти жиҳатидан можаро ва террорни қиёслаб, уларнинг ўзаро алоқадор эканлигини тан олган ҳолда уларнинг моҳияти инсон табиати билан боғлиқ эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Инсон жамиятнинг бир бўлаги ва ҳар доим у жамият билан алоқада бўлади. Аммо, бир вақтнинг ўзида нимаси биландир унга (жамиятга) карши туради, чунки шахс ва жамият манфаатлари ҳар доим ҳам бирбирига мос келавермайди. Натижада манфаат, нуқтаи-назар ва мавқеларнинг номутаносиблиги вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, қарамакаршилик ва рақобатни, яъни можарони юзага келтиради. Бундан жамиятда можаро учун асос доим мавжуд бўлиши тўғрисидаги хулосани чиқариш мумкин бўлади. Гуруҳлар ўртасидаги можароларга келсак, ҳар бир шахснинг тарафдорлари ҳамда у билан келиша олмайдиганлар бўлади. Натижада турли сабаблар туфайли бундай гуруҳлар ўртасида можаролар келиб чиқади.

Биз ижтимоий эволюция тўғрисида гапирар эканмиз, у ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг ўтгариши, шу жумладан терроризмнинг ҳам манбаи эканлиги тўғрисида сўз юритишимизга тўғри келади. Демак, "dum spiro-spero" (лотинча "сўнгги нафасгача умид қиламан") тамойили ва Аристотельнинг инсонда ижтимоийлик устунлик қилади, деган фикрига амал қилиб, ижобий башоратларга умид боғлаш мумкин.

"Террор" сўзининг "Ўз сиёсий рақибларини жисмоний зўравонлик билан яксон этишгача бўлган кўринишда йўқ қилиш" сифатидаги таърифига қайтиб, бу сўзнинг геноцид сўзига анча яқинлигини аниқлаш мумкин. Геноцид – юнонча "genos" (уруғ, авлод)лар, "caedero" (ўлдирмоқ) сўзлари айнан "уруғ, қабилани қириб юбориш", яъни "бир гуруҳ аҳолини ирқий, миллий, диний мансублигига қараб қириб юбориш" маъносини англатади (Словарь иностранных слов. М., "Русский язык", 1991., с. 118).

1572 йилда Екатерина Медичи тарафдори бўлган католиклар томонидан содир этилган, тарихда "Варфеломей кечаси" номи билан қолган, гугенотларнинг қирғин қилинишини терроризм ҳаракати сифатида изоҳлаш мумкин. Ёки 1934 йилда фюрер розилиги билан Гиммлернинг жангари гуруҳи Эрнст Ремнинг раҳбарлигидаги СА қуролли гуруҳи аъзоларининг "узун пичоқли тун"да ваҳшиёна сўйиб ташланишини эслайлик. Бу воқеанинг асосий сабаби Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши учун ўзининг "штюрмер"лари билан кўп хизмат қилган Э.Рем садоқат борасида Гиммлердан ҳам ўтиб кетиши мумкинлиги ва Гитлернинг соясидан жой олишидан Гиммлернинг қўрққанлигида эди.

Тарихда бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп. 1905 йилги "қонли якшанба", подшоҳ Николай II Романов ва унинг оиласи аъзоларининг қириб ташланишини шулар жумласига қўшиш мумкин.

Кимлар учундир террорист ҳисобланган шахс, бошқаларга озодлик учун курашчи сифатида гавдаланиши ҳам мумкин. Шу сабабли, терроризмнинг аниқ назарий (ва унга таянувчи ҳуқуқий) белгилари аниқланмагани ҳам у билан курашишни қийинлаштиради. Чунки бу ҳолда ушбу ҳодиса анча эркин, яъни айрим пайтларда жуда кенг (қайд этилган "кеча"лар) ёки сиёсий ва жамоат арбобларининг ўлдирилиши (қуйида зикр этилган мисолларга доир Ўзбекистон Республикасининг, собиқ Ўзбекистон ССР ва РСФСРнинг Жиноят кодексларида белгиланган моддаларини қуйида кўриб чиқамиз) даражасигача торайтириб қўйилган. Айрим вақтларда бу нарса терроризмнинг бир беъманилик даражасида белгиланишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, Аргентина хунтасининг етакчиси бўлган Х.Р.Видела бир пайтлар "Ғарб ва христиан тамаддуни ғояларига қарши ғояларни тарқатувчи" ҳар қандай кишини террорист, деб эълон қилган эди. Шу ўринда нима учун "шарқий", "исломий" ёки "иудавийлик" тамаддунига эмас, айнан "Ғарб ва христианлик тамаддунига" деган ўринли савол туғилади.

1999 йил март ойида Мисрда ўтказилган "Тинчликпарварлар Саммити"да МАРнинг президенти Х. Муборак шундай деган эди: "Терроризм бутун дунёда мавжуд ва мусулмонлар гуруҳлари сабабли пайдо бўлаётгани йўқ. Чунки бу фақат мусулмонларга хос ҳодиса эмас, аксинча бу бошқа динлар ва тамаддунларга зарар етказганидек мусулмонларга ҳам зарар етказувчи ҳодисадир".

Сиёсий адабиётларда "терроризм" тушунчасини аниқлашда миллий қонунчилик меъёрларидан келиб чиқиш керак, деган нуқтаи назар тобора устун келмоқда. Масалан, АҚШда "терроризм" атамаси қасддан сиёсий мулоҳазаларга асосланиб, ҳарбий бўлмаган нишонларга, кичик миллий гуруҳлар ёки жосуслар орқали аҳолининг у ёки бу гуруҳига таъсир ўтказиш мақсадидаги зўравонликни ифодалайди.

Кўриниб турибдики, бу таъриф ҳам жузъий камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Чунки бу ерда гап "ҳарбий бўлмаган объектлар" тўғрисида боради. Бунда зарба бериш ёки бошқа ҳаракатларда фойдаланиш мумкин бўлган ҳарбий самолёт, крейсер-авианосецлардаги ядровий, биологик, информацион қуролларни ҳарбий қуроллар сирасига қўшмаслик мумкин эмас. Кўплаб америкалик ҳарбийларнинг ўлимига сабаб бўлган Дахрандаги казармадаги портлаш, 2000 йил Аден яқинида Америка ҳарбий кемасининг портлатилиши каби террористик ҳаракатлар ҳам шулар жумласидандир.

Бизнингча, бу ҳодисанинг асосига экстремизм тушунчасини қўйиш анча тўғрироқ бўларди. Экстремизм (лотинча-extremus-сўнгги чора) сўнгги, энг охирги чора ва радикал қарашларга тарафдорлик демакдир (Словарь иностранных слов. М., Русский язык, 1991. с. 577). Бу фикрда жон бор, чунки "экстремизм"нинг ҳам, "терроризм"нинг ҳам асосида "зўравонлик" ётади. Бу ўхшашлик уларни деярли тенглаштиради.

Филологик нуқтаи-назардан, экстремизм сўзи терроризм сўзига нисбатан кенг қамровлидир. Чунки терроризм асосида содир этилган қотиллик ҳам сўнгги чора ва шу сабабли уни экстремизмнинг намоён бўлиши, дейиш мумкин. Уларни фарқлаш учун сиёсий белгилар мавжуд бўлиши керак. Давлатлар тарихида "террор" тушунчаси ва ундан келиб чиқадиган "терроризм" қотиллик ва жисмоний зўравонликнинг бошқа кўринишлари билан бирга "сиёсий хусусиятга эга қатағон", деб шарҳланган. Бунда террористик ҳаракатлар маълум шахс, тузилмаларнинг жисмоний ҳаракати, зўравонлиги доирасидан чиқиб, бутун бошли давлат даражасига кўтарилган. В.И. Ленининг "оқ террорга қизил террор билан жавоб берамиз" деган чақириғини эслайлик. Бу чақириқ большевиклар ҳукуматининг партия, давлат арбобларининг ўлдирилишига ўлдириш билан жавоб беришини оқлаши керак эди. Шунингдек Гитлер, Сталин, Берия раҳбарлигида уюштирилган террор ҳаракатлари ҳам барчага маълум. Масалага янада аниқлик киритиш учун "хрушевчасига илиқлик" даврига

мурожаат қиламиз. Бунда бир қонуний савол туғилади:"Хўш, Хрушчев, Сталин террорининг фаол иштирокчиси эмасмиди? Ахир Хрушчев "учлик"нинг қонли ҳукмларини имзолаб, тасдиқламаган эдими?!. Бу воқеалар бирон-бир давлатнинг маълум тарихий давридаги сиёсатини ўзида мужассамлаштирган давлат арбобининг хатти-ҳаракатини шахс иродасига боғлашнинг бир кўринишидир. Бунга мисол тариқасида айрим кўзга кўринган давлат арбоблари томонидан бутун шаҳар ва давлатларнинг "террорчи шаҳар", "террорчи давлат", деб эълон қилинишини келтириш мумкин. Ш. Перес 1996 йил мартдаги "Тинчликпарварлар саммити"да жаҳон ҳамжамияти давлатлари раҳбарлари олдида: "Теҳрон – террорнинг пойтахти, Эрон эса – терроризмнинг гирдобларидан биридир", деган эди. Ливияликлар ҳам "қарздор" бўлиб қолмаслик учун ўша заҳотиёқ "Терроризмнинг минтақадаги асосий манбаи бу – Исроилдир", деб жавоб қайтаришган эди. "Хамас" Ислом ташкилоти, ўз навбатида, Исроилда амалга оширилган террористик ҳаракатларни оқлаб матбуотда баёнот берди ва бу ҳаракатларини "ўзини ҳимоя қилиш", деб баҳолади ва "Саммит" жараёнида "тинчликпарварлар"ни Исроилнинг босиб олинган Фаластин ҳудудларидан чиқариб юбориш учун босим кўрсатишга чақирди. Ўшанда Россиянинг собиқ Президенти Б.Ельцин "терроризм – бу ҳамма жойда терроризм бўлиб қолади ва бунга нисбатан икки ёқлама ёндашувга йўл қўйилиши мумкин эмас", деган фикрни билдирганида ҳақ эди.

"Террористик давлат ва шаҳарлар" ҳақида ҳиссиётларга берилмасдан, "террор" тушунчасининг кўп ҳолларда истиорали, яъни кўчма маънода қўлланилишини таъкидлаш зарур. Бу тушунча ўрнида кўпчилик ҳолларда "жиноий, иқтисодий информацион террор" атамалари ишлатилади. Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида "Россияда жиноий терроризмнинг оммавий авжга чиқиши" каби иборалар тез-тез янграб турибди. Бу билан ўз таъсир доираси учун рақобатлашаётган жиноий гуруҳларнинг тўқнашувлари, ҳокимият вакилларининг ультиматум, талабларга кўнмаганлиги ёки "илтимосни бажармаганлиги" учун ўлдирилиши, давлат идоралари, ҳусусий корхоналар идоралари, банкларнинг портлатилиши ёки уларга ўт қўйилиши, хотинларнинг ўз эрлари-рақибларининг ёлланма қотиллар, яъни "ёлланувчилар" томонидан ўлдиртиришини тушуниш мумкин.

"Иқтисодий террор" ҳодисаси узоқ тарихга бориб тақалади. Бир вақтлар душман томонидан қамалда қолиб кетган қалъалар ҳимоячилари сувсизликдан ҳалок бўлишар ёки ғолибларга асир тушишарди. Йигирманчи асрдаги иқтисодий террор, машҳур рус фабриканти Рябушинский ибораси билан айтганда, қуйидагича бўлган: "уларни (пролетариатни, У.У.) очликнинг озғин қўллари билан бўғиб ўлдирамиз". Бу ҳозирги кунда "иқтисодий террор", "санкция", "эмбарго" деган тушунчаларга тўғри келади.

Террорнинг янги шакли бу информацион террордир. "Чўлдаги бўрон" тадбирини амалга ошириш жараёнида компьютерга жойлаштирил-

ган "бир унция америка кремний"си Ироқнинг давлат ва ҳарбий бошқарувини, шунингдек ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш ва алоқа мажмуасини ишдан чиқарганди. Бундан ташқари зарбанинг таъсири бундай самарали бўлишини информацион урушнинг аввал маълум бўлмаган "мантиқий бомба" турининг "Троян оти", "вирус-қотил 666" каби кўринишлари таъминлади. Бунинг устига, ҳозирги махфий лабораторияларда руҳий таъсир ўтказувчи, кишиларнинг хатти-ҳаракатини бошқариб, уларнинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи информацион қуролларни синаб кўриш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Умуман олганда "зомби-қотиллар" аввалдан маълум эди. Лекин биз таърифлаган кейинги ҳолатда ган "ислом ва христиан дини намоёндаларининг "жаннат"дан туриб қарилликни тўхтатишга чақирувчи голографик қиёфасини ифодаловчи махсус психологик бўлинмалар яратиш" ҳақида бормоқда. Жангчиларни, ҳатто улар худога ишонмасалар ҳам, кучли фалаж ва ларзага келтириш учун беш минут вақт кифоя. Бундан кўриниб турибдики, тушунарлидек кўринган бу ҳодисага умумэътироф қилинадиган, ҳар томонлама тўғри таърифни бериш унчалик осон иш эмас.

Америкалик олимлар В. ва С.Маллисонлар терроризмга: "Оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонлик хавфи ва зўравонликдан мунтазам равишда фойдаланиш" (Ляхов Е.Г. –Терроризм и международные отношения. М., 1991. с. 14), деб таъриф беришган.

Терроризм билан бевосита курашга кирган АҚШнинг федерал қидирув бюроси (ФБР) терроризмга: "сиёсий ва бошқа мақсадларни амалга оширишда ҳукуматга, аҳолига ёки унинг исталган қисмига босим ўтказиш ёки қўркитиш, шахс ёхуд мулкка қарши куч ва зўравонликдан ноқонуний фойдаланиш" кабилида таъриф беради (Ўша жойда, 19-б.).

1996 йил декабрида Лиссабонда бўлиб ўтган давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сўзга чиқиб, хавфсизлик мавзусида сўзлаганда биринчи навбатда терроризмни назарда тутиб, "бу масалага фақат сиёсий ёки ҳарбий тушунча сифатида ёндашиш етарли эмас. Бу иқтисодиёт, демократия, наркотик моддаларни ишлаб чиқиш, маблағларни ўзлаштиришга уриниш, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдир" деган эди (Правда Востока, 1996 йил, 6 декабрь). Бу ерда масалага анча кенгроқ, уруш ва сиёсатнинг анъанавий доираларидан чиқадиган янгича ёндашув мавжудлиги кўриниб турибди. Яна шуни таъкидлаш керакки, айнан Лиссабондаги учрашув қатнашчилари терроризм – уюшган жиноятчиликнинг кўринишларидан бири деган якдил фикрга келишди. "Терроризм" тушунчасини атрофлича аниқлаш учун В.Петришевнинг терроризм – қўркитиш, бирон-бир давлат ҳукумати, унинг ҳокимият тизими, бир гуруҳ фуқаро ёки бутун аҳолига нисбатан террористлар учун маъқул ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш, деган фикрини қайд этмоқчимиз (В.Петришев. Международный терроризм: теория и практика. Юридическая газета. 17 июня, 1999 года).

Колин С. Грей ана бошқача нуқтаи-назарни билдирган. Унинг фикрича кўра, терроризм табиатини унинг асосий хусусиятларини аниқлаш ёрдамида тушунтириш мумкин. Бундай хусусиятларга у терроризмнинг моҳиятини ошкланишга ёрдам берувчи қатор аниқ хатти-ҳаракатларни киритади. Бу ҳаракатлар:

- қўрқинч ва потенциликни кучайтиришга қаратилган;
- бевосита қурбонлар ва гувоҳлардан кенгроқ аудиторияга йўналтирилган;
- кутилмаган зарбалар беришга қаратилиб машҳур, рамзий нишонларга зарба берувчи;
- жамиятда фалажликни ташкил этиш мақсадида онгли равишда ижтимоий меъёрларни қўпол равишда бузишга қаратилган;
- сиёсий реакцияни назарда тутади (Колин С. Грей. Борьба с терроризмом. "Combating Terrorism" Paraweters, Autumn, 1993, pp. 1-23).

Колин С.Грейнинг ёндашуви терроризмнинг тушунча сифатидаги мазмунини тўлиқ очиб бериш имконини беради, лекин бу ҳам охирги хулоса учун етарли эмас.

Амалда РСФСР Жиноят Кодексининг нусхаси бўлган собиқ Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг (СССРнинг Жиноят Кодекси бўлмаган. - У.У.) 56 ва 57-моддаларида террористик ҳаракатлар деганда: "давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилини унинг давлат ва жамоатчилик фаолияти билан боғлиқлигидан келиб чиқиб ўлдириш ёки шу мақсадларни кўзлаб ўша шахсларга оғир жароҳатни етказиш" тушунилган. Қолаверса, бу – мамлакат ичкарисида, давлатлараро муносабатларда эса "халқаро чигалликлар ва уруш келтириб чиқариш мақсадида хорижий давлат фуқаросини ўлдириш" тушунилган.

Бу ерда гап фақат террористик ҳаракат (терроризм ҳақида эмас) устида бормокда ва бу ҳаракат қотиллик, ёки маълум бир шахсларга маълум бир мақсадларни кўзлаб оғир тан жароҳати етказиш сифатида таснифланади, аммо бу терроризмнинг моҳиятини тушуниб етиш учун етарли эмас. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли ва масъулиятли субъектига айланди. Бундан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда, республика жиноий-ҳуқуқий қонунчилиги қайта ишлаб чиқилди. Терроризм энди маълум бир шахс ёки хорижий давлат фуқаросига қарши террористик ҳаракат содир этиш сифатида ифодаланмасдан, қонунда унга бир бўлим ажратилди. Бу боб "Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят", деб номланди (терроризмни таснифлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари қуйида очиб берилади).

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, у ёки бу назариялар муаллифлари берган таърифларнинг эътиборга лойиқ жиҳатларини ҳисобга олиб, терроризмнинг асосий ижтимоий-сиёсий хусусиятларини "зиддиятлашаётган

томонларнинг қуролли, ноқонуний кўпорувчилик фаолияти" сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аввалambор, бу – ҳаракат (ёҳуд содир этиш хавфи) ва айрим ҳолларда - ҳаракатсизлик;

- албатта, бу – тақиқланган, айбли, хавфли ҳатти-ҳаракатни содир этиш; ёҳуд уни содир этишнинг хавфи;

- онгли равишда, аввалдан ўйланган ҳаракат;

- экстремистик хусусиятга эга бўлган (кескин, меъёрларга, умум қабул қилинган талабларга тўғри келмайдиган) ҳаракат;

- зўравонликнинг турли кўринишлари шаклидаги ҳатти-ҳаракат (қотиллик, портлатиш, ҳужум, босиб олиш, ирода, руҳиятни синдириш), зўравонлик билан қилинган суиқасд ёки зўравонликни қўллаш хавфи;

- тинчлик, давлат, ташкилот, фуқаролар хавфсизлиги манфаатларига зарар етказувчи зўравонлик;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказувчи зўравонлик;

- жиноят субъекти томонидан халқаро муносабатларни чигаллаштириш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, маълум бир шахс ёки давлат томонидан қабул қилинган қарорларга ёки уларнинг қабул қилинишига таъсир ўтказиш, каби маълум ғаразли мақсадларни кўзловчи ҳаракат;

- сиёсий мақсадларидан келиб чиқиб: ирқий, этник, миллий, диний ва ҳ.ларга бўлинади;

- жамиятда кучли шов-шувни келтириб чиқаришга йўналтирилган, яъни ошкоралик, намойишкорлик хусусиятига эга;

"ичкаридаги" террор кўпинча ички сиёсий кураш усули ҳисобланади (масалан, муаммоларни тинч йўл билан ечишни хоҳламаслик ва ҳ.к.).

Терроризм – бу кишилар озодлиги, тинчлик учун курашиш эмас ва у жаҳон ҳамжамияти, ҳар бир демократик давлат, тинчликсевар шахс томонидан қораланади. Терроризм бу – ёвузлик, агар сен курашмасанг, оқибатда у сенга келади.

Терроризмга нисбатан иккиёқлама ёндашув бўлмаслиги керак.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, терроризмнинг қуйидаги умумлашган таърифини бериш мумкин: **Терроризм бу – маълум сиёсий мақсадларга эришишга йўналтирилган, тинчликка, фуқаролар хавфсизлигига ва ҳаётига зўравонлик ишлатиш ёки уни қўллаш хавф-хатарини туғдиришдир.**

2000 йил 15 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида терроризмга ...халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаш-

тириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятини амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотларининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштиришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият" – тарзида таъриф берилади.

"Терроризм" тушунчасига ёндашувнинг турли хиллиги бу ҳодисанинг тадқиқотига назарий қизиқиш уйғотиб қолмасдан, терроризм моҳиятининг минтақавий ва глобал даражадаги халқаро муносабатлар доирасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, этник ва диний қарама-қаршиликлар билан боғлиқ бўлган ўзгарувчанлигини ҳам акс эттиради.

Дунёнинг у ёки бу минтақаси – Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Европа ёки Лотин Америкасида содир этиган, террористик ҳаракатлар ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлигидан ва зўравонликдан кўп ҳолларда бу қарама-қаршиликларни ечиш воситаси сифатида фойдаланилаётганидан гувоҳлик беради. Терроризм террористларнинг сиёсий мақсадларни амалга оширишига қўл келувчи ёки тўсқинлик қилувчи шароитлардан келиб чиққан ҳолда шаклланади, аммо шу билан биргаликда унинг вақт ва макони, жиноятни содир қилишнинг ғоявий асослари ва тактикасида ўзига хосликлар кўзга ташланади.

АҚШ Давлат департаментининг, 1999 йилдаги, глобал терроризм тўғрисидаги маърузасида қайд этилишича, ҳозирги даврдаги терроризм:

- яхши ташкил қилинган, маҳаллий (локал) ҳомий давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб турувчи террористик гуруҳдан эркин тузилган халқаро жиноий уюшмага айланганлиги;

- сиёсий террордан диний ёки ғоявий асослари устун бўлган терроризмга ўтиши;

- терроризм марказининг Яқин Шарқдан Жанубий Осиёга, хусусан Афғонистонга кўчиши; террористик ташкилотлар томонидан улар жазосиз ҳаракат қилиши мумкин бўлган минтақалардан жой қидириши;

- молиялаштиришнинг хусусий ҳомийлар, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва ноконуний савдо-сотиқ каби манбаларидан фойдаланиши каби ўзига хос хусусиятлар касб этди (Доклад Госдепартамента США о глобальном терроризме, 1999 год, http eurasia, ord,\2000\ \extrem\ 07-12 terrorism, html).

Терроризмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – террористик ташкилотларнинг ўз фаолиятини фаоллаштириш борасида ўзаро ҳам-

корлик қилишидир. Бу масалага америкалик профессор Р. Винсент халқаро терроризм ҳаракати салмоққа эга бўлса, бошқа террористик гуруҳларни ҳам шунчалик кучли рағбатлантиришини ва бу омил ҳисобга олиниши кераклигини қайд этиб ўтди. Чунки улар бундай ҳолни ўзларига ўътиборнинг кучайганлиги сифатида ғурур билан қабул қилади ва янги талаблар қўйиш учун қўшимча асосларга эга бўлишади. Айнан шундай ҳолат ички терроризм учун ҳам хосдир (Морозов Г.И. Международный терроризм. М., Государство и право. 1997, с. 64.).

Ҳар бир террористик ҳаракат бошқа террористик гуруҳларнинг ўътиборини тортмасдан қолмайди. Улар бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қандай муносабатда бўлиши ва жиноий ишни суриштиришдаги ҳаракатларини таҳлил қилишади. Террористик ҳаракатни бирор ишга чақириқ сифатида ёки давлат органларини чалғитиш мақсадида ҳам содир этиши мумкин.

Терроризмнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ҳозирги шароитда террористларнинг фаолияти кенг қулоч ёйиб давлат чегаралари доирасидан чиқиб кетаётганлигидир. А.И. Гушернинг фикрига кўра бу билан терроризм мустаҳкам халқаро тус олиб, таркибий ва ташкилий хусусият касб этиб бормоқда. Бу террористларнинг раҳбарияти, бошқарув тизими, режалаштирилувчи бўлинмаларга ўтаётганликларида кўринмоқда. Энг йирик гуруҳлар раҳбарларининг турли миллатларга мансуб террористик тузилмаларининг ҳаракатини мувофиқлаштириш учун маслаҳатлар ва учрашувлар ўтказганлигини юқорида қайд этдик. Уларда кучли ахлоқий-руҳий таъсир ўтказиш ва жамоатчиликнинг диққатини жалб этиш учун ташвиқот-тарғибот ишлари йўлга қўйилган (Гушер А.И. Проблема терроризма на рубеже третьего тысячелетия новой эры. Hlp:\ www.e-journal, rwp, euro-st-3 html.).

Тарғибот-ташвиқот билан таъминланганликнинг йўналиши тўғрисида гапирганда шуни айтиш керакки, террористик ташкилотлар терроризмни реклама қилишдан манфаатдордирлар. Улар ўзларининг ишлари тўғрисидаги хабарларни "катта матбуот"га "ўтказишдан" аниқ мақсадларни кўзлашади. Бу мақсад шундан иборатки, ҳар қандай портлаш, отиш, қотиллик матбуот, телевидение, радио учун оддийгина шов-шув, янгилик эмас, балки терроризм технологиясини батафсил ёритадиган "махфий йўриқнома" вазифасини бажариши керак.

А.С.Грачев сиёсий экстремизм хусусиятларини тадқиқ қилар экан, унинг асосий жиҳати – содир этилган ҳаракатларнинг аниқ сиёсий ёки амалий натижаларга, оқибатларга йўналтирилмасдан, балки жамоатчиликнинг диққатини жалб этишга қаратилган деган фикрни билдирган (А.С.Грачев Политический экстремизм. М., Мысль, с. 117.). Шунингдек, бу жараёнга матбуот ва телевидениенинг фаол жалб этилиши ва экстремистик ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларнинг [illegible] кўра уларнинг қарашлари ва талабларини [illegible] эса

SAMARQAND IQTIS OT
VA SERVIS INSTI T
AXBOROT RESURS M KAZI

ўз навбатида терроризмнинг "реклама қилиниши"га сабаб бўлади (Ўша жойда. 167-б.).

Халқаро терроризмнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда у жаҳон ҳамжамияти учун стратегик аҳамиятли муаммолардан биридир, чунки бу ҳодиса стратегик миқёсда пайдо бўлади ва ҳаракатланади. "Амалда гуруҳий ва якка тартибдаги асослар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, деб ёзади Колин С. Грей, террористлар стратегик ҳаракат қилишади: чунки улар "мақсад воситани оклайди" тамойили асосида яшашади. Уларнинг бу стратегиясини енгиб ўтилса, террористларни янчиб ташлаш мумкин бўлади" (Грей С. Колин. Борьба с терроризмом. "Combating Terrorism" Paraweters, Autumn, 1993, pp. 1-23).

Терроризмнинг ҳозир ва яқин келажакда ҳам бутун жаҳон ҳамжамиятига тобора кучли таҳдид солишига шубҳаланмаса бўлади. Терроризмнинг тез ўсиши ҳалокатли тус олмокда. Чунки у тобора кўпроқ кишиларга ўлим ва кулфат келтирмокда, транспорт объектларининг, бошқарув ва турар жой биноларининг, техник мосламаларнинг бузилишига сабаб бўлмокда. Криминологларнинг таъкидлашича, террористик ҳаракатлар йилдан йилга энг замонавий техника, қурол, аслаҳа воситаларидан фойдаланиб, жуда пухта ўйланиб ташкил қилинмокда.

Террористик ташкилотларнинг миллатлараро хусусият касб этаётганлиги терроризмнинг глобаллашувига асос бўлади. Террористик фаолият миқёсини кенгайтириш ҳозирги пайтда глобал жиноий ҳамжамият шакллантираётган уюшган жиноятчилик билан стратегик иттифоқлар пайдо бўлишига ниҳоятда қулай имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, маҳаллий (локал) терроризмнинг глобал даражагача ўсиши тинчлик ва инсониятга, халқаро муносабатлар барқарорлиги, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими мустаҳкамлигига таҳдид туғдиради. Шу туфайли, терроризмнинг глобаллашувига қарши курашиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим стратегик муаммолардан биридир. Бу муаммони барча давлатлар куч ва ҳаракатларини бирлаштириш, халқаро терроризмга самарали курашишнинг байналмилал стратегиясини қўллаш йўли билан муваффақиятли ҳал этиш мумкин бўлади.

2. ТЕРРОРИЗМНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Терроризмни ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш унинг узоқ ўтмишга бориб тақалувчи тарихини ўрганишни тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда гап унинг генезиси (келиб чиқиши), терроризмнинг ўтмиши билан бугунини боғловчи чуқур илдизлари ҳақида бормоқда. Фикримизча, терроризмнинг келиб чиқишини таҳлил этиш учун тарихий вақт ва тарихий далил тоифалари (категориялари)ни, шунингдек, аниқ тарихий воқеликни ҳисобга олиш керак. Шу сабабли тадқиқотимизнинг назарий-услубий асосини тизимли-генетик ва қиёсий тарихий услубларнинг умумлашуви ташкил қилди ва бу мазкур ҳодисанинг вақт билан боғлиқлигини – терроризмнинг илк шаклидан ҳозирги кўринишигача бўлган ўтиш механизмини билиш имконини берди. Тизимли-генетик услуб терроризм ривожланишининг бошланғич шароити, босқичлари ва асосий ривожланиш анъаналарини ўрганиш имкониятини беради.

Тадқиқотнинг яна бир услуби тизимли ёндашувдир. Бунда терроризмнинг келиб чиқиши (генезиси)ни ўрганиш инсоният жамиятининг капиталистик давригача бўлган феодализм даври ва капитализмга ўтиш давридаги тарихий-сиёсий ҳодиса сифатида қарашдан иборатдир. Чунки, айнан феодализмдан капитализмга ўтиш даври бир қатор Европа давлатларидаги ижтимоий инқилоблар, монархияга қарши чиқишлар, бошқарувнинг буржуа-демократик шаклларига ўтиш билан бевосита боғлиқ давр эди.

Қадимги манбаларда суиқасдлар, доҳийлар ва ҳукмдорларнинг ўлдирилиши, ўлим хавфи остида бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки тож-тахтдан воз кечишга мажбурлашлар батафсил ёритилган. Уларнинг кўпчилигини ҳозирги давр тушунчасидан келиб чиқиб терроризм сифатида таснифлаш мумкин. Мисол тариқасида араб босқинчиларига қарши курашчиларнинг йўлбошловчиси, хоразмлик шаҳзода Ҳурзоднинг, Мовароуннаҳр султони Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилишини келтириш мумкин. Мирзо Улуғбекнинг ўлими Шайбонийлар сулоласининг ҳокимиятга келишига замин яратган эди.

Терроризмнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тадқиқотига тизимли ёндашув, унинг XIX-XX асрлар давомидаги ривожланишини ҳам ўрганишни талаб қилади. Кейинги даврлар қуйидаги босқичларга бўлинади: Россиядаги инқилобий ҳолат; Италия ва Германияда фашизм тузумининг ўрнатилиши; 30-50-йилларда СССРдаги оммавий қатағонлар; "совуқ уруш" ҳолати ва Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда мустамлакачилик тизимининг емирилиши. Якунловчи босқич XX асрнинг 60-йилларига ва сўнгги ўн йиллигига тўғри келади. Айнан шу даврда "сўл" ва "ўнг" терроризм, диний экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, шунингдек элатлар ва миллатлараро зиддиятлар кенг қулоч ёйди.

Терроризмнинг ривожланиш босқичларини унинг қандай тарзда намоён бўлиши шакллари нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ қилиш мумкин бўлади. Бундай ҳолда терроризмнинг дастлабки давридаги суиқасдлар, сиёсий партиялар таркибидаги махсус тузилмаларни, масалан, сўл эсерлар партиясидаги якка мутаассиб-террористлар; 60-йилларнинг "сўл" ва "ўнг" радикал террористик ташкилотлари; диний-экстремистик террорчилик ташкилотлари; айирмачилик йўналишидаги террористик ташкилотлари (ЭТА, ИРА, Тамил Илама ва ҳ.к) каби шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Юқорида қайд қилганимиздек, генетик услуб тадқиқ қилинаётган ҳодиса ривожланишининг бошланғич даври ва босқичлари ҳамда асосий анъаналарини аниқлаш имконини беради. Бу масалани ҳал қилиш учун терроризм пайдо бўлиши мумкин бўлган даврдаги жамиятнинг ривожланганлик даражасини билиш, яъни ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини аниқлаш керак.

Терроризмнинг ривожланиш босқичларини хронологик чегаралаш қийин эмас. Албатта, бу шартли равишда бўлади. Чунки, бунда вақт эмас, балки терроризмнинг қайси босқичга мансублиги муҳим аҳамиятга эга. Терроризмнинг ривожланишини босқичларга ажратиш бу қандайдир механик вазифа бўлмасдан, балки кўпроқ билиш ва ўрганиш мақсадига хизмат қиладиган ишдир. Чунки, терроризмнинг ҳар бир босқичига ўз жиҳатлари, белгилари ва намоён бўлиш шакллари хосдир.

Шунинг учун босқичларга ажратиш асослари ва мезонлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, агар географик омилни оладиган бўлсак, бу ҳолда Европа, Осиё ёки Шимолий Америка терроризми ҳақида гапириш мумкин. Бу ҳолда, терроризмнинг пайдо бўлиши давр нуқтаи назаридан анча фарқланади. Демак, шундай бир мезонни белгилаб олиш керакки, бу мезон терроризмнинг сифат хусусиятларини янада тўлароқ очиб берсин.

Терроризм ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлганлиги учун ҳам унинг босқичларини ижтимоий-сиёсий мезонлар асосида ажратиш керак. Миллий, диний, умумий ва бошқа хусусиятлари терроризмнинг тарихий жараёндаги қиёфасини белгилайди.

Терроризм муаммосига илмий ёндашув уни миллий, сиёсий, Осиё ёки Европа муаммоси сифатида ўрганилишини талаб қилади. Бунда умумтарихий жараёндан келиб чиқилган ҳолда қилинган таҳлилгина самарали бўлиши мумкин. Шунинг учун терроризмнинг келиб чиқишини ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли, терроризмнинг келиб чиқиши (генезиси)ни тадқиқ қилишга тизимли ёндашув мақсадга мувофиқдир. Яъни, терроризмни **инсоният жамияти ривожланишининг капитализмгача бўлган даври, Буюк Француз инқилоби билан бевосита боғлиқ бўлган феодализмдан капитализмга ўтиш даври, бир қатор Европа давлатларида монархия тузуми билан курашиш, шунингдек, буржуа демократияси қарор топиши**

даврининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳодисаси сифатида ўрганилиши керак. Бундан ташқари, унинг XIX асрдаги ривожланиш босқичларини алоҳида кўрсатиш лозим. Айни шу даврда терроризм тўлқини Россияни, бошқа давлатларга кўра, кўпроқ қамраб олган эди.

Унинг XX аср даврини ҳам бир неча, яъни: айтиб ўтганимиздек, Россиядаги инқилобий ҳолат ва подшо монархияси билан курашиш босқичи; Италия ва Германияда фашистик тузумнинг ўрнатилиши ва СССРда 30-50-йиллардаги оммавий қатағонлар босқичи; "совуқ уруш" ва Осиё, Африка, Лотин Америкаси давлатларидаги миллий-озодлик ҳаракатлари босқичи; диний экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчилик, шунингдек элатлараро ва миллатлараро зиддиятлар кучайган XX асрнинг 60-йиллари ва сўнгги ўн йиллиги каби босқичларга бўлиб, таҳлил қилиш лозим.

Сиёсий терроризм ўзида зўравонлик ва мажбурловчи аппаратни мужассамлаштирган давлат ҳокимиятининг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган. Аммо шу ерда, ибтидоий жамият даврида ҳам терроризм мавжуд эдими? - деган савол туғилади.

Ахир шафқатсизлик, зўравонлик, ўзларига ёқмаган кишиларни ўлдириш инсониятга Homo Sapiens пайдо бўлганидан буён ҳамроҳ бўлиб келган ва ҳозир ҳам бор-ку! Бу саволга рад жавобини бериб, қуйидаги асосни келтирамиз. Давлат ижтимоий-сиёсий институт ҳисобланади, шундан келиб чиқсак, қабила (уруғ) – бу биринчи (дастлабки) ижтимоий институт, сиёсий институт эмас. Бу ибтидоий жамиятда ижтимоий табақалашувлар юз бермаган ва у озми-кўпми, бир уруғдан бўлганлиги билан изоҳланади. Ибтидоий жамиятда сиёсий ҳокимият бўлмаган, чунки сиёсий ҳокимият кучнинг моддий-ашёвий манбаидан, яъни зўравонлик органи, мажбурловчи муайян ҳарбий ташкилотдан ташкил топади. Буларнинг ҳаммаси уруғнинг кучи ва иродасини билдирган, яъни уруғга ҳукмронлик қилувчи субъект бўлган ва у уруғни ўз иродасига бўйсундирган. Шундай қилиб, ибтидоий жамият даврида ҳокимиятнинг объекти ва субъекти бир-бирига тўлиқ мос тушган. Шунинг учун бу ҳокимият ўз табиатига кўра жамиятдан ажралмас, жамоатчиликни бўлмас, сиёсийлашмас эди (Теория государства и права. Учебник под редакцией С.С Алексеева, М., 1995). Гарчи амалдаги мавжуд қоидаларни бузганлик учун шафқатсиз жазолар (то ўлим жазосигача) қўлланилган бўлсада, ҳокимиятнинг мажбурловчи махсус органлари бўлмаган. Уруғнинг ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ барча масалалар жамоанинг умумий йиғилишида ҳал этилган. Шундай экан, бу жамиятдаги ҳокимият сиёсий эмас, жамоавий бўлган, шунинг учун ўша пайтларда қандайдир сиёсий ҳокимият учун курашиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Аниқроғи, терроризм учун шарт-шароит бўлмаган. Бунинг устига, ибтидоий жамоа даврида ижтимоий табақаланиш бўлмаган, яъни уруғнинг бошқа бир бўлаги устига ҳукм-

ронлик қилишга интилган қарама-қарши кучлар бўлмаган. Жамоатчилик ҳокимияти кишиларни ҳокимиятнинг бир унсури сифатида ўз иродасига бўйсундирган. Шу сабабли, ибтидоий жамиятда терроризмнинг пайдо бўлиши учун шароит бўлмаган.

Ҳокимият жамиятнинг тизим ташкил қилувчи унсуридир. Бу кишиларни турли усуллар, шу жумладан, мажбурлаш усулидан фойдаланувчи, ўзига бўйсундиришни таъминловчи, ташкилий кучдир.

Жамиятнинг уруғчилик шакли барҳам топиши билан давлат пайдо бўлган ва унинг пайдо бўлиши тадрижий йўл билан юз берган. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида жамиятнинг ижтимоий тузилиши ўзгариб борган. Унинг синфларга ажралиши билан сиёсий институтлар ва жамиятнинг сиёсий тизими шакллана бошлаган. Терроризм ҳодисасини тадқиқ қилаётганда уруғчилик жамиятидан давлатга ўтиш жараёнига тўхталишга эҳтиёж йўқ. Илмий нуқтаи-назардан олиб қараганда, терроризмнинг бошланғич даври деб, ўша давр давлатчилигининг кўпгина хусусиятлари, етарли даражадаги белгиларидан гувоҳлик берадиган даврини олиш керак.

Кўпгина давлатлар (хусусан, Шарқ давлатлари) мутлақ монархия бўлиб, уларнинг иқтисодий асосини давлат мулки ташкил қилган. Ғарб давлатларидан фарқли ўлароқ, Шарқда давлатни ташкил қилувчи омил ҳисобланган жамиятнинг синфий тоифаланувига асосланган аниқ ифодаланган синфий табақаланиш кузатилмаган.

Давлат ва ҳуқуқ сиёсий курашнинг асоси бўлиб келган. Давлат ҳокимияти сиёсатнинг олий мақсади ҳисобланади. Сиёсий партия ва ҳаракатлар сиёсий ҳокимият учун фаол кураш олиб боришларининг боиси ҳам шунда. Ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, моҳиятига кўра, барча ишни ўша ҳал қилади. Сиёсий бошқарув вазифаси давлатнинг бошқарувчилик функцияси орқали амалга оширилади.

Шундай давлатлар бўлганки, уларнинг бор қудрати ихтиёрий-мажбурловчи ва жазоловчи органларда жамланган. Бунда ҳокимият диктаторлар ва унинг атрофидаги бир гуруҳ шахслар қўлида тўпланиб қолган. Авторитар ва тоталитар давлатлар шундай пайдо бўлган.

Ўрта асрлар даври терроризми мустабид тузумга қарши ғояларга амал қилишган ва ўз ҳаракатларини аниқ нишонга йўналтирган. Бунга қурбонлар ҳукмдорлар, мансабдор амалдорлар, жуда бўлмаганда, ижроия органларининг вакиллари орасидан танлаб олинган. Чунки, улар террористлар назарида мустабид тузумни ифодалаганлар (Петрищев В. Оружие безумцев. Человек и закон. М.,1995, с. 14).

Масалан, Москва Русида Иван Грозний томонидан сиёсий террорнинг кенг тизими яратилган. Иван Грозний террористик ички сиёсатининг асосини ҳудудларни ер эгалари ва феодаллар табақасига, давлат аппарати ва молияни: опричнина ва земщинага ажратиб ташкил қилган. Опричнина тор маънода давлатнинг имтиёзли қисми сифатида подшоҳ

ҳокимияти яккаҳокимлигини таъминлашнинг асосий қуроли бўлиб хизмат қилган (Земщина – боярларнинг бошқарувига Иван Грозний томонидан берилган давлатнинг бир қисми).

Терроризм феодализмдан капитализмга ўтиш ва янги ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий тузум пайдо бўлаётган даврда ҳақиқий ижтимоий-сиёсий мазмун касб эта бошлади. Табиийки бу жараён барча давлатларда бир хил кечмаган, лекин Европа давлатларида бир вақтда ва деярли бир хил шароитларда юз берган. Бундай кескин ўзгаришлар барча тузумларга хос бўлган. Лекин, жамият ривожланишида ўтиш жараёнлари қанча вақт оралиғида рўй беришидан қатъий назар, одатдагидек ҳокимият алмашуви ва унинг учун курашлар билан бирга юз бериши кузатилган. Бунга ишончли мисол тариқасида, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Буюк Француз инқилобини келтиришимиз мумкин. Бу инқилоб ҳақиқатда ҳам илғор фикр ва анъаналар билан бир қаторда, баъзи бир ҳисобларга кўра 500 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган якобинчилар террори каби, салбий ҳодисаларни ҳам ўзида мужассамлаштирганди.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу инқилобнинг 200 йиллигига бағишлаб чоп этилган "Франция инқилобининг тарихий луғати" муаллифлари инқилобий террор муаммосини халқ ҳаракатининг тартибсизлигида, террорнинг ўзаги эса халқ оммасининг жиловланмаган қутуришида эди, деб билишади. А.В.Аде ва В.Г.Смирнов каби тарихчилар ҳам шунга ўхшаш нуқтаи-назарни ёқлаб, террор "қуйидан", халқ ҳаракатидан келиб чиққан, деб ҳисоблашади.

Луғат муаллифларининг фикрига кўра, террор тарихий жиҳатдан муқаррар эди ва бунга босқинчилар, аксилинқилобчилар ва ижтимоий инқирозга қарши курашиш шарт-шароит яратиб берганди. Уларнинг фикрига кўра, айнан террор "Республиканинг бирлашуви ва душман устидан ғалаба қозонишига" ёрдамлашди (Погосян В.А. Исторический словарь Французской революции. Вопросы истории, М., 1991, №11, с.228).

Лекин, террорнинг асосий сабаблари фақатгина булардан иборат эмас эди. Ҳамма гап якобинчиларнинг 1791 йил конституцияси асосида миллий ярашувга йўл топишга уриниши, 1792 йилдан кейин француз жамиятида сиёсий қутбланишнинг кучайиб кетганлиги боис, ҳеч бир муваффақият келтирмаганлигидадир. Демократик кучларга етакчилик қилаётган якобинчилар устунлиги ҳар қандай келишувни рад қилувчи сиёсий йўналиш тусини олди. Бу йўналишга 1792 йил 29 июлда Якобинчилар клубида сўзга чиққан Робеспьер асос солди ва конституциявийликнинг янги, демократик тушунчасини шакллантирди. "Ҳеч истисносиз ҳар қандай йўллар билан давлатни қутқариб қолиш керак, чунки ҳалокатга олиб келувчи ҳар қандай ҳаракат конституцияга зиддир", деган эди у бу ҳақда (Тарасенко А.В. Андре Шенье и Французская революция конца XVII века. Новая и новейшая истории. М., 1994, №4-5, с. 91).

Якобинчилар терроризмини пайдо қилган омиллардан бири, уларнинг раҳбарлари орасида турли ижтимоий-сиёсий йўналишдаги, шунингдек, ўз кучларини таъсир кўрсатиш ва ҳокимият учун курашга сарфловчи шуҳратпараст ва ҳокимиятпараст кишиларнинг мавжудлиги бўлди.

Ўшанда жиноят процессига одил судловнинг асосий шартлари тўғрисидаги ўзгаришлар киритилганлиги тўғрисида декрет қабул қилинган эди. Унга кўра одил судловнинг асосий шартлари: ҳимоячининг мавжудлиги, ошкоралик ва очиқлик, муҳокамачилар суди(суд присяжных)ни жорий этиш кабилар эди. Худди шундай бир вазиятда айнан якобинчиларнинг қирол Людовик XVIни ҳеч бир терговсиз, судсиз қатл қилишга ҳаракат қилганлиги диққатни ўзига қаратади. М. Робеспьернинг ўзи илгари ўлим жазосига қарши бўлиб, муҳокамачилар тартибини жорий қилиш тарафдори эди. Диктатор бўлиб олгандан сўнг, у ўзининг аввалги қарашларидан воз кечиб, терроризмга кенг йўл очиб берди (Документы истории Великой Французской революции. Вопросы истории. М., 1992, №1, с. 183).

Якобинчилар Людовикнинг қатл кунини узоқлаштиришга ёки бу ҳукмни умуман бекор қилишга ҳаракат қилган жирондистлардан (Вернью, Бюзо ва бошқа) фарқли равишда қиролнинг суд қилиниб, қатл қилинишини талаб қилишарди. Якобинчиларнинг бу нуқтаи-назарини Сен-Жюст жуда аниқ ифодалаган эди: "Ҳар қандай қирол бу – исёнчи ва ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаган кишидир", - деган эди у.

В. Ленин якобинчилар террорига баҳо бера туриб, уни кураш услуби сифатида қабул қилган. 1905 йили биринчи рус инқилоби даврида у шундай деб ёзган эди: "Агар инқилоб узил-кесил ғалаба қилса, биз подшолик билан якобинчиларчасига ҳисоб-китоб қиламиз" (В.И.Ленин. ПСС, Т. 11, с. 47). Ленин ўзининг "Социал-демократиянинг икки тактикаси" номли ишида большевикларни озодлик душманларини шафқатсиз янчаётган ўз даврининг якобинчилари, деб номлайди. Бунинг устига у ўзининг "Халқ душманлари тўғрисида" (мана, бу иборани И.Сталин қаердан ўзлаштирганлиги маълум бўлаяпти), деб номланган мақоласида халқ душманлари тўғрисида декрет қабул қилган якобинчиларни мисол келтиради ва уларнинг қилган ишларидан ибрат олади" (Ўша жойда, т. 32, с. 217.).

Ҳақиқатдан ҳам бу "ибрат" большевиклар учун фақатгина 1917 йили Россиядаги давлат тўнтариши ва ундан кейинги дастлабки йилларни ўз ичига олган даврдагина эмас, ҳатто собиқ СССРда 30-50-йилларда Сталин раҳнамолигида ўтказилган оммавий қатағонлар даври учун ҳам ўрнак бўлди. Шу ерда яна бир ўхшашлик кузатилади.

Бу якобинчилар томонидан террордан фақатгина аксилинқилобчилар билан курашиш учунгина эмас, балки ҳокимият учун курашиш воситаси сифатида фойдаланганида ҳам кўринади. Оддий фуқаролар,

айниқса деҳқонлар бундай террорнинг асосий объектлари бўлган. Сталин ҳам террордан ўзининг сафдошлари билан курашиш, уларни "халқ душмани" сифатида йўқ қилиш ҳамда ўзининг яккаҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланди.

Тарихда кузатиладиган яна бир қизиқ ҳолат, бу- гаровга олинганлар масаласидир. Сиёсатда бу масала биринчи марта Француз Коммунаси даврида кўтарилган. Маълумки, 1871 йил апрел ойида Коммуна гаровга олинганлар тўғрисида декрет қабул қилган эди. Бу декрет нафақат Коммуна иштирокчилари орасида, балки бошқа давлатларнинг демократик доиралар вакиллари орасида ҳам ҳар хил кутиб олинган эди. Ҳатто Троцкий ҳам Коммунанинг жамоат хавфсизлиги қўмитаси раиси Раул Риго томонидан амалга оширилган бундай тадбирларни "ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ келавермайдиган" террористик ҳаракат, деб ҳисоблаган (Отечественная история. М., 1993, №5, с. 61.).

Аслида бундай террористик ҳаракатлар "янгилик" бўлмаганлигини айтиб ўтишимиз керак. Мисол учун, ҳали 1815 йилдаёқ Россиянинг Кавказдаги қўшинлари бош қўмондони генерал Ермолов ўз сиёсати билан боши берк кўчага кириб, кишиларни гаровга олиш ҳаракатининг тамал тошини қўйган эди. У ўзининг қўл остидагилардан бирига бу ҳақда шундай деб ёзган эди: "Гаровга олмай кетишдан эҳтиёт бўлинг, чунки халқ жоҳилдир ва бизнинг бу ишимизни ожизлик деб ҳисоблайди". Бу хат илғор дунёқараш ва фикрлар соҳиби, бўлажак декабрчи П.И.Пестелга ёзилган эди (Убайдуллаев У.А. Общественные науки в Узбекистане. Т., 1997, №12, с. 46-47).

Тарихий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, ижтимоий ларзалар, инқилоблар ҳар доим қарама-қарши кучларнинг кўп сонли курбонлар бериши эвазига амалга ошган. Тарихдаги бирон-бир ижтимоий инқилобнинг қонсиз амалга ошганлигига мисол топиш қийин. Чунки, янги давлатчилик тизимининг пайдо бўлиши, кўпинча, аввалги тизимда ҳукмрон бўлганлар томонидан кескин қаршиликларга дуч келган. Бу нарсани айниқса, Россия тарихидаги учта инқилоб мисолида кўриш мумкин.

Маълумки, Россиядаги инқилобий террорнинг биринчи тўлқини XIX асрнинг 70-йилларида, иккинчиси эса XX асрнинг бошларида кўтарилган эди. Бу даврларда терроризм ҳам авжга чиқди. Император Александр II га етти марта суиқасд уюштирилди ва 1881 йилдаги охиргиси фожиали тугади. Николай II подшоҳлик қилган йилларда сиёсий қотиллик ўша даврнинг ўзига хос рамзига айланди. Суиқасд, тажовуз ва қотиллик тинимсиз давом этарди. 1902 йили ички ишлар вазири Д.С.Сипягин ўлдирилди, айнан шундай қисматга 1904 йил унинг вориси бўлган В.И.Плеве ҳам учради. 1905 йил буюк князь Сергей Александровични бомба тилкалаб ташлади, 1911 йил бош вазир П.А.Столипин яқиндан отилган ўқдан қаттиқ яраланганди.

Ушбу террорчилик ҳаракатларининг бош, асосий манбаи халқ вакиллари – "народоволя"чилар эди. Улар терроризм подшо тузумининг негизини киркади ва халқ оммасини монархия билан фаол курашишга рағбатлантиради, деб ўйлашарди. Аммо халқ уларнинг бу умидларини оқламади. Б.С. Клейннинг таъкидлашича, омма народоволячиларнинг бундай ҳаракатларига мутлақо бефарқ бўлиб қолаверди. Фақат Россиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни янгилашнинг асосий воситаси сифатида террорни тан олган эсерларгина халққа озгина таъсир кўрсата олдилар (Клейн Б.С. Россия между реформой и диктатурой (1801-1920). Вопросы истории. М., 1991, №9-10, с. 5.). Яна шуни таъкидлаш керакки, Россия демократларига икки хил нуктаи назардан ёндашган К.Маркс ҳам бу ердаги сиёсий террорнинг тарафдори бўлган ва "Халқ эрки" ташкилоти аъзоларига хайриҳоҳлик билан қараган. Россиядаги илк марксчилар бўлган Г.В.Плеханов, П.Б. Аксельрод, В.И. Засуличларга маълум даражада менсимаслик билан муносабатда бўлган Э. Бернштейннинг фикрига кўра, К. Марксннинг бундай муносабатига сабаб, унинг сиёсий террор Россиядаги ҳолатни инқилобийлаштириб қолмасдан, балки Ғарбий Европадаги "инқилобий бебошликка" ҳам туртки беради, деб умид қилганлигида (Цит. По Овчаренко Н.Е. Две жизни Эдуарда Бернштейна. Новая и новейшая история. М., 1994, №4-5, с. 228-229).

Демак, аниқ тарихий тажрибаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида "инқилобий силжишлар", радикаллик (кескин чора-тадбирларни кўришга интилиш) диктатура, мустабид тузум терроризмга олиб келади, деган хулосага келиш мумкин.

Қўзғолонлар, деҳқонлар исёни, ишчилар ғалаёнлари қандай шафқатсиз бўлса, буларга ҳокимият тизимининг жавоби ҳам шундай қатағонли бўлиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Ҳокимиятнинг қатағон чоралари кимга қарши йўналтирилган бўлса, улар ҳам шундай тарзда жавоб қайтаришга ҳаракат қилганлар.

Терроризмнинг ривожланишига фуқаролар урушлари ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Маълумки, фуқаролар уруши жамиятнинг бўлиниши натижасида юзага келади. Бу эса сиёсий кучларнинг ўта кучли қутбланишига ва қаттиқ куролли қарама-каршиликларда кузатилади. Бир давлатнинг фуқаролари гуруҳларга бўлиниб, бир-бирлари билан кураш олиб борадилар. Бунга Англиядаги (XVII аср), АҚШдаги (XIX аср), Испаниядаги (XX асрнинг 30-40-йиллари), Россиядаги (1918-1922 йиллар) фуқаролар урушлари мисол бўла олади. Бундай ҳодисалар фақатгина ўтмишда ўзини намоён қилиб қолмасдан, бугунги кунда ҳам сезилиб турибди. Афғонистон, Югославия, шунингдек, Тожикистонда бўлиб ўтган урушларни мисол келтириш мумкин.

У ёки бу давлатда бўлаётган фуқаролар урушлари ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан фарқ қилса-да, уларда умумийлик, ўхшашлик бўлади. Чуқур ижтимоий, миллий ва сиёсий қарама-каршиликларнинг мавжудлиги ушбу ўхшашликнинг асосийсидир.

Ю.А.Поляковнинг таъкидлашича, фуқаролар уруши, бу – ўз негизида чуқур ижтимоий, миллий ва сиёсий зиддиятларга эга бўлган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги қуролли курашдир. Бу қуролли кураш турли, яъни қўзғолон, исён, уюшмаган тўқнашувлар, мунтазам армия иштирокидаги йирик миқёсли ҳарбий тадбир, террорчилик-қўпорувчилик ҳаракатлари шаклларида намоён бўлиши мумкин (Поляков Ю.А. Гражданская война в России: возникновение и эскалация. М., Отечественная история, 1992г. №6, с. 32-33.).

Мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш асосида чиқариладиган хулоса қуйидагича: террор фуқаролар урушининг йўлдоши, унинг маҳсулидир. Бундан фуқаролар уруши - ҳокимият учун ёки бой берилган ҳокимиятни қайта қўлга олиш учун олиб бориладиган курашдир, деб айтиш мумкин. Бу курашларнинг барчаси зўравонлик ҳаракатлари, сиёсий ва руҳий душманлик кайфиятининг ортиб боришида кузатилади. Фуқаролар уруши хазинаси курашнинг яна бир тури – ўзаро террор билан тўлдирилди. 1917-1918 йиллар Россияда бу кураш шафқатсиз тус олди ва 1918 йилнинг кузига келиб, ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

Йўқсиллар диктатурасини эълон қилган большевиклар ҳар қандай сиёсий ён бериш, келишувларни рад этишди ва "жаҳон инқилоби" сари йўл олишди. Оқибатда, фуқаролар уруши келиб чиқди.

1918 йилдаёқ РКП (б) МК ва Совнарком (халқ комиссариати совети)нинг масъул аъзолари (Каменев, Ногин, Риков, Шляпников) ҳокимиятнинг большевиклар томонидан тортиб олинишига қарши чиқишиб, социалистик партиялар қаторига кирувчи партиялар: большевиклар, меньшевиклар ва эсерлар иштирокида коалицион ҳукумат тузишни таклиф этган эдилар. Улар, ҳокимиятни якка ўзимиз эгалласак, мамлакатда террор келиб чиқади, чунки ҳокимиятни бошқача ушлаб туриб бўлмай қолади. Агарда террор томон борадиган бўлсак, бунга жавобан фуқаролар уруши келиб чиқади, деб огоҳлантирган эдилар (Социологические исследования. М., 1990, №7, с. 74) (Свобода социалистического выбора "Круглый стол" журнала "Социологические исследования"). Россия тарихида айнан шундай бўлди ҳам.

Мамлакатдаги иқтисодий вайронагарчилик, очарчилик ва бошқа ижтимоий муаммолар учун жавобгарлик "синфий душманлар"га, яъни совет ҳокимиятига қарши турган кучлар зиммасига юклатилди. Кейинчалик, "халқ душманлари"га қарши оммавий синфий уруш машинаси ишга тушганда, И.Сталин ҳам шу усулдан фойдаланди.

Терроризмнинг XX асрдаги кўринишларидан бири оммавий қатағонлардир. Айбсиз кишиларга нисбатан шафқатсизлик, зўравонликнинг қўлланилишини, инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишини ҳам оммавий террор, деб ҳисоблаш адолатдан бўлади. Чунки, омма ва шахсларнинг онгига сингдирилган қўрқинч ва даҳшат аҳолининг хатти-ҳаракатларини, иродасини диктаторлик тузумига итоатда тутиб туришда жуда ҳам қўл

келарди. Яна шу нарсани айтиб ўтиш керакки, оммавий қатағонлар, собиқ СССРда 30-50-йилларда узоқ вақт давом этиши билан бирга, тоталитар ёки авторитар тузумларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган бошқа давлатларда ҳам узоқ вақт давом этган. Масалан, Германияда Гитлер бошчилигидаги фашистлар ҳукмронлиги даврида, Чилида ҳокимият тепасига генерал Пиночет раҳбарлигидаги ҳарбий хунта келганидан сўнг, Хитойда "маданий инқилоб" йилларида ва қатор бошқа давлатларда шундай бўлган.

Кенг ҳажмдаги далилий маълумотларни умумлаштириб, оммавий қатағонни ҳам давлат террористик сиёсати доирасига киритиш мумкин, деган хулосага келинди. Чунки, бу ишлар ҳокимиятнинг юқори қатлами ва бошқаруви элитаси томонидан ташкил қилинган ва амалга оширилган. Бундай хулосанинг асосли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун собиқ СССРда 30-40-йилларда ўтказилган оммавий қатағоннинг таҳлилига эътиборимизни қаратамиз.

Аввалambор, шуни назардан қочирмаслик керакки, Россиядаги оммавий қатағонлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган эди. Бунга октябр тўнтаришидан кейин объектив шарт-шароитлар пайдо бўлди. В.И.Ленин 1918 йилнинг январидаёқ оммавий тинтув ва мусодара қилиш тўғрисида кўрсатма беради. Бу ҳақда у шундай деб ёзган эди: "Агар биз олиб сотарлар учун террорни, жойида отишни қўлламасак, ҳеч бир иш чиқмайди" (Ленин В. И. Полн. Собр. Соч. Т. 35, с. 311). Бошқача айтганда, иқтисодий инқироз ва хўжалик соҳасидаги бошбошдоқлик билан курашда янги ҳокимиятнинг куч ишлатишга асосланган зўравонлик усуллари мутлақ даражага кўтарилган эди.

Октябрдан кейинги оммавий террорга ўтиш инқилобга қарши чиққанларнинг ҳаракатига фақат бир "жавоб чораси" бўлиб қолмасдан, балки большевиклар етакчиларининг ҳокимиятни эгаллаб олиб, амалга оширмоқчи бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар утопиясидан келиб чиққан эди (Клейн Б.С. Россия между реформой и диктатурой (1861-1920г.г.. Вопросы истории, М., 1991, №9-10, с. 11).

1917 йил 4 (17) ноябрда Петроград совети мажлисида сўзлаган нутқида В.И.Ленин "Бизга кўп одамни ҳибсга олишаяпти, деб таъна қилишмоқда. Ҳа, биз ҳибсга оляпмиз... Бизни террорга йўл қўяётганлигимизда таъна қилишмоқда, лекин биз қуролсиз кишиларнинг бошини танасидан жудо қилган француз инқилобчиларининг террорини қўллаганимиз йўқ... Бизнинг ортимизда "куч" бўлганлиги учун ҳам буни қўлламаслигимизга умид қиламан" деган эди (Ленин В.И. Полн. Собр. Соч. Т.35, С. 63). Лекин, амалда бу "куч"дан эгалланган ҳокимиятни ҳимоя қилиш учун "қизил террор" каби диктаторлик усули шаклида, фойдаланилди. "ВКП(б)-нинг қисқа курси"да террорнинг қўлланилиши қуйидагича оқланган: "Эсерлар Урицкий ва Володарскийни ўлдиргани, Лениннинг ҳаётига ваҳшиёна тажовузи каби большевикларга қарши "оқ террор"и учун "қизил террорга гирифтор қилинди".

Большевиклар "қизил террор"ни амалга ошира туриб "синфий нафрат"нинг тарғиботига кенг таянишди. Айни инқилобдан кейинги давр ҳаёти ва сиёсий тилида "халқ душмани" тушунчасидан кенг фойдалана бошланди. Бошқача ўйлайдиган кишиларни, ҳатто содиқ партиячилардан бўлса ҳам, "халқ душмани"га чиқаришарди. Бир вақтнинг ўзида зўравонлик ва шафқатсизликнинг кучайиши, ўзаро ишончсизлик, гумонсираш каби терроризмнинг асосини ташкил қилувчи усуллар ўзини намоён қила бошлади.

1919 йил декабрида В.И.Ленин: "Ҳукмрон партияга ёт унсурлар қўшилишининг сабаби унинг ҳукмрон партия эканлигидадир", деган ва бу фикрга 1920 йилда қўшимча қилган: "Биз партиянинг сифат жиҳатидан кенгайишидан қўрқамиз, чунки ҳукумат партиясига фақатгина отиб ташлашга лойиқ бўлган амалпарастлар ва муттаҳамлар ёпишиб олишга ҳаракат қилишади" (Ленин В.И. Полн. Собр. Соч. Т. 25, с. 193, 3-е изд). "Большевиклар" партияси сафларининг "софлиги" учун кураш, партия аъзолари орасида тозалашлар ўтказиш оммавий қатағонларнинг асосини ташкил қилди. 60-йилларда Хитойда ҳам ХКПнинг кўплаб аъзолари "қайта тарбияланиш" учун қишлоқ жойларига жўнатилган эди.

Оммавий қатағонларга ташкилий тус беришни кўзлаб, ВКП (б) МК 1935 йилда "халқ душманларини йўқ қилишга раҳбарлик қилиш учун сиёсий бюронинг махсус хавфсизлик комиссиясини" ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу комиссия ўз ишида Сталиннинг "Фронтда душманни муваффақиятли савалаш учун биринчи навбатда ўз ортимиздаги душманларни янчиб ташлашимиз керак (Автарханов А.Г. Технология власти. Вопросы истории. 1991, №9-10, с. 72), деган шиорга амал қилди.

Бу шиор остида амалга оширилган катта терроргa 1937 йилда ВКП(б) МК феврал-март пленумида асос солинди. Ана шундан кейин мамлакатда ялпи гумонсирашлар, "халқ душмани", "зараркунанда"ларни қидириш бошланди. Бу иборалар одамларни ўзига хос тарзда қўрқитадиган, қонунчилик ва турли ижтимоий қатламга мансуб кишиларни, мансабдор шахсларни, шу жумладан Сталиннинг энг яқин одамларини ҳам қириб юборишда кенг қўлланилди.

Сталин даврида ҳокимият ва жамият устидан назоратни сақлаш мақсадида мажбурлов ва назорат қилишнинг барча воситаларидан фойдаланди. Йўқсиллар диктатураси ғояси эса, аслида, большевиклар партияси юқори қатламининг халқ устидан зўравонлиги бўлиб чиқди. Бу, айниқса 1932 йилдаги дон тайёрлаш даврида, деҳқонлар устига оммавий қирғинлар ёпирилганда намоён бўлди. Ўшанда бундай қатағонлар "қулоқларни синф сифатида йўқ қилиш" сиёсати шаклида амалга оширилди. 1929 йилдаги марксчи-аграрчиларнинг конференциясида Сталин: "Биз ўз сиёсатимизда янги бурилиш ясаймиз, ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатишга киришамиз", деган эди (Ўша жойда. 107-б). Расмий маълумотларга кўра ўша пайтларда мамлакатда 5 миллион "қу-

лоқ", 13 миллиондан ортиқроқ "бадавлатлар" ва "қулоқларнинг думи"га номзодлар бўлган.

Россиянинг дон етиштирувчи минтақаларида деҳқонларнинг оммавий қатағонга учраши, сталинчи коллективлаштирувчиларнинг зўравонлик ва ўзбошимчаликни ҳаддан оширишлари, қишлоқлардаги аҳволни танглликка олиб келди. Бу нарса деҳқонлар норозилиги ва қаттиқ қаршиликларининг асосий манбаи бўлди. Улар ҳатто колхозлаштириш ва советларга қарши очиқчасига чиқишлар ҳам қилишди (Зеленин И.Б.Политотделы МТС-продолжение политики "чрезвычайщины" (1933-1934г.г.) Отечественная история. М., 1992г. с. 43).

Деҳқонларга нисбатан зўравонлик, ўзбошимчалик, қонунсизлик коллективлаштириш давринининг бошидан охиригача хос бўлган, хусусияти эди. Бу деҳқонлар томонидан турли кўринишдаги қаршиликларга учрамаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун ўша вақтдаги матбуот, радио ва махфий ҳужжатларда "босқинчилар", "босқинчилар тўдаси", "террористик гуруҳлар" каби иборалар кенг тарқалди.

Сиёсий қатағонлар XX асрнинг энг қонли саҳифаларидир. Собиқ СССРдаги бу жараён ўзининг ўта шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Бундай шафқатсизликлар айбсиз кишиларни қилмаган жиноятларини тан олдириш учун қўлланилган қийноқларда намоён бўлди. Иш шундай беъманиликгача бориб етдики, у ёки бу жабрланувчини бирданига бир неча чет мамлакат фойдасига жосусликда айблашарди (А.Икромов, Ф. Хўжаевларни эсланг). Буларга сабаб – мамлакатда қонунсизликнинг қонуний, деб белгиланганлиги ҳамда 1937 йилда тергов қилинаётган кишига нисбатан уриш ва қийноқларни қўллашга расмий, Сталининг шахсан ўзи ижозат берганлиги эди.

1939 йил Сталин вилоят, ўлка партия комитетлари котиблари ва миллий компартиялар МК котиблари, шунингдек ички ишлар халқ комиссарлари ва НКВД бошқарма бошлиқларига шифрланган телеграмма жўнатади. Унда жумладан: "ВКП (б) МК аниқлик киритадики, НКВД амалиётида жисмоний таъсир чораларини қўллаш 1937 йилдан ВКП (б) рухсати билан жорий этилган. ВКП (б) МК жисмоний таъсир кўрсатиш усули бундан кейин ҳам, истисно тариқасида, қуролларини ташламаган халқ душманларига нисбатан энг тўғри ва мақсадга мувофиқ усул сифатида албатта қўлланилиши керак, деб ҳисоблайди", дейилган эди (Сувениров О.Ф. Наркомат обороны и НКВД в предвоенные годы. Вопросы истории. М., 1991, № 6, с. 32.).

Ваҳоланки, "қонунсизликни қонунийлаштириш" анча олдин, 1934 йил 8 июнда СССР МИК "Ватанга қилинган хиёнат учун жавобгарлик тўғрисида"ги ва 1934 йил 2 декабрда (С.Кировнинг ўлдирилишидан сўнг) "Иттифоқдош республикаларда амалдаги жиноий-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинганда юз берган эди. Ўз навбатида ўша йилнинг 14 декабрида Ўзбекистон

МИК ҳам ЖПКига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бундай "ўзгартиришларга"мувофиқ "терроризм" билан боғлиқ ишлар бўйича суд ва прокуратура идораларига: а) тергов ишларини 10 кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида тугатиш; б) айблов хулосасини суд мажлисида жиноий иш кўриб чиқилишига бир кун қолганда топшириш; в) жиноий ишни кўриб чиқишда айбловчи ва ҳимоячиларнинг қатнашиши; шунингдек, айбланувчининг ҳам суд мажлисига келтирилиши шарт эмаслик; г) кассация ёки авф сўраб ариза беришига йўл қўймаслик; д) олий жазо чораси ҳукми чиқарилганда ҳукмни зудлик билан ижро этиш" каби ваколатлар берилди (Муқимов З. Ўлим машинаси. Т., Қонун ҳимоясида. № 1, 2001., 32 б.).

Собиқ СССРда 30-50-йилларда бутун бир халқларга нисбатан қонунчилик бузилишлари қўпол кўринишларда амалга оширилди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бир гуруҳ россиялик журналистлар билан учрашувда маҳаллий кадрлар дастлаб босмачи сифатида йўқ қилинганлигини, ўттизинчи йилларнинг охирида эса халқ манфаатларини ўйловчи маҳаллий зиёлилар халқ душмани сифатида қирилганлигини ва бу сиёсат иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам давом этиб, "лигачевчасига", Горбачев даврида эса "ўзбеклар иши", "пахта иши" номи остида пайдо бўлганлигини кўрсатган эди (Каримов И.А. Уверенным шагом по пути независимости. \\Народное слово. 20 февраля, 1996 года.).

Фақат 1937-1939 йиллар оралиғида Ўзбекистон ССР НКВДси "учлиги" томонидан 41 минг киши ҳибсга олинган. Шулардан 37 мингдан ортиқроғи судланиб, 6 минг 920 киши отиб ташланган. Умуман, 1939-1953 йиллар оралиғида 61 минг 799 киши ҳибсга олинган. 56 минг 122 киши турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган ва шулардан 7 минг 100 киши отилган (Человек и политика, Т., 1991, с.16).

Қуйида келтирилаётган маълумотлар ҳам ўша вақтда мамлакатда ҳукм сурган қонунсизлик, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишидан гувоҳлик беради. Россия Федерациясининг қонунига кўра, унинг прокуратураси 1917 йил 7 ноябрдан кейинги қарори ўзгармаган аксилинқилобий ва алоҳида давлат жиноятлари бўйича 408 минг жиноий ишни қайтадан кўриб чиқиб, 436 минг кишини оқлади (Когда истина восторжествует. "Труд", 1999 года, 26 января.).

Демак, террор фақатгина ҳокимият учун курашиш воситаси бўлиб қолмасдан, ҳокимият қандай усул ва шаклларда қўлга киритилишидан қатъий назар эгалланганидан, сўнг, уни ушлаб туриш, сақлаб қолиш, ҳимоялаш воситаси ҳамдир.

Шарқий Европа давлатлари иккинчи жаҳон урушидан кейин босиб ўтган йўлнинг тарихий-қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, оммавий қатағонлар, совет тузуми тазйиқи остида, социалистик тузумни барпо этмоқчи бўлган ушбу мамлакатларни ҳам четлаб ўтмади. Масалан, Руминияда

ҳукмронлик қилганлар Н. Чаушеску "ички душманлар"ни қидириб, турли миллат вакилларини бир-бирига гиж-гижлаб, миллатчилик оловини ёқиб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди.

Ушбу мисоллардан инқилоб душманларини зўравонлик билан мавҳ этиш ва оммавий қатағон фақатгина ривожланишнинг социалистик йўлини танлаган давлатлар учун хос экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. Бундай ҳодиса (воқеалар) бошқа давлатларда ҳам, ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъий назар, содир бўлган.

Германияда Гитлернинг ҳокимиятга келишидан сўнг ҳам худди шундай қатағонлар юз берган. 1933 йилдаёқ Герингнинг кўрсатмасига биноан полициядан ички армия тузилиб, оммавий террор бошланган эди. У "ички душман"ни иккиланмасдан отишни талаб қилди, қотилларни ўз ҳомийлигига олди, иккиланганларни жазолади, қўл остидагиларга шундай деди: "Таланг, ўғирланг, уйларга бостириб киринг ва отинг. Оз-кўплигининг фарқи йўқ, муҳими – сизларнинг отишларингиз" (Гаранин Л. Н. Второй человек в рейхе. с. 164).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, терроризм асосан тоталитар ёки авторитар, ёхуд яккаҳокимлик ҳокимияти ўрнатилган давлатларда қулай заминга эга бўлади. "Ҳар қандай давлатнинг, жумладан Россия, тарихи ҳам турли шаклдаги радикал, экстремистик гуруҳ ва ташкилотларнинг мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги далилларга бой. Гуруҳий, эмбрионал тоталитаризмнинг ривожланиши, тез ривожланиши ва охир-оқибат ҳукмрон сиёсий тизимга айланиши учун қатор шарт-шароитлар бўлиши керак. Жамият диктатура сари ҳаракат қилар экан, унинг каттагина қисми мустабид тизимни қабул қилишга ва қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини асослаб олади" (Клейн Б.С. Россия между реформой и диктатурой (1861-1920). Вопросы истории. М., 1991, №9-10, с. 5). Шу сабабли, терроризм, сиёсий амалиёт сифатида, тоталитар тузум белгиларидан биридир. Ғарб сиёсатшунослигида биринчи бўлиб Карл Фридрих ва Збигнев Бжезинскийлар тоталитар тузумни олтита мезон асосида аниқлашни таклиф қилишди. Бу мезонлардан бири партияни қўлловчи, аммо унинг фаолиятини партия раҳбарлари манфаатларини қўллаб-қувватловчи террористик полиция назорат тизими мавжудлигидадир. Бу назорат фақат "тузум душманларига" эмас, шунингдек аҳолининг хоҳлаган гуруҳ ва синфига қарши йўналтирилган бўлади (Игрицкий Ю.И. Концепция тоталитаризма: уроки многолетних дискуссий на Западе. История СССР, 1990, №6, с. 177).

Айнан шундай террористик назорат Сталин томонидан оммавий қатағон давридагина эмас, балки у ҳокимият тепасига келганидаёқ, ўрнатилган эди. Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш ва бошқа шу каби масалалар тўғридан-тўғри мажбур қилиш, зўравонлик йўллари билан ҳал этиларди. Маълумки, ўша вақтда мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, шахсни мажбурлаш ва террор усуллари билан давлатга бўйсундириш тизими мавжуд эди.

Терроризмнинг келиб чиқишини тадқиқ қила туриб, унинг ҳар бир босқичда ривожланиб бориши бир-биридан фарқли, аммо ўзаро боғлиқ шаклларга, ривожланиш усуллари, ривожланишнинг бошланиши ва якунига эга эканлигини ҳисобга олиш зарур. Лекин ҳар бир босқич ўзидан кейин келадиган босқич мазмунининг ўзгаришига таъсир кўрсатган. Шу маънода, терроризмнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги хусусияти сезиларли назарий қизиқиш уйғотади.

Р.Такернинг ёзишича, ўша даврда мамлакатни фақат халқ ҳимоя қила олиши мумкин бўлган. Ҳарбий ҳолат ва халқнинг турмуш шароити ўта оғирлашган шароитда тузум ён босишга мажбур бўлди, яъни ҳарбийлашган, террор билан тўйинган муҳитни тарқатиб юборди ва урушаётган фуқароларга келажакда тузум нисбатан юмшаши ҳамда эркинлик кўпроқ бўлишига умидни сингдира олди (Такер Роберт. Политическая культура и лидерство в Советской России. От Ленина до Горбачева. США: экономика, политика, идеология. 1990, №6, с. 68). СССРни фашистлар Германияси босиб олиши хавфи туғилганда Сталин бошчилигидаги сиёсий раҳбарият қатағон чоралари ҳажмини анча камайтиришга мажбур бўлди, лекин у бутунлай йўқ бўлиб кетмади, бошқача шакл касб этди. Булар миллий автономияларни тугатиш, қатор халқларни Сибир, Ўрта Осиё, Қозоғистон ҳудудларига кўчиртириб юбориш каби чоралар эди.

Агар фашистлар Германияси раҳбариятининг сиёсати тўғрисида гапирадиган бўлсак, бунда терроризм ўзининг энг сўнгги кўринишида, бутун халқларни қириб юборишга йўналтирилган геноцид шаклида намоён бўлди. Босиб олинган ҳудудларда яҳудий, поляк, лўли, рус тилида сўзлашувчи халқларга нисбатан "этник тозалаш" сиёсати ўтказилиши оқибатида миллионлаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлишди.

Таъкидлаш керакки, кўринишлари иккинчи жаҳон геноцид урушидан кейин ҳам кузатилди. Чунончи, Камбоджада ғоявий-сиёсий асосда Пол Пот тузуми томонидан 3 миллион киши қириб юборилди. 80-йилларнинг бошида Угандада қабилалар ўртасида ҳокимият учун курашиш можароларга айланиб, 1 млн. кишининг ўлдиришга, минглаб кишиларнинг кочоқларга айланишига сабабчи бўлди.

Ҳарбий ҳолат вақтидаги терроризмга келсак, бу муаммо ҳам назарий жиҳатдан етарли ўрганилмаганлигини тан олиш керак. Урушаётган томонлардан бири суиқасд қилиб ёки махсус тажовузкор қўшинлар ёрдамида бошқа томоннинг йирик сиёсий арбоби, ҳарбий раҳбарини жисмоний йўқ қилишга уринса, бундай ҳаракатни террористик ҳаракат деса бўладими? Қолаверса, бу иш жанг ёки ҳарбий тадбир орқали амалга оширилмасачи?. Албатта, урушнинг ўз қонунлари бор, лекин "террор ва уруш" муаммоси алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Ҳозирги пайтда бу муаммо давлатлараро ва минтақавий урушлар ҳақида эмас, маҳаллий, чекланган урушлар сони кўпайган пайтда алоҳида долзарблик касб этади. XX асрда фақатгина иккинчи жаҳон урушидан кейин 85 давлатни ўз ичига олган 74 та ҳудудда урушлар бўлиб ўтди.

Жаҳон ҳамжамияти ривожланиши жараёнларининг мураккаб, кўпқирралилиги ва шиддатлилиги муаммоларнинг ҳар бир босқичда ўзига хос тушунилишини, у ёки бу муаммонинг оқилона ечимини топиш вазифасини қўймоқда. Терроризм тадрижини таҳлил қилганда, уни ҳам жамият ривожланишининг маълум тарихий даври, воқелик билан боғламасдан очиб бериш мумкин эмас.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, **муаллиф терроризм ривожланишини босқичларга ажратаётганда террористларнинг, масалан, совуқ қуролдан ўт очувчи қуроллар воситаси ёрдамида террористик ҳаракатлар содир этишга ўтган даврларини эмас, балки терроризмнинг янги кўринишлари пайдо бўлишига сабаб бўлган тарихий жараёнларни алоҳида ўрганиш лозим, деб ҳисоблайди.**

Терроризм ривожланишининг шундай янги босқичи XX асрнинг 50-60- йилларида бошланди деб ҳисоблаш мумкин. Бу пайтга келиб, иккинчи жаҳон урушининг даҳшат ва вайронкорларидан сўнг терроризмнинг фаоллиги сезиларли даражада пасайган эди. Лекин бу ҳол узоқ давом этмади. Терроризм ўчоқлари янгидан, қайта "тирилди", терроризмнинг шаклан ва мазмунан "янгиланиши"га таъсир кўрсатувчи, шунингдек, жаҳон бўйлаб кенг тарқалишга куч берувчи манфаатлар доираси кенгайди.

Аввалambор, бу фашистлар Германияси ва унинг иттифоқчиларига қарши курашда иттифоқчи бўлган АҚШ ва СССР дунёнинг урушдан кейин шаклланган икки ижтимоий-сиёсий тизимлари ўртасидаги "совуқ уруш" даври билан боғликдир. Икки давлат ўртасидаги зиддиятлар фақат ғоявий эмас, балки сиёсий хусусият ҳам касб этди. Дастлаб, бу Шарқий Европа давлатларини ўз таъсир доирасига олиш учун курашдан бошланди.

Агар СССРнинг ўша пайтдаги ички сиёсий аҳволини баҳолайдиган бўлсак, тахминан 1948 йилдан то Сталиннинг ўлимигача бўлган даврда яна қатағонлар ўтказилиб, қатор моҳирона ижро этилган суд жараёнлари бўлиб ўтади. Бунга "Ленинград иши" ёки "Врачлар иши" мисол бўла олади. Бундан ташқари "космополитизмга қарши кураш" эълон қилиниб, бу шиор остида яҳудий миллатига мансуб шахслар камситилиб, таъқиб остига олинди.

Айни вақтда, Шарқий Европа давлатларида совет иттифоқига хайрихоҳ тузумни барпо этиш мақсадида Венгрия, Польша, Чехословакиянинг ички ишларига яширин аралашишди. Бу айрим сиёсий арбобларни ҳокимиятга яқинлаштирмаслик, Сталин ва унинг ворислари иродасига бўйсунувчиларни "тахтга ўтқазиш"дан иборат эди. Шу пайтда АҚШ ички сиёсатида ҳам йўналишлар ўзгарди."Алвастилар ови" ва маккартизм руҳи терроризмга алоҳида кўриниш бахш этди (эр-хотин Розенбергларнинг электр стулида қатл қилиниши). Жосуслик васвасаси ва аксиламерикача фикрлайдиганларни таъқиб қилиш АҚШ ички сиёсатининг таркибий қисмларига айланди. Ку-Клукс-Клан ташкилотининг фаолияти кучайди, ирқий асосдаги зиддиятлар авж олди.

50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошига келиб терроризм ташқи сиёсат томон бурила бошланди. Бу жараён мустамлакачилик тизимининг емирилиши билан боғлиқ эди. Халқаро ҳуқуқ соҳасида мустамлакачиликка барҳам бериш 1960 йилда қабул қилинган БМТнинг Декларацияси билан мустаҳкамланди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши АҚШ ва СССР ўртасидаги қарама-қаршилик, зиддиятлар чуқурлашувининг омили бўлди ҳамда терроризм ривожланишининг куч олиши учун замин яратди. Бу АҚШ "учинчи дунё"ни ўз миллий манфаатлари ҳудуди, деб эълон қилганлиги, СССР эса мустамлакачиликдан қутулган давлатлар ҳисобига социализм ижтимоий чегараларини кенгайтиришига ҳаракат қилганлиги билан изоҳланди. СССРнинг ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун олиб борган сиёсатини оқлаш учун ҳатто янги, "социалистик йўналишдаги давлатлар" ибораси муомалага киритилди. Буюк давлатлар "учинчи дунё"да сиёсий таъсирини кучайтириб, ўз манфаатларини таъминлаш мақсадида уларга ҳарбий, иқтисодий ва бошқа ёрдамларни бериб, у ерда ўзлари учун қулай тузум ўрнатишга ҳаракат қилишди. Аммо ҳокимият учун курашлар, трайбализм, қабилалараро низолар, у ёки бу ривожланиш йўлини танлашнинг тарафдорлари ва қаршилари ўртасидаги тўқнашувлар сиёсий беқарорликка олиб келиб, оқибатда ҳарбий тўнтариш, зўравонлик, фуқаролар уруши ва терроризм билан якунланарди.

Бунинг устига, "учинчи дунё" давлатларида фуқаролик жамиятининг ривожланмаганлиги, элатлараро низолар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий зиддиятларнинг мавжудлиги, конституцион кафолатларнинг йўқлиги ички зиддиятларнинг кескинлашишига асос бўлар ва у ерда террор ва зўравонликни кучайтирар эди (Николаенко В. Развивающиеся страны в нашей политике. Международная жизнь. 1992, № 5, с. 18).

Терроризмнинг XX аср иккинчи ярмидаги ривожланишини тадқиқ қилганда қуйидаги муҳим бир ҳолатга эътиборни қаратиш зарур. 60-йилларнинг бошида ривожланган давлатларда, хусусан, Европада ёшлар ҳаракатининг кескин фаоллашуви кузатилди. Қатор давлатлардаги ҳукмрон табақаларнинг ижтимоий адолатдан узоқ сиёсати, ишсизликнинг ўсиши, жамиятда шахснинг ўз ўрнини эгаллашига ижтимоий ва конституциявий кафолатнинг йўқлиги ёшлар ўртасида сўл радикал оқимнинг кучайишига сабаб бўлди. Ўша вақтда Франция, Италия, Германия ва бошқа давлатларда ёшларнинг оммавий чиқишлари юз бериб, бу чиқишлар ижтимоий норозилик ва ўз ҳуқуқлари учун курашиш хусусиятига эга эди. Ўша даврда бу ижтимоий ҳодисани изоҳлаш учун муомалага "ёшлар исёни" атамаси киритилди ва у ёшларнинг жамиятдаги ўз ўрнини аниқлашга интилаётганини ифодалар эди.

Ёшлар ўртасидаги "ижтимоий портлаш" терроризмнинг кескин ўсиши учун "унумдор замин" ҳозирлади. Ёшлар норозиликлари тўлқинида

курашнинг террористик усуллари билан қуролланган ва ўта сўл, инқилобий шиорлар ниқобидаги экстремистик гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Булар ўзларининг қонли жиноятлар содир этганлиги билан машҳур бўлган Италиядаги "Қизил бригада", Франциядаги "Аксьон директ", Германиядаги "Қизил байроқ" ва бошқа, шу каби гуруҳлардир. Лотин Америкасидаги, хусусан, Аргентинадаги "Миллий озодлик ҳаракати", "Инқилобий халқ армияси", 1968 йилдан эса АҚШда фаол ҳаракат қила бошлаган "Қора қоплонлар" террористик ташкилотлари маълум бўлиб қолди. Террористик ташкилотларнинг рўйхатини яна ҳам давом эттириш мумкин. Бунинг фожиали томони шундаки, ўта сўл терроризмнинг кучайиши кўплаб кишиларнинг қурбон бўлишига, сиёсий аҳволнинг беқарорлашувига ва ижтимоий тангликнинг ўсишига сабаб бўлди. Буни 1980 йил майида Перуда ташкил қилинган "Сендеро Луминосо" ("Ёруғ йўл"), деб номланган ўта сўл гуруҳ фаолияти тасдиқлаши мумкин. У ўз фаолиятини бошланганидан то 1989 йилнинг апрелигача 12 мингдан ортиқ террористик ҳаракатлар уюштирди. Буларнинг натижасида 9 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди, булар асосан полициячилар, ҳарбийлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, оддий фуқаролар эди (Перуанская трагедия. Правда, 1989, 3 июня).

XX асрнинг олтмишинчи йилларини ҳозирги терроризмнинг бошланғич даври, деб ҳисоблаш мумкин. Бунга юқорида келтирилган далилларгина эмас, Яқин ва Ўрта Шарқдаги воқеалар, яъни Исроил ва Миср, Ливан, Иордания ва Фаластин ўртасидаги можаролар натижасида террористик ташкилотларнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароитнинг вужудга келиши ҳам гувоҳлик беради. Бир қанча исломий ҳаракат ва оқимларнинг диний экстремистик оқимга айланиши ҳам бу жараёнга кўмаклашди. 70-йилларнинг бошларидан Мисрда "Ислом жиҳоди" ташкилоти фаолият кўрсатади, 1977 йилда эса "Исломий куролли гуруҳ" тузилди. Жазоирда ҳукуматнинг ҳокимият учун курашиш жараёнида ислом диний етакчиларига қарши куч ишлатилишига қарши ўлароқ, 1989 йилда "Ислом озодлик қутқариш фронти" тузилди. Ҳокимият учун ички сиёсий курашнинг кучайиши, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда сиёсий тузумнинг кучсизлиги оқибатида Мисрда "Мусулмон Биродарлари" ташкилоти негизида радикал исломий ташкилотлар юзага келди. Ҳокимиятнинг бу ташкилотларга куч воситасида қарши туриши, зўравонликни ўз мақсадига эришишнинг асосий воситаси деб билувчи радикал исломий ташкилот ва гуруҳлар пайдо бўлишнинг асосий омили бўлиб қолмоқда (Евкочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Автореферат дис. на соиск. уч. степ. канд. полит.наук. Т., 2000, с. 24).

Албатта, диний экстремизм ва терроризм муаммолари алоҳида-алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Кейинги бўлимда, терроризм глобаллашувининг умумий сабабларига бағишланган қисмида бунга аниқлик

киритишга ҳаракат қиламиз. Терроризм ривожланишининг ҳозирги босқичи аввалгиларидан анча фарқ қилади. Бу фарқлар террористик ҳаракатларни содир этиш тактикаси ва уларни амалга ошириш воситаларида; терроризмнинг мафкуралашуви, яъни "назарий асос"ланишида; жиноятчиликнинг бошқа турлари билан уйғунлашиб кетишида; терроризмнинг турли кўринишларга эга бўлиши ва унинг фақат сиёсий эмас, балки ижтимоий йўналтирилганлигида ҳам яққол кузатилади.

Терроризмнинг юқорида санаб ўтилган хусусиятларидан бирига тўхталамиз. Масалан, бугунги кунда терроризмнинг ривожланишига замонавий қуролларни ишлаб чиқиш, генетика, биология, химия, фан ва техниканинг бошқа соҳаларидаги ютуқлар, янги технологиялар ҳам қўл келмоқда. Террористлар заҳар, ханжар, револьвер ва ясама бомбалардан қурол ва портловчи моддаларнинг янги турларига ўтишмоқда. Улар ихчам алоқа воситалари ва тунда кўриш мосламаларидан ҳам фойдаланишмоқда. Буни 2000 йил августида Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларига суқулиб киришга ҳаракат қилган ЎИҲ (Ўзбекистон Ислом Ҳаракати) жангариларининг замонавий қуроллар билан таъминланиши тасдиқлайди. Террористлар жиноий ҳаракатларни тайёрлашда замонавий информатик воситалардан фойдаланишни, кичик ҳажмдаги, лекин катта портлаш, ўлдириш кучига эга бўлган портловчи мосламаларни тайёрлашни ўрганиб олдилар. Автомобилларга бомба қўйиш террористларнинг анча кенг тарқалган иш усули бўлиб қолмоқда. Тошкентда (1999 йил 16 февралдаги портловчи моддалар билан тўлдирилган бешта автомобилнинг портлатилишини эсланг). 2001 йил 11 сентябрда эса халқаро террористлар қўпорувчилик хуружларини ташкил қилиш учун ўқотар қурол ва портловчи моддалардан фойдаланиш шарт эмаслигини бутун дунёга намоён қилдилар.

Терроризм ҳамон кўп объектларни нишонга олиб турибди. Бу рўйхатга ядровий объектлар, электростанциялар, сув омборлари тўғонлари, аэропортлар, ҳарбий объектлар ва турар-жой бинолари, ишлаб чиқариш иншоотлари киритилган.

Терроризмнинг келиб чиқиши ва ривожланишини таҳлил қилиш қатор масалаларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Бу муаммолар мажмуаси уларни ҳал қилишдаги назарий-услубий изланишларни тўхтовсиз давом эттириш зарурлиги тўғрисидаги хулосага олиб келади. Бундай изланишларга терроризмнинг асосларини ўрганиш жамоат ташкилотларининг унга таъсири, зўравонликнинг ижтимоий табиати кабилар киради. Буларнинг барчаси терроризм билан курашишда долзарб аҳамиятга эгадир.

Терроризм таҳдиди террорчилик ҳокимият учун курашиш воситаси сифатида ишлатилган бир вақтда вужудга келди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1898 йилдаёқ Римда, Италия ҳукуматининг ташаббуси билан давлатни анархо-терроризмдан ҳимоя қилиш чораларини қидиришга бағишланган биринчи халқаро конференция ўтказилган эди.

Олиб борилган таҳлиллар натижалари жамият ривожланишида терроризм учун замин яратиб берувчи "оғрикли нуқталар"ни аниклаш, терроризмнинг келиб чиқиши, унинг инсоният тарихининг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, ривожланиб боришини мунтазам ва танқидий тахлил қилиш заруратини қўймокда. Тарихда террористик фаолиятнинг восита ва усуллари, шакллари ўзгариб борди, аммо террорнинг мақсади ўзгармай қолмокда. Терроризмнинг келиб чиқишига бағишлаб ўтказилган тадқиқотлар террористлар ўзларининг жиноий фаолиятларини "мафкуравий" асосга қуришда тарихий омиллардан фойдаланишга уринаётганлигидан гувоҳлик беради. Бу омил терроризмнинг халкаро вазиятга мослашувчанлигини, террористик фаолиятнинг турли шаклларини кўрсатади. Ва, ниҳоят, терроризмнинг келиб чиқиши ва гносеологик жиҳатдан унинг глобаллашуви механизмини очиб беришга хизмат қилади.

3. ЗАМОНАВИЙ ТЕРРОРИЗМ ГЛОБАЛЛАШУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Йигирманчи асрнинг охирларига келиб, жаҳон ҳамжамиятида минтақавий, миллатлараро, иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий алоқалар кучайиб, глобаллашув даражасига етди.

Иқтисодий соҳадаги глобаллашув нафақат минтақалар, балки жаҳон миқёсида ривожлана бошлади. Бироқ, глобаллашув фақат иқтисодий интеграцияга тааллуқли бўлибгина қолмай, балки сиёсий, ижтимоий, ахборот ва ўзга соҳаларни ҳам қамраб олмоқда. Баъзи ҳолларда эса улар устуворлик ҳам қилмоқда. Халқаро терроризм ҳам глобаллашувдан четда қолмаяпти. Шунинг учун ҳам терроризм ҳодисасини тадқиқ қилишни шу тушунчага оид асосий белгиларни аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳозирги вақтда глобаллашув нафақат мутахассислар, балки иқтисодий интеграция жараёнларига норозилик билдирувчи баъзи оддий фуқароларнинг ҳам эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида 2000 йили АҚШда Бутунжаҳон савдо ташкилоти ҳамда 2001 йили Давосдаги Бутунжаҳон иқтисодий форуми иш олиб бораётган вақтда рўй берган оммавий тартибсизликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тан олиш керакки, глобаллашувга, шу жумладан, давлатлараро муносабатларнинг ҳам глобаллашувига нафақат ижобий, балки салбий жиҳатлар ҳам хосдир. Салбийлиги – миллий қадриятларнинг универсаллаштирилиши, бирхиллаштирилиши, стандартлаштирилиши ҳамда бой ва камбағал давлатларга ажратилишида намоён бўлади. Ушбу салбий жиҳатлар ҳозирги кунга келиб инсоният хавфсизлигига очиқ таҳдид солаётган терроризмнинг глобаллашувида ҳам намоён бўлади. Глобаллашув жараёнини ўрганиш ҳамда баҳолашнинг кўп усуллари мавжуд. Шу муносабат, билан "терроризмнинг глобаллашуви" тушунчасини таърифлаш, таҳлил қилишга ўтишдан аввал, глобаллашувнинг шу пайтгача мавжуд бўлган тушунчаларини таққослаб ўтамиз.

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётларда кўпинча "глобаллашув" ва унинг ҳосилалари – "глобал" ҳодисалар, жараёнлар ва ҳоказо тушунчалар қўлланилади. "Глобаллашув", кенг маънода, бутун ер куррасини қамраб олувчи жараён сифатида тушунилади. Глобаллашув – бу "глобал" тушунчасининг ҳосиласи бўлиб, макон-замон чегараларидаги глобал ҳодисалар ривожи жараёнини ифода этади. Мазкур тушунчани таърифлашда турли ёндашувлар мавжуд. Масалан, венгер тадқиқотчиси Михаили Шимои глобаллашувни тор маънода интернационаллашувнинг олий даражаси, деб кенгроқ маънода, товарларнинг ҳудуд билмас оқимлари, хизмат кўрсатиш, капитал, ахборот ва инсонларнинг мамлакатлараро эркин кўчиши каби ҳодиса ва жараёнлар мажмуи, деб тушунилишини таклиф қилади. (Шимои Михаили. Глобализация как источник конкуренций, конфликтов и возможностей). Проблемы теории и практики управления. Киев, 1998, №1, с. 52).

Яна бир тадқиқотчи – Н.Е.Покровский эса глобаллашув ҳақидаги оддий тасаввурларнинг асосида бутун ер курраси ва фазони қамраб олувчи, уюшаётган ва интеграциялашаётган цивилизация ҳамда чегараларни, хоҳ маданий, давлат, ижтимоий тенгсизликларга қарамасдан, шунингдек, хоҳ том маънодаги физик масофалар бўлсин, забт этиш ҳақидаги тасаввурлар ётади, деб ҳисоблайди. (Покровский Н.Е. Глобализация и конфликт. Вестник Моск. Университета. Серия 18. Социология и политология. 1995, № 2, с. 22).

Бизнингча, муаллиф тўғри хулосага келган, чунки илмий нуқтаи назардан глобаллашувнинг маъноси, характери, аҳамияти ҳақидаги масала улкан аҳамиятга моликдир. Шу сабабли, у моҳиятига кўра – биргина "глобаллашув" атамаси ортида кўпгина (ҳеч бўлмаганда бир неча) "глобаллашувлар" мавжуд, - деган хулосага келади.

Иқтисодий соҳадаги глобаллашувни тадқиқ қилган Г.А.Дробот эса, халқаро иқтисодий муносабатлар глобаллашуви – кўп асрлик тарихий жараён бўлиб, иқтисодий соҳанинг сифат жиҳатдан ўзгариши сон жиҳатидан ўзгаришлар кўпайгани туфайли юз беради, - деб ёзади. (Дробот Г.А. Политико-экономические аспекты глобализации. Вестник Моск. Университета. Серия 18. 2000. №1, с.37).

Шу ҳолда муаллиф "глобаллашув" тушунчасининг асоси қилиб глобаллашувнинг миқдорий тавсифи ва кўрсаткичларини олади. Иқтисодиёт учун бу ёндашув, балки тўғридир, лекин "терорризмнинг глобаллашуви" тушунчаси мазмунини очишда ундан фойдаланилса, ҳар доим ҳам террорчилик хуружлари сонини "сифат" кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ равишда ўрганиб бўлмайди. Гап шундаки, ягона террористик гуруҳ хуружининг биргина ўзи ҳам давлатлараро, ҳаттоки, дунё миқёсидаги низоларни келтириб чиқариши мумкин.

М.Лебедева ва А.Мелевильнинг фикрича, глобаллашув жаҳон цивилизациясининг ўзига хос векторини, хилма-хил куч ва тенденцияларнинг тенг таъсирини намоён қилади (Лебедева М., Мелевиль А. Переходный возраст современного мира. Международная жизнь. 1999, №10, с. 77.).

Баъзи бир муаллифлар глобаллашув ҳодисасини тадқиқ қилар эканлар, уни муттасил жараён сифатида ўрганадилар. Билдирилган нуқтаи назарлар билан чекланиб қолмасдан, масалага бундай ёндашув терроризмнинг глобаллашуви жараёнига нисбатан қўлланилганида, бу ҳодисанинг моҳиятидан келиб чиқиш зарурлигини айтиб ўтиш керак. Зеро, бу терроризм глобаллашуви тадқиқотига ёндашув учун методологик аҳамиятга эга. Бизнинг назаримизда бу борада Г.Каримованинг глобаллашувни геополитик маконда намоён бўлувчи объектив интилишлар таъсири остида қуриш кераклиги, шунинг учун унга текис, бир вариантли жараён сифатида қараш мумкин эмаслиги, чунки у инсоният фаолиятининг турли соҳаларида турлича кечиши ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга (Каримова Г.И. Политико-экономический аспект интеграции Узбекистана в мировое

сообщество. Автореф. дисс.на соиск. уч. степ. канд. полит. наук. Т., УМЭиД, 1996, с.11.). Чунки, замонавий терроризм глобаллашувини айнан бир хил тушуниш қатор методологик тамойилларга риоя этишни талаб этади. Масалан, ривожланиш тамойили терроризм глобаллашувини ўрганишда унинг тадрижий хусусиятларини аниқлашни тақозо этади.

Тизимли ёндашув тамойили халқаро терроризмга турли-туман ташкилий унсурларни қамраб олувчи мураккаб ташкиллаштирилган тизим деб қараш зарурлигини тақозо қилади. Муайян тарихий ёндашув тамойили- терроризм глобаллашувини тадқиқ қилишда, глобаллашув жараёни ривожланаётган барча муайян шароитларни ҳисобга олиш заруратидан иборат. Тадрижийлик тамойили терроризм глобаллашуви эволюциясининг асосий қонуниятларини аниқлаш ва ҳисобга олиш заруратини кўзда тутади.

Юқорида қайд этилган тамойиллар билан бир қаторда, мазкур тадқиқотда глобаллашув жараёнининг тизимли-генетик таҳлил услубидан ҳам фойдаланилди.

Терроризм глобаллашувини тадқиқ этишга ёндашувда, бу тушунчани ифодалашда унинг мураккаб ва турли-туман кўринишларга эга эканлигини ҳисобга олиш керак.

Бу ҳақда қатор кўрсаткичлар: унинг мамлакатлар ва минтақалар бўйича тарқалганлиги; субъектлар сони; сиёсий мақсадлари; жиноят содир этишда қўлланиладиган воситалари; тажовуз қилиш объектлари бўйича гапириш мумкин. Буларнинг барчаси терроризмнинг глобаллашуви мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, у макон ва замон чегараларига, ривожланиш ва жаҳон ҳамжамияти давлатларига тарқалишга мойилликка ҳамда жиноятқорона, инсон ҳуқуқларига зид хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Методология нуқтаи назаридан тушунчага аниқлик киритиш учун унинг аниқ чегараларини белгилаб олиш керак. Чамаси, чегаралар сифатида бу ҳодиса тарқалганлигининг айнан макон-замон тавсифини ҳисобга олиш даркор. Шу муносабат билан, терроризм глобаллашувини ялпи жараён деб эмас, балки дунё миқёсида сиёсий муносабатлар тизимига таъсирини ўтказувчи тизим ҳосил қилувчи омил, деб тушуниш мумкин. Террорчилик ҳаракатлари дунёнинг барча давлатларида бир хил ўрин тутади, деб бўлмайди. Бу ҳаракатлар сиёсий, иқтисодий ва бошқа хил зиддиятлар кескинлашиб инқирозли вазият юзага келиб, уларни ҳал қилиш тинч музокаралар йўли билан эмас, балки қуролли куч ишлатиш, шу жумладан, террордан фойдаланиш билан амалга оширилганда намоён бўлади.

Мавжуд муҳитдаги терроризм миқёсининг кенгайиши, унинг тамаддунга таҳдиди, бу глобал муаммолардан жиддий хавотирланишга асос бўлади.

Терроризмнинг глобаллашуви – сиртдан қараганда, аниқ ва тезкор жараён. Шу сабабли, глобаллашув тушунчасига бўлган қарашларнинг турли-туманлигини инобатга олмай туриб, муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Биринчидан, терроризмнинг глобаллашувида, аксарият ҳолларда, террористлар ҳаракатининг тактикаси билан белгиланувчи ҳар хил аҳамиятга эга бўлган жараёнлар кечади.

Иккинчидан, терроризмнинг глобаллашуви барча мамлакат ва минтақаларни қамраб олмаган ва тўла маънода глобал эмас. Баъзи бир мунаққидлар тасаввуридагидек, у унчалик очиқ-ойдин ҳам эмас.

Глобаллашув, худди кенг тарқаладиган юқумли касаллик каби, бир маконда вужудга келиб, унга қарши ўз вақтида чора кўрилмаган ерлардагина авж олади, ёйилади. Шунинг учун, 11 сентябр воқеалари ушбу хавфга биргалашиб курашиш лозимлигини тақозо этади. Масалан, "Қизил Армия" террорчилик гуруҳининг Япониядаги ҳаракатлари Жанубий Корея ёки бошқа мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ўзининг таъсирини кўрсатмади.

Терроризмнинг глобаллашуви зиддиятли кечади. У саҳнага манфаат ва мақсадларига кўра турли-туман террорчилик ташкилотларини чиқаради. Бу жараён у қадар универсал ҳам, бир хил меъёр, мезонларга эга ҳам эмас. Ушбу ҳодисаларнинг вужудга келишини, ёҳуд географик аломатларини оладиган бўлсак, уларнинг мезонларини баҳолашда Яқин Шарқ, Европа ёки Лотин Америкаси терроризми ҳақида сўз юритса бўлади. Шу билан бирга, терроризмнинг умумий жиҳатлари ҳам бор. Бу аввалambор, ҳуқуқий зиддиятлар, зўравонлик усулларидан фойдаланиш, қаттиққўллик, шафқатсизлик, террористларнинг ҳукумат, давлат арбоблари ва ҳоказолар учун ўрнатадиган ўз "ўйин қоидалари" ва бошқалардир.

Методологик жиҳатдан терроризмнинг глобаллашуви тушунчасини аниқлаш учун унинг аниқ чегараларини белгилаб олиш зарур. Гап шундаки, баъзи бир манбалар ва айниқса публицистик адабиётда мазкур тушунчани "бутун ер куррасини қамраб олган" деган мазмундаги фикрлар ҳам учрайди.

Аслида эса терроризмнинг "макондан маконга" тарқалиш тарзи мавжуд бўлиб, у ўта зиддиятли алоҳида мамлакатларда учрайди. Шу билан бир вақтда халқаро терроризм хатарлилик даражасига кўра глобал муаммо сифатида умумжаҳон аҳамият касб этади. Бунинг тасдиғини АҚШ каби дунёнинг энг ривожланган мамлакатига 2001 йил 11 сентябрида қилинган террорчилик хуружлари мисолида кўриш мумкин.

С.М. Грохальскийнинг таъкидлашича, глобал муаммолар, уларнинг талқинларидан қатъий назар, ўзида замона қарама-қаршиликларини ифодалайди ва махсус, умумий масъулият ҳисси билан йўғрилган тафаккурни талаб этади (Грохальский С.М. Понятие глобальной проблемы и ее значение для международного права. Вестник Моск. Университета. Серия 11. Право. 1999, №1, с.68.). Таъкидлаганимиздек, терроризм глобаллашуви мунтазамлилик хусусиятига эга эмас, чунки у турли омилларга боғлиқ: зиддиятлар ҳолати, минтақа ва давлатдаги барқарорлик, уюшган жиноят-

чилик ёки наркобизнеснинг тарқалганлиги ва ҳ.к. Агар терроризм глобаллашуви жараён сифатида иқтисодий глобаллашув билан таққосланса, бу ҳолда, халқаро корпорациялар иқтисодиёт глобаллашув ва халқаро муносабатларнинг агентлари, деб ҳисобланади (Дробот Г.А. Политико-экономические аспекты глобализации. Вестник Моск. Университета. Серия 13. Социология и политология. 2000, №1, с. 42). Шу сабабли, халқаро террористик ташкилотларни терроризм глобаллашувининг асосий манбалари, деб ҳисоблаш адолатли бўлар эди. Бироқ таҳдидга қарши қўлланилаётган чоралар даражасига боғлиқ равишда ўсиш ёки пасайиш йўналишига эга бўлиши мумкинлиги билан бу жараён табиатан зиддиятлидир. Терроризм ҳодиса сифатида ижтимоий-сиёсий воқеликдан айри ҳолда мавжуд бўла олмайди, у, умумий қилиб айтганда, зиддиятлар, шунингдек наркобизнес, уюшган жиноятчилик каби ноқонуний ҳодисаларнинг йўлдоши бўлиб хизмат қилади. Терроризм асосида ижтимоий ҳаётда вужудга келадиган алоҳида гуруҳлар (этник ва бошқа ижтимоий гуруҳлар) орасидаги қарама-қаршилик ва зиддиятлар, давлатлар орасидаги ҳудудий келишмовчиликлар, ҳамда шунга ўхшаш нарсалар ётади. Кўп қутбли дунё тузилишига ўтиш мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишида турли-туманликнинг кучайиши билан кечмоқда, жаҳонда янги хил таъсир марказлари шаклланмоқда. Айни вақтнинг ўзида турли давлатлар ва халқлар манфаатларининг ўзаро муштараклиги билан бир қаторда, қарама-қаршиликлар, зиддиятларни келтириб чиқарувчи шароитлар вужудга келиб, улар минтақавий, миллий ва глобал даражалардаги беқарорлик омилига айланмоқда. Бу зиддиятлар халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидни кучайтириши, тангликни келтириб чиқариши мумкин. Е.М.Примаковнинг таъкидлашича, эътиборни минтақавий зиддиятларнинг террорчилик тўлқинини яратиб, кези келганда, унинг ўз чегараларидан узоққа улоқтириб ташлайдиган хавфли жиҳатларига қаратиш керак (Примаков Е.М. Многополярный мир и ООН. Международная жизнь. 1997, №10, с. 3-8). Масалан, бир қатор мамлакатларда қонли террор уюштирган кўпчилик жангарилар Афғонистонда узоқ вақт давом этган қуролли тўқнашувлар замирида "улғайган". Аслида бу фикр анча аввал, И.Каримов томонидан билдирилган эди. Афғонистон ва Тожикистонда ўрнашиб олган "Ўзбекистон Ислом ҳаракати", деб ном олган жангарилар тўдаси Марказий Осиё минтақасида беқарор вазиятни вужудга келтириш бўйича минидастур ишлаб чиққан. Бу ташкилотнинг дастурий мақсади ислом давлатини яратишдан иборат. "Ўзбекистон Ислом ҳаракати" раҳбарияти ўзининг ёвуз интилишларида ёлғиз эмаслигини таъкидлаш керак. У қатор халқаро ва минтақавий исломий ташкилотлар, ҳаракатлар, биринчи навбатда "Ал-Қоида", "Толибон", "Ҳизбут-Тахрир", "Ихвон-аль-Муслимун" ва бошқалар билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Беқарорлик ва қарама-қаршиликлар одатда ички сиёсий, минтақавий ҳамда халқаро

даражалардаги инқирозлар билан алоқада кечади. Бундай инқироз шаклларидан бири маҳаллий (локал) урушлар бўлиб, аввал таъкидлаганимиздек, улар терроризм манбаларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий урушлар ва зиддиятлар халқаро хусусият касб этиб, терроризмга глобаллик хусусиятини бериб, кўп мамлакатлар ҳамда халқларнинг манфаатларига зарар келтирмоқда.

Албатта, ҳар бир зиддиятнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий келиб чиқиши турлича бўлади. Унинг вужудга келиш сабаби халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар, маҳаллий манфаатлар орасидаги зиддиятнинг кучайиши, зўрайиши натижасида бўлиши мумкин. Лекин, сабаб қандай бўлишидан қатъий назар, маҳаллий урушларни умумжаҳон миқёсдаги можаро ифодаси сифатида талқин қилиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, давлатлар орасида суверенитетга риоя қилиш ёки уни бузиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш туфайли вужудга келиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни ҳам истисно қилиб бўлмайди. Масалан, Перудаги Япония элчихонаси террористлар томонидан босиб олинганда қатор давлатларнинг дипломатлари гаровга олинган. Гаровга олинганларнинг мамлакатлари ҳукуматлари билан Перу ҳукумати орасида гаровга олинганларни озод этиш усуллари хусусида айрим келишмовчиликлар вужудга келган эди.

Агар иқтисодий глобаллашув замирида жаҳон ҳамжамияти давлатлари иқтисодий алоқаларининг байналмилаллашуви ётган бўлса, демак бу уюшган жиноятчиликда ҳам намоён бўлади. Бундан иқтисодий глобаллашув уюшган жиноятчиликнинг глобаллашувига олиб келади, деган фикрга келиш мумкин. Унинг оқибатларидан бири халқаро терроризм бўлди.

Инсоният тўқнашган турли-туман глобал муаммолар орасидан бошқариб ва башорат қилиб бўлмайдиганларини ажратиш жоиз. Буларга терроризмни ҳам қўшиш мумкин ва зарур. Терроризм жараёнини бошқариш масаласини уни бошқаришга қаратилган онгли ҳаракат, деб қараш мантиққа зид, албатта. Шу сабабли, жиноятчиликка қарши курашни бошқариш ҳақида сўз юритиш адолатли бўлар эди. Бу масалани фақат бир хил маънода, яъни мазкур иллатга барҳам бериш маъносида тушуниш керак. Таққослаш учун экологик муаммолар ёки сайёрамиз аҳолисининг ўсиш демографияси каби глобал жараёнларни бошқариш мумкинлигини келтириб ўтиш жоиз. Бунда ҳам унчалик содда бўлмаган ўзига хос муаммолар вужудга келади.

Терроризмни башорат этиб бўлмаслиги аввалambор, террорчилик ҳаракатларини содир этиш тактикаси билан шартланган. Терроризм қатнашчилари халқаро, минтақавий ёки давлат ичидаги вазиятнинг ўзгаришига қараб аниқ иш тутишга интиладилар. Улар ўз олдига воқеаларни олдиндан англаб ёки улардан ўзларига қулай вазиятда фойдаланиб қолиш мақсадини қўядилар.

Терроризмни бошқариб ва башорат этиб бўлмаслик белгилари унинг глобаллашуви жараёнига эмас, балки жиноий характердаги террорчилик ҳаракатларида намоён бўлади. Башорат этиб бўлмаслик хусусиятини мутлақлаштириш ҳам мумкин эмас, чунки у ҳолда глобаллашув жараёнини ҳам башорат қилиб бўлмай қолади, бу эса уни тўхтатиш, олдини олиш, чоралар кўриш имкони қолмайди, демакдир. Ҳар ҳолда мезонлар орқали етарли даражадаги ишонч билан террорчилик аломатларини олдиндан пайқаш мумкин ва бу ҳақда 1997 йили Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" деб номланган асарида минтақавий зиддиятларни тасвирлаб, очиқ-ойдин таъкидлаган эди.

Терроризм глобаллашувининг бошқа манбалари ҳам мавжуд. Кейинги йилларда терроризм билан тобора бирикиб кетаётган агрессив сепаратизм турли экстремистик кучлар учун озиқлантирувчи манбага айланди. Сепаратизм давлатларнинг ички зиддиятлари ва минтақавий беқарорликнинг бош омилларидан бири бўлиб қолди. Россиядаги чечен уруши, Испаниядаги басклар террорчилиги, Ҳиндистонда, Шри-Ланкада "Тамил Илама" ташкилотининг террорчилик фаолияти ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтирса бўлади. Яна бир бор такрорлаб айтамизки, сепаратизмнинг кучайишига эҳтиётсизлик билан, популизм мақсадида ёки узоқни ўйламай айтилган сиёсий фикрлар ёҳуд "қанча хоҳласангиз, шунча суверенитет олинг" қабилидаги ваъдалар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Низолар терроризмнинг манбаи бўлгани ҳолда, унинг келиб чиқиш сабаби бўла олмайди. Террорчилик ҳаракатларини содир этишнинг сабаблари сифатида нафрат, разиллик, жаҳолат, ҳокимиятни қўлга киритиш истаги ва шу каби иллатларни кўриш мумкин.

Низоларни ҳал қилиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, агар улар ўз вақтида ҳал этилмаса, ўсиб, миллий чегаралардан чиқиб кетади ва бу билан халқаро хавфсизлик тизимига зарар етказади. Тинч йўл билан ечилмаган низолар, одатда, зўравонликларга, давлат ҳокимияти билан очиқ курашга айланади.

Юқоридаги таҳлилий фикрларни умумлаштирган ҳолда, шундай хулосага келиш мумкин. Терроризм глобаллашувининг замонавий боскичи:

- дунё миқёсида можаро ва зиддиятларнинг кучаяётганлиги;
- халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши;
- диний экстремизмнинг ўсиши;
- наркотикларнинг ноқонуний айланиши;
- қурол-аслаҳанинг тарқалиши;
- айрим давлатлардаги сиёсий беқарорлик каби манбалар билан белгиланади.

Санаб ўтилган ҳолатлар терроризм глобаллашуви манбалари сифатида намоён бўлади. Улар бу жараёнга, аввалambор, юқоридаги омилларнинг ҳам интернационаллашуви орқали сезиларли таъсир кўрсатади. Умуман олганда, терроризмнинг жаҳонда умумий тартибнинг шаклланишига таъсири янада ортиб бормоқда. Бу ҳолатдан мантиқан келиб чиқадиган бўлсак, терроризм глобаллашувининг сиёсий асоратлари янада кучайишини башорат қилиш мумкин.

Бу асоратлар терроризмнинг бошқа минтақа ва мамлакатларга суқилиб киришида ўз ифодасини топади. Масалан, Марказий Осиё минтақасида дунё сиёсати структурасининг ўзгаришлари терроризмни кўпроқ сиёсий ҳодисалар марказига айлантиради. Терроризм глобаллашувининг энг хавфли асоратларидан бири, деб халқаро террорчилик альянсларининг вужудга келишини айтиш мумкин. Ҳозирги замонда ана шундай альянслардан бири Афғонистон-Чеченистон доирасида шаклланган. Мазкур альянсни юридик, ҳуқуқий асосга эмас, балки корпоратив уюшмалар сифатида тушуниш керак. Бу уюшмалар ҳамкорлиги замирида диний-сиёсий манфаатлар ётади. Уларнинг мақсадлари бир хил эмас, ҳатто баъзи хусусиятлари бўйича турличадир (сепаратизм, ташаббусни эгаллаш ва ҳ.к.). Бундай халқаро корпоратив альянсларга моддий тобелик, моддий манфаатдорлик хос бўлади ва буни Усама бин Ладен ва бошқалар мисолида кўрсатиш мумкин. Маълумки, терроризмнинг халқаро ва давлат ичидаги бир-бири билан узвий боғланган турлари мавжуд. Улар орасида аниқ чегараларни ўтказиш ҳам қийин. Экстремистлар учун давлат чегаралари тўсиқ бўла олмайди. Уларнинг халқаро террористик ташкилотлари эндиликда фақатгина оддий фитначи тўдалардан иборатгина бўлиб қолмасдан, балки давлат аппаратининг турли бўғинларида, қатор мамлакатларнинг саноат ва молия доираларида "ўз одамларига", шунингдек ички меҳнат тақсимотига эга бўлган йирик ташкилотлардир. Дунёда террористик байналмилаллашув ҳамда глобаллашув жараёни рўй бермоқда ва бу жараён нафақат алоҳида давлатлар, балки минтақавий, ҳатто субминтақавий барқарорликка путур етказиши мумкин. 1999 йилнинг октябрида Вашингтондаги Антитеррорчилик тадқиқотлар Марказида "XXI асрда терроризмга қарши стратегик ҳаракатлар" семинари бўлиб ўтди. Унда замонавий терроризм янгича қурол ва технологияларни эгаллаб бутун инсоният учун таҳдид солувчи "супертерроризм"га айланиб бораётганлигига эътибор қаратилган эди. Ушбу семинар қатнашчиларининг фикрича, асосий хавф экстремистик ҳаракатларнинг "қонунийлашуви" легитимизация жараёнида бўлиб, бунда жангарилар маҳаллий ҳокимият вакиллари бўлади. Бу ҳолат Чеченистон ва Шимолий Ирландияда кузатилмоқда.

Терроризмнинг халқаро алоқалари унинг глобаллашувидаги янги йўналишидир. Уюшмалар миллий чегаралар доираларидан чиқиб, террорчилик тузилмалари манфаатларини бирлаштириш учун шароит яратмоқ-

ишлар. Террорчилар позициялари заифлаша борар экан, ундан моддий манфаатдорлик омилининг аҳамияти ошади. И.А.Каримовнинг "Мингйиллик саммити" деб ном олган анжуманда сўзлаган нутқида: "20 йилдан ортиқ вақт мобайнида уруш давом этиб келаётган Афғонистон... ҳозирги пайтда халқаро террорчилик ва экстремизмнинг полигони ҳамда таянч базасига, миллиардлаб даромад келтираётган дунё наркотик ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи – фабрикасига айланганлиги таъкидланган эди". ("Халқ сўзи", 12.09.2000).

Терроризмнинг глобаллашуви бу – абстракт тасаввурдаги жараён эмас, балки сон ва сифат ўлчовларга эга воқеликдир. Сон ва сифат кўрсаткичларига: кўпманбалилик, яъни терроризмнинг геополитик маконда кенг тарқалганлиги (мамлакатлар, минтақалар, субминтақалар ва ҳатто қитъалар бўйлаб тарқалганлиги);

криминологик тафсилоти: содир этилган жиноятқорона террорчилик ҳаракатларининг тафсилоти ўсиб бориши ва таркиб, мазмун ҳамда шакллари;

террористик ҳаракатлар оқибатида берилган қурбон ва вайроналикларнинг миқдори, шунингдек етказилган моддий зарарлар киради.

Терроризм глобаллашувининг кўринишларига сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар ҳам тааллуқли бўлиб, улар зиддиятли ёки инкирозли вазиятлар вужудга келишида, ижтимоий-сиёсий ҳамда халқаро тангликнинг ўсиши билан тавсифланади. Сифат жиҳатидан ўзгаришларга террорчиларнинг жиноий мақсадларида энг янги коммуникацион ва ахборот технологиялардан, биология, тиббиёт, психофизиология, шунингдек, ҳарбий соҳадаги ютуқлардан фойдаланишларини мисол қилиб келтирса бўлади.

Терроризмнинг сон ва сифат кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда, унинг глобаллашуви жараёнининг охири борми, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб терроризмга қарши курашнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан ўта муҳим аҳамиятга эга. Айрим тадқиқотчилар XX асрнинг 60-70-йилларида ахборот коммуникация технологиялари соҳасида янги ютуқларнинг пайдо бўлиши боис, иқтисодий глобаллашувнинг чегараси йўқ, терроризмнинг глобаллашувини тўхтатиб бўлмайди, унга қарши курашнинг фойдаси йўқ, деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, терроризм билан самарали курашни ташкил этиш масаласи, кўп жиҳатдан, давлатларининг халқаро терроризм таҳдидига барҳам беришга йўналтирилган ҳаракатларига боғлиқ. Аваламбор, бу ҳаракатлар терроризм глобаллашувининг оқибатларини имкон қадар камайтиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Шу билан бир қаторда, бу ҳаракатлар терроризм пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳудудларни (одатда бу ҳудудларда бир вақтнинг ўзида зиддиятлар ва беқарорлик мавжуд бўлади), чеклаш йўлидан бориш керак. Яъни, гап сиёсий кураш орқали объектив шартланган терроризм ҳодисасининг ўзи билан эмас, балки маданий-маърифий шакл ва усулларни

киритиш йўли билан бу курашнинг моҳиятига таъсир этиш лозим. Натижада, кураш муваффақияти жаҳон ҳамжамиятининг терроризм глобаллашувига шароит яратувчи ҳаракатларга қарши жавоб топа олишига боғлиқ бўлади. Бироқ, терроризм глобаллашуви таҳдидларига қарши курашда муваффақиятга эришиш ҳамроҳлик ва ўзаро чамбарчас омилларга боғлиқ. Улардан бири – аниқлаш, фош қилиш ва чек қўйиш ўта мураккаб террорчилик фаолиятини молиялашни тўхтатиш омили ҳисобланади. Молиялар глобаллашуви шароитида, бутун жаҳон молиявий интеграциясида давлатлар валютанинг бемалол ҳаракатланиши йўлидаги миллий тўсиқларни йўқ қилишга мажбурдирлар. Молиявий капитал эса давлатларни тарк этиш, яъни давлат таъсири остидан чиқиш қобилиятига эга. Бу террорчилар учун ҳар доим молиявий маблағлар орттириш мақсадида бундай "туйнукларни" топиш имкониятини яратади. Уларни ёпиш эса жуда мушкул. Чунки, бунда терроризм билан иқтисодиёт глобаллашувларининг алоқаси аниқ кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг "Минг йиллик саммити" йиғилишида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрларни билдирди: "Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишлари эмас, балки, энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туришимиз мумкин" ("Халқ сўзи", 12.09.2000).

Зеро нафақат терроризм, балки дин ҳам олдинги бобда айтганимиздек, сиёсий кураш воситаси ҳамда методига айланмоқда. Устигаустак, XX асрда динга эътиқод қилувчилар сонининг ўсишга мойиллиги янги юз йилликда ҳам ўзгармаслиги кутилмоқда.

Диннинг сиёсийлашуви ҳамда диний экстремизм муаммоси глобал муаммога айланмоқда. В.Шведовнинг таъкидлашича, конфронтация вируси борган сари мустаҳкамланиб, динлараро муносабатлар стратегик глобал муаммолар даражасига ўтмоқда (Шведов В. Религия и политика. Международная жизнь. 1992, №5, с.59.). Бу билан терроризм ҳамда диний экстремизм глобаллашувларининг параллел ривожланиш жараёни кузатилмоқда. Диний экстремизм сиёсий экстремизмнинг юқори шакли ва манбаи эканлигини ҳисобга олиб, глобаллашув шароитида унга таъсир кўрсатилмаса, терроризмга қарши курашда муаммолар вужудга келади. Умуман, юқорида баён қилинган ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, терроризмнинг глобаллашувига мос равишда чора кўриш, унинг назарий-ижтимоий моделини ишлаб чиқишга зарурат етилди.

Халқаро терроризм ва бу ҳодисанинг глобаллашуви воқеликни геополитик нуқтаи назардан идрок қилишнинг шаклидир. Терроризмнинг глобаллашув моделини тузишда бу феноменнинг давлатлар, жамоатчилик

ҳаёти ва халқаро соҳадаги бошқа ижтимоий-сиёсий кўринишлар билан ўзаро алоқа ва муносабатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммоларга методологик ёндашувлардан бири жаҳон сиёсий жараёнининг таҳлили бўлиб, унда А.П. Кабаченко ва Ю.М.Павловлар таъкидлаганидек, сон-саноқсиз ва чексиз мураккабликдаги манфаатлар тўқнашади ва улар орасидаги ўзаро таъсир эса ҳаракатсиз манбада амалга оширилиши мумкин эмас (Кабаченко А.П., Павлов Ю.М. Методологические и теоретические основы современной политологии. Вестник Моск. Университета. Серия 12. Политические науки. 1999. №3, с. 118.).

Жаҳон сиёсатини ўз измига киритишга интилаётган халқаро терроризм айнан мана шу жиҳатдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Умумий хулосалар шаклида шуни таъкидлаш мумкинки, терроризмнинг глобаллашуви нафақат глобал муаммолардан бирини, балки глобаллашув умумий жараёнининг таркибий қисмини ифодалайди. Халқаро терроризм мамлакатлар, минтақалар ва бутун дунёда сиёсий вазиятни беқарорликка келтирувчи "субъект" бўлиб, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка реал таҳдид сифатида майдонга чиқмоқда.

4. ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Сўнгги йилларда терроризм миллий чегаралардан чиқиб, халқаро ҳодисага айланди. Терроролог-олимларнинг фикрича, жаҳонда 500 дан зиёд террорчилик ташкилотлари ва гуруҳлари бор. Мавжуд расмий маълумотларга кўра, 1975 йилдан то 1994 йилгача бўлган давр мобайнида улар томонидан тўққиз мингдан зиёд террорчилик ҳаракатлари дунёнинг деярли барча мамлакатларида содир этилган. Бунда кўплаб ҳукумат вакиллари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, дипломатлар, бизнесменлар, шунингдек, террорчилар фаолият кўрсатаётган ҳудудларга тасодифан ҳозир бўлган кўп сонли фуқаролар жиноий тажовузларнинг объекти ҳамда қурбони бўлдилар. Замонавий терроризм ўзининг ташкилий, касбий, моддий-техникавий жиҳозланганлиги даражасининг кескин ошганлиги, шунингдек, террорчилик ҳаракатларини содир этишнинг тури, шакли, усулларининг турли-туманлиги билан тавсифланувчи халқаро сиёсий-ҳуқуқий кўринишларни касб этмоқда.

Тахминан XX аср 60-йилларининг охири – 70 йилларининг бошларида терроризм, ўз таркибига ҳамфикрларни бирлаштирган, сиёсий, диний, этник, ижтимоий йўналишдаги ташкилот сифатида қайта шаклланди. Шубҳасиз, умумий сабаблар ичида халқаро ҳамжамият глобаллашуви туфайли объектив равишда ривожланаётган жараёнлар ҳам мавжуд. Терроризм субъектлари иқтисодиётдаги байналмилаллашувнинг глобал жараёнлари каби секин-аста, маълум даражадаги аниқ ташкилий шаклларга кириб борди. Кечаги якка террорчилар унчалик катта бўлмаган гуруҳларга, ундан сўнг ташкилотларга бирлашиб, секин-аста халқаро миқёсда уюша бошладилар. Кўпгина халқаро уюшган жиноятчилик гуруҳлари ҳудди шундай йўлни босиб ўтганлар. Уюшган террорчилик тузилмалари асосан террорчилик фаолияти миқёсининг кенгайиши ташкилий террорчилик тузилмаларининг шаклланишига объектив имкон яратиб беришига қараб вужудга келган. Ҳозирги вақтда кўпгина террорчилик ташкилотлари ёки гуруҳлари ўзаро уюшган ҳамкорлардан иборат бўлиб, улар ўзларининг ўзаро бўйсундирилган ички тузилмаларига эга. Йирик ёки унчалик катта бўлмаган террорчилик ташкилотлари алоҳида гуруҳлар ёки бошланғич гуруҳлардан ташкил топган бўлиб, улар муайян аъзолар (бошлиқ, алоқачилар) орқали боғланадилар ва бу билан ўта махфийликни таъминлайди.

Бундай уюшмаларнинг ташкилий тузилиши ва "ташкилот" тушунчасидан келиб чиққан ҳолда террорчилик ташкилотини қуйидагича таърифлаш мумкин: "Террорчилик ташкилоти ўзига хос муносабатлар, маълум иерархия тарзида мувофиқлашган, ўзаро бўйсунишдаги норасмий меъёрлар, иштирокчиларнинг ўз сиёсий мақсадларига, жиноий восита ва усуллар, шунингдек, амалдаги ҳокимиятга йўналтирилган таъсир кўрсатиб, жамиятда ижтимоий танглик муҳитини вужудга келтириш йўли

билан эришиш каби умумий манфаатлар йўлида уюшган кишиларнинг мустаҳкам тизимидан иборат.

Террорчилик ташкилотлари норасмий тузилмалардир. Шунинг учун уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга: сон таркиби, молиялаштириш манбаи, шаклланишининг мафкуравий асоси ва ҳ.к. Шу билан бирга, бу ташкилотларнинг умумий белгиси жиноий фаолиятнинг сиёсийлиги бўлиб, у террорчилик ташкилотлари тизими ҳақида глобал, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдид солувчи яхлит тузилма сифатида гапиришга асос бўлади.

Шу тариқа, террорчилик ташкилотларининг халқаро тизими – бунда яхлит тузилма ёки ҳамжиҳатлик бирдам бўлиб, умумий функциялар билан боғланган сиёсий мақсадлари бўйича, бир-бирига яқин ташкилотлар мажмуи дейиш мумкин. Улар фаолиятининг мазмун-моҳияти дунё тартибининг бузилишида, жаҳон сиёсий жараёнининг стратегик барқарорлигига ҳамда халқаро хавфсизликка тажовуз қилишда намоён бўлади.

Ҳукумат, махсус хизмат ҳамда полиция томонидан аксилтеррорчилик чораларининг кўрилаётганлиги муносабати билан, терорчилик ташкилотлари махфийлашув ишларини анча кучайтириб, ўз фаолиятларида янада ўткирроқ усуллар ва тактикани қўллаб, ўзига хос "меҳнат тақсимотига" ўтадилар: ташкилотларда раҳбариятдан ташқари "жанговар қанот", террорчилик хуружларининг ташкилотчи ва ижрочилари, назариётчи ва тарғиботчилар гуруҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси ўз мафкурасини ишлаб чиқиш, психологик тайёргарлик кўриш ва, энг муҳими, терорчилик хуружларини ғоявий жиҳатдан таъминлашдан иборат. Масалан, таъкидлаш мумкин, Россия Чеченистондаги куч ишлатиш методидан фойдаланишдан иборат аксилтеррорчилик операциясини бошлаб, унинг тарғиботини таъминлашни назардан четда қолдиргани натижасида "ахборот урушида" бой берди. Чеченистон айирмачилари бош мафкурачиси Мовлади Удугов бу урушни "қуролланган тарғиботнинг" турли-туман методларидан фойдаланган ҳолда, ташкил этди. У ўзининг тарғиботчилик фаолиятига оммавий ахборот воситаларининг энг катта доираларини, шу жумладан, Россия матбуоти вакилларини ҳам жалб этди. Оқибатда, Ғарб дунёсининг мойиллиги чеченлар томон ортиб, Россия ҳукумати матбуотда бирин-кетин пайдо бўлаётган миш-мишларга жавобан ўзини оқлашга улгура олмай қолди. Москванинг аксилтеррорчилик ҳаракатлари АҚШ, Франция, Германия ва қатор бошқа давлатлар ҳукмрон доиралари томонидан қораланиб, кейинроқ Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг Россияга қарши санкцияларида ўз аксини топди.

Ташкиллаштирилган террорчилик тузилмаларининг вужудга келиши манбалари ҳар қайси мамлакат ва минтақа учун ўз хусусиятига эга, бироқ, унинг ижтимоий-иқтисодий, диний ва бошқа негизларининг таҳлили баъзи бир омилларнинг алоҳида минтақалар учун умуммиллийлиги ҳақида гапиришга асос бўлади. Масалан, Европанинг қатор мамлакатлари-

да 60-70- йилларда терроризмнинг фаоллашуви сўл радикал йўналишдаги "ёшлар исёни" билан, Яқин Шаркда эса, у 2000 йилнинг октябрь ойида қайта аланга олган, Фаластин-Исроил можароларининг кучайиши билан боғлиқ. Марказий Осиёда ислом экстремистларининг ташкиллашган террорчилик фаолиятини Афғонистондаги уруш вужудга келтирди. Бунинг оқибати сифатида Тожикистондаги фукаролар уруши юз берди. Бу жараёнларнинг кетма-кетлиги, ўз навбатида халқаро терроризмнинг қўшни давлат – Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларига таҳдиди кучайишини келтириб чиқарди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу икки мамлакат ортида жойлашган Қозоғистон ҳам, баъзи бир давлат арбоблари ва сиёсатшуносларнинг, харчанд, бу ҳақда бошқа фикрда бўлишига қарамасдан, терроризмнинг мавжуд таҳдидидан холи бўла олмади.

Халқаро терроризм ташкилотлари тизимини таҳлил қилиш учун, албатта, унинг асосий турларини ажратиш керак. Бу ҳақда турли нуқтаи назарлар мавжуд. Масалан, В.В.Лунеев, "терроризмнинг илдизлари асосан сиёсий, иқтисодий ва бошқа ижтимоий муносабатларда (Лунеев В.В. "Круглый стол" журнала "Государство и право". 1995, с.25.) эканлигини тўғри таъкидлаган ҳолда, террорчиликнинг сиёсий терроризм, миллатчилик терроризми, халқаро терроризм ва фазовий терроризм каби турларини ажратади. Мазкур типологияда турли асослар аралашиб кетган. Биринчидан, сиёсий ёки миллатчилик терроризми халқаро бўла оладими? Ёки нима учун фазовий терроризм алоҳида турга ажратилмоқда? Ахир, экстремист ташкилотларнинг амалиётида темир йўл, сув ёки автомобил транспортида содир этилган террорчилик хуружларининг кўп сонли фактлари ҳам мавжуд-ку. Масалан, "Аврасия" турк теплоходининг босиб олиниши, 2000 йил 12 октябрида Аден портида Йемен Америка ҳарбий кемасининг портлатилиши ёки Шимолий Кавказ темир йўл магистралларида содир этилган "миналар уруши" шулар жумласидан-ку!

Бу ўхшатишга (Лунеев фикрларига қўшиладиган бўлсак) риоя қилинса, "қуруқликдаги терроризм"ни ҳам ажратиш лозим (масалан, террорчилар портловчи моддалар жойлаштирилган машиналарни маъмурий биноларга йўналтирганлар: – 1999 йил 16 февралида Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонидаги ҳукумат биносига, Сомалидаги АҚШ элчихонасининг биносига 1993 йил июл-сентябрь ойларида беш марта, 2000 йил сентябрь-октябрь ойларида Чеченистондаги прокуратура ва ИИБ биноларига ва ҳоказо). Агар терроризм, сиёсий мақсадларга кўра амалга оширилган, мақсадли зўравонликни назарда тутса, бу ҳолда жиноий терроризмнинг алоҳида тур сифатида ажратилиши, бизнинг фикримизча, тўғри эмас. Демак, юқоридаги муаллиф ташкиллашган террорчилик фаолиятининг типологиясида алоҳида гуруҳларга бўлишнинг ягона асослари тамойилининг бузилишига йўл қўймоқда.

Терроризмнинг ташкиллашган турлари таснифига бундай ёндашув Н.Мелентьевада (Мелентьева Н. Размышления о терроре. "Элемент".

Евразийское обозрение. М. 1996, №7, с.17-19) ҳам кузатилиб, унда унинг мафкуравий, этник, диний, криминал, якка тартибдаги каби турлари фарқланади. Эътирозлар бўлишини олдиндан тахмин қилиб, Н.Мелентьева бу "анча кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, одатда кўпроқ умумий мафкуравий мақсадга қурол бўлиб хизмат қилади", - дейди.

Табиийки, муаллиф "индивид томонидан жамиятнинг бошка аъзоларига нисбатан кўрсатиладиган зўравонлик экзистенциал, субъектив норозилик ифодаси бўлиб, у рационал ҳамда мафкуравий асосланмаган", -деб тавсифлаган. Якка терроризмни террорчилик ташкилотлари тизимига киритиб бўлмайди. Бунинг сабаби, Н.Мелентьева асослаганидек, "экзистенциал, субъектив норозиликнинг ифодаси рационал ва мафкуравий жихатдан асосланмаган".

Ўз навбатида, Ю.М.Антонян (Антонян Ю.М. Криминологическое и уголовно-правовое исследование. М., "Щит-меч", 1998. с.33-42), "терроризмнинг турли кўринишлигига ҳамда криминологик ва жиноий-ҳуқуқий тушунчаларига таянган ҳолда, унинг ташкиллашган турларини анчагина кенг кўламга ажратади ва унинг таркибига сиёсий, давлат, диний, миллатчилик, ҳарбий, сектантлик, (мазҳабларга бўлиниш), ғаразли, жиноий, партизанлик ва "ғоявий" турларини қўшади. Назаримизда мазкур типологияда мазмуни жиҳатидан ортиқча элементлар мавжуд. Зеро, ҳар қандай ҳолатда сектантлик турини умумий нарсанинг бир қисми сифатида диний терроризмга, ғаразли турини эса криминал терроризм билан умумлаштириш керак. Хусусан, муаллиф ғаразли терроризм ҳақида шундай ёзади: "Рэкетирлар фақатгина сотувчини жазолаш учунгина эмас, балки бошқаларга, агарда бўйсунмасалар, уларни ҳам шундай жазо кутишини кўрсатиш учун ҳам каттиққўллик билан жазолаш усулларини қўллайдилар". Терроризмнинг ташкилий шаклларини бу йўсинда асослаш содда ва ишончсиз, чунки унинг моҳияти терроризмнинг асосий белгисига зиддир.

Ўша муаллиф томонидан терроризмнинг яна бир "идеаллашган" турини ажратилиши ҳам ноўрин. Яъни, террорчилик ҳаракатлари "дунёни, адолатни қайта тузиш мақсадида содир этилиши" дейиш, "содда" ва саёз кўринади, чунки бу турларни терроризмнинг сиёсий, миллатчилик ва ҳоказо турларига қўшиш мумкин. Бизнингча, ташкиллашган терроризмнинг асосий турлари сифатида ижтимоий, айирмачилик, миллий-этник (этносепаратчилик) ва диний экстремистик шаклларини кўрсатиш керак эди.

Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, хилма-хилликлар, одатда, ҳар доим ҳам очиқ намоён бўлмайди, чунки террорчилик ташкилотлари фаолиятининг ғоявий йўналиши ҳамда сабаблари деярли ҳар доим "қоришиқ" ёки қандайдир ғоявий мақсадларнинг муштараклигида намоён бўлади, шунингдек, уларнинг мақсадлари кўпинча ўзгаришларга учрайди.

Сиёсий терроризм замонавий терроризм шаклларининг асосийси бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошлаган. Аввалига у

давлатларнинг ўз фуқароларини қатағон қилишида, жамиятдаги терроризм, алоҳида шахсларнинг давлатга қарши зўравонлик ҳаракатларида намоён бўлган.

В.С.Грехневнинг таъкидлашича, сиёсий терроризмнинг замонавий шакли алоҳида кишилар гуруҳлари томонидан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий тизимини барбод қилишга, обрўсизлантиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

Бироқ, моҳиятига кўра сиёсий терроризм терроризмнинг ҳамма турларини қамраб олади, шунинг учун, унга терроризмининг мустақил тури сифатида қараш тўғри эмас. Шу муносабат билан, муаллиф уюшган террорчиликнинг юқорида қайд этилган турларини террорчиликнинг асосий шакли, деб ҳисоблайди.

Бугун Осиё минтақасида тажовузкор экстремизм намоён бўлиб, террорчилик унинг амалиётини ташкил этади. Ислом фундаменталистлари халифачилик ва шунга ўхшаш турли тоифадаги шиорлар ниқоби остида, ўзларини эътиқод учун курашчи қилиб кўрсатишга ҳарчанд уринмасин, аслида улар давлат ва жамият тузумига тажовуз қилиш каби сиёсий мақсадни кўзлайдилар. Шунинг учун, террорчиликни юқорида айтилган асосларда таснифлаш шартли деб ҳисоблаш мумкин.

Ижтимоий террорчилик деб номланувчи гуруҳга кирувчи террорчилик ташкилотлари сиёсий ёки иқтисодий тизимни ўз мамлакатининг ташқи иқтисодий сиёсати йўналишини тубдан ёхуд қисман ўзгартириш мақсадини кўзлайди. Буларга асосан "ўнг" ва "сўл" террорчилик ташкилотлари киради.

"Rote Armee Fraktionen" (ГФР "Қизил армия фракциялари"), "Аксьон директ", "Тўғридан тўғри таъсир" (Франция), "Қизил бригадалар" (Италия), "Сендеро Луминосо" – "Ёруғ йўл" (Перу) ва бошқалар "сўл" террорчиликнинг бошловчиларидир. Бундай сохта инқилобий талқиндаги ташкилотлар учун анархизм, троцкизм, "Истеъмолчилар жамияти билан кураш", "эски дунёни емириш" каби ғоялар, Лотин Америкасининг қатор мамлакатларига хос бўлган қишлоқ жойларида партизанлик курашини олиб бориш хосдир. Бу уринишлар барбод бўлганидан кейин эса, давлат арбобларини, армия ва полиция раҳбарларини ўлдириш, йирик мулкдор ва шу каби инсонларни талаш ҳам ана шу ғояларга тааллуқли бўлиб, уларнинг фаолиятида терроризмнинг шакл ва усуллари ўзининг аниқ ифодасини топган.

Социалистик лагер мамлакатларида 80-йилларда кетма-кет рўй берган инқирозлар, "социализмнинг жозибаси" сўниши ва жаҳон инқилоби ғояси нуфузининг пасайиши, аниқроғи, "сўл" ғояларга қарши кўрилган муваффақиятли аксилтеррорчилик чоралар кўпгина террорчилик ташкилотларининг заифлашувига, қатор ҳолатларда эса умуман емирилишига олиб келади. Бироқ, уларнинг ўрнига ўнг экстремистик ташкилотлар келди, масалан, ГФРда "текис бошлилар", "Немис халқ иттифоқи", "Анти-Антифа", "Халқ ва ватан учун немис лигаси" ва

бошқалар шулар жумласидандир. Улар фаолиятининг йўналиши: неофашизм, неонацизм, антисемитизм, "немисларга ёт" ҳамма нарсага қарши курашиш ва х. Ҳокимият томонидан неофашист ва неонацист экстремистик ташкилотларини тақиқлаш чоралари кўрилиши муносабати билан улар ўз тактикасини ўзгартириб, бошқа ташкилий ўзанларга ўтиб олдилар. Ташкилотларини кичик-кичик гуруҳларга ажратиб, улар аввалambор, эҳтиёткорлик чораларини кучайтирдилар. Иккинчидан, шу тариқа иттифоқчилар сонини оширдилар. ГФР давлат органлари юзага келган вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда, аввалambор, жамоатчилик фикрини "ўнг"ларнинг террорчилик фаолиятига бошқа мамлакатларнинг салбий муносабатини ҳисобга олган ҳолда, 2000 йилнинг октябр ойида бу ташкилотлар фаолиятини, умуман, тақиқлаб қўйди.

Миллий-этник талқиндаги террорчилик ташкилотлари тизимини таҳлил қилишга ўтишдан аввал жамиятдаги барқарорликни сақлаш раҳна солувчи омилга айланиб бораётган миллатлараро зиддиятлар масаласига мурожаат этишимиз лозим. Ушбу турдаги зиддиятлар географияси деярли ҳамма қитъаларнинг кўпчилик мамлакатларини қамраб олмоқда. БМТ бош котиби К. Аннаннинг таъкидлашича, халқаро ҳамжамият ҳанузгача икки қутбли тизми емирилишининг салбий асоратларини енга олгани йўқ. Кўпмиллатли мамлакатларда хоҳ у Марказий Осиёда, хоҳ собиқ Югославияда бўлсин, аланга олган этник зиддиятлар бунинг фожиали далили бўла олади (Аннан А. Кофи. Обновление на переходном этапе. Годовой доклад о работе Организации. 1997г. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк. 1998, с.4.). Улар, аввалambор, миллий хавфсизлик ҳолатига таъсир кўрсатади.

Шундай факт равшан бўлмоқдаки, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, – кўп миллатли давлатда этник гуруҳлар ўртасидаги ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омиллардан бири эканлиги аниқ бўла бошлади (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон. 1997. 71 б.). Миллатчиликни Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдид сифатида белгилаб, И.А.Каримов, "ўзларининг сиёсий ва бошқа мақсадлари йўлида миллий масалани дастак қилиб олишга интиладиган кучлар, энг аввало, одамларни юксак даражада сафарбар этадиган ҳиссиётларга умид боғлайдилар. Кейинчалик уларни ҳар қандай сиёсий доншмандлик ва соғлом фикрни инкор этадиган жангари тажовузкорлик йўлига буриб юбориши мумкин, деб ўйлайдилар" (Ўша жойда, 27 б.).

Дарҳақиқат, машҳур инглиз тарихчиси А.Тойнби таъкидлаганидек, жаҳондаги энг кучли мафкура миллатчилик бўлиб, миллий манфаатларга оид зиддиятлар вужудга келган пайтда ҳеч қандай мафкура унга қарши тура олмайди (Жумаев Р. З., Убайдуллаев У. А., Хужанов Б. А. Конфликтология асослари. Тошкент, 2000, "Академия" нашриёти, 152 б.) (207).

Этник зиддиятлар, миллатчилик сиёсатини ҳамда экстремизм, зўравонлик, террорчилик амалиётини қурол қилиб олган террорчилик ташкилотлари пайдо бўлишининг асосий сабаблари нимада?

Мазкур ишнинг учинчи бобида таъкидланганидек, глобаллашув жараёнлари объектив равишда умумжаҳон миқёсидаги қатор муаммоларни, шунингдек, терроризмни ҳам вужудга келтирди. Глобаллашув, байналмилаллашув ҳамда интернационаллашув тенденцияси жаҳон ҳамжамиятини, соғлом мақсадларда, яхлит ёки умумий бирликни яратиш заруратига олиб келмоқда. Шу билан бирга, дунёдаги турли этнослар, бир томондан, бу жараёнга интилсалар, бошқа томондан, ўз қобиғларида ўралиб қолмоқчи, бироқ бундай мутаносибликка эришиши осон бўлмайди.

Яна бир сабаб шундан иборатки, дунёда мавжуд бўлган этнослар сони билан мавжуд давлатлар сони орасида объектив равишда вужудга келган тафовут бор. Бунинг устига, инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясини иқтисодий ҳамда халқаро пакт ва фуқаролик, сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларни ўзида мужассам этган "Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль" кўпгина мамлакатларнинг ўз давлатчилигига эга бўлмаган этносларини ўз тақдирларини ўзлари белгилашга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга даъват этади. Токи улар "мана шу ҳуқуқ асосида ўзларининг сиёсий мавқеини тиклаб, ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини мустақил равишда таъминлаб олсинлар (Международный билль о правах человека. №2. 1990. Женева. Центр по правам человека ООН, с. 8).

Албатта, ҳеч қайси давлат, яхлит сиёсий тизим сифатида, олижаноб мақсадларга амал қилса-да, ўзининг минтақавий субъектларини автономлаштириш ҳамда суверенлаштириш йўлидан бормайди. "Истаганингизча суверенитет олинг" кабилидаги енгилтак ва ўткинчи мурожаатлар, энг юқори даражада имзоланган турли хилдаги битим ва баёнотлар бўлаверади, бироқ амалда ҳар доим ҳам юқорида қайд этилган ҳуқуқга риоя қилинавермайди. Бунга кўп далилларни келтириш мумкин. Собиқ совет иттифоқи ҳудудида миллий-маданий автономияларни яратиш ғояси ҳам худди шундай бепарволикка учраган эди (В.Ленининг "Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги" асарини эсланг). Федератив, деб эълон қилинган давлат, ҳақиқатда қаттиқ марказлашган бошқарувдан иборат давлат тузилишининг унитар шаклига эга эди. Иккинчи – жаҳон уруши йилларида Поволжье немислари, ингушлар, қарачойлар, Крим Автоном республикасининг миллий давлатчилиги тугатилди. Кейинроқ тарихий адолатни тиклаш борасидаги барча уринишлар самара бермади.

Косово вокеалари ҳам ўзининг тарихий ўтмишига эга бўлиб, унинг сабаблари кейинчалик қуролли можарога олиб келди. Гап шундаки, Сербия таркибига кирувчи Косовода миллий ўзликни англашнинг аламли жараёнлари ҳанузгача давом этмоқда. Гарчи Балқон халқларининг бирла-

ишши XX асрнинг бошида рўй берган бўлса ҳам, зиддият илдизлари Сербиянинг турклар томонидан забт этилиш даври, яъни XIV асрга бориб тақалади. Бу даврда, биринчидан, маҳаллий аҳолини зўравонлик йўли билан исломлаштирилаётган, иккинчидан, эса турк маъмурияти бу ерга албанларни кўчириб киритиб, натижада, кейинги Югославияда жойлаштирилган албанларнинг сони барча албанлар сонининг 40 фоизини ташкил этди (Волков В. К. Трагедия Югославии. М., Новая и новейшая история. 1994, №4-5, с.8). Марказий ҳукумат томонидан албан маданияти ривожига тўсқинлик қилиниши боис, уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари паймол этилар эди (худди Руминияда Трансильванияда истиқомат қилувчи венгерларга бўлган муносабат каби). Натижада, "Барча албанларни ягона давлат доирасида тўплаш керак",- деган сепаратизм ва ирредентизм ғоялари кенг тарқала бошлади. Бу сиёсат бора-бора у ерда истиқомат қилувчи серб ва черногорияликларни таъқиб қилиш, қувғин қилиш амалиётига айланиб кетди. Террорчи ташкилоти – "Косово озодлик армияси" (КОА) ўз салоҳиятига кўра, ҳозирги вақтда қудратли бўлиб, у билан курашишни ҳатто Косовода жойлашган НАТО ҳамда Россиянинг тинчлик яратувчи қуролли қисмлари ҳам ҳисоблашади. Бошқача айтганда, миллий ўзликни англашга интилишнинг ҳаддан ошиши, аксарият ҳолларда, миллий–этник асосидаги террорчилик ташкилотларини вужудга келтиради.

Ўз муаммоларини зўравонлик воситасида ҳал этиш йўлидан ташкилотлардан "Озодлик йўлбарслари" – "Тамил Илама" (Шри-Ланка), "Лоб-Нор йўлбарслари" (ШМАР), "ЭТА" (Испания) баскларининг террорчилик ташкилотлари) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. "Тамил йўлбарслари" қарийб йигирма йилдан бери ўз давлатларини барпо этиш мақсадида йирик миқёсдаги аксил-ҳинд, шунингдек, Шри-Ланка ҳукуматига қарши қуролли ҳуружларни ташкил қилмоқдалар. Ҳиндистон ҳамда унинг жанубий штати бўлмиш Тамилнаднинг давлат мансабдорлари ҳарбий хизматчилар, полиция ва айрим этник гуруҳлар вакиллари ушбу террорчилик ташкилотларининг тажовуз объекти ҳисобланади. Моддий-техника, молиявий, кадрлар билан таъминлаш ва қуроллантириш масалаларида уларга Тамилнад штатидаги айрим доиралар ёрдам кўрсатмоқда.

Замонавий уйғур сепаратизми миллий чегаралар доирасидан чиқиб кетиб, нафақат Хитой ҳудудида, балки Марказий Осиёда террорчилик амалларини олиб боришда улар "толиблар", "ОТО"ва "ЎИҲ" билан яқиндан ҳамкорлик йўлини тутадилар. Расмий манбалардан олинган хабарларга кўра, 2000 йилнинг иккинчи ярмида Қозоғистон ва Қирғизистонда бир неча ўнлаб уйғур террорчилари қўлга олинган.

Мазкур турдаги террорчилик ташкилотлари фаолиятининг хусусиятларини умумлаштириб ишонч билан айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган мавжуд қарама-қаршиликлар, яъни миллий-давлат муаммоларидек юзик масалани ҳал этишга ҳукуматларнинг ноқобиллиги ёки истамаслиги, зўравонлик, жиноят, портлатиш, ёндириш ва шу каби амалларнинг нафақат фаоллашуви, балки қўллаб-қувватланишига ҳам шароит яратади.

Аввалambор, бу миллатчилик ва сепаратизм ғояларига қўшилувчи ҳамда кадрлар билан таъмиловчи кенг ижтимоий замин билан, шунингдек, мўътадил миллатчилар ва ҳамдардлар, деб номланувчи кенг қатлам билан боғлиқ. Бу, айниқса, Корсикани мустамлакага айлантиришга римликлар, маврлар, генуэзлар ва французлар томонидан беҳуда уринишлар мисолида аниқ намоён бўлади. Бирок, корсикаликларда шахсий аҳамиятлилик туйғуси барча кам сонли этник жамоалардаги каби (260 минг) кучли ривожланган. М. Калмиковнинг таъкидлашича, ҳар қандай корсикалик сиёсатчи, - аввалambор, - корсикалик, кейин эса голлист, либерал, социалист, коммунист. Оддий корсикаликларнинг уруғ-аймоқчилик турмуш тарзи, миллий ғурури "туғишган" экстремистларга (Калмыков М. Эхо планеты. №38, М.2000. с. 23) қарши марказий ҳукуматни қўллаб-қувватлашга йўл қўймайди.

Корсика масаласини биргина қатағон чоралари билан ҳал этиб бўлмаслигини тушунгач Франция ҳукумати 2004 йилга бориб, Корсикага иқтисодий ривожланган, таълим, касб-ҳунарга тайёрлаш, спорт, туризм, инфратузилма ҳамда маҳаллий коммунал хизматлари, транспортни бошқариш ваколатини топширишга аҳд қилди. Миллий сиёсат ваколати ва назорат функциясини давлат ўзида қолдиради. Лойиҳани олқишлаб қабул қилган корсикаликлар уни биринчи босқич деб ҳисоблаб, унинг амалга оширишини ислоҳотларнинг қатъий тугаши деб билмайди. Яъни, миллий ўзликни намоён этишга интилиш охиригача давом этади. Бу кайфиятни миллий фракция етакчиси Жан-Ги Таламонининг Корсика ҳудудий мажлисида "Мен ҳеч качон французман деган эмасман. Мен ҳеч качон "Марсельезани" куйламаганман ва куйламайман ҳам, чунки у менинг мамлакатим мадҳияси эмас" (Калмыков М. Эхо планеты. № 38, М. 2000, с.23), деган сўзларидан англаш мумкин. У ҳукуматнинг ислоҳотлари "курашнинг ҳамма шакллари" эвазига амалга ошади деб ҳисоблайди ва террорчилик ҳаракатлари давом этади, деб пўписа қилади. Бу хусусиятни барча мавжуд миллий терроризмга амал қилувчи ташкилотларга тегишли деса бўлади.

Диний терроризм, деб номланувчи таснифга кирувчи ташкилотлар тавсифига ўтишдан олдин "Қандай қилиб эътиқод ва итоатга чорловчи дин homo sapiensга зўравонлик ўтказувчи ва каллакесарликнинг ажралмас қисми бўлиб қолди?" - деган саволга жавоб бериш керак. Мазкур саволга жавобни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг назарий хулосаларидан топамиз: "Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас. Шу тариқа дин инсоният тарихининг турли даврларида сиёсат билан озми-кўпми очик-ойдин муносабатга киришган.

Кўпинча ундан сиёсий ва баъзан бир тарафлама, тор мақсадларда фойдаланиб келинган.

Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари аввалambор ўз динини ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир.

Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар. Устига-устак, оммавийлик унсури муайян бир хатти-ҳаракатлар учун шахсий жавобгарлик ҳиссини йўқотиб юборади, ҳаракатга "омма, халқ ҳаракати" *тусини* беради.

Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга – зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин.

Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг "отилиб чиқиши"га соф диний зиддиятлардан кўра кўпрок ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади. Аслини олганда, айни шу муаммолар бошқача фанатизмни, дейлик, большевистик, миллатчилик руҳидаги фанатизмни келтириб чиқаради" (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997, 37-38-б.)

Айни пайтда, мусулмон оламининг фаоллиги ортиб бормокда, деган нотўғри хулосалар чиқарилиб, бу фаолликни "Шимол-Жануб йўналишидаги христианлик ва ислом орасидаги диний тўқнашувлар"га ўхшатишга интилишлар бор.

"Ислом омили", бизнингча шу динга эътиқод қилувчи халқлар ривожланишининг сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, улар ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлувчи оддий диний омил сифатида қаралиши керак. Ислом фундаментализми эса радикаллар экстремистик қисмининг мафкураси сиёсий амалиётидан иборат. Ўтиш даврида экстремистлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларидан моҳирлик билан фойдаланиб, ягона ислом давлатини барпо этиш байроғи остида вайронкор кураш олиб бормоқдалар.

Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир: "Охирги пайтларда Ғарб ва Россиянинг ижтимоий онгига мусулмон дунёси терроризм, фанатизм, миллий экстремизм, наркобизнес уруғини сингдирмокда деган.

Аслида эса бу кўринишлар мусулмон эътиқоди асосларига ва соф чин Ислом динининг моҳиятига зиддир", деб ҳисоблайди. (Существует ли исламская угроза? М. Совершенно секретно. №8, 2000, с.5).

Терроризм ўзига хос мусулмонча кўринишга эга, деб ҳисоблаш ниҳоятда нотўғри, беъмани даъво эди. Диний фанатизмни аланга олдириш орқали ҳокимиятга интилиш, алданган авомнинг кўр-кўрона ғазабидан ўзининг қора ниятлари йўлида фойдаланиш, сиёсий ёки шахсий манфаатларга эришишни дин билан никоблаш – ҳудожўйликни ашаддий ҳақорат қилишдир.

Ислом экстремизми бугунги кунда ягона мафкурага эга бўлган турли-туман йўналишдаги оқимларнинг муштараклигини ўзида намоён этади. Уларнинг ўз интилишларини амалга оширишларида энг кескин усуллар, хусусан, терроризм етакчи ўрин тутади. Улар қўллайдиган усуллар кўлами чексиз: одамларни гаровга олиш ва ўлдириш, чет эл ваколатхоналарига қарши тажовуз қилиш, куролли ҳуружлар, мавжуд тизимни тўнтаришга интилиш, фуқаролар бўйсунмаслиги ҳолатларини келтириб чиқариш, қамоқхонадаги шерикларини озод этиш мақсадида ҳокимиятга тазйиқ кўрсатиш, ҳукумат ва аҳолини қўрқитиш учун террорчилик ҳаракатларини олиб бориш ва бошқалар. Булар жамиятда норозилик кайфиятини келтириб чиқариб, экстремистларнинг ҳокимият учун курашда тарафдорлар йиғишларига қулай шароит яратади.

Бу борада мисоллар кўп: Жазоирда 100 мингдан зиёд мусулмон ватандошларини пичоқдан ўтказган "Қуролланган ислом гуруҳлари", Мисрдаги "Аль-Жама-а", "Мусулмон биродарлар", Яқин Шарқда "Хамас", "Хизби Оллоҳ", "Ал-Жиҳод" (бошқа номи-"Ислом жиҳоди") ва фаол ҳаракат қилаётган қатор бошқа ташкилотлар, Филлипиндаги (Минданао ороли) Абу Сайёф гуруҳи ва, ниҳоят, Афғонистондаги "Толибон" ҳаракати ва у ерда паноҳ топган, "Ўзбекистон Ислом ҳаракати" жангарилари ва ҳоказолар. Юқорида қайд этилган террорчилик гуруҳлари фаолиятининг усуллари "ЎИҲ" учун ҳам хос бўлиб, у ўзида ислом фундаментализмининг, экстремистик фаолияти тажрибасини сингдирган.

Халқаро экстремистлар "Ислом халифатини қуриш" ғоясини илгари суриб, уни амалга ошириш мақсадида, мафкуравий, тарғибий-ташвикий ишлар билан бирга, сиёсий ва иқтисодий курашни авж олиб юборадилар.

Чеченистондаги ҳозирги уруш айирмачилар томонидан исломнинг яшил байроғи остида "жиҳод" эълон қилинганлиги билан, Шомил давридаги жиҳодни эслатади. Лекин, бир аниқлик киритиш керак: бу кураш диний ўзакларда бўлмади, Чеченистонда ислом сиёсийлашди, ҳарбийлашди ва, боз устига ваҳҳобийлашди. Ваҳҳобийлик- бу диний фундаментализмни экспорт қилиш, кўчириш ва зўрлик билан тушунтиришнинг бир кўриниши. Унинг асл маънодаги исломга алоқаси йўқ ва ҳақиқий мусулмонлар манфаати йўлида ҳаракат қилмайди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Жазоирда фаол ҳаракат қилган "Ислом қутқариш фронти"

жангарилари мусулмонларни, шу жумладан, оддий деҳқонларни пичоқдан ўтказган ҳолда, нефт қувурларини портлатмадилар.

Хаттаб ва Басаев одамлари ҳам Чеченистон ва Доғистонда нефт қувурларига тегмадилар. Афғонистондан собиқ СССР қўшинлари олиб чиқиб кетилганидан сўнг фуқаролар уруши бошланиб, "толиблар" ҳокимияти ўрнатилди. Бунинг ортида нима ётар эди? Сабаби оддий: муайян кучларнинг Афғонистон ҳудуди орқали Марказий Осиёдан Покистонга нефть қувурларини ўтказишдан манфаатдорлик Усама бин Лоденни ҳам Чеченистон, Озарбайжон, Татаристон, Бошқирдистон ҳамда Марказий Осиёдаги мусулмонларнинг асл исломга эътиқодини мустаҳкамлаш эмас, балки муайян моддий манфаатлар қизиқтиради. Булар нефть, Транскавказ йўлагининг стратегик коммуникациялари, денгиз, қуруқлик, автомобиль йўллари кесишувларидир. Марказий Осиё минтақасида ҳам айни шу ҳолатни *кўриш мумкин, чунки яхши маълумки, бин Лоденнинг молиявий қудрати* асосини наркотик моддалар савдо-сотиғи ташкил этади. АҚШ ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларининг маълумотига кўра, наркотик моддалар билан савдо қилишнинг йиллик умумий айланишидан тушган 8 миллиард доллар маблағнинг, ҳеч бўлмаганда, 1 миллиарди бин Лоден чўнтагига тушиб турган. Бу маблағнинг муайян қисми бутун дунё бўйича тарқалган ваҳҳобийлар гуруҳларини молиявий таъминлаш ҳамда қурол-аслаҳа сотиб олишга ишлатилган.

"Толиблар", "Бирлашган тожик мухолифати" ҳамда "Ўзбекистон ислом ҳаракати" учун асосий моддий манбалардан бири наркотиклар савдоси эди. Бундан ташқари, экстремистик исломий ташкилотларни молиявий таъминловчи бошқа манбалар ҳам бор. Баъзи бир нуфузли молиявий тузилмалар, хилма-хил ноҳукумат жамғармалари ҳамда хайрия ташкилотлари (миллий ва халқаро даражаларда) уларга мунтазам равишда ёрдам бериб турганлар. Ҳозирги замон терроризми таъминоти тўғрисида гапирганда яна бир омилни эсдан чиқармаслик керак. Гап шундаки, Европа давлатлари ва АҚШда Шарқ ва Жануб мамлакатларидан кўриб келганлар ҳам йилдан-йилга кўникиб бормоқда. Улар аксариятда маҳаллий аҳолига қўшилмай, ўзларининг миллий, диний урф-одат ва анъаналарига амал қилиб яшамоқдалар. Келгиндилар орасида ишсизлар, гиёҳвандлар, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаганлар ҳам оз эмас. Бу эса экстремистик ташкилотлар учун ўз сафларига янги аъзоларни жалб этиш, жангариларни тайёрлаб, шу давлатлар ҳудудида ёхуд бошқа мамлакатларда террорчилик фаолиятини олиб боришга имкон бермоқда. Террорчилар Европа мамлакатлари ва АҚШда *ўзларининг яширин ваколатхоналари, тижорат фирмалари*, банклари ва шунга ўхшаш муассасалар тармоғини вужудга келтириб, улардан экстремистик гуруҳлар учун қурол-яроғ сотиб олиш, жангариларни тайёрловчи лагерларни ташкил этиш, террорчилик амаллари ижрочилари ҳамда ташкиллаштирувчиларига бошпана топиб бериш, уларни маблағ билан таъминлашда фойдаланмоқдалар.

Замонавий террорчилик ташкилотлари фаолиятининг таҳлили уларга юқори даражадаги ташкиллаштирилганлилик, қаттиқ интизом, ўта махфийлик, шунингдек, техник жиҳатдан яхши жиҳозланганлик ва юксак профессионализм хослигини кўрсатади. Профессионализм кадрларни тайёрлаш тизимида, жиноят содир этишнинг замонавий воситаларидан фойдаланишда, террорчилик фаолиятининг тактикасини такомиллаштиришда, ҳийла-найранг ва тузоққа илинтиришнинг турли-туман шаклларини қўллашда яққол намоён бўлмоқда.

"Ўзбекистон ислом ҳаракати" раҳбарлари кадрлар тайёрлашда хорижий, масалан, Яқин ва Ўрта Шарқлик нуфузли ҳомийларга таяндилар ва Усама бин Лоденнинг "Толибон"назоратидаги ҳудудларда тузилган ўқув лагерлари ва базаларидан кенг фойдаландилар. Унинг эмиссарларга Марказий Осиё мамлакатларидаги ишсизлар, ваҳҳобийлик ғоялари таъсирига тушган ёшлар орасидан махфий равишда, тарафдорларни ёллаб, уларни пинҳоний йўллар орқали Тожикистон, Чеченистон ёки Афғонистондаги тайёрлов лагерларига юбориб турдилар. Ўқиш жараёнининг биринчи босқичида жангариларга исломнинг асосий қоидалари ва жиҳод тўғрисида сабоқлар берилар, кейинги босқичларида уларга замонавий ўточар қуролларини ўргатиш бўйича махсус жанговар тайёргарлик ўтказилар эди. Курсларда мина қўйиш ва уни портлатиш сирлари, ҳарбий топография, тоғли жойларда жанговар ҳаракатлар олиб бориш тактикаси, шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш жойларида қўпорувчилик-террорчилик ҳаракатларини олиб боришга ўргатилади. Шунингдек, ёлланганларга яшириниш, қўпорувчилик тарғиботини олиб бориш усуллари ва ҳоказо ишларга ўргатиш, мунтазам равишда, уларни муқаддас жасоратларга, диний "жиҳод" йўлида ўз жонидан ҳам кечишга тайёр бўлиш руҳида тарбиялаш билан қўшиб олиб борилди.

Халқаро террорчилик тизими ўз фаолиятида, жиноий унсурларни тобора кенгроқ киритмоқда. Шу билан бирга уюшган жиноятчилик ҳам ўзининг мақсадларига эришиш йўлида зўравонлик ва қўрқитиш усулларидан янада кенгроқ миқёсларда фойдаланмоқда. Мазкур алоқанинг мавжудлиги ҳақида Т.Йўлдошев ва Д.Ҳожиевларнинг ҳамтовоқлари Т.Мамажонов, А.Йўлдошев, К.Зокиров, Ш. Мадалиев, З.Махмудовлар фаолияти мисолида гапириш мумкин. Улар 1994-1998 йиллар мобайнида Фарғона водийси ҳудудида 12 нафар кишининг жонига қасд қилиб, 38 нафар фуқарога турли даражадаги тан жароҳати етказдилар, умумий қиймати 5 миллион сўмдан зиёд пул ва қимматли буюмларни таладилар.

Юқорида зикр этилганидек, "Толиблар" ҳам, "Бирлашган тожик муҳолифати" ҳам, "Ўзбекистон ислом ҳаракати" ҳам мисли кўрилмаган даражада фойда келтирувчи наркобизнес билан фаол шуғулланиб, келдилар. Лотин Америкасида эса жиноий лексикадан "Наркотерроризм" атамаси мустаҳкам ўрин эгаллаган (бу нарса юқорида номи тилга олинган террорчилик ташкилотларига ҳам тааллукли, деб ишонч билан айтса бўлади). Нарко-долларга истаган қурол-ярок, портловчи

моддалар, қўпорувчилик учун зарур бошқа воситалар сотиб олинади ва улардан мамлакат қуролли кучлари билан курашишда, давлат арбоблари, махсус хизмат ва полиция ходимлари, журналистларнинг жонига қасд қилишда фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов халқаро терроризмнинг жаҳон миқёсида ўсиб бораётганлигидан ўз ташвишини билдириб, энг йирик анжуманлар минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамияти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларни трансмиллий жиноятчилик ҳамда ноқонуний қурол-яроқ савдосига қарши қатъият билан кураш олиб боришга даъват этмоқда.

АҚШ маъмурияти, терроризмга қарши курашиш стратегияси доирасида, терроризмни қўллаб-қувватловчи давлатлар ва хорижий террорчилик ташкилотларини аниқлаш ишларини ҳар йили олиб бормоқда.

Эндиликда, халқаро террорчилик ташкилотларини "Интернет" тизимидаги ягона ахборот макони бирлаштирмоқда. Ундан барча тусдаги террорчиларнинг фойдаланаётгани ҳақида етарли маълумотлар бор.

Халқаро террорчилик ташкилотлари фаолиятининг стратегияси, ўзининг мафкуравий асосига эга бўлиб, тарафдорларни ёллаш, жангариларни тайёрлаш, моддий-техника таъминоти, молиялаштириш, қуроллаиш ҳамда террорчилик амалларини содир этиш борасида умумий хусусиятларга эгадир. Жиноий фаолиятидаги белгиларнинг хилма-хиллиги ёки фарқланиши, мустақиллигига қарамасдан, халқаро терроризм ташкилотларини сиёсий мақсадларни кўзловчи ягона тизим сифатида кўриб чиқиш керак.

Ушбу қамровли ва асосли фикрлар кўпчилик давлат арбоблари, сиёсатчи ва сиёсатшуносларни, ҳуқуқшунос ва социологларни, шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм феномени тадқиқотчиларини қизиктирувчи саволга жавоб бўла олади, деб ҳисоблаймиз.

И.А.Каримов баён этган хулосалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, диний экстремистик кучлар бузғунчилик мақсадларида, ўз сафларига янги аъзолар ва тарафдорларни янада кўпроқ жалб қилиш учун миллий ўзликни англаш жараёнидан фойдаланишга уринадилар, асосий унсурларидан бири диндорлик бўлган этник ўзликни намоён қилиш ҳаракатларини излайдилар. Пировардида, диндан ҳокимият учун сиёсий кураш қуроли сифатида фойданилади. Шу боис, кейинги вақтларда ислом омили аҳамиятининг ошиши тамойили тўғрисида кўпроқ гапирилмоқда. Кўпгина сиёсатшунослар мусулмон дунёсини келажакда жаҳон тартиботининг таянчларидан бири бўла оладиган куч сифатида баҳолаб, бу омил сиёсатга, иқтисодга, халқаро муносабатларга, барча йирик мамлакатларнинг геополитик манфаатларига дахлдор, деб ҳисобламоқдалар.

5. ТЕРРОРИЗМНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДИ

Терроризмнинг кучайиши дунёда кечаётган сиёсий жараёнларига таҳдид сифатида намоён бўлади. Терроризм таҳдидининг таъсирини тасаввур этиш учун, унинг мазмун-моҳиятини аниқлаш лозим. "Таҳдид" тушунчаси илмий муомалага киритилган бўлса-да, у худди "терроризм" атамаси каби кенг қабул этилмаган. Шу сабабдан, бу тушунчани изоҳлаш кўринишлари хилма-хил эмас. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлиги назарияси ва амалиётида биринчи марта "таҳдид" тушунчасига чуқур асосланган ёндашув Президент И.А.Каримов томонидан олға сурилди ва асослаб берилди. "Бугун жамиятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар мисолида кўриш мумкин... Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам анча жонланиб қолди... Агар биз бугунги ҳаётимизга... тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин", - деди у ўз чиқишларидан бирида (Ҳушёрликка даъват. "Халқ сўзи", 1999 йил 7 июль).

Агар, аввалларн таҳдидлар аксарият ҳолларда, "совуқ уруш", "жосуслик", "контрабанда" ва ҳоказо майдонларида қўлланилган бўлса, ҳозирги пайтда унинг терминологик майдони анча кенгайди. Бунинг устига, ўтган даврлардаги халқаро шароитда у ташқи ва ички фаолиятда ҳеч қандай ўрин тутмас эди. Буюк Британия махсус хизмати (МИ-5)-нинг собиқ директори Стелла Ремингтон бу ҳақда бундай деган эди: илгари ички хавфсизлигимизда бутунги мазмундаги аниқ таҳдид йўқ эди. Унинг кейинроқ таъкидлашича, халқаро иқлимнинг ўзгариши ва "совуқ уруш" таҳдидининг йўқ бўлганлиги кўп мамлакатларда, 1995 йилдан бошлаб, миллий хавфсизликка таҳдидни қайта кўриб чиқиш заруратини туғдирди.

Ремингтоннинг фикрича, хавфсизлик масалаларини унга ноаниқ мўлжал ва истиқболга эга бўлган анча мураккаб таъсир кўрсатиш омиллари орқали кўриб чиқиш керак. Муаллифнинг фикрича, бу ҳар қандай мустақил давлатнинг ҳимоясини таъминлаш, ички ва ташқи таҳдидларнинг механизмини аниқлашга боғлиқ. Мазкур муаммони таҳлил қилиш муайян мураккабликларга эга, чунки хавфсизликка таҳдиднинг хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган, унинг кўпчиликни қониқтирадиган таснифи ишлаб чиқилмаган, шунингдек, шахс манфаатлари, жамият ва давлатга бўлган таҳдидларнинг ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро таъсири етарли аниқланмаган.

Шу билан бир қаторда, мавжуд ва яширинча (ҳозирча номаълум) таҳдидлар орасидаги муносабатлар, глобал ва минтақавий таҳдидларнинг миллий хавфсизлик тизимига таъсирини таҳлил этиш амалий аҳамият касб этди. Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида "ҳаётий муҳим миллий манфаатларга зарар етказувчи шарт ва омиллар", деб тарифланган, "миллий хавфсизлик таҳдидлари" уларнинг асосийси ҳисобланади. Бироқ, илмий адабиётда "таҳдидлар" тушунчасининг таърифига ўзгача ёндашувлар ҳам мавжуд бўлиб, улар, табиий равишда, кизикиш уйғотади. Бизнингча, таҳдидларга В.А. Манилов берган таъриф эътиборга лойиқ. У "таҳдидлар - бу ҳаётий муҳим миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликка зарар етказувчи, суверенитет, давлатчилик, ҳудудий яхлитлик каби асосий миллий қадриятларга зарба бериб, ҳудуд доирасидан чиқадиган бевосита хавфдир", - деб ҳисоблайди. (Манилов В.А. Угрозы на национальную безопасность России. М., "Военная мысль". 1996. №1. с.17.).

Мазкур таърифнинг ўзига хослиги шундаки, бунда таҳдид тушунчаси мазмунининг замирида "хавф" ётади. Аммо, бундай хавфни асосий миллий манфаатлар доираси билангина чегаралаш мумкин эмас, чунки миллий хавфсизлик, маълумки, жамият ва давлат ҳаёти, фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Академик В.Н.Кудрявцевнинг ёзишича таҳдид, маълум маънода, зиддиятли тактик восита бўлиб, унинг қўлланиши "низо жараёнида зўравонликни" ишга туширувчи механизм, янада чуқурроқ қарама-қаршиликларга, курашнинг янада ўткирроқ шаклларига ўтишга "кўприк" бўлиб хизмат қилади. Унинг фикрича, таҳдид "душманга қарши янада салмоғли зиён етказиш имконини яратади" (Кудрявцев В.Н. Основы конфликтологии. М., "Юрист", 1997, с.115-116.).

Низога нисбатан қўлланилганда, "таҳдид" тушунчаси мазмунига бундай ёндашув эътироз уйғотмайди, бироқ миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан бу тушунчани шахс, жамият ва давлат манфаатларига зиён етказа олувчи омиллар ва шартларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш тўғри бўлар эди. Бу маънода америкалик конфликтолог М.Дейчнинг фикрига қўшилиш тўғри бўлса керак, чунки у таҳдидларни "бирор мамлакат манфаатларига зарар етказувчи бирон-бир иш қилиш истаги ифодаси" сифатида тавсифлайди (Ўша жойда, 114-бет.).

Масаланинг айнан шу тарзда қўйилишида, "таҳдидлар" тушунчаси мазмунидан субъектив ва объективликнинг ўзаро алоқасини ажратиш мумкин бўлиб, бунда субъектив максадларни, бошқа мамлакатга қандайдир зиён етказишнинг объектив имкониятлари бўлганда, амалга ошириш мумкинлиги кўзга ташланади.

Бундай имкониятларнинг мавжудлиги муайян шароитларда субъектив ниятларни, шу имкониятлардан зиён етказиш мақсадида, фойдаланишга ундаши ёки мажбур килиши мумкин. Шубҳасиз В.Н.Кудрявцевнинг ишида келтирилган Дж.Тедешининг "таҳдидлар бу каби максадлар-

нинг ифодасини ўзигина бўлмасдан, балки, аввалambор, рақибини ўз мақсадларини амалга оширишга ёрдам кўрсатишга мажбур этишдир", деган фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, бундан, агар рақиб террорчилик ҳаракатини содир этишга таҳдид қилаётган бўлса, бу билан у ўзининг навбатдаги ўлжасини жиноят содир этишга ёрдам беришга йўналтиради, деган ўзаро зиддиятли хулоса келиб чиқади.

Япон ҳарбий назариётчилари "ҳарбий таҳдидларни" очиқ ва яширин турларга ажратишади. "Очиқ таҳдид" деганда рақибдаги қатъий мақсадларни амалга оширишдаги имкониятлар назарда тутилади. "Яширин таҳдид"да эса, уларнинг фикрича, рақибда имконият мавжуд бўлиб, уларни бажаришда қатъиятлилик бўлмайди. Шунинг учун, қарши турган томоннинг рақибнинг асл ниятини аниқлаб олиши ўта муҳимдир (Стефашин В.В. Япония: военно-доктринальные взгляды на современном этапе. Восток. Афро-азиатское общество: История и современность. М., "Наука", 1994, №3, с.92-98). Келтирилган "таҳдид" тушунчасининг таърифларини таққослаш таҳлилидан кўриб турибмизки, муаллифлар таҳдиднинг турли белгиларини ажратадилар ва бу, табиий равишда, уни таърифлашга бўлган турли ёндашувларда акс этади. Бизнингча, "миллий хавфсизликка зарар етказувчи шарт-шароитлар" таърифи жуда аниқ ва равшан. Мазкур ҳолатга субъектив хусусиятга эга техник, экологик омиллар ҳамда объектив равишда келиб чиқувчи омиллар, масалан, сел келиши, зилзила, тошқин, ёнғин ва бошқа табиий фалокатлар киради. Шунинг учун, "таҳдид" кенг маънода субъектив-объектив хусусиятларга эга. Муайян таҳдид, масалан, терроризм, асосан, субъектив омилга эга. Мазкур омил билан боғлиқ шароитлар террорчилик ҳаракатларини содир этишга кўмаклашиши, бу билан шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин. Шу тариқа кўрилаётган тушунчага қуйидаги таърифни таклиф этиш мумкин: Миллий хавфсизлик таҳдиди, бу – субъектив ҳамда объектив хусусиятли мавжуд ёки яширин омиллар бўлиб, улар маълум шароитларда, миллий хавфсизлик тизимига унинг ҳимояланганлик ҳолатининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигига зарар етказишлари мумкин.

Келтирилган таърифдан чиқадиган хулоса: таҳдид солинаётган объект миллий хавфсизлик тизимига зарар етказилиши мумкинлигидадир. Мазкур иборада, ҳимояланганлик тизимининг ҳолати имконият билан ўзаро боғланган. Масалан, агар раҳбар шахс, жамоат арбоби ва ҳатто, иншоот, бино террорчилар тажовузидан ишончли тарзда ҳимояланган бўлса, уларга зарар етказиш мумкин эмас, акс ҳолда, натижа салбий бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдидларини таҳлил қилишда, аввалambор, уларнинг таснифига тўхталиш зарур. Таҳдидлар қандайдир мавҳум ҳодиса бўлмай, балки замон ва макон ўлчовига, таъсир ўтказишнинг турли даражаларига ҳамда вужудга келишларининг ҳар хил манбаларига эгадирлар.

Бундай таснифхавфсизлик соҳасидаги барча турдаги таҳдидлар учун тўғри келади, бироқ уларнинг ҳар бирига нисбатан ҳар хил таснифни белгилаш мумкин. Уларни терроризмга нисбатан қўллаганда, терроризм таҳдиди миқёси ёки унинг қайси кўринишитарқалганлиги каби асосларга қараб, таснифлаш керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, таҳдидларни глобал, минтақавий ва миллий миқёслардаги таҳдидларга ажратиш лозим.

Терроризмнинг глобал таҳдидлари деб, бутун дунё, инсониятга хавф солувчи турларини айтса бўлади. Булар: термоядро – уруши давлатлараро таҳдиднинг анъанавий тушунчаси; экологик – табиат ресурсларининг тугаллаши; ген муҳандислиги соҳасидаги янги кашфиётлардан назоратсиз фойдаланиш; тиббий-биологик тусдаги таҳдидлар; халқаро жиноятлар – терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотик ва қурол-яроқ контрабандаси ва ҳоказо.

Минтақавий даражадаги таҳдидларга келсак, уларнинг мазмунидан келиб чиқиб қуйидаги хулосани чиқарса бўлади: Терроризмнинг ушбу турлари у ёки бу минтақаларга хавф солувчи таҳдидлардир. Улар, ўз навбатида, вужудга келиш манбалари, турлари ва мазмунига кўра фарқланади. Уларнинг баъзилари, ўз табиатига кўра, глобал таҳдидларга ўхшаш бўлиб, фақат ҳаракат доираси, минтақа чегараси билан чекланган. Масалан, тарқалиш миқёсига кўра, нафақат глобал, балки минтақавий ҳам бўлган диний экстремизм таҳдиди, айни бир вақтда, миллий хавфсизликнинг асосий таҳдидларидандир. Шу билан бирга алоҳида минтақавий таҳдидларнинг, глобал таҳдидларга айланиб кетиши эҳтимоли ҳам мавжуд. Масалан, террорчилик тузилмаларининг ҳаракатлари натижасида келиб чиққан, уларга минтақадан ташқари бошқа мамлакатлар ҳам тортилса, у минтақавий қуролли можаро, жаҳон урушига айланиб кетиши хавфига эга. Минтақавий терроризмнинг энг кўп тарқалганларидан: миллатлараро зиддиятлар, қуролли қарама-қарши туриш, маҳаллий урушлар, ҳудудий можаролар, умумий табиий ресурслардан фойдаланишдаги кескинликлар, экологик муаммолар; наркотиклар ноқонуний айланиши ва контрабандаси билан боғлиқ тўқнашувлар, чегарадош мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш ҳаракатларини кўрсатиш мумкин.

Глобал ва минтақавий хавфсизлик таҳдидлари: диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик, миллий айирмачилик, қурол-яроқлар, шунингдек, ядро қуролининг тарқатилиши, халқаро терроризм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддаларни тарқатиш ёки олиб ўтиш экологик фалокатлар Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига ташқи таҳдидлар мажмуини ташкил этади. Бундан ташқари, мамлакатимиз хавфсизлигига ички таҳдидлар ҳам зиён етказиши мумкин. Буларнинг барчаси таҳдидларнинг таъсир миқёси бўйича миллий хавфсизлик таҳдидларининг учинчи турини яратади.

Ташқи таҳдидлар макони, одатда, Ўзбекистон давлат чегарасидан ташқарида жойлашган. Ички таҳдидлар давлат ҳудудида вужудга келади,

бироқ уларнинг пайдо бўлиш манбалари турли-туман бўлиши мумкин. Ташқи ва ички таҳдидлар орасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш, нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки, бир мамлакатдаги ички таҳдидлар, бошқа, айниқса, чегарадош давлатларга ташқи таҳдид солиши мумкин. Масалан, Тожикистондаги уруғ-аймоқлар орасидаги зиддиятлар, ҳокимият учун курашда қўлланилган террорчилик ҳаракатлари ушбу мамлакатга нисбатан ички таҳдид бўлиб, унинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий бирлигига таҳдид солди. Шу билан бир вақтда, айи шу таҳдидлар Ўзбекистон учун ташқи таҳдид ҳам эди, чунки улар террористларнинг фаоллашувини рағбатлантирди. И.А.Каримов асарларида террорчи жангариларнинг қурол-аслаҳа ва инсон ҳаётига хавф туғдирувчи бошқа нарсаларни Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтишга уринишлари борасида кўплаб аниқ фикрлар билдирилган.

Ана шундай таққослашни Афғонистонга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Афғонистондаги ички қуролли можаро Ўзбекистон учун, ҳудуд дахлсизлиги ва бўлинмаслиги нуқтаи назаридан, ташқи таҳдиддир. Бу нарса наркотиклар масаласи билан ҳам боғлиқ. Афғонистонда ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон орқали бошқа мамлакатларга (Ўзбекистон вилоятларига ҳам) наркотикларни яширинча олиб ўтиш Ўзбекистон учун ички хавф туғдиради.

Ташқи ва ички террорчилик таҳдидлари ҳақиқатан мавжуд (реал) ва яширинча (потенциал) бўлиши мумкин. Мавжуд таҳдидлар, деб содир бўлганлиги аниқ, миллий хавфсизликка таъсири, тезкор усулда аниқланган ёки аниқланиши мумкин бўлган бўлган таҳдидларга айтилади. Потенциал таҳдидлар ҳам реал таҳдидга айланиши мумкин, бироқ улар яширин ҳолатда бўлиб, хавфсизлик тизимига таъсири эҳтимоллик даражасида бўлади. Шунинг учун, асосий вазифа нафақат таҳдидларни, балки уларнинг амалга ошиши ёки таъсир эта бошлаши эҳтимолини аниқлаб олишдан иборатдир. Бунда фақатгина уларнинг реаллиги, воқелигигагина эмас, балки хавфсизликка зиён етказувчи имкониятларига ҳам эътибор бермоқ лозим.

Мавжуд таҳдидлар очиқ ва яширин хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Очиқ таҳдид деб, очиқ мухитда ўзини, унга хос барча белгилар намоён қиладиган таҳдидга айтилади. Яширин ҳолатдаги реал таҳдид эса, бу - аниқланмаган, лекин унга хос барча унсурлар, таркибий қисмлар мавжуд бўлган таҳдиддир. Масалан, террорчи жангарилар томонидан Ўзбекистоннинг тоғли чегара ҳудудларидаги пана жойларда озиқ-овқат, шунингдек, қурол-аслаҳа, ўқ-дори, портловчи моддалар, топографик хариталар, стратегик ҳамда ҳарбий объектларнинг режа ва схемалари сақланадиган яширин омборларнинг ташкил қилиниши, тунги вақтларда номаълум шахслар томонидан ёруғлик сигналлари берилиши ва ҳоказолар шулар сирасига киради.

Муайян мавжуд таҳдидлар реаллик ҳолатидан яширин ҳолатга ўтиши ва аксинча бўлиши мумкин. Масалан, низомли вазият юмшатилиши мумкин ва бу билан можаро келиб чиқишининг ҳақиқатда мавжуд таҳдиди бартараф этилади. Бироқ, агар қарама-қарши турган томонлар орасидаги ихтилофлар бартараф этилмаса, у ҳолда яширин таҳдидлар сақланиб қолади ва улар, маълум вазиятларда, можаронинг ҳақиқий таҳдиди сифатида қайтадан шаклланиши мумкин. Лекин, бунинг учун объектив шарт-шароит бўлиши керак.

Мазкур фикрни, фалсафада қўлланадиган турли имкониятлар таҳлили усулига таяниб, ҳодисанинг асл ҳолига қайта олиши ва бунинг акси сифатидаги хулоса тариқасида қабул қилинади. Асл ҳолига қайта олувчи имкониятлар, деб шундайларга айтиладики, улар амалга ошиши билан, воқелик бошланғич имкониятга қайтади. Асл ҳолига қайтмайдиган имкониятлар деганда, улар воқеликка айланиши билан бошланғич воқеликни амалга оширишнинг имкони бўлмай қолиши кўзда тутилади. Шунинг учун, ҳар қандай реал таҳдид ҳам, яширин таҳдидга айлангандан сўнг, яна реал ҳолатига қайта олмайди, масалан, гаровга олиш операциясини ўтказишда террорчини йўқ қилиш; қўпорувчилик-террор ҳаракатларининг иштирокчиларини жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳ.к.лар, деб ҳисоблаш мумкин.

Таҳдид таснифининг асосларидан бири таҳдид мавжудлигининг замон ва макон тушунчалари билан вабасталигидир. Унга мувофиқ, таҳдидлар сурункали ва қисқа муддатлиларга фарқланади. Олдини олиш, нейтраллаштириш ёки бартараф этиш фақатгина бутун жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатлари билан амалга ошириш мумкин бўлган таҳдидлар сурункали (узоқ муддатлилардир). Бу турга ҳал этилмаган давомли низомлар ҳам киради. Масалан, Болқон, Афғонистон, Шимолий Кавказдаги сурункали можаролар рамзий маънода айтганда, террорчилик ҳаракатларини туғдирадиган низолардир.

Узоқ муддатли таҳдидлар, кўп ҳолларда, глобал ёки минтақавий хусусиятга эга бўлади. Чунончи, террорчилик ҳаракатлари, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, қурол-яроғ бизнеси ва уюшган жиноятчиликнинг кўпайиши, аллақачон, бир давлат ёки минтақа доирасидан чиқиб, трансмиллий шакл олган.

Айрим давлат ёки минтақа мамлакатлари саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддатли таҳдидларнинг олдини олиш ёки нейтраллаштириш мумкин. Қисқа муддатли ички таҳдидларни мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши, миллий давлатчиликнинг қарор топиши янги типдаги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, халқаро вазият билан бевосита боғлиқ десак, хато бўлмайди. Агар иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, қўшимча янги иш ўринларини яратиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаб туришга тўла эришса, бошқа ижтимоий муаммолар ҳал этилса, бу билан, "ислом жангарилари" сафига жалб этилиши мумкин бўлганлар захирасининг тугатилиши шубҳасиз.

Таҳдидларни, уларнинг аниқлик даражасига кўра, башорат қилиш мумкин бўлган ва тасодифий таҳдидларга ажратиш мумкин. Башорат қилиш мумкин бўлганлари, бу – олдиндан пайқаш ва ўз вақтида мавжуд куч ҳамда воситалар билан унинг олдини олиш, зарарсизлантириш мумкин бўлган таҳдидлардир.

Тасодифий таҳдидларга террорчиларнинг олдиндан аниқланмаган ҳаракатлари киради. Масалан, улар ўзлари хоҳлаган жойда портлатувчи ускуналарини қўйиб кетиши мумкин ва ҳ.к.

Таҳдидлар – бу мавҳум, кимлардир томонидан, қандайдир усуллар ва воситалар билан амалга ошираётган, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига зид мазмунини акс эттирувчи, муайян шакл ва кўринишларда моддийлашадиган хавфдир. Таҳдидлар муайян хусусиятларга эга бўлиб, уларни фарқлашдаги сифат мезонлари ва, шу билан бир вақтда, миллий хавфсизликка таҳдиднинг маълум турига хос хусусиятлар белгиси билан ифодаланади. Таҳдидлар учун маълум ҳаракатчанлик ёки макон ўлчовидаги ҳаракатлилик хос белгидир. Масалан, Чеченистондаги терроризм унинг Дағистон, Ингушетия ва Шимолий Осетия ҳудудига ўтишига туртки бўлди. Турли ҳудудларда террорчилар ўзлаштирган тажриба дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқалди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланиб, дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан дипломатик, иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўяётганлигини ҳисобга олиб, келгусида миллий манфаатларимиз ва республика хавфсизлигига зиён етказувчи таҳдидларнинг вужудга келишини мунтазам назорат қилиш керак.

Таҳдидларга хос яна шундай хусусиятлар борки, улар ўзидан сўнг бошқа турдаги таҳдидларни келтириб чиқаради. Масалан, этник низолар терроризм, гаровга олиш, қурол тарқатиш ва шунга ўхшаш таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолатлар Чеченистон, Дағистон, Тожикистон, Қирғизистонда рўй берган эди.

Терроризм таҳдидининг алоҳида хусусиятларидан бири аввал эслатиб ўтилганидек, - террорчи ташкилотлар аъзолари орасидаги бирликнинг мустаҳкамлигидир. Бироқ, бу бирликнинг мустаҳкамлиги ниҳоятда нисбий, чунки давлат, ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан таҳдидга қарши пухта чоралар кўрилиши натижасида бу бирлик тўла бузилиши мумкин. Таҳдидлар субъектлари уларни келтириб чиқарган объектив имкониятларнинг йўқолишига қараб, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Терроризмнинг миллий хавфсизликка таҳдидининг олдини олиш учун манба ва субъектлар таъсирини кучайтирувчи ҳаракатларни бирлаштириш, яъни Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунида кўрсатилганидек, таҳдидларни амалга оширишга кўмаклашувчи объектив имконият ва шароитларни бартараф этиш керак.

Таҳдидларнинг вақт ўлчови ҳам нисбий бўлиб, бу мамлакат миллий хавфсизлигини таъминловчи амалдаги тизимнинг у ёки бу таҳдидларга қанчалик қарши тура олишига боғлиқ.

Глобал, минтақавий ва миллий хавфсизлик таҳдидлари тафсилотида муҳим ўринни таҳдид манбалари ташкил этиб, уларнинг таҳлили терроризмнинг тадрижий босқичлари билан боғланган бўлиши керак.

Терроризмнинг миллий хавфсизликка таҳдидларининг турли-туманлиги унинг манбаларининг хилма-хиллигини кўрсатади. Таҳдид манбаларини тушуниб етиш, уларнинг механизмини очишга ёрдам беради. Зеро, таҳдидлар ўз-ўзидан вужудга келмайди, аксинча, низолар асосида ётган муайян манбаларга эга бўлади. Демак, террор таҳдидлари турли йўналишдаги манфаатлар тўқнашуви натижасида вужудга келади. Масалан, икки йирик давлат орасида ҳарбий соҳадаги рақиблик иқтисодий соҳадаги манфаатлар тўқнашуви билан алмашди. Бу, ўз навбатида, иқтисодий жосуслик каби таҳдидга манба бўлиб хизмат қилади. Ҳозир баъзи иттифоқчилар (шериклар), ўзларининг миллий манфаатларини таъминлаш мақсадида, бир-бирига қарши иқтисодий жосусликни йўлга қўйганлар.

Манфаатлар тўқнашуви ижтимоий гуруҳлар ёки давлатлар орасидаги муаммоларни кураш, зўравонлик воситаларини қўллаш ёки таҳдид солиш орқали ҳал этишга интилиш хусусиятига эгадир. Таҳдидларнинг ўзаро боғлиқлиги шундай хулосага олиб келади: бир таҳдиднинг манбаи бошқа бир таҳдиддир, у лекин, бари бир, манфаатлар қарама-қаршилиги асосида вужудга келади. Масалан, вазиятни бекарорлаштириш рўй бераётганда сиёсий соҳадаги таҳдидлар, терроризм таҳдидининг вужудга келишига шароит яратади. Терроризм таҳдиди, ўз навбатида, сиёсий соҳадаги таҳдидларни вужудга келтиради. Бирор давлат манфаатлари халқаро ёки шартномавий ҳуқуқнинг умум қабул қилинган меъёрлари билан қарама-қаршиликка дуч келган пайтда, вужудга келган вазият терроризмнинг халқаро барқарорликка таҳдид солишига олиб келиши мумкин.

Дунё бўйича қурол савдосининг ўсиши ва тарқатилиши жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда. "Нью Йорк Таймс" газетасининг, Ғарб расмий кишилари ҳамда енгил қурол савдоси бўйича экспертлардан олган маълумотлар асосидаги маълумотларига кўра, Болгария турли сиёсий, иқтисодий ва диний йўналишдаги исёнкор ҳамда террорчилик ташкилотлари учун қурол сотишда жаҳон марказий бозорига айланди. Бу мамлакат, хусусан Конго, Ангола, Эритреядаги исёнкор гуруҳларни махфий равишда қурол билан таъминлаб келди. Мазкур маълумотларга мувофиқ ушбу савдода "Кинтекс" давлат маркетинг агентлиги ҳамда мамлакатдаги энг йирик қурол ишлаб чиқарувчи "Арсенал" корхонаси қатнашмоқда.

"Росвооружение" компанияси 60 та мамлакатда ўз харидорига эга бўлиб, Россия қурол-яроғ экспортининг 90 фоизини таъминлайди.

Фақат 1997 йилнинг ўзида у 2,6 миллиард АҚШ долларига қурол ва ускуналар экспорт қилди (Глобус ИТАР-ТАСС. 1998, №1, с.31). Халқаро стратегик тадқиқотлар институтининг Лондонда тақдим этилган маърузасида келтирилган маълумотларига кўра, жаҳон миқёсида 1999 йили 53,5 миллиард долларга қурол-аслаҳа сотилган. Энг йирик қурол-яроғ сотиб олувчилар Саудия Арабистони ҳамда Тайвандир, қурол-аслаҳа сотувчи етакчи давлатлардан бири эса АҚШ бўлиб қолмоқда. Бутун ҳарбий маҳсулотлар экспортининг деярли 50 фоизи шу мамлакатга тўғри келмоқда. Ушбу масалада иккинчи ва учинчи ўринларда Буюк Британия ва Франция, тўртинчи ўринда Россия туради. Мазкур маърузада кўрсатилишича, 1999 йили дунёнинг турли минтақаларида олиб борилган урушлар оқибатида 100 минг киши қурбон бўлган (Народное слово, 2000, 21 октября).

Тижоратчилик мақсадларини кўзлаб, сайёрамизнинг нотинч нуқталарига қурол етказиб берувчи мамлакатлар ўзларининг бундай хатти-ҳаракатлари билан ўша жойларда сиёсий аҳволнинг таранглашуви ва минтақага нисбатан реал таҳдидларни келтириб чиқаришга сабабчи бўлмоқдалар. Юқорида сўз юритилган таҳдид манбаларининг муайян асослари намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, терроризм таҳдидлари манбаларини тушуниш, уларни фош этишда ҳам, яширин таҳдидларнинг реал таҳдидга айланиб кетиши олдини олиш бўйича чоралар кўришда ҳам, уларни хавфсизлантиришда ва уларга чек қўйишда ҳам муҳим шартлардан биридир.

Таҳдидлар таснифи, уларнинг турли-туманлиги миллий хавфсизликни таъминлашга зарар етказаётганлигини ҳамда шахс, жамият, давлатга ҳар хил даражадаги хавфлар туғдираётганини аниқ ва равшан кўрсатмоқда. Демак, барча аниқланган таҳдидлардан номи айтилган кўрсаткичлар бўйича аҳамиятга эга бўлганларини ажратиб олиш мумкин. Шунинг учун, улар устувор объектлар сифатида қаралиши ва тадқиқ қилиниши керак.

1994 йили Брюсселда таникли Европа мамлакатларининг йирик давлат арбоблари, олимлар, махсус хизмат ҳамда полиция раҳбарлари иштироки билан ўтказилган "Европа 2000 йилда: – янги таҳдидлар, янги терроризм" халқаро конференциясида Ғарб жамиятига хавф солаётган янги таҳдидлар ҳақида сўз юритилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу конференциядаги қатор маърузаларнинг совет ядро ракеталари даҳшатидан қутилган деган Ғарбий Европага, эндиликда, қандай янги таҳдидлар хавф солмоқда, деган масала муҳим ўрин эгаллади. "Янги дунё тартибсизликлари" билан вужудга келган "янги таҳдидлар" деб номлади ўз маърузасини Буюк Британия разведкасининг собиқ раҳбари Колин Маккол. Унинг фикрича, ҳозирги дунё авваллар икки қутбли бўлган "совуқ уруш" давридагига нисбатан терроризм ривожланиши учун янада қулайроқ муҳит яратмоқда. Қудратли мамлакатлар томонидан, курашда фойдаланиш мақсадида, таъминланиб турилган сайёрамиздаги ўша кучлар, уларга кўрсатилган ғамхўрликлардан

бебаҳра бўлиб, илгариги мафкурасини йўқотиб, умуман назорат остидан чиқиб кетмоқда.

Париждаги криминология институтининг профессори К. Роферниng таъкидлашича, табиатига кўра сиёсий ва мафкуравий бўлган "совуқ уруш" даврининг давлат терроризми ўз-ўзича ғойиб бўлиб, унинг парчалари янги терроризмнинг таркибий қисмига айланди. Бу терроризмнинг ҳаракат қилувчи кучлари партизанлик ҳаракатларига айланган хусусий армиялар, турли хилдаги фанатчилар, наркобизнес корчалонларига тобе бўлган уюшган жиноий гуруҳлардан иборат.

Ўйлаймизки, 1994 йилдаёқ, халқаро хавфсизликка таҳдид тизимидаги энг салмоқли таҳдидлардан бири сифатида терроризмга мос баҳо берилган эди.

Нима учун халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдидларнинг устуворлик тизимида терроризм махсус ажратилади? Нега жаҳон ҳамжамияти, давлат раҳбарлари, махсус хизмат ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, XXI аср бошида террорчилик фаолиятидан қаттиқ ташвишланмоқдалар? Терроризм таҳдидлари узил-кесил йўқ қилиниб, ёки, ҳеч бўлмаса, унинг даражаси пасайтирилмаса, у ҳолда халқаро террорчилик ташкилотлари фаолияти бутун инсоният, дунё тартиби ва халқаро тангликнинг ўсишига реал хавф солиши мумкин.

Терроризмнинг ўлим, инсон тақдирини жароҳатлаш ва масхара қилиш, шунингдек, хусусий, жамоатчилик ва давлат мулкини йўқ қилиш каби салбий асоратларидан ташқари, қатор (Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг 155-моддасида баён этилган) салбий жиҳатлари ҳам аён. АҚШда ҳам терроризм таҳдидларини алоҳида ажратадилар. Масалан, терроризм билан кураш бўйича Давлат департаменти мувофиқлаштирувчиси Майкл Шихан, 2000 йили Бруклин институтида қилган маърузасида, террорчилик ҳаракатлари таназзулга олиб келади, зўравонликни келтириб чиқаради, ижтимоий муносабатларни бузиб, демократик институтларни синовдан ўтказади, деб гапирди. Халқаро миқёсда терроризм таҳдидлари кўпдан-кўп асоратларга эга. Халқаро терроризм тинчлик жараёнларини бузиши ёки тўхтатиши; можароларни келтириб чиқариши, чўзиши ёки чуқурлаштириши; зўравонлик жараёнларини вужудга келтириши мумкин. Масалан, бирор давлатнинг низоларни бартараф этувчи тинчлик ташаббуси эълон қилиниши билан, у қарама-қарши томонлар ўртасидаги таҳдид солувчи террорчилик ҳаракатлари билан алмашинади. Бу, аввалambор, Фаластин-Исроил муносабатларига тааллуқлидир. Собиқ Исроил Бош Вазири Ё. Баракнинг Фаластин етакчиси Я.Арофат билан 1999-2000 йиллардаги учрашувлари, икки томон ўртасидаги очиқ қарама-қаршиликларга қарамасдан, аста-секин ўзининг самарасини бера бошлади. Бу эса Исроил ва Фаластиндаги муросасиз кучларнинг жиддий норозилигини келтириб чиқаради. Бироқ, музокаралар жараёни узиб қўйилиб, икки томондан экстремистик ҳаракатлари тўхта-

маётганлиги, ўша кунларда қамоқдан қўйиб юборилган Фаластин террорчилик ташкилотлари раҳбарлари ва фаол аъзоларининг иғвогарлик ваъз ва амаллари, бунга исроилликларнинг кескин жавоблари Шарм-аш-Шайхда БМТ, қатор Ғарб ва Яқин Шарқ давлатлари раҳбарлари иштироки билан ташкил этилган тинчлик музокараларини ўрнидан қўзғата олмади. Ё.Барак эса, Ш.Перес ва Б.Нетаньяхулар каби, ўз парламенти томонидан, гаровга олинган кишининг вазиятига тушиб қолади. Яна шу нарса эътиборга моликки, тинчлик ташаббуслари билан чиққан И.Рабин ҳам ўнг экстремист исроиллик И.Амир томонидан отиб ташланган эди. Худди шундай тарзда, экстремистик кучлар Халқаро Қизил Ҳоч жамиятининг вакилларини ва инглиз муҳандисларини ўлдириш, Волгоград маъмурияти, Осетии парламенти раҳбариятини гаровга олиш йўли билан Чеченистондаги бошланғич тинчлик жараёнларини барбод этганлар. Тожикистонда жангарилар дала командири Баҳром Содиров "муваффақият" билан, 1997 йил январ ойининг охирида, БМТнинг тўрт нафар вакилини, кейин эса яна шу ташкилот ҳамда Халқаро Қизил Ҳоч жамияти ходимлари, шунингдек, 10 нафар журналистни гаровга олган эди.

Халқаро терроризм тинчлик жараёнларини тўхтатиши ёки бузиши, унинг можароларни чуқурлаштириши мумкинлигини террорчилар яхши биладилар ва, шак-шубҳасиз, бундан фойдаланадилар. Маълумки, Миср миллий даромадининг асосий манбаларидан бири туризм "индустрияси"дир. Шунинг учун, террорчилар унга зарба беришга уринмоқдалар. Масалан, улар қадимий Луксорда содир этилган террорчилик ҳаракатида 62 нафар хорижий туристнинг ўлдирилиши, сўзсиз, Миср миллий иқтисодиётига жиддий зиён етказди.

Ўзбекистонда террорчилик ҳаракатларини содир этишни режалаштирган "Ўзбекистон ислом ҳаракати" раҳнамолари 1999 йил февралидаги портлатишлардан ташқари, Тошкентдаги айрим элчихоналарнинг раҳбар, ходимларини гаровга олишни режалаштирганлар. Мамлакатда парокандалик вазиятини вужудга келтириш, аҳолига қутқу солишдан диний экстремистларнинг мақсади, Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхоналари фаолиятига зарар етказиш, хорижий шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар ишига боғлиқ лойиҳаларни чет эл сармояларидан маҳрум этиш эди. Нишонга тўғри олинган эди: хорижий бизнес, одатда, нотинч минтақаларда ўз ресурсларини ишлатишни хавфли, деб ҳисоблайди.

Халқаро хавфсизликка таҳдид тизимида терроризмнинг алоҳида ўрин тутишини яна бир бор кўрсатиш учун қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Ҳар йили АҚШ конгрессига миллий хавфсизлик аҳволи, миллий манфаатларга таҳдидлар ва уларга қарши чоралар кўриш ҳақида маъруза тақдим этилади. Одатда, бу маърузалар терроризм таҳдидлари билан бошланади ва тугайди. АҚШ Давлат департаменти томонидан ҳар йилнинг охирида терроризмга ҳомийлик қилаётган давлатлар ва "Хорижий террор-

чилик ташкилотлари" (ХТТ), деб эътироф этилган ташкилотлар рўйхати тузилади. 2000 йилнинг биринчи ярмида, амалиётда илк бор, мазкур идора йилнинг охирини кутмасдан "Толибон", "Ал-Қоида", "Ҳаракат-ул-Мужоҳид-дин" ва "Ўзбекистон ислом ҳаракати"ни мазкур рўйхатга киритди. Ушбу қарорнинг қабул қилинишига туртки бўлган асос етарлича ишонарли ва рад этиб бўлмайдиган даражада эди.

Терроризмнинг Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдид манбалари, биринчи навбатда, диний экстремизм ҳамда фанатизмдир. Диний экстремизм – бу нафақат мафкура, балки сиёсий амалиёт ҳам бўлиб, терроризм каби кескин шаклда намоён бўлади. Диний экстремизм ихлосмандлари терроргa Ўзбекистон аҳолиси орасида қўркув уйғотишнинг воситаси, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантириш каби сиёсий мақсадларига эришиш учун зўравонлик методи сифатида қарайдилар. Терроризм таҳдидлари манбаларидан яна бири қуролланган жангарилар тузилмалари бўлиб, улар қўпорув-террорчилик ҳаракатларини содир этиш йўли билан ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш учун Ўзбекистон ҳудудига суқилиб кириш мақсадида, айрим чегарадош давлатлар ҳудудида жойлашиб олганлар. Бу ҳақда 1999 йили Қирғизистоннинг Боткен вилояти, 1999 йил ноябр ойида Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри, 2000 йил август ойида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани, ўша йилнинг сентябр ойида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги воқеалар ишончли гувоҳлик беради.

Чегарадош давлатлар ва бошқа хорижий мамлакатлар ҳудудида жангари-террорчиларни тайёрлаш бўйича лагер ва базаларнинг мавжудлиги ҳам Ўзбекистон учун терроризм таҳдидлари манбаларидан биридир. Бундай марказлар нафақат Афғонистонда, балки айрим бошқа давлатларда ҳам мавжуд бўлиб, уларда хорижий ёлланганлар қаторида баъзи бир йўлидан адашган Ўзбекистон фуқаролари ҳам махсус тайёргарликдан ўтдилар. Чет элда, айниқса, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳаракат қилувчи, Марказий Осиё минтақасига зўр бериб интилаётган террорчилик тузилмалари ҳам терроризм таҳдидлари манбаларидандир. Юқорида таъкидлаганимиздек, қуроллар, портловчи ускуналар, психотроп, радиоактив, заҳарли ва кимёвий моддалар контрабандаси, шунингдек, наркотрафик ҳам таҳдид манбаларига киради. Таҳдидларнинг энг хавфли манбаларидан бири трансмиллий уюшган жиноятчилик бўлиб, унинг террорчилик ташкилотлари билан уйғунлашиб кетганлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Ўзбекистон чегаралари ҳудудларида, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистоннинг етарли миқдорда хавфли зоналар мавжуд бўлиб, уларнинг чегараларо фавқулодда вазиятларни вужудга келтирувчи реал таҳдидларга айланиб кетиши эҳтимоли йўқ эмас. Масалан, Қирғизистон ва Тожикистондаги радиоактив чиқиндиларнинг ҳажми 13,5 куб. метрдан зиёддир. Борди-ю, улар сақланадиган омборлар бирон сабаб билан бузилса, бизнинг мамлакатимизда минг квадрат километрдан

зиёд, 1,5 миллион аҳоли яшайдиган ҳудуд радиоактив чиқиндилар билан ифлосланади.

Тожикистондаги Нурек ГЭСи ва Қайроққум сув омбори тўғонлари, шунингдек, кирғокларининг бузилиши ҳам бизга реал таҳдид солади.

Кўплаб стратегик аҳамиятга молик саноат корхоналари террорчиларнинг кўпорувчилик объекти бўлиши мумкин. Чегарадош мамлакатлар ва бошқа минтақалардаги қуролли можаролар ўчоқлари; қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар ва бошқа террорчилик ҳаракатларида қўлланиладиган воситаларнинг ноқонуний тарқатилиши ҳамда экстремистик ташкилотлар мафкуравий дастурларида ва кураш усуллари билан мавжуд конституцион тузумини тўнтаришга ундаш; террорчилик ҳаракатларини содир этишга йўл қўядиган диний сиёсий оқимлар ("Ҳизбут-таҳрир" ва бошқалар) вакиллари фаолияти; жиноий шахслар (гуруҳлар, ташкилотлар)нинг ахборот тизими; замонавий технологияларда, кишиларнинг ҳаёти ва соғлигига таъсир этувчи воситалардан фойдаланилиши - буларнинг барчаси Ўзбекистонга терроризмнинг таҳдидлари тизимини ташкил этади.

Миллий хавфсизликка таҳдидларнинг турли-туманлиги Ўзбекистон Республикасига жиддий хавф туғдиришини, уларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганишни давом эттириш керак. Терроризм билан оддий ижтимоий-сиёсий ҳодиса эмас, балки кўпорувчилик фаолиятининг турларидан бири сифатида, курашиш, Ўзбекистоннинг барча бошқарув органлари жамият ва фуқароларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга дастуриламалий ёндашувни, яъни миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини талаб этади.

Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига тажовуз қилувчи терроризм таҳдидларининг турли-туманлиги, унинг умумийлиги терроризмнинг интегратив (уйғунлик) таҳдидини яратади ва бу умумийлик ягона, яхлит таҳдидга ажратишнинг умумий асоси унинг сиёсий йўналтирилганлигига боғлиқ.

Мазкур вазиятда сўз таҳдидларнинг шундай маъноси ҳақида кетяптики, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясига мувофиқ, ҳар бир соҳанинг ўзига хос таҳдидлари бўлиб, улар мантиқан ҳақиқий таҳдидлар тизимини юзага келтиради.

Таҳлиллар терроризм таҳдидлари миллий, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизими таҳдидлари тузилмасининг таркибий қисми эканлигини ҳам кўрсатади. Бироқ, худди шу таҳлилнинг ўзи террорчилик ҳаракатларининг вақти, жойи, воситалари ва тажовуз объектларини олдиндан айтиб беролмайди. Яна бир ҳолат мантиққа зид бўлиб, унда терроризмга қарши чоралар кўришда қаттиққўлликнинг оширилиши террорчилар ҳаракатининг кучсизланишига олиб келмасдан, аксарият ҳолларда, янги таҳдидларни келтириб чиқаради. Қуйидаги мисол фикримизнинг далили бўлиши мумкин. 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида террорчилик ҳаракатларини содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарликка

ғортилишидан кейин уларнинг раҳнамолари ҳокимият, ҳуқуқ-адлия органларига, Ўзбекистон ҳудудида террорчилик фаолияти миқёсини кенгайтириш таҳдиди билан, тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида фойдаланишга уриниб кўрдилар. Яна бошқа бир мисол: "Ўзбекистон ислом ҳаракати" жангарилари Қирғизистон ҳудудига суқилиб кириб олгач, бир гуруҳ япониялик мутахассислар ва Қирғизистон Республикаси ички қўшинлари қўмондони Шамкеевни гаровга олиб, уларни озод этиш учун, Қирғизистон ҳукуматидан террорчиларнинг Ўзбекистон ҳудудига тўсиқларсиз ўтиб кетишга йўл очиб беришни талаб қилдилар. Босқинчилар агар уларнинг талабларини қондириш рад этилса, гаровга олинганларни жисмоний йўқ қилишларини билдириб, дўк-пўписа қилганлар. Террорчиларнинг бундай иш тутиши Будённовск ва Кизлярга бостириб кириб, одамларни гаровга олган чечен айирмачиларига ҳам хос эди. Терроризм таҳдидлари учун хос яна бир ҳолат шуки, улар ёлғиз мавжуд бўлмай, одатда, бошқа таҳдидлар оқибати ёки ҳосиласи бўлади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов миллий хавфсизликни таъминлаш ҳақидаги ўз асарлари ва чиқишларида доимо мана шу нарсага эътиборни қаратади.

Кейинги ўзига хос жиҳатларидан бири, бу- терроризм таҳдидларининг бошқа таҳдидлар билан тўғри ва тескари боғланганлигидир. Масалан, маҳаллий ёки минтақавий можаролар, шунингдек, оммавий тартибсизликлар, одатда, террорчилик ҳуружларининг аланга олишига олиб келади. Шунингдек, улар, ўз навбатида, нафақат янги можаролар ўчокларини пайдо қилади, балки мазкур ҳуруж манба бўлиб хизмат қилган можароларни янада кескинлаштириб юборади.

Террористик таҳдидларнинг мақсадларида ахборот, биомедицина, ядро ва бошқа технологиялар соҳасидаги энг охирги ютуқлар билан боғлик глобал жараёнларнинг янги тамойилларидан фойдаланишга интилиши ҳам терроризм таҳдидларининг ўзига хосликларига киради.

Бундан ташқари, террорчилик фаолиятида қатнашувчи шахсларга жиноий аҳлоқ ва хатти-ҳаракатларнинг алоҳида белгилари хос бўлиб, у нафақат сиёсий, балки ғаразли мақсадда энг кескин чораларни ҳам қўллай олишларида намоён бўлади.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, терроризм таҳдиди ўзгармас эмас, у ҳудудий чегаралар ва вакт ўлчовлари билан чекланмайди, аксинча, ички таҳдидлардан минтақавий ва глобал таҳдидларга айланиш хусусиятига эга.

Терроризм таҳдидларининг санаб ўтилган хусусиятлари уларни миллий хавфсизликка таҳдидлар тизимида юқори қаторга қўйиш учун асос бўлади.

6. ЗАМОНАВИЙ ТЕРРОРИЗМ ТАДРИЖИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ

Терроризмнинг ўзгариши ва ривожланиб бориши - табиий жараён. Чунки, террористлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан доимий қарши ҳаракатга дуч келади. Бу ҳолат террористларни ўз жиноий фаолиятларининг янги тактик усул ва воситаларини излашга мажбур қилади. Бу билан улар махсус хизматларнинг назаридан четда қолишга ва жиноятларини очишни чигаллаштиришга ҳаракат қилишади.

Террорчиларнинг ўз жонини сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари, ўзгараётган атроф-муҳит шароитига, ҳозирги жамият ривожланишининг янги ҳолатларига мослашишга мажбур бўлишларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Террорчилар фан-техника тараққиёти ютуқлари ва энг янги технологик кашфиётлардан террорчилик мақсадларини амалга оширишда фойдаланмоқдалар. XX аср охиридаги матбуот ва илмий мақолаларда террористларнинг ядровий физика, электроника, ҳисоблаш техникаси, генетика, психология, биология ва бошқа соҳалардаги кашфиётлардан жиноий мақсадларда фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги материаллар тез-тез учраб туради. Ҳатто биологик терроризмнинг янги кўринишларини очиб берадиган "ядровий терроризм", "информацион (ахборий) терроризм" ва бошқа кўринишдаги янги тушунчалар пайдо бўлди. Бундай мақолаларни таҳлил қилиш террористларнинг имконияти ортиб бораётганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўлади. Бизнинг фикримизча, бундай мақолалар акс, яъни салбий таъсир қилади. Аҳолининг ожизлиги ва зарар кўриш миқёси нуқтаи назаридан террорнинг оқибатлари ҳақида батафсил ёзиш жамиятдаги ахлоқий-психологик иқлимга салбий таъсир кўрсатади. Террористларнинг самаралироқ куролларга эга бўлишлари мумкинлиги аҳолида қўрқув ҳиссини ошириб юборади.

Бундай мақолалардан келадиган энг катта хавф шундан иборатки, улар террористларни оммавий қирғин қуролларидан фойдаланишга ҳаракат этишга ундайди ҳамда бундай воситаларни ишлаб чиқиш ва қўллашга йўналтиради. Масалан, "информацион қуролдан" қандай фойдаланиш кераклиги матбуотда батафсил ёритилса, амалда энг саводсиз террорист ҳам унинг анъанавий террор воситаларидан устун жиҳатларини билиб олади.

Терроризмни янги хилларининг бўлиши ҳақиқат эканлиги – хаёл ёки олдиндан кўра билиш натижаси эмас, балки фан ва техниканинг шу назарий билимларга асосланган ҳақиқатидир. Терроризмнинг янги кўринишлари ҳақида бугун гапириш бу ўзгаришлар эртага амалга ошади, дегани эмас. Ҳамма гап бу ҳол қачон ва қандай шароитда юз бериши мумкинлигидадир. Террор воситаларини ишлаб чиқишда янги технологиялардан фойдаланиш террористларнинг сафига олий тоифали мутахас-

сисларни жалб қилишни талаб қилади. Шу билан бирга шуни инобатга олиш керакки, янги технологиялардан, жумладан радиоактив моддалардан фойдаланиш террористларнинг ҳаётига ҳам хавф солади. Улар учун террорнинг янги воситалари билан қуролланишдан олдин ечимини ҳал этиш керак бўлган бир қатор муаммолар пайдо бўлади.

Терроризмга қарши курашишнинг асосий вазифаларидан бири ноанъанавий воситалардан фойдаланиш имкониятини башорат қилиш ва баҳолаш, террористик ҳаракатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан, янги технологияларни қўлга киритишини қийинлаштиришдан ва ялпи вайрон этувчи воситаларни қўлга киритишини мураккаблаштиришдан иборатдир. Мина ва шунга ўхшаш портловчи моддалар, автомат, пулемёт ва ҳоказолардан фойдаланаётган анъанавий терроризм жамиятга катта таҳдид туғдирмайди, чунки у жамиятнинг асосини емира олмайди. Аммо инсон онгига таъсир этишга уриниш ва бу йўлдаги изланишлар юқори технологияга асосланган янги давр терроризмининг яратилишига олиб келиши ҳамда бутун жаҳон ҳамжамиятининг тизими инқирозини келтириб чиқариши мумкин.

Фаннинг биомуҳандислик, психология каби соҳаларидаги энг зўр кашфиётлар орқали инсониятни ҳалокатдан сақлаш, шу билан бирга, айни пайтда унга мислсиз зарар ҳам келтириш мумкин. Ахир, ядро қуроли ҳам атомчи-физиклар томонидан олижаноб инсоний ниятлар билан йўғрилган мақсадларда ихтиро қилинган эди. Уларнинг, атомни тинчлик мақсадида ишлатиш тўғрисидаги фикрлари амалда инсониятга шафқатсиз оқибатларни келтирди. Инсоният 1945 йили Хиросима ва Нагасаки шаҳарларининг бомбардимон қилиниши гувоҳи бўлди. Яхшиямки, фашистлар Германияси ядро қуролини яратиш устидаги ишларни якунламасдан барҳам топди. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашист концлагерларида маҳбуслар устида одамлар онгига таъсир қилувчи психотроп дори ва воситалар синовлари ўтказилган. Натижада, шундай кишилар ўзгалар иродасини бажарувчи оддий қуролга айланиб қолишган эди.

Далиллар шундан гувоҳлик берадики, ўта агрессив кучлар фаннинг одамийлик, этика ва аҳлоқ каби анъанавий тамойилларидан, ютуқларидан ҳам ўз ғаразли мақсадлари учун фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Булар орасида ҳокимлик ва бўйсунувчанлик психологиясини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган кишилар жуда кўп учрайди. Фан ривожланиши билан бирга, ундан инсонга салбий таъсир кўрсатиш мақсадида ҳам фойдаланишга уриниш ва имкониятлар кучайиб бормоқда. Чунки, фан ҳам бошқа ижтимоий институтлар каби, ижтимоий ривожланишнинг қарама-қаршиликларини ўзида акс эттиради. Албатта, фаннинг инсон ҳаётига кириб бориши жамиятга салбий таъсир этмоқда, деб мутлақ ишонч билан айтиш мумкин эмас. Ҳар қандай вазиятда ҳам олимлар жамиятнинг ижтимоий муаммолари билан тўқнашиб келганлар ва шахс, жамият ҳамда давлат манфаатлари учун масъулдирлар. Бу ҳар қандай

ривожланган давлатнинг миллий хавфсизлиги концепциясига мос келади, чунки ҳар доим молекуляр биология, генетика ва психология каби соҳалардаги кашфиётлар билан боғлиқ таҳдидлар, ҳақиқатдан ҳам, мавжуддир.

"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" 1-моддасида шундай дейилган: "Ҳамма инсонлар қадр-қиммат ва ҳуқуқ борасида тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл-идрок ато этилган...". Бошқача айтганда, бу модда қуйидагиларни белгилаб беради: эркинлик ва тенглик ҳуқуқи инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у бундан маҳрум этилиши мумкин эмас. Инсон идрок ва виждон эгасидир, у бу билан Ер юзидаги бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. Шунинг учун у бошқа мавжудотлар фойдаланмайдиган муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга.

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда ген муҳандислигининг "сунъий одам"ни яратиш устидаги ҳар хил синов-тажрибаларини қатъий назоратга олиш зарурати пайдо бўлди. Чунки, бундай тажрибалар муайян вазиятда шахснинг ҳаётий манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид қилишдир. Лекин, ҳали дунёда бундай хатти-ҳаракатларни чегараловчи қонунлар ишлаб чиқилмаган. Агар ядровий қуролни ишлаб чиқиш тақиқланса ҳам уни яратиш, синаш ва ундан фойдаланилишнинг олдини олиб бўлмайди. Шу ерда бир ўхшатишни келтириш мумкин. Қўлида бир қути гугурт бўлган бола, ўзи англамаган ҳолда, ёнғин чиқармагунча ўйнайверади.

Англия ва Германияда одамларни клонлаштириш устида тажриба ўтказишни тақиқловчи қонунларнинг қабул қилиниши тасодифий ҳол эмас. АҚШнинг собиқ президенти Б.Клинтон ва Франция ҳукумати ҳам махсус комиссияларга қисқа вақт ичида бу соҳадаги суиистеъмолликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни топширишганди. Шунинг учун, бунга ўхшаш тажрибаларни чегараловчи, бутун жаҳон аҳамиятига эга бўлган халқаро конвенцияларни яратиш зарурдир.

Биомедицинага мувофиқ, генетик модда инсон мияси билан биологик тур сифатида манипуляция (ўйин) қилиш, генетик ўзгаришларни амалга ошириш имконини беради. Гарчи биомедицинадаги тадқиқотлар инсон манфаатларига йўналтирилган бўлса ҳам, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланилмайди, деб ким кафолат беради?!

Маълумки, генетика фани биологик организмларнинг ривожланиши ва ўсишининг бошқарув жараёнларини амалга ошириш механизми ва таркибий тузилишини ўрганади. Генетиканинг ютуқларига асосланиб, организмларнинг генетик дастурини ўзгартириб, уни ҳоҳлаган кўйга солиш мумкин. Бу жараённи бошқарган кишилар ўзига хос қудратга эга бўлади ва бундан ўз хоҳишига кўра фойдаланиб, кўп нарсаларни мақсад қилиб қўйиши мумкин. Бугун инсониятни ташвишга солаётган нарса бу ген муҳандислигининг таҳдидларни мужассамлаштирган бир томонидир.

Бундай тажрибаларнинг натижалари ахлоқий ва маънавий жиҳатдан тоза бўлмаган инсонлар қўлига тушиб қолиши оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайди. Бу ген муҳандислиги соҳасидаги тадқиқотлар натижасида юз бериши мумкин бўлган хавфнинг бир йўналишидир. Ген муҳандислиги ютуқларининг хавф туғдирувчи асосий томони уларнинг оламдаги ишбилармонлар, бизнес, сиёсатчи ва ҳарбийларнинг диққати ва манфаатлари марказига тушишга улгурганлигидир. Клонлаш орқали бефарзанд оилаларга ёрдам бериш мақсадида жисмоний, психологик туғма нуқсонлардан холи бўлган генотипларни қайта тиклаш, одамларни технологик нусхалаш, элитани яратиш каби инсоният учун хавфли баландпарвозли гапларнинг ҳаммаси "чиройли ниқоб ёки ғилоф" эмасми?

Ҳали 80-100 йил олдин "инженер Гарин гиперболоид"и англаб бўлмайдиган, ақлга сиғмайдиган фантастика эди. Бугун эса пробиркада одам яратилиши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Олимлар, жаҳон жамияти, сиёсатчилар ва давлатларнинг раҳбарлари ушбу муаммо миллий чегаралар доирасидан чиқиб, миллатлараро тус олганини англамоқлари керак. Ген муҳандислиги ютуқларидан бузғунчилик мақсадларида фойдаланилишига қарши кураш олиб бориш керак. Бундай илмий тадқиқотлар ҳукумат ва жамоат назоратида бўлиши шарт. XX асрнинг 40-йилларида инглиз ёзувчиси Д.Оруэлл: "бугунги олимлар орасида гипноз ва қийнашларни сиповчи руҳшунослар ёки фақатгина жонсизлантириш билан боғлиқ фан соҳаларида банд бўлган химик, биолог, физиклар бор", деб ёзган (Оруэлл Д. "1984", М., Прогресс, 1989, с. 137). Бундай тадқиқотларга нисбатан "Новое время" журнали ёзган эдики, "Долли номли (клонлаштирилган қўй – У.У.) "бомба"ни яратишнинг муваффақиятли тажрибаси, одамзод олдидаги ядро қуроли яратилишидан хавфсизроқ муаммо эмас" (Новое время. М., 1998, №1, с.43). Ўз навбатида "Welt" газетаси: "Германияда генетика оммавий қирғинга ишлатилган, нацизмга хизмат қилган; Адольф Гитлер ва нацистлар қўлида руҳий таъсир этиш, онгга кириш, билиб бўлмайдиган таъсирда бошқариш қуроли бўлган", деб хабар беради (За рубежом. М., 1997, №12).

НЛД (нейролингвистик дастурлаш – У.У.) мутахассислари инсон устидаги тажрибаларини ўтказа туриб, инсон организми қандай ҳолларда мураккаб ҳаракатлар содир этади ва нимадан қочади, деган саволга жавоб бериш, ҳозирги терроризмнинг имкониятлари қандай эканлигини билиш ва олдиндан кўра олиш учун жиддий қизиқиш туғдиради. Айтганимиздек, инсон барча ҳайвонлардан фарқли равишда идрок ва онгга эгадир. "Homo Sapiens" дегани ҳам шу маънони англатади. Онг (оламнинг инъикоси) англаб етилмаган ички онг билан боғланади. Остонг асосан эшитиш, кўриш, ҳис қилиш ва тасаввурига таъсир қилиб тажриба ўтказилаётган одам билан тўлиқ мулоқотга (муносабатга) киришиш мумкин бўлади. Ишончли муносабатни таъминлашда кам аҳамиятлилик ортида катта таҳдид мавжуддир. Бунда тажриба ўтказилаётган одам ўз хатти-

ҳаракатининг салбийлигини ҳис қилмаган ҳолда, мутахассис томонидан берилган ҳар қандай буйруқни сўзсиз бажаради.

Фан оламида ривожланишнинг генетик жиҳатлари билан қизиқувчилар, яъни этология вакиллари орасида ҳам инсон табиатидаги тажовузкорлик ва терроризмни юзага келтирувчи омиллар борасида қарама-қарши нуқтаи назарлар учраб туради. Айрим тадқиқотчилар фикрича, зўравонликнинг манбасини инсоннинг биологик табиатидан, унинг биологик ва ижтимоий муҳити қўшилиб кетган руҳиятидан излаш керак. Бу тахминларга кўра, одам ўзининг аждодларидан уларни барча туғма ҳис-туйғуларини, тажовузкорликни мерос қилиб олган ва бу кишиларда зўравонлик ҳаракатини содир этишни кўпайтиради. "Атом қуролига ва жаҳли тез маймунга хос тажовузлар, туғма ҳис-туйғуларга эга бўлган ҳозирги инсоният ўзининг мувозанатини батамом йўқотди. Ҳеч қачон ақл назоратига тўлиқ бўйсунмайдиган ёввойи ҳайвон ҳозир, барча тўсиқларни енгиб, бизни чексиз зиддиятлар томон тортмоқда..." (Цит.по Замковой В., Ильинов М., Терроризм – глобальная проблема современности. М, 1996, с. 64-65).

Этологлар шуни таъкидлашадики, ижтимоий ёвузлик биологик асосга эга, терроризм ҳодисаси тажовузкорлик ҳис-туйғусини назорат қилинмаслиги билан боғликдир. Шуни айтиш керакки, одамнинг хатти-ҳаракатига биологик омиллар таъсир кўрсатади, лекин шафқатсизлик, ёвузлик ва терроризм ижтимоий омиллар таъсирида ҳам юзага келади, чунки инсон ўз табиатига кўра ижтимоий-биологик мавжудотдир.

Шахсга руҳий таъсир кўрсатишнинг бошқа кўриниши бу "зомбилаштириш"("маиқуртлаштириш"), деб номланган руҳий дастурлашдир. Бу атама билан инсоннинг онгини унинг ўтмишидан узиб ташлаш ва ўзи англамаган ҳолда, унинг тўлиқ сўзсиз бўйсунишини дастурлаш мақсадида ўтказилган таъсир тушунилади. "Зомби"ни руҳий дастурлаш "қаттиқ" ва "юмшоқ" бўлиши мумкин. "Қаттиқ" ҳолатда тажриба қилинаётган одам ўзининг тажовузкорлиги ва бошқа ҳаракатлари билан билиниб туради; "юмшоқ зомби", биринчисидан фарқли равишда, одамлардан ажралиб турмайди, лекин дастурланган бўлгани учун ҳар қандай ҳолатда "юклатилган" вазифани бажаради.

Зомбилаштириш объектнинг физиологиясини батафсил ўрганиш, махсус медицина ва компьютер асбобларини қўллаш, гипноз ва кодлаштиришнинг техникасини эгаллаш билан боғлиқ. Бу соҳа мутахассислари зомбилаштириш жараёнида шахснинг онгига таъсир қилиб, уни илгари яшаган муҳитидан "суғуриб олади" ва гипноз қилиш ҳамда махсус тиббий моддалар (препаратлари)дан фойдаланиб, одамни ўзлари ҳоҳлаган дастурга кодлаштириб қўйишади. Бунда улар хотирадан аввал қабул қилинган ахборотларни бутунлай ўчиришади, вақт-макон белгиларини йўқ қилишади, муайян ғоя ва тасаввурларни сингдиришади, кейин бу сингдирилган ахборотлар яна онгга киритилади. Масалан, 1994 йил

июлида Боку шаҳри метросида террорчи "камикадзе" (ўлимга маҳкум одам) томонидан уюштирилган портлаш амалга оширилган эди. Портлаш террорчининг ўзига ҳам шафқат қилмади. Боку шаҳри бош руҳшуноси фикрига кўра, террорчи руҳий касалланган киши, яъни дастурланган зомби бўлган.

1994 йилнинг декабр ойида жазоирлик "Қуролли ислом гуруҳи" аъзолари Франциянинг "Эр Франс" авиакомпанияси самолётини эгаллаб олиб, уни Эйфел минораси томон буришга ҳаракат қиладилар. Бироқ, ўшанда самолёт Марселдан учишидан олдин, террорчиларга зарба берилиб, у сақлаб қолинди. АҚШда 2001 йил 11 сентябр куни тўртта "Боинг"-ни эгаллаб олган "камикадзе"лар самолётларни Жаҳон савдо маркази ва Пентагон сари буришади.

Бу эса террористлар қўлида янги ва олдиндан билиб бўлмайдиган қурол ва ижрочилар мавжудлигини кўрсатади. Энди самолёт бортига қурол ва портловчи моддаларни яширинча олиб ўтишга ҳожат қолмади. Террорист томонидан самолётнинг Пентагон сари усталик билан буриши "террористик уюшма"нинг учувчи "камикадзе"ларни олдиндан танлаб, тегишлича тайёрлаганликларини кўрсатади. Федерал Қидирув Бюроси маълумотларига кўра, бундан кейин террористлар қишлоқ хўжалиги самолётларидан ҳам бошқа мақсадларда (портлатмасдан) фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатмоқда. Масалан, экинлар зараркунанда-ҳашаротларига, бегона ўтларга қарши дори сепувчи самолётлар воситасида ҳаводан ерга кучли таъсир қилувчи заҳарларни ҳам сепиш мумкин-да.

Кўриниб турибдики, "камикадзе"нинг асосида кучли руҳий таъсир кўрсатиш ётибди. Лекин, мазкур ҳолатда, кўпроқ, террористлар томонидан "ғоялар кураши" учун ўзини қурбон қилиш заруратига йўналтирувчи руҳий тайёргарлик тўғрисида гапириш керак. Бу ҳол айниқса, Фаластиндаги "Исломий жиҳод", деб номланган террористик ташкилотга тааллуқлидир. Чунки, бу унинг таркибида "ўлимга борувчилар бригадаси" мавжуд бўлиб, улар 1994-2002 йиллар оралиғида автобуслар, автостанция ва бошқа, одамлар гавжум жойларда кўплаб террористик ҳаракатлар уюштирдилар. Шарқ кишисини "камикадзе"га айлантириш, унга руҳий таъсир кўрсатиш анча осонроқ ҳисобланади. Бўлажак ўлимга маҳкумлар, кўпроқ, ночор камситилган ёки хўрланган оилалардан чиққан, паст маълумотли ёки, умуман, саводсиз кишилардирлар. Бу ҳол шахснинг онгига тарихга, "миллий қаҳрамон" бўлиб кириши ва бошқа диний ақидаларни сингдириш мумкинлигини, оиласига моддий ёрдам бериш каби турли ваъдалар билан уларга катта руҳий таъсир ўтказиш қийин эмаслигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган мисоллар шундан далолат берадики, педагогика, психология, психофизиология, биомедицинанинг эришган ютуқларини терроризм, бузғунчилик мақсадларига эришиш учун ҳам қўллаш мумкин. Бундай тажрибалар шуни кўрсатадики, эндиликда инсонни, одам-

ларни пистолет, автоматлар, минали тузоқлар билан ўлдириш шарт эмас. Инсоннинг руҳиятига таъсир кўрсатиш ва уни яширин тарзда бошқаришнинг ўзи етарли. Тажриба кўрсатадики, агар давлат терроризм билан очиқ курашса, террорчилар бошқа йўлларни қидиришади.

Терроризмнинг бу турининг келажакдаги хавфи шундан иборатки, бутун оламга ҳукмрон бўлиш ғояси миясига сингиб қолган ва маълум кучлар томонидан рағбатлантирилувчи қандайдир нопок олим инсониятни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга яна бир хулоса келиб чиқади: бу олим, пировардида, ўзи дунёга келтирган "фарзанди" қўлида ўзи ҳам ҳалок бўлади. Чунки, қайсидир босқичда у ўз яратувчисига қарши бош кўтариши ва бўйсунмай қўйиши мумкин.

РУМО (АҚШ мудофаа вазирлиги разведка бошқармаси) директори П.Хьюз сенатнинг Қуролли кучлар ишлари бўйича қўмитанинг мажлисида АҚШнинг миллий хавфсизлигига ҳозирги ва келажакдаги таҳдидларни таҳлил ва башорат қилишга бағишланган нутқида сенаторларнинг диққатини янги технологиялар соҳасидаги ривожланиши мумкин бўлган таҳдидларга қаратди. Унинг фикрига кўра, бундай ўзгаришлар натижасида давлатлар махсус технологиялар ёрдамида ҳажм жиҳатидан кичик, лекин техник воситалар ёрдамида аниқланиши қийин бўлган жуда кучли қуролларни ишлаб чиқиши мумкин бўлади. Ҳақиқий таҳдидни, - деб қайд этади у, – энг янги биотехнологиялар туғдириши мумкин. Чунки, улар сунъий йўл билан, айрим кишиларни ёки бир гуруҳ одамларни танлаган ҳолда, ўлдириши мумкин бўлган (ўлим ташувчи) вирус ва микробларни яратиши мумкин. Террорчилар ўз жиноий мақсадларига эришиш учун бундай имкониятни эътибордан четда қолдирмаслиги ҳаммага тушунарли бўлса керак.

Бир қатор хорижий мутахассис-террорологларнинг фикрига кўра, яқин йиллар ичида террористик гуруҳлар кимёвий ва биологик қуроллардан фойдаланишга уриниб кўришлари мумкин. Оммавий қирғин қуроли (ОҚҚ) яратилганлигига кўп вақт бўлган бўлсада, ундан фойдаланиб террористик ҳаракатлар содир этиш жуда кам учрайди. Фақатгина "Аум Сенрике" сектаси 1995 йил март ойида Токио метросида асаб тизимини фалажлантирувчи заҳарли газдан фойдаланиб, террористик ҳаракат уюштиришга муваффақ бўлган. Бу далил худди шундай террористик ҳаракатларни яна содир этиш мумкинлигига намуна бўлиши мумкин. АҚШда содир этилган 11 сентябрь террорчилик хуружларидан кейин айрим хизматчиларнинг ўз хизмат вазифасини бажараётиб, кукун солинган конвертларни очганда заҳарланиб, вафот қилишлари, террорчилик учун янгидан-янги имкониятлар пайдо бўлаётганлигидан дарак беради. Булар бизни терроризм хавфидан огоҳлантирувчи далиллардир.

Маълумки, ОҚҚ қўллаш жуда катта хавф туғдиради, чунки биттагина шундай ҳаракатнинг зарари ҳам ниҳоятда катта бўлиши мумкин. Бу фақат ўн минглаб ҳалок ва ярадор бўлган кишилар эмас, балки за-

ҳарланган атроф-муҳит, иқтисодий йўқотишлар ва оммавий саросималик ҳамдир. Шунинг учун, ОҚҚдан фойдаланган ҳолда террористик ҳаракатларни уюштириш эҳтимоли ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби шуки, террорчилар информацион, таълим ва технологик ривожланиш оқибатида ОҚҚни қўлга киритиш ва фойдаланиш имконига эга бўладилар. Лекин, террорчиларнинг кучи етмайдиган технологик қийинчиликлар ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, тахмин қилиш мумкинки, келажакда кимёвий ва биологик жанговар моддаларни қўллаш ўзига хос кўриниш касб этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг олдиндан кўраётган чоралари натижасида террорчиларнинг йирик хуружлар уюштириши тобора қийинлашмоқда. Портлашлар, отишмаларнинг умумий сони террорчиларнинг оз куч билан кўп зарар етказиши тўғрисидаги дахшатли ниятларига мос келмай қўйди. Шунинг учун улар битта, лекин жуда катта зарар етказувчи кучли амалларни уюштириш тактикасига амал қилишга ҳаракат қилишмоқда. Айнан шундай имкониятни улар ОҚҚларидан фойдаланишда, деб билишади. Буни инобатга олган давлатлар, аввало АҚШ, ўз ҳудудини ОҚҚдан ҳимоя қилишга катта эътибор бермоқда ва ўзларининг заиф томонларини мустаҳкамлаш учун йилига юзлаб миллион доллардан иборат маблағларни сарфламоқда.

Таҳдид имкониятларини баҳолаш нуқтаи-назаридан, ишнинг моҳияти шундан иборатки, оммавий қирғин қуролларини қўлловчи террористик ҳаракатнинг оқибатларини ҳисобга олиб, бу муаммога жиддий муносабатда бўлиш зарур. Чунки, бу таҳдид нафақат алоҳида фуқаролар учун, балки бутун мамлакат учун жуда катта фалокатдир.

Ахборот-технологик ривожланиш ҳам, маълум маънода, барқарорлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирмоқда. Ахборот ҳам, амалда, худди нефть, газ, пахта, олтин каби стратегик манбага айланди. Жамият ва давлатнинг фаолиятини таъминлашда унинг аҳамияти катта, шу боис XXI асрни ахборий жамият даври бўлади, деб тўғри баҳолашмоқда. Ҳозирги пайтда кўп давлатларда ахборий хавфсизлик муаммосига катта эътибор қаратилмоқда. Бу давлатни бошқариш, иқтисодиёт, мамлакат мудофаасини таъминлашда жамоатчилик ва давлат идораларининг ўз вазифаларини бажаришларида ахборот ва телекоммуникация воситалари асосий ўрин эгаллашига боғлиқ. 1996 йил июль ойида АҚШ Конгресси сенатининг қўмитаси ахборот ва телекоммуникациявий таъсирдан ҳимоя қилиш – мамлакат миллий хавфсизлигини таъминловчи асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланди (Маркоменко В.И. Защита информации в информационных и телекоммуникационных системах органов государственной власти. Конфидент. 1997. март-апрель с.72.).

XX асрнинг охирги ўн йиллигида пайдо бўлган "кибертерроризм", деб номланган янги атама компьютер тармоғига ҳужумни англатади. 70-йилларнинг "компьютер терроризми"нинг охирида пайдо бўлиши тармоқнинг ривожланиши, турли институт ва корхоналарнинг фаолиятида

компьютерларнинг аҳамияти ошиб бораётганлиги билан боғлиқ эди. Бунинг ноқулай томони жамиятнинг фаолияти компьютерларнинг ҳолати, ҳимояланишига боғлиқ бўлиб қолади ва бу нарса "кибертартизан"ларнинг диққатини ўзига тортади. Уларнинг фаолияти ташкилотларнинг ишига тўсқинлик қилиш мақсадида уларнинг компьютерларига рухсатсиз киришни амалга оширишдан иборат.

Информацион тизимга рухсатсиз кириш ҳамда ноқонуний фойдаланиш фақат "кибертерроричилар" учун хос бўлиб қолмасдан, балки жиноятчилар муҳити учун ҳам хосдир. Криминологларнинг фикрича, дунёда уюшган жиноятчиликнинг янги тури шаклланди. Унинг аъзолари, асосан, махфий ҳужжатлар ва пул маблағларини ўғирлашга, ҳарбий ташкилотлар, молия-кредит муассасалари объектларининг компьютерлар тармоғи муҳофаза тизимини бузиб киришга ихтисослашмоқдалар (Крутских А. Информационный вызов на рубеже XXI века). Дунёнинг деярли барча давлатларида компьютер жиноятчилиги сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Фақатгина АҚШда жиноятчиликнинг шу туридан йилига 100 миллиард доллар атрофида иқтисодий зарар кўрилади (Шахов А.В. Электронные взломшики – преступники под маской романтиков. Конфидент. 1997. Март-апрель. с.88.).

Маҳаллий ахборот тизим халқаро ахборот тармоғига, хусусан Интернетга, уланганида сезиларли муаммолар пайдо бўлди. АҚШ Конгрессининг маълумотига кўра, фақат 1995 йилда "хакерлар" бу тармоқ орқали 250 минг марта Мудофаа вазирлиги компьютерларига бузиб киришган (Маркоменко В.И. Ўша манба. 72 б.).

Келтирилган мисоллар "кибертерроричилар"нинг ўз жиноий мақсадларида фойдаланишлари мумкин бўлган имкониятларини очиб беради. Айни пайтда, "ахборий" терроризм "ахборий жиноятчилик"дан фарқ қилади. Бу фарқ фақат услубларда эмас, балки ахборот тармоғига ижозатсиз киришининг натижалари, тактикаси ва мақсадларида ҳам намоён бўлади.

Ахборий терроризм ҳам сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилади ва бу мақсадлар мазмунига кўра бир неча гуруҳларга бўлинади. Асосий мақсадлар сирасига: давлат бошқарувини чигаллаштириш; жамиятда ижтимоий беқарорликни келтириб чиқариш мақсадида аҳолини руҳий "қайта ишлаш"; ҳаётий аҳамиятга молик тизим ва объектларни издан чиқариш; ахборот манбаларига зарар етказиш; маълумотлар базасини издан чиқариш; ахборот манбаларини ўғирлаш ёки бузиб кўрсатиш; телекоммуникация тармоқларида ахборот айрибошлашни йўқ қилиш кабилардир.

Яна бир гуруҳ мақсадлар террористик фаолиятнинг барча қирраларини тарғибот ва ташвиқот қилишни кўзда тутади. Афсуски, халқаро Интернет тармоғи, ана шу маънода, экстремистик ғояларни ташвиқот қилувчи манбага, портловчи қурилма ва "Аум Сенрикё" сектаси томо-

нидан қўлланилган жанговар заҳарли моддаларга ўхшаган қуролга айланиб улгурди.

Бунга мисол тариқасида Германиянинг жиноий ишлар бўйича Федерал ташкилоти вакилининг сўнгги уч йил мобайнида ўнг экстремистик йўналишдаги Интернет сайтларининг сони 10 баравар ошганлиги тўғрисидаги баёнотини келтириш мумкин (Интернет без экстремистов. Народное слово.1 ноября 2000 г.).

Террорчилар ўзлари учун зарур бўлган ахборотларни турли алоқа воситаларидан йиғиш учун нафақат компьютер тармоғига рухсатсиз киradилар, балки буни Интернетнинг очиқ сайтлари орқали амалга оширадилар. Гап шундаки, бир қатор давлатларнинг махсус хизматлари тўғрисидаги маълумотлар фақатгина Интернетда эмас, балки ахборот билан бизнес қилувчи хусусий ташкилотлар тармоғида ҳам сақланади.

Масалан, АҚШнинг ФҚБ серверида умумий маълумотлардан ташқари қидирилаётган жиноятчилар, йирик жиноятлар ва террорчилик ҳаракатлари бўйича суриштирув ишлари тўғрисидаги материаллар ҳам бор (Марейнис А, Шинов В. Спецслужбы в Интернете. Конфидент, 1997, март-апрель. с. 91.). Шунингдек, тармоқда Интерпол ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор халқаро ташкилотлар ҳам иштирок этади.

Асосий эътиборни ахборот билан бизнес қилувчи хусусий ташкилотларнинг қидирилаётган жиноятчиларга оид серверлари, махсус хизматлар ва уларнинг иш услуби тўғрисида ахборот етказиб бераётган серверларга қаратиш керак. Чунки, бу серверлар барча учун очиқ. Масалан, (nte)- Web (http) www awpi com/inte (Web1) сервери бутун дунё махсус хизматлари тўғрисида тизимга солинган маълумотнома ва уларнинг ҳар бири бўйича ахборот манбалари тўғрисидаги рўйхатни ўзида жамлаган (Марейнис А., Шинов В. Там же. с. 92.). Бундай серверлар террорчиларнинг диққат - марказида бўлиши шубҳасиз. Улар бу ерда ўз жиноий мақсадларини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи хизматлар ҳақидаги ахборотларни билиб оладилар. Шу сабабли, афсус билан, ахборот технологиялари террорчиларга жиноят қилиб, қўлга тушмаслик имкониятини бераётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Оддий бир мисол келтирамиз: Тошкентнинг илгариги "Тезиковка" бозорида яқингача турли хилдаги қўлбола портлатгич ускуналар тайёрлашни, диверсия ва шу каби ҳуружларни ўтказиш усулларини батафсил ёритиб берувчи китобларни бемалол харид қилиш мумкин эди. Москвадаги "Раритет"нашриёти томонидан чоп этилган "Поваренная книга анархиста" ("Анархистнинг ошпазлик китоби") номли китобнинг баъзи бир бобларини ўқиган киши нитроглицерин, портлатувчи симоб, тринитротолуол, тутунсиз порохни қандай тайёрлаш, динамит формуласи, портлатувчи объект параметрларига мувофиқ равишда портловчи моддаларнинг формуласи, кўприкларни қўпорувчи портлатгичларни жойлаштириш принциплари, йўл минасини, "Молотов коктейли"ни, қўлбола гранатани,

китобга, эшик тутқичига, дарвозага, тутун қувурига, чекиш трубкасига, авторучкага ўрнатиладиган "антика" миналар ва ҳоказолар тайёрлаш ҳақида маълумот олади. Лекин, мазкур дарсликлар бу билан чегараланмайдилар. Уларда наркотик ўсимликларини экиш, уларга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш, қайта тайёрлаш, "олмали десерт", марихуана ва героинли гуммалар тайёрлаш, махфий изкуварлик, қўпорувчилик ҳаракатларидаги радиохабарларни тайёрлаш усуллари рўйхати ва қўпорувчиликнинг яна бошқа усуллари ҳам берилади.

Таъкидлаш жоиз, бу муаллифлар "анархия пазандачилигини назарий асослаш" билан ёшларни, талабаларни, ишсизлар ва қашшоқларни ўз ҳуқуқлари учун курашда мана шундай восита ва усуллардан фойдаланишга даъват этадилар. Ва улар, бу билан, Париж Коммунаси, Бакунин, Че Гевара давридаги сохта радикал чақириқларга мурожаат этадилар. Юқорида номи келтирилган китобдаги қуйидаги чақириқ ҳам ўта жангарилик руҳида жаранглайди: мазкур китоб ўзимни ҳам, ўзгаларни ҳам ўқита олишга қодирман, дейдиган анархистларга мўлжалланган... Уларнинг иродаси мустаҳкам тарафдорлари амал қилиши ва бўйсуниши лозим бўлган ягона қонун – бу улар, ўзлари учун ўрнатган қонундир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Усама бин Лоден ва у кабилар ўзлари учун ҳақиқат "яратиб", сўнг кўпларни унга тобе этадилар.

Терроризмнинг шаклий ўзгариши, ривожланиб бориши террорчиларнинг қиёфасини ҳам ўзгартирмоқда. Террористик фаолиятнинг воситалари сифатида янги технологиялар қўлланилиши террорчиларнинг умумий билим даражаси юқори бўлишини талаб қилади. Кичик ҳажмдаги портловчи ядровий қурилма ёки кимёвий ва жанговар ўқ-дориларни ишлаб чиқиш учун маълумот юқори бўлиши керак. "Ахборий қуролнинг" мураккаб восита эканлиги ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Умумий маълумот даражасининг ошиши террорчилар фаолиятининг жамият учун ноқонуний хатти-ҳаракат хавфини янада оширмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннанинг БМТнинг 1997 йилда қилинган ишлар ҳақидаги маърузасида айтиб ўтганимиздек, терроризм ва унинг виртуал шакл ўзгартиришлари давлатлар хавфсизлигига ҳақиқий хавф туғдираётган глобал кўриниш эканлиги, ҳатто "энг қудратли давлатлар хавфсизлиги учун ҳам таҳдид солаётган"лиги тасодифий ҳол эмас.

Ҳозирги терроризмнинг ҳақиқатдан ҳам бўлиши мумкин бўлган (виртуал) шакл ўзгартиришлари бўйича қилинган таҳлилларни умумлаштириб, назарий жиҳатдан терроризм ривожланишининг келажакдаги "сценарийси"ни қуйидагича тасвирлаш мумкин.

1. Террорчилар томонидан анъанавий террорвоситалардан фойдаланишнинг камайиб бориши.

2. Террор воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллашда янги технологиялар, радиоактив ашёлар, биологик ва кимёвий моддалар, биотехнология ва ахборий қуроллардан фойдаланишга ўтилиши.

3. Давлат бошқаруви, аҳолига руҳий тазйиқ кўрсатиш, ахборот тизимларини ишдан чиқариш каби тажовузларнинг янги объектларига интилиши;

4. Террорнинг янги воситалари пайдо бўлиши билан боғлиқ террористик фаолиятнинг тактикасида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кутилмаган, янги хатти-ҳаракатлар, ўзгаришлар юз бериши;

5. Террорчилар маълумоти, билим даражасининг ошиши.

"Инсон-табиат-фан" муносабатларини ҳуқуқий-меъёрий тартибга солишда халқаро назорат ўрнатилишининг объектив зарурият эканлигини англаб етиш, бизнинг фикримизча, икки томонлама аҳамиятга эга. Бу инсон томонидан бошқарилмайдиган кашфиётларнинг инсоният учун салбий оқибатларнинг олдини олган бўлур эди.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси бўлиши мумкин бўлган терроризмнинг ядровий, кимёвий, бактериологик кўринишларнинг олдини олишда ва улардан ҳимояланишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида давлатлар ўзаро алоқаларни янада ривожлантириши – объектив заруратдир.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, терроризм муаммосининг мураккаблиги, унинг етарлича ўрганилмаганлиги терроризм билан курашишда башорат қилиш услубларини белгилаб олишда қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам, мазкур ишимизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий башорат услубларини қўллаш тажрибаларини умумлаштириш асосида, терроризмга қарши курашишда ҳам башорат услубларини қўллаш мумкинлигини назарий-услубий асослашга ҳаракат қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, башорат қилиш фақатгина давлатнинг терроризм билан курашиш сиёсати тактикаси ва стратегиясини илмий асосда ишлаб чиқишнинг таркибий қисми бўлиб қолмасдан, балки терроризмда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг яқин келажагини олдиндан кўра билиш ва унинг таҳдидларига тезкор, мос равишда жавоб қайтариш ҳамдир.

Халқаро терроризмнинг тадрижий ривожланишини илмий башорат қилмасдан унга қарши курашишнинг илмий асосланган тактика ва стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида терроризмнинг тарқалиши сусайиб, "сўниши" юз берадими ёки у инсоният ва тинчлик учун тобора кўпроқ хавф туғдириб бораверадими? Бу ҳодиса глобаллашадими ёки шундай қолаверадими? Террорчилар ўз экстремистик ҳаракатларини содир этиш учун олдиндан билиб бўлмайдиган қандай восита ва имкониятлардан фойдаланиши мумкин? Бу жиноий фаолиятнинг тактикаси қандай кўринишлар касб этиши мумкин? Ва, ниҳоят, яқин келажакда террористларнинг ижтимоий-руҳий, сиёсий қиёфаси қандай бўлиши мумкин? - каби қатор муаммоларга жавоб топиш вазифаси турибди.

Терроризмнинг ривожланиб боришини доимий ва холисона равишда олдиндан айтиб туриш жуда ҳам муҳим. Чунки, қўйилган бу саволларга жавоб топиш, терроризм таҳдидини таҳлил қилиш ва баҳолаш халқаро жиноят билан курашиш соҳасидаги устувор йўналишларни, узоқ муддатга мўлжалланган стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб бериш имконини беради. Акс ҳолда, терроризмга қарши курашни ташкил қилиш, такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, шунингдек терроризмнинг глобаллашуви таҳдидига қарши жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш мумкин эмас.

Ўзбекистон ва бошқа, янги мустақил давлатларнинг қарор топиши ва ривожланиши тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, - деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, – социализмдан кейинги маконда пайдо бўлган давлатлар ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни баҳолашга етарли даражада жиддий муносабатда бўлмаяпти. Ўзбекистоннинг, бошқа янги мустақил давлатларнинг қарор топиш ва ривожланиш тажрибаси, афсуски, шундан дарак бермокда. Бу таҳдидларни олдиндан кўра билишга ҳамма вақт ҳам муваффақ бўлинмаётир. Кўпинча улар кутилмаганда рўй бермокда. Жуда катта қурбонлар, кулфатларга сабаб бўлмокда. Беқарор, адоватли вазият вужудга келмокда. Аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз ҳаётидан, қариндош-уруғлари ва якин кишиларининг ҳаётидан хавотир ҳисси уйғонмокда. Ва энг муҳими, воқеаларнинг олдиндан билиб бўлмайдиган тарзда бундай ривожланиши мамлакат танлаб олган сиёсий ва иқтисодий йўлни амалга ошириш мумкинми, йўқми, деган масалани кўндаланг қилиб қўяди (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., "Ўзбекистон", 1997, 5-бет).

Ўзбекистон Президентининг юқорида келтирилган ўта муҳим фикрлари халқаро терроризм тадрижини олдиндан айтиб бериш нақадар долзарб ва муҳим эканлигини яна бир карра тасдиклайди. Чунки, бундай башорат терроризмнинг таҳдиди ва келажакда ривожланишининг олдини олишга хизмат қилади. Шунинг учун олдиндан айтиб бериш терроризм билан курашишни ташкил қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Башорат қилиш ҳозирги терроризмнинг глобаллашув ва минтақавийлашув механизмини, воқеалар ривожланиши стратегиясини аниқлаш имконини беради. Шу асосда бу соҳадаги миллий хавфсизлик тизими лойиҳасини яратиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги воқеаларнинг ривожланишини башорат қила туриб, сиёсий ва диний экстремизмнинг кўшилиб кетиши ва "учинчи дунё" давлатларида уруш олиб бориш воситаларининг замонавийлашуви қандай окибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Башорат қилиш дейилганда, "у ёки бу объект кўринишининг келажакда эгаллаши мумкин бўлган ҳолати ёки муқобили, шунингдек амалга ошиш муддати тўғрисида илмий асосланган мулоҳазалар" (Рабочая книга по прогнозированию. М. 1982, с.8.) тушунилади. Башорат қилиш – қандайдир бир ҳодисанинг истиқболини махсус ўрганиб, олдиндан илмий асосда кўра билишнинг бир туридир (Философский словарь под. ред. И.Т.Фролова. 4 изд. М., Политизд. 1980. с. 296.). Илмий башорат қилиш олдиндан кўра билишда муҳим аҳамиятга эга, чунки бу келажакка кўз ташлаш имконини беради. Илмий асосланган башоратлар айнан тўғри чиқмаган тақдирда ҳам улар фикрни уйғотади ва ҳаракатга ишонч руҳини бағишлайди (Теория государства и права. Учеб. под. ред. С.С.Алексеева. М., 1995, с. 10.).

Башорат қилиш ҳозирда номаълум бўлган кўринишларни аниқлаш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Илмий башорат қилиш ва башоратгўйлик бир-биридан фарқ қилади. Башоратгўйлик – бу, ҳиссиётга асосланган, олдиндан кўра билиш. Илмий башорат қилиш – бу, илмга асосланган, олдиндан кўра билишдир (Бетяев С.К. Научный прогноз. Сущность и возможность. Вестник Москов. Унив-та, Сер.7. Философия. 1995, №2, с. 50). Бетяевнинг фикрига кўра, башорат, тўғриси ёки нотўғриси, амалга ошиши шарт бўлган нарса эмас, балки нохуш оқибатларнинг олдини олиш учун фаол ҳаракат қилишга ундовчи чақириқдир (Бетяев С.К. Ўша жойда.).

А. Ҳожибоевнинг фикрича, олдиндан кўра билиш ўз моҳиятига кўра келажакдаги воқеликни акс эттириш жараёнидир. У ривожланишнинг ўтмиши ва ҳозирги даври қонуниятининг аниқ таҳлилига асосланган бўлади. Илмий олдиндан кўра билиш биз ҳозирда кузатишимиз мумкин бўлган ҳолатларни тадқиқ қилиш жараёнидир. Олдиндан кўра билиш жараёнида воқеликнинг мавжуд далиллари ривожланишининг натижаси объект бўлиши мумкин бўлган ҳолат сифатида мавжуд бўлади (Хожибоев А. Некоторые аспекты логико-гносеологической природы научного предвидения. Т., изд. ТашГУ, 1985, с.14-15.).

Башорат қилишнинг моҳиятини қисқача таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, халқаро терроризмнинг тадрижий ривожланишини башорат қилиш қатъий илмий ёндашувга, унинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатини батафсил таҳлил қилишга асосланган бўлиши керак. Бугун халқаро зиддиятлар ўчоғидаги воқеалар ривожини анча аниқроқ айтиб бериш ва зарур ҳолларда террористик ҳаракатларни содир этиш оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган таҳдид ва зарарларнинг миқдорини камайтириш чора-тадбирларини режалаштириш мумкин.

Бундаги мураккаблик шундан иборатки, террористик ҳаракатларнинг қачон ва қаерда содир этилишини олдиндан айтиб бўлмайди, айрим ҳолларда эса унинг табиати, содир этиш ва таъсир кучи эҳтимоли умуман

аниқ бўлмайди. Башорат қилиш хулосаларини чиқараётганда бундай ҳолатларни, сўзсиз, эътиборга олиш керак.

А. Шлезингернинг таъкидлашича, - "тарих воқеаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ёки мунтазам такрорланиб туришини кўрсатади. Лекин, барибир олдиндан айтиб бўладиган ва олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатларни бир-биридан фарқлаш жуда ҳам зарур. Тарихни тўғри, аниқроқ умумлаштириш – бу ички ўзгаришларнинг узоқ муддатли эканлигини тасдиқлашдир" (Шлезингер Артур. Некоторые уроки "холодной войны". Новая и новейшая история. 1991, №1, с.78). Терроризмнинг тадрижий ривожланишини башорат қилишда, башорат глобаллашув жараёни давом этаётган пайтда амалга оширилаётганлигини эътиборга олиш керак. Бунда башорат қилишга нимани асос қилиб олиш мумкин, деган мантиқий савол туғилади. А.Баклановнинг фикрича, башорат қилишнинг асосини- у ёки бу воқеликнинг барқарор ривожланиши – тамойилларининг ривожланишини ўрганиш ташкил қилади (Бакланов А. Сломать механизм гонки вооружений. Международная жизнь. 1992, №5, с.39).

Бундан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса чиқариш мумкин. Терроризмнинг тадрижини башорат қилиш муаммоси ўта мураккаб ва кўп қирралидир, чунки терроризмнинг ўзи кўп қирралидир. Шунинг учун, уни яхлит объект сифатида башорат қилишда унинг барқарор хусусиятга эга бўлган томонларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Терроризмнинг тадрижий ривожланишини башорат қилишнинг вазифаси - башорат қилинаётган вақт оралиғида унинг фаолият усули, янги шакл ва воситаларини кўрсатиб бериш, таҳдид хавфини ва мақсадларини аниқлашдан иборат.

Башорат қилиш илмий олдиндан кўра билиш сифатидаги мушоҳада қилиш жараёнидир. Бунда, айниқса терроризм билан курашиш башорат қилинаётганда, шахснинг дунёқараши, мавқеи ҳам намоён бўлади. Бу ерда К.Ясперснинг "Келажакни тасаввур қилмасдан туриб, тарихни фалсафий англаб етиш мумкин эмас. Фақатгина мавжуд борликни, яъни бўлиб ўтган воқеани тадқиқ қилиш мумкин. Келажак ўтмиш ва ҳозирги давр орасига яширинган, биз эса уни ҳақиқатдан бўлиши мумкин бўлган ҳол сифатида мушоҳада қиламиз. Моҳиятан, бизнинг дунёқарашимиз асосида ҳар доим келажакни англаш ётади", деган фикрини келтириш мумкин (Ясперс К. Смысл и назначение истории. М. 1954. с. 155).

Халқаро терроризм билан курашиш соҳасидаги башоратларга умумий илмий ва махсус талаблар қўйилади. Ҳар қандай башоратга қўйиладиган умум илмий талабларга назарий ва амалий асосланганлик, тизимга солинганлик, ишонарлилик киради. Терроризм хавфи ташкилий-технологик хусусиятга эга бўлган махсус талабларни ҳам қўяди. Бунга қисқа муддат ичида олдиндан айтиб беришни ташкил қилиш ва тайёрлаш; воқеаларнинг ўзгаришига тезлик билан муносабат билдириш ва унинг кейинги ривожланишини башорат қилишлар киради.

Қўйиладиган асосий талаблардан бири, бу – қилинган башоратнинг ҳақиқийлигини таъминлашдир. Афсуски, бу муаммо назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган ва уни ҳал қилиш кўплаб мулоҳазаларга сабаб бўлиши мумкин. Мазкур муаммо бўйича М.М.Абдуллаевнинг фикри илмий ва амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. У ўз диссертациясида объектнинг келажагини бир томонлама ёндашиш асосида ёритиш башоратнинг ҳақиқийлигига ишончсизлик пайдо қилади. Чунки, барча илмий ҳақиқат воқеликда юз берган далиллар устида барпо этилади, деб ёзади. Шу билан бирга, муаллиф ҳақиқатни аниқлаш усулини қайд этишни олдиндан башорат қилишга нисбатан ҳам қўлласа бўлади, лекин бу келажак тўғрисидаги билим сифатидаги аҳамиятини йўқотиб, бўлиб ўтган ҳақиқат тўғрисидаги оддий билимга айланиб қолади, дейди. Унинг фикрича, барча муаммо билимнинг ҳақиқий асосларини амалиётга жорий этиш эҳтимолидан анча олдин топиш кераклигидадир (Абдуллаев М.М. Проблемы вариативности научного знания. Автореферат на соиск. уч. степ. канд. философ.наук. Т., 1997, с.20).

Саволнинг бундай қўйилишига эътироз билдирмаган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, башорат қилишга қанча кўп вақт сарфланган бўлса, унинг аниқлик даражаси шунчалик кам бўлади. Бундан ташқари ҳар қандай башоратнинг аниқлиги нисбий бўлади. Тизимлар ривожланишидаги келажакни башорат қилиш фақат мантиқий-услубий тадқиқотларнинг вазифаси бўлиб қолмасдан, амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бундан ташқари, башоратнинг ўзини тўла оқламаслигига сабаб, башорат қилиш учун билимларнинг етарли бўлмаганлиги ҳам бўлиши мумкин. Лекин, бу башоратнинг аниқлигига эришиб бўлмайди, деган маънони англатмайди. Об-ҳавонинг ўтмишдан қолган маълумотларга таяниб ва мавжуд табиий иқлим ҳолатларини ўрганиш натижасида математик асосда ҳисоблаб чиқиш, машина ва мураккаб механизмларнинг ишлаш ресурсларини риёзиёт воситалари ёрдамида башорат қилиниши фикримизнинг далилидир. Келтирилган ҳар икки мисол башорат қилиш амалиётида, айниқса, иқтисодий соҳадаги башорат тўғрилигининг илмий асосланган эканлигига ҳеч бир шубҳа туғдирмайди.

Энг муҳими, – мавжуд билимнинг асосланган ҳақиқийлигини таъминламоқдир. Бизнинг фикримизча, терроризмнинг глобаллашуви ва тадрижий ривожланишини башорат қилишда, огоҳлантирувчи ахборотлар асос вазифасини бажариши мумкин. Бунинг учун, уни таҳлил қилишнинг илмий асоси, тизими зарурдир. Бу ерда ҳамма нарса олинган хабарнинг ишончлилик даражасига боғлиқ. Уни таҳлил қилишда терроризм тарихидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатларни ҳисобга олиш, объективлик ва субъективликни уйғун таҳлил қилиш керак. Бунда субъективлик – террордан сиёсий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, объективлик, эса ижтимоий, сиёсий ва бошқа зиддиятлардир.

Шундай қилиб, халқаро терроризмнинг тадрижий ривожланиши тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш, у ҳақдаги самарали башоратлар учун асос бўлади.

Терроризмнинг ривожланиб боришини ижтимоий сиёсий башорат қилиш воқеа ва ҳолатларга диққатни кучайтиришни, турли хил кўринишларнинг ривожланишини, батафсил таҳлил қилишни талаб қилади. Шунингдек, олинган хабарнинг тезкорлиги миллий ҳамда минтақавий манфаатларни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилиниши керак. Бундан ташқари, терроризм соҳасида башорат қилишнинг ўзига хос технологияси, башорат қилувчидан катта технологик маҳоратни, тезкорликни, олинган турли мавзудаги ахборотларни умумлаштириш қобилиятини талаб қилади.

Терроризмнинг тадрижий ривожланишини башорат қилиш – унинг маълум географик муҳит ва ижтимоий вақт чегарасидаги имкониятларини аниқлаш, мавжуд ҳолатининг келажаги қандай бўлиши тўғрисида мулоҳаза юритишдир. Башорат қилиш терроризм билан курашишнинг янги шакл ва мақсадларини аниқлаш имконини беради. Бу, юқорида айтиб ўтганимиздек, терроризмга қарши ҳаракат тизимини бошқариш ва режалаштириш, у билан курашиш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш билан чамбарчас боғликдир.

Терроризмнинг аниқ тафсилотидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда турли кўринишда башорат қилиш тажрибаси терроризмнинг тадрижий ривожланишини, унинг йўналишларини аниқлашнинг турли йўллари бўлиши мумкинлигини кўрсатмокда.

Терроризмнинг глобаллашуви ва тадрижий ривожланиши, бу – жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида зиддиятлар мавжудлигидан, уларнинг ривожланаётганлигидан далолат беради. Дунёдаги ҳозирги аҳвол бу жараёнларни бошқаришни ўрганишнинг қулай имкониятларини яратмокда. Бу, юқорида айтилган жараёнларнинг хусусиятини ўзгартириб, бизнинг манфаатларимизга зид йўналтирилганлигининг олдини олишга хизмат қилади. Глобал жараёнларни бошқариш технологиясининг услубий муаммолари ҳозирча мукаммал ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамай, бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири – хавфсизликка таҳдид солаётган терроризмнинг глобаллашувига, ривожланиб боришига йўл қўймасликдир. Бу вазифани ҳал этиш бошқарувнинг оқилона йўлини топишдан иборатдир.

Башорат миллий хавфсизлик тизимини сақлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бу тизимни бошқариш учун терроризмнинг ички ва ташқи хавфини, бу тизимнинг мустаҳкамлиги, барқарорлик даражасини аниқ билиш керак. Шунингдек, бу тизимга хавф туғиладиган бўлса, тажовуз объектларига етиши мумкин бўлган зарар миқдорини, оқибатларини ва миллий хавфсизликни таъминлаш тизими ҳаракатларини ҳам олдиндан кўра билиш керак.

Башоратлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга бўлиниши мумкин. Терроризм, юқорида қайд этганимиздек, ижтимоий-сиёсий кўриниш хусусиятига эга бўлганлиги учун унинг ривожланиб бориши ва глобаллашувини башорат қилишни ижтимоий-сиёсий башоратлар сирасига мансуб, дейиш мумкин. Бу- башоратнинг анча мураккаб кўринишидир. Чунки, у ижтимоий ва сиёсий соҳани қамраб олган ҳолда, миллий хавфсизликни таъминлаш соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, у бевосита *давлат, жамият ва шахснинг муҳим ҳаётий манфаатларини таъминлашни* ҳам ўз ичига олади. М.Вишневнинг фикрига кўра, кўпчилик сиёсий башоратлар "фаол", яъни тизимнинг ҳаракатига фаол таъсир кўрсата олади. "Суст" (пассив) башоратлар эса бундай имкониятга эга бўлмайди (Вишнев С. М. Основы политического прогнозирования, М., 1977, с.37). Бундай ҳолатларда башорат тизимининг хатти-ҳаракати билан тескари алоқада бўлишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун, терроризмнинг глобаллашуви ва ривожланиб боришини башорат қилишни "фаол" башоратлар сирасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бу миллий, минтақавий хавфсизлик йўлида, халқаро тизим хатти-ҳаракатини мослаштириб туришга бевосита таъсир кўрсатади.

Башорат қилиш огоҳлантирувчи вақт миқдорига нисбатан – қисқа муддатли (жорий), ўртача ва узоқ муддатли башоратларга бўлинади. Уларнинг қайси бирини танлаши мавжуд аниқ ҳолат, башоратдан кутилган мақсад, миллий хавфсизликка солинаётган таҳдиднинг хавфлилик даражаси, шунингдек, сиёсий жараёнлар аҳволи ва башорат қилишнинг усулларидан келиб чиқиб белгиланади.

Энг аниқ башоратга, агар у қисқа муддатли бўлса, эришиш, лекин бу ерда ҳам маълум хатоликка йўл қўйилиши мумкин. Яъни, бунда терроризм хавфи узоқ муддатли башоратда аниқланиб, қисқа муддатли башоратда эса аниқланмай қолиши ҳам мумкин. Бу ҳол тажовуз объектларининг террорчилардан мустаҳкам ҳимояси таъминланмаганлиги, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг хавфни бартараф этишга тайёр эмаслиги каби салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Башорат қилишнинг қанчалик эрта айтилиши, турли хусусиятларга эга бўлган, омиллар мажмуасига ҳам боғликдир.

Башорат қилишнинг экстраполяция (сиртқи қутблаш), интерполяция (ички қутблаш), моделлаштириш, эксперт баҳоси, тарихий таҳлил, сценариотехника, "ақлий ҳужум", тарихий ўхшашликлар, статистика ва бошқа усуллари мавжуд. Бу усулларнинг барчаси умумилмий бўлиб, универсал хусусиятга эга. Шунинг учун, улар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилмокда.

Терроризмга қарши курашиш соҳасидаги башоратнинг қайси усулидан фойдаланишдан қатъий назар, у маълум статистик маълумотларга таянишни талаб қилади. Айнан шу маълумотлар терроризмнинг миқёси ва унинг ривожланишини миқдорий баҳолашга имкон беради. Статистик кўрсаткичларга содир этилган террористик ҳаракатларнинг сони, (жиноятчилик ҳолати), давлат ва минтақада террористик ҳара-

катларни содир этилиш тезлиги; террористик ҳаракатларни содир этишда фойдаланилган воситаларнинг таркиби; бунда жиноятларни содир этишнинг ўзгариб бориши (давлат ва минтақа миқёсида); вайроналиклар ва қурбонлар сони; моддий зарар; фаолият кўрсатувчи террористик гуруҳлар ва улар таркибий қисмларининг тахминий сони, уларнинг давлат ва минтақа бўйлаб жойлашиши; молиялаштириш ҳажми, уларнинг манбаи ва бошқа, шу каби, башорат қилинувчи объектнинг миқдорий баҳоланиши учун зарур бўлган, маълумотлар киради.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик масалаларига бағишланган семинарда АҚШ Қуролли кучлари штаблари бошлиқлари Қўмитасининг вакили У. Лэхью "ЎИҲ" террористик фаолиятининг фаоллашуви эҳтимолини башорат қилган эди. Бу фаоллашув, яқин вақт оралиғида, Марказий Осиё давлатларидаги барқарорликка раҳна солиши эҳтимоли борлигини баён қилган эди. У ўзининг башоратини "ЎИҲ"нинг Афғонистондан, янаям аниқроғи У. бен Лодендан молиявий кўмак олаётганлиги, Афғонистондаги можаронинг давом этаётганлиги, шунингдек, "Толибон"лар, "ЎИҲ"ни Марказий Осиёга суқилиб кириш учун қулай восита, деб ҳисоблаётганликлари ва ушбу диний экстремистик тузум учун у минтақамизнинг аҳолисига бошқа таъсир кўрсатиш воситаси йўқлиги каби омиллар билан асослади.

Статистик маълумотларни таҳлил этиш ва башорат қилиш жараёнида сифат таҳлили ҳамда экстраполяция усулларидан фойдаланиш керак. Бунинг сабаби шундаки, масалан, террористик ҳаракатлар қурбонлари сони, унинг содир этганлар сони, ҳуружлар сони билан ҳар доим ҳам мос келавермайди. Бу ерда статистик маълумотлардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сиёсий жиҳатдан нотўғри бўлган хулосаларни чиқаришга олиб келиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш керак.

Терроризм масалаларида башорат қилиш тартиби, бизнингча қуйидагича:

Олдиндан олинган таҳдид мазмуни ҳақидаги хабардан келиб чиқиб, башорат қилиш тадқиқотининг мақсад ва вазифаларини белгилаш.

Башорат объекти ҳаракатларининг тахминий мунтазамлиги (кетма-кетлиги) сценарийсини ишлаб чиқиш.

Башорат қилинаётган объектда ҳар қайси босқичда пайдо бўлиши мумкин бўлган вазиятларни ва уларнинг тамойилларини, шу жумладан, ўзгаришларини белгилаш;

Башорат қилинаётган объектнинг воқеалар билан боғлиқ ҳолда ривожланишининг муқобил йўналишларини умумлаштирилиш (тадқиқот сценарийсини яратиш).

Башорат қилиш амалиётда якка эксперт ва экспертлар гуруҳларининг баҳолари (Дельфи услуби) ҳам қўлланилиши мумкин. Иккинчи услуб терроризмнинг ривожланиб боришидаги у ёки бу воқеаларнинг содир бўлиш вақти ва эҳтимолининг миқдорий баҳосини чиқаришда қулай бўлиб кичик хатоликларга ҳам йўл қўймаслик имконини беради. Бу хулосани асослаш учун, ядровий терроризмнинг содир бўлишини башорат қилишни келтирамиз. Бу ерда гап атом объектларига қарши

қўпорувчилик-террористик ҳаракати ҳақида эмас, балки террористлар томонидан жиноий мақсадларда радиоактив моддалардан фойдаланилиши, шу жумладан, ихчам ядровий қурилмаларни тайёрлаш мумкинлиги тўғрисида бормоқда.

Ядровий терроризмнинг виртуал ҳақиқий эканлигини башорат қилишда, тадқиқотчи бир гуруҳ саволларга жавоб бериши керак. Масалан, террорчилар радиоактив моддаларни жиноят содир этиш мақсадида сочиб юбориши ёки ядровий қурилма тайёрлаш усулини эгаллаб олиши мумкинми?

Бу саволларга жавоб бериш учун ядровий таҳдидни амалга оширишнинг объектив мавжуд шарт-шароитини, унинг омилларини таҳлил қилиш керак. Мутахассисларнинг фикрича, 2-3 грамм плутонийни бир квадрат километрга сочиб юборилса, бу ҳудуд минг йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади (Сегодня, 1995, 20 май). Террористларнинг радиоактив моддаларни қўлга киритиши учун, радиоактив чиқиндилар омборхоналарининг қўриқлаш тартибидаги камчиликлар қўл келиши мумкин. Россия ФВВ (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги) маълумотларига кўра Чеченистондаги учта ядровий чиқиндилар омборхонаси, умуман, қўриқланмаган (Сегодня, 1995, 21 февраль.) Шунинг учун чечен жангари гуруҳлари раҳбарларининг ядровий терроризм тўғрисидаги баёнотлари қуруқ гаплар эмас эди.

Яна бошқа бир омил ядровий моддаларнинг ўғирланишидир. Фақатгина 1994 йилнинг ўзида Россия атом энергетикаси вазирлигига қарашли корхоналарда 19 марта уран ўғирланганлиги қайд этилган (Труд, 1995, 2 август). 1995 йили Прагада 6 фунт миқдордаги юқори бойитилган Уран-235ни ўғирлаган шахслар қўлга олинган. Ана шунча миқдордаги ядровий модда, ядровий каллакча тайёрлаш учун етарли ҳисобланади. Россиянинг Псков вилоятида радиоактив моддаларнинг катта миқдори ўғирланган. Радиоактивлик изотопи фаоллиги 0,64 беккерелга тенг бўлган 4 та контейнер ва 0,9 миллиард беккерелга тенг бўлган 6 та контейнер ўғирланган. Агар шунча миқдордаги битта контейнерни кимнингдир курсиси тагига ўрнатиб қўйилса, бу одам бир ой ичида нурланиш касаллигидан вафот этади (Труд, 1996, 27 ноябрь).

Радиоактив моддаларни контрабанда қилиш анъанасининг кучайиб бораётганлиги террористларга яхши шарт-шароит яратиб бермоқда.

1994 йили Мюнхен аэропортида Москва-Мюнхен йўналиши бўйича қатнайдиган самолёт божхона кўригидан ўтказилганда, унда яширин контейнер борлиги аниқланди. Бу контейнерда 363 грамм плутоний-239 моддаси борлиги аниқланди. Кейинчалик маълум бўлишича, ушбу радиоактив модда Германияга етказиб берилиши керак бўлган ва бу вазифани Испания, Франция ҳамда Колумбия фуқаролари амалга оширишлари кўзда тутилган. (ИТАР-ТАСС, Серия "СЕ". 1995, 25 апрель). Бошқа бир мисол: Каунасда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 150 кг уранни ядровий ёқилғи сифатида сотувга таклиф қилган иккита тадбиркор қўлга олинган. Улар ҳар бир килограмм уран учун 1500 доллардан нарх белгилашган. Келтирилган мисоллар шундан

далолат беради ки, ядровий моддаларни ўғирлаб олиниши ёки контрабандачилардан сотиб олиши мумкин. Ядровий қурилмани яратиш имконияти бор-йўқлиги, бу – бошқа масала.

Украина Миллий фанлар академиясининг Ядровий тадқиқотлар институти директори ўринбосари А.Шведов, террорчиларнинг гамма нурланувчиларидан фойдаланишини истисно қилади. Чунки, террорист бу "асослар"ни ташишдаёқ, қурилмани тайёрлашга улгурмасдан, ҳалок бўлади. Альфа ва бета нурланувчилари, бу бошқа масала, - дейди у, – уларни тез (оддий) назорат пайтида аниқлаш қийин, шунинг учун уларни ташиш анча осон. Лекин, у террорчилар бундай изотоплардан фойдаланадими йўқми, бу ҳақдаги маълумотга эга эмас. Айни пайтда, бундай ҳодиса рўй берса, яъни террорчи пластик портловчи мослама ёрдамида бир катта шаҳар ҳудудига 200 грамм плутонийни сочиб юборса-бунинг оқибати жуда қайғули бўлади ва буни ҳатто моделлаштириш ҳам қийин (Труд, 1996, 6 август).

Бошқа бир мутахассис, радиологик ҳимоя қилиш бўйича Халқаро комиссия аъзоси профессор И. Лихтарев террорчиларнинг АЭСларга ҳужум қилиш имкониятига шубҳа билдиради. Лекин, бу ердаги мураккаблик шундан иборатки, террорчилар ихтиёрида ҳужум қилишнинг тур ва шакллари, кўп ва хилма-хил, уларнинг барчасиниям олдиндан билиб бўлмаслиги сабабли, тегишли ҳимоя чораларини ишончли белгилаб бўлмайди. Шунинг учун, радиоактив моддалар, ҳатто кенг тарқалган гамма нурланувчиларидан ҳам фойдаланиб қолиниши, ҳақиқатга яқинроқдир. Шу боисдан ҳам, - дейди у, - ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экстремистлар орасида малакали физикнинг бор-йўқлигини кузатишлари керак. Техник жиҳатдан жиддий, радиоактив моддалардан фойдаланиб, террористик ҳаракатларни уюштириш, ҳақиқатга айланиши мумкин (Труд, 1996, 6 август).

Ядровий физика соҳаси бўйича мутахассис бўлган олимларнинг келтирилган фикрлари айнан бир хил эмас: террорчиларнинг ядровий моддалардан фойдаланиш имкониятини, биринчиси – камроқ, иккинчиси – кўпроқ, деб баҳолайди. Шунинг учун, энг ишончли бўлган башоратни бериш анча қийин. Бундай ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолатларда, экспертлар гуруҳларининг баҳолаши мақсадга мувофиқдир.

Терроризмнинг ривожланиб боришидаги виртуал воқеаларни, айниқса террорчиларнинг "ахборот қуроллари"дан, генетик ва психотроп моддалардан фойдаланиш имкониятини башорат қилиб, олдиндан аниқ айтиб бериш жуда мураккаб. Гарчи, "назарий" даражада бу ҳақда тўғри фикр юритиш мумкин бўлса-да, лекин амалда унинг қандай бўлиши кераклиги, башорат доирасида қолиб кетади. Юқорида айтилган ҳолатлар башорат қилиниши табиий, лекин бунинг учун башорат қилишнинг ўзига хос тартиби ва услубини ишлаб чиқиш керак.

Халқаро терроризмни ривожланиши, айниқса, глобаллашувини башорат қилиш бу жараённи жаҳон ҳамжамиятининг барча давлатлари ва қитъаларини ўз ичига олган, деб тушуниш керак эмас.

Аввалambор, терроризмнинг глобаллашуви ва ривожланиб бориши-ни, башорат қилишда, ёш давлат ёки тоталитар тизимдаги давлатларда, алоҳида ижтимоий-сиёсий тангликларни, халқаро тангликларнинг кучайиши инқирозий ҳолатга ўтган куролли можаролар, минтақавий урушлар кетаётган давлатларда ва минтақаларда унинг пайдо бўлишини ҳисобга олиш лозим.

Шунинг учун, терроризмнинг ривожланиб бориши анъанасини башорат қилишда миллий, минтақавий, кичик минтақавий ва бутун халқаро даража асоси терроризмнинг байналмилаллашуви билан бирга тадқиқот қилиниши керак. Фақатгина қайд этилган ҳолатларни эътиборга олиб, глобал даражадаги терроризмни холисона башорат қилиш мумкин бўлади. Бу ерда давлатларнинг халқаро терроризм билан курашиш чораларини кўраётганлиги натижасида айрим мамлакатларда, ҳатто айрим минтақаларда бу жиноий фаолият вактинчалик бўлса-да, бартараф этилаётганлиги ва бу, табиийки, террористик ҳаракатларнинг пасайишига сабаб бўлмокда. Айнан шундай ҳол, масалан, Италияда "Қизил бригадалар" билан бўлган курашда кузатилган эди.

Айтиб ўтганимиздек, терроризмнинг глобаллашуви макон – вакт оралиғида, мавжуд ва тарқалувчи ҳолат сифатида тушунилиши керак. Глобал, минтақавий ва миллий чегаралар доирасида башорат қилинаётганда, айнан шундай услуб, ёндашувлардан фойдаланиш керак. Бундай башорат интегратив хусусиятга эга бўлади ва терроризмнинг глобаллашув хусусиятини ўзида акс эттиради.

Ижтимоий-сиёсий башорат қилишнинг услуби ва услубиёти муаммоси фақатгина назарий аҳамиятга эга эмас. Ички ва ташқи таҳдидларга мос равишда ҳозирги терроризм ривожланиши йўналишининг ўзгаришини илмий, олдиндан кўра билиш бу таҳдидларга қарши таъсир кўрсатиш ва бошқариш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий шартларидан биридир.

Башорат қилиш муаммосининг юқорида келтирилган барча даражаларига сиёсий-назарий, аниқ-амалий жиҳатдан, терроризмнинг глобаллашуви ва ривожланишини башорат қилишнинг ягона концепциясига бирлашган ҳолда, концептуал ёндашув зарурати пайдо бўлади.

Концепция лойиҳасининг мазмуни тадқиқот услублари, терроризм таҳдидининг башорати, унинг ривожланиши ва глобаллашуви қуйидаги асосий ҳолатларни ўз ичига олиши керак: башорат қилиш учун қўйиладиган асосий талаблар; концепциянинг макон-вакт ўлчамлари; терроризм таҳдидининг манбаи, унинг таҳлили ва эҳтимоллик даражаси; миллий ва минтақавий миқёсдаги сиёсий жараён ҳолатининг таҳлили; террорчиларнинг тажовуз объектлари; башоратнинг услублари ва башорат баҳолари; терроризм таҳдидига қарши курашда ва уни бажариш тадбирлари мажмуига кирувчи тавсиялар.

Терроризмнинг ривожланиб бориши барча кўрсаткичларисиз умумий башорат қилиш мумкин эмас. Бундан ташқари, терроризмнинг ривожланиб бориши ва глобаллашуви жараёнини башорат қилишда терроризм пайдо бўлиб ривожланаётган мухитдаги ижтимоий-сиёсий, диний, этник,

иқтисодий омилларнинг таъсирини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шундай қилиб, халқаро терроризмнинг ривожланиб боришини башорат қилиш, бу кўринишга тааллуқли томонларнинг башоратлари мажмуини ўз ичига олади.

Муаллиф, тақдим этаётган, терроризмнинг ривожланиб бориши анъаналарини (тамойилларини) башорат қилиш концепцияси лойиҳасининг мазмуни ва таркибий тузилиши бу муаммони тўлиқ қамраб олмайди ҳамда қўшимча тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади, деган фикрни билдиради.

Терроризмнинг ривожланиб бориши ва глобаллашуви жараёнини башорат қилиш сифат даражаси ва тузилиш таркиби хилма-хил бўлган ахборотларни олдиндан ўрганиб чиқиш, таҳлил қилишни талаб қилади. Бунда глобаллашув кўринишни ташкил этувчи асосий унсурларни қатъий равишда ҳисобга олиш шарт. Уларни яна бир бор келтирайлик: терроризмнинг глобаллашуви хусусиятлари ўлчамлари, унинг минтақа ва қитъалар бўйлаб тарқалиши географияси, фойдаланувчи воситалари, террористик ҳаракатни содир этиш ва амалга ошириш тактикаси, жиноий тажовуз объекти, террорчининг сиёсий, ижтимоий-руҳий портретини ўз ичига олади.

Башоратнинг кўрсатилган таркибий қисмлари бўйича натижаларни йиғиб, терроризмнинг ривожланиши ҳолати башорат қилинаётган давр оралиғи учун, интегратив башоратни оламиз. Шундай қилиб, терроризмнинг кўп қиёфали ва мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот этилаётган кўринишнинг ҳамма томонларини "қамраб" оладиган, терроризмнинг ривожланишини башорат қилиш, у билан курашишни ривожлантириш ва бошқариш соҳасида кенг доирадаги муаммоларни ечишга имкон берадиган башоратлар мажмуи тизимини яратиш зарур. А.С.Ахременконинг фикрига кўра башорат қилишнинг мажмуавий тизимини яратиш башоратнинг назарий ва ҳис-туйғуларга асосланган услубларини бирлаштириш зарурлигини, қўйилган башорат-таҳлилий вазифалардан келиб чиқиб, башорат қилиш услубларининг бир-бирини ўзаро тўлдириши кераклигини шарт қилиб қўяди.

Шуни назарда тутиш керакки, мутлақ аниқлик билан, яъни эҳтимоллийлиги бирга тенг бўлган башоратни қила олиш мумкин эмас. Чунки, давлатдаги, минтақадаги ва халқаро муносабатлардаги жараёнлар эҳтимоллиликни маълум даражаси билан аниқланган муқобил ҳолатига ҳам эга бўлиши мумкин. Шунинг учун, терроризм ривожланишини башорат қилишда башорат қилишнинг турли хилдаги муқобиллик ва эҳтимоллийликнинг "сочилиши" юз бериши мумкин. Буларни аниқлаш ва умумий кўринишда ташкил қилиб чиқиш башорат қилишнинг вазифасидир. Сиёсий башоратлар қилишда биз қайд қилиб ўтган муқобиллик ва эҳтимоллик асосий тамойил, деб ҳисобланса, терроризмнинг глобаллашувини ижтимоий-сиёсий башорат қилишда ҳам белгиловчи тамойил бўлиб қолади.

Айтиб ўтилганидек, терроризм кўпинча сиёсий кўринишлар ва иқтисодий, этномаданий ҳамда бошқа хусусиятларга эга бўлган ижтимоий жараёнлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Шунинг учун, бундай ўзаро

боғликлар ва ўзаро тобеликларни (қарамлилигини) ҳисобга олмасдан туриб, ишончли башорат қилиниши мумкин эмас. Терроризмни башорат қилишда шундан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, ўлчамларни (параметрини) ўрнатиш керак, яъни ўзаро боғликлар тўғрисидаги ахборотларга, шунингдек, терроризм кўзга ташланган давлат ёки минтақа даражасидаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги муҳитнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотларга эга бўлиш керак бўлади. Айнан шу вазиятда, башорат-таҳлил услуби башорат қилиш жараёнида турли соҳа мутахассисларининг ўзаро ҳамкорликдаги ёндашувини шарт қилиб қўяди.

Терроризмнинг сиёсий кўринишлар билан ўзаро боғлиқлиги ва сиёсий башоратнинг терроризм пайдо бўлиш эҳтимолини башорат қилиш билан худди шундай даражада боғлиқ эканлигига қуйидаги мисолни кўрсатиш мумкин. Европарламент топшириғи билан 1990 йилнинг августида Ўрта ер денгизи бўйидаги 17 та давлат экспертлари "Ўрта ер денгизи минтақасининг 2025-йилгача бўлган ривожланишнинг мажмуавий башорати"ни тайёрладилар. Уларнинг фикрига кўра, яқин ўн йил ичида Ўрта ер денгизи ҳудудининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва демографик ривожланишида портлашлар юз бериши керак. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, фақат минтақавий низоларни ҳал этиш шарти билан, бутун Ўрта ер денгизида ўзаро ҳамкорликнинг сиёсий, иқтисодий ва экологик тизимини яратиш орқали, етишиб келаётган чуқур инқирознинг олдини олиш мумкин (Середа С., Осадчий С.Размышления о Средиземноморье. Международная жизнь, 1990, №8, с. 59.) Бу минтақадаги воқеаларнинг кейинги ривожи экспертларнинг башоратини тасдиқлади ва собиқ Югославиядаги воқеалар ҳам шундан далолат беради.

Шундай қилиб, терроризмни башорат қилиш мазкур башоратни ташкил қилувчи сиёсий, ижтимоий, иқтисодий таркибий унсурлар таҳлилининг ҳосиласидир.

Масалан, давлат, жамият ва халқаро муносабатлардаги низоларнинг даражасига қараб, низолашаётган томонлардан бири террористик ҳаракатларни содир этиши эҳтимолини башорат қилиш мумкин бўлади. Чунки, бу ерда томонлардан бири зўравонликни, низони ҳал қилувчи восита сифатида ишлатиши мумкин. Масалан, Чеченистонда аксилтеррор операциясининг куч ишлатиш (ҳарбий) босқичи якунлангандан сўнг, ёхуд Исроилдаги "Ликуд" партияси етакчисининг Йерусалимдаги мусулмонлар мачитига ташрифидан кейин экстремизм ва террористик ҳаракатларнинг кучайишини олдиндан, ҳали Ш.Басаевнинг "Интернет"да, А.Масхадовнинг матбуотга берган расмий интервьюсида нафақат Чеченистон ҳудудида, балки Россиянинг йирик шаҳарларида, темир йўл транспортида, одамлар билан гавжум жамоат жойларида ўч олиш ҳаракатларини уюштириш тўғрисида баёнот бермасданоқ, башорат қилиш мумкин эди. Бундай ҳолат Яқин Шаркда ҳам кузатилмокда.

Бу ҳолат шундай хулосага олиб келадики, терроризмни башорат қилиш уни юзага келтирувчи ҳолатларнинг ўзгариши билан боғлиқликни ҳисобга олмасдан мавҳумлаштириш мумкин эмас. Айниқса терроризмни юзага келтирувчи ҳолатлар биринчи навбатда башорат қилишни талаб

қилади. Бундан келиб чиқадики, терроризм башоратининг ишончлилиги бундай ҳолатларнинг нечоғлик башорат қилинганлиги билан боғлиқ бўлади.

В.Э.Войцехович Россияда уюшган жиноятчиликнинг ривожланишини башорат қилиб, ўзининг илмий ишида қуйидаги хулосага келади. Сўнгги 20 йилда уюшган жиноятчилик муттасил мустаҳкамланиб боради ва яқин йиллар ичида бутун Россияда уюшган жиноят ҳамжамияти шаклланади, капиталнинг хориж мамлакатларига чиқиб кетиши кучаяди ҳамда "соф" бизнесга сингиб кетади. То 2017-йилгача уюшган жиноятчилик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий муаммоси бўлиб қолади. Муаллифнинг фикрига кўра, жиноятчилар ҳамжамияти бошқарув, сиёсий ва иқтисодиёт тизимларида мустаҳкам ўрнашиб олиб, ҳатто табиий монополиялардан маблағларни чиқариб олиши мумкин бўлади (В.Э. Войцехович. Прогноз развития преступности в контексте эволюции России как социокультурного целого. Преступность как угроза национальной безопасности: Материалы первой международной открытой сессии "Modus academicus" г. Ульяновск, 4-5 декабря 1997, под. ред. А.И.Чучаева. Изд-во. УлГУ. 1998. с. 48-49).

Терроризм ҳодисасининг уюшган жиноятчилик билан бевосита алоқада бўлишини ҳисобга олсак, Россияда террорчилик ҳаракатларининг содир бўлиши эҳтимолини таҳлил қилиш мумкин.

Терроризм билан курашиш соҳасида башорат қилиниши керак бўлган иккита асосий объектни ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, халқаро терроризмнинг ривожланиб бориши ва унинг ҳодиса сифатидаги глобаллашуви; иккинчидан, жиноий қилмиш сифатида террористик ҳаракатни тайёрлаш ва содир этиш. Башорат қилиниши керак бўлган бу объектларнинг ўртасида муҳим фарқлар бор. Бу фарқ фақатгина иккинчи объект бир бутун ҳодисанинг қисмлари сифатида кўринишида бўлмасдан, балки башорат жараёнида ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларда ҳам кўринади.

Биринчи ҳолатда ҳодисани башорат қила туриб, объектнинг ривожланиши, унинг келажакдаги ҳатти-ҳаракати анъаналарини (тенденцияларини) аниқлашимиз керак. Иккинчи ҳолатдаги асосий вазифа жиноий ниятларнинг хусусиятларини, унинг амалга оширилиш жойини, вақтини, тактикасини ва амалга ошириш воситаларини олдиндан, илмий асосланган ҳолда, кўра билишдан иборатдир. Бу билан кутилаётган воқеаларга мос равишда ҳаракат қилишни таъминлашга (бартараф этиш) ва миллий хавфсизлик манфаатларига зарар етказилишининг, ўз вақтида, олдини олишга эришилади.

Шундай қилиб, терроризмнинг тадрижини башорат қилиш, халқаро терроризм билан курашиш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий таркибий қисми бўлиб, бу курашни ташкил қилишда бошқарув қарорларининг қабул қилинишида асосий шартлардан бири бўлиб қолади. Башорат қилиш назарий-услубий асосларга, мувофиқ равишда, таяниши ва узлуксиз амалга оширилиши лозим.

7. ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиб, суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига кўшилиб, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг демократик тизимини шакллантиришни тақозо этди. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилувчи ҳуқуқий давлатни барпо этишга киришар экан, бу иш, биринчи навбатда, ислоҳотларнинг қонуний асосларини шакллантиришдан бошланди. Бу масалани ҳал этишга қаратилган жиноий-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, шахс, жамият, давлат хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ эди ва шундай бўлиб турибди ҳам. Ҳар учала субъектнинг ҳам ҳаётий муҳим манфаатларига бевосита дахлдор бўлган жиноятлар ичида терроризм алоҳида ўрин тутади. Чунки, терроризм халқаро ва миллий хавфсизликка, энг аввало, тинчлик ва инсониятга хавф солувчи ўта мудҳиш тахдиддир. Шунинг учун, халқаро ҳуқуқий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига "Тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар", деб аталувчи алоҳида боб, шу жумладан, "терроризм" (155)-моддаси киритилди.

Аввалари терроризмга, асосан, дунёда ҳукмрон икки йирик давлатнинг ёндошувлари тизимидан иборат ҳар хил ғоялар нуқтаи назаридан қараб келинди. СССР ва АҚШнинг ер юзидаги, ўз ҳаётий манфаатлари доирасига кирадиган, деб эълон қилинган, нуқталарда бир-бирини терроризмда айблаши, бу хавфли ижтимоий-сиёсий ҳодисага, ўзаро келишилган ҳолда, халқаро ҳуқуқ талаблари ўзанларидаги ёндашув меъёрларини ишлаб чиқиш имконини бермади. Ҳатто, Америка Қўшма Штатларининг ўзида ҳам бунга ягона ёндашув йўқ. МРБ (ЦРУ), ФТБ (ФБР) ва Давлат департаментининг ҳар бири терроризмга, ўзига берилган ваколатлардан келиб чиққан ҳолда, ўзича ёндашади. Бири "терроризмни сиёсий ёки ижтимоий мақсадларни амалга ошириш учун ҳукуматга тазйик ўтказиш, қўрқитиш мақсадида шахс ёки хусусий мулк, тинч аҳоли ёинки унинг бир қисмига қарши ноконуний куч ишлатиш, зўравонлик қилиш", деб таърифласа, иккинчиси, терроризм - "оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун куч ишлатиш билан тахдид қилиш ёки мунтазам равишда зўравонлик қилиш", деб ҳисоблайди.

Совет жиноят қонунчилигида терроризм учун жиноий жавобгарликни "Террористик акт" (ЎзССР ЖК 56-модда) ва чет эл давлати вакилига карши террористик акти (57) моддалари билан чекланиб қолинган эди, холбуки, бу, ўз хусусиятлари жиҳатидан, террорчилик ҳаракати сифатида тавсифланиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни тўлиқ қамраб олиш имконини бермасди.

Бундан кўриниб турибдики, террорчилик жинояти, объектив томон дан, фақат давлат ёки жамоат арбоби, жамоат ёҳуд чет эл давлати вакили каби, қонун чиқарувчи томонидан қатъий белгиланган тоифадаги, шахсларни қасддан ўлдириш ёки уларга оғир тан жароҳати етказиш билан чегараланарди.

Ҳозирда, террорчилик жаҳон ҳамжамияти хавфсизлиги учун глобал (умумбашарий) таҳдид солиб турган бир вақтда, жиноий қилмишлар ва жиноий тажовуз объектларининг кўлами кенгайгач, террорчиликка бўлган бундай ёндашув анча эскирди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддаси (терроризм) диспозициясида нафақат давлат, жамоат арбоблари ёки ҳокимият, чет эл давлатлари вакилларининг ҳаёти ва соғлиги, балки турдош объект сифатида: тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бевосита асосий объект сифатида: давлатлар ўртасидаги мўътадил халқаро муносабатлар, давлатлар суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги, тинчлиги, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар; қўшимча объект сифатида: инсонларнинг ҳаёти ва соғлиги, давлат бошқаруви ва ҳокимият идораларининг рисоладагидек иш фаолияти, мулкчилик муносабатлари ҳам бошқа давлатларнинг қонунлари нормаларида белгиланган тартибда кўрикланади.

Терроризм жиноятининг объектив томони мазкур модданинг ҳар бир қисми учун, муайян қилмиши ва унинг оқибатларини ўз ичига олган ҳолда, алоҳида мустақил жиноят таркибларини ташкил этади. Жумладан, 1-қисмнинг объектив томони ўз ичига қуйидаги ҳаракатларни қамраб олган: давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсларнинг бирон-бир фаолиятни амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёҳуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёҳуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга, бевосита ёки билвосита, ҳар қандай маблағ, воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият.

155-модданинг 2-қисмида назарда тутилган терроризм жиноятининг объектив томонини қуйидаги хатти-ҳаракатлар ташкил қилади: давлат, жамоат арбобининг ёки ҳокимият вакилининг, давлат ёки ижтимоий фаолияти муносабати билан, унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш.

155-модданинг ҳар икки қисмида кўрсатилган жиноятларнинг субъектив томони тўғридан-тўғри қасд ва махсус мақсадлардан иборат: халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлат суверенитетини ва

ҳудудий яхлитлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, барқарорликни издан чиқариш, давлат органларининг қарорлар қабул қилишига таъсир қилиш, шахснинг сиёсий ёки жамоатчилик фаолиятига тўсқинлик қилиш.

Ушбу жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай жисмоний шахс: Ўзбекистон Республикасининг фуқароси; чет эл давлат фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноят қонунчилигининг либераллашуви муносабати билан, 2001 йил 29 август куни қабул қилинган "Жиноят, жиноят процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги" Қонунга мувофиқ, Жиноят кодексининг 155-моддасининг 1-қисмида диспозицияси янги таҳрирда берилди. Терроризм жиноятининг объектив томони олдинги таҳрирдаги модда 1-қисмининг олдинги таҳририга кўра: давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирон ҳаракат содир этишга ёки бирон ҳаракат содир этишдан ўзини тийишга мажбур қилишга қаратилган ҳаракатлар, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ёки қўлда тутиб туриш ёки шахсни гаров сифатида ушлаб туриш билан қўрқитиш, халқаро ҳимоя остида бўлган чет эл давлатлари ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган уй-жой биноларига ҳужум қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, терроризм, деб баҳоланган. Агар бу икки таҳрирдаги диспозицияларни солиштириб кўрсак, шу нарса маълум бўладики, эски таҳрирдаги диспозицияда терроризм деб ҳисобланувчи ҳаракатлар маълум ҳолатларга боғлиқ бўлгандагина терроризмни ташкил этарди. Бу ҳолатлар:ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш; мол-мулкни босиб олиш ёки қўлда тутиб туриш ёки шахсни гаров сифатида ушлаб туриш билан қўрқитиш ҳолати, ёхуд халқаро ҳимоя остига бўлган чет эл давлатлари ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларининг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган уй-жой биноларига ҳужум қилиш ҳолатидир. Янги таҳрирдаги диспозицияда эса давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун содир этилган ҳаракатлар ҳеч қандай ҳолатларга боғлиқ бўлмасдан, ўз ичига ҳар қандай зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдидини олган. Шу билан бир қаторда, янги таҳрирдаги диспозиция нафақат юқорида санаб ўтилган ҳаракатларни содир этган шахс учун жавобгарликни, балки террорчилик ташкилотига ёки террорчилик фаолиятига ҳар қандай восита ва йўллар билан ёрдам бераётган, кўмаклашаётган шахсларни ҳам бевосита жавобгарликга тортишни назарда тутади. Шундай қилиб, бу таҳрирда терроризм жинояти (155-модданинг 1-қисмида-2001 йил 29 августдаги Қонунга кўра) объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар доираси анча кенгайтирилган.

155-модданинг 2-қисми давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилига тажовуз ҳақида бўлиб, унда фақат Ўзбекистон Республикасининг жамоат ёки давлат арбоби ёхуд ҳокимият вакили ёки улар каторида хорижий давлатларнинг давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакили бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Жиноят кодексининг 155-моддаси "Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар" бобидан ўрин олганлигини инобатга олиб, бу жиноятнинг бевосита объектлари фақатгина Ўзбекистон Республикасининг давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоат фаолияти муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғи бўлиб қолмасдан, балки хорижий давлатларнинг давлат ёки жамоат арбоблари ёхуд ҳокимият вакилларининг ҳам давлат ёки жамоат фаолияти муносабати билан ҳаёти ёки соғлиғи бўлади. Шунингдек, 155-модданинг 2-қисми бўйича, жабрланувчи деб, ҳар қандай хорижий фуқаро эмас, балки ўз давлати ва ҳукумати номидан баёнот бера олиши мумкин бўлган ёки унинг (давлат) топшириғини адо этаётган шахс тушунилиши керак.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, объектив томондан қаралганда террорчилик жинояти мамлакат жиноий қонунчилигида кўзда тутилган бир қанча жиноятлар билан ўхшашдир. Булар: шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш (245-модда), транспорт воситаларини олиб қочиш (264-модда), қасддан одам ўлдириш (97-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда) ва, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш (158-модда) каби моддалардир.

Террорчилик, санаб ўтилган ва бошқа жиноятларга объектив томондан ўхшаш бўлганда, унинг субъектив томондан жиноят таркиби фарқлаб олиш учун асосий белги ҳисобланади, чунки терроризмдан юқорида кўрсатилганидек бир мақсад кўзланади. Бундан ташқари, у тажовуз объекти билан ҳам фарқланади: юқорида қайд этиб ўтганимиздек, террорчиликнинг асосий объектлари давлатларнинг конституциявий тизимини емириш, қонуний ҳукуматни ағдариш, ноқонуний воситалар билан ҳокимиятни қўлга олиш, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги, халқаро муносабатларга тажовуз қилинса, зўрлик билан қўрқитиш, қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказишда шахс, унинг ҳаёти ва соғлиғи тажовуз объекти ҳисобланади; шахсни гаров сифатида тутқунликка олишда объект сифатида жамоат хавфсизлиги, шунингдек, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади, транспорт воситаларини эгаллаб олиш ёки олиб қочишда - ҳаракат хавфсизлиги ва транспорт эксплуатациясига тажовуз қилинган ҳисобланади.

155-модданинг 1 ва 2-қисмларида кўрсатилган жиноятларни 158-моддада кўрсатилган "Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиши" жиноятларини аниқ чегаралаш анча қийинроқдир. Чунки Президент давлат вакили, 155-модданинг 1-қисмида кўрсатилганидек,

жисмоний шахс ҳамда давлат ва ижтимоий фаолиятини амалга ошираётган давлат ёки жамоат арбоби (2-қисми) ҳам ҳисобланади. Президент ҳаётига тажовуз қилишнинг объектив томони ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш орқали қўрқитиш ва шунга ўхшаш ҳоллар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳар иккала жиноят таркибининг қонунчиликдаги асосий фарқлари уларнинг асосий объектига қараб белгиланган. Террорчилик биринчи ҳолатда тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар (VIII боб) дейилган бўлса, иккинчи ҳолатда Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар (IX боб) сирасига киритилган. Шу билан бирга, террорчиликда халқаро ҳуқуқий тартибот, давлатлараро муносабатлар, давлат ҳокимияти органи ва бошқарувнинг меъёрда ишлашига бевосита тажовуз, деб ҳисобланса, шахсан унинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қўшимча объектлари, деб ҳисобланади.

158-моддада белгиланган жиноятнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти шахси, яъни унинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати хисобланади.

Бундан ташқари ҳар иккала жиноят таркибининг субъектив томони мақсадларига кўра фарқланади: биринчи ҳолатда халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, уруш ва қуролли можаролар келтириб чиқариш, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, аҳолини қўрқитиш, барқарорликни издан чиқариш асосий мақсад бўлиб хизмат қилади; иккинчи ҳолатда Президентни ҳаётдан маҳрум қилиш ёки унинг соғлигига шикаст етказиш учун тажовуз қилиш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, Тошкентда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишдаги жиноят ишида қатнашган 22 кишидан Зокиров К., Ҳасанов З.А., Абдуллаев Б.З., Болтаев О.Б., Асқаров З.А. каби, жами 15 киши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилишда айбланди.

Юқорида айтиб ўтилган жиноятни тергов ишлари шундан далолат беради, террорчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилишни режалаштириб, бу билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барқарор фаолиятини бузиш, мамлакатдаги барқарорликни издан чиқариш ҳамда давлатнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларини мураккаблаштиришга интилдилар.

МДҲ қатор давлатлари жиноят қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатдики, бу давлатлар жиноят кодексларидаги терроризм жинояти таркиби, ўзининг нуқтаи назаридан кўра, бир-биридан анча фарқланади, айрим ҳолларда эса уларни умуман таққослаб ҳам бўлмайди, шунинг учун, терроризмнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи терроризм тушунчаси ва жиноят таркиби белгилари билан боғликдир. Терроризмнинг субъекти ва субъектив томонини белгилайдиган жиҳатлар ҳамма давлатларда деярли бир хил ҳуқуқий асосланилса ҳам бу жиноятнинг объекти ва объектив

томонига кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилигида турлича ёндашувлар кузатилишини таъкидлаш зарур. Шу нарса диққатга сазоворки, Перуда терроризм давлатга қарши жиноят ҳисобланади, лекин қонунчиликда қўпорувчи гуруҳлар раҳбарлари, террорчилар, қотилликда айбланувчилар шунга ўхшаш жиноятчилар ҳамда давлатга хоинлик қилувчиларга жазо белгилашда перулик фуқароми ёки ҳорижий давлат фуқаросими, бу мутлақо фарқланмайди, яъни инобатга олинмайди. Шунинг учун, Перу трибунали учта чилилик террорчини Перу ва Чили давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кескинлаштиришдаги иштироки учун давлатга хоинлик қилишда айблаган эди.

Масалан, Россия, Туркманистон ва Украинанинг Жиноят кодексларида терроризм жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар сирасига кирса, Латвияда давлатга қарши жиноят, деб тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида терроризмнинг икки хил кўриниши: халқаро ва мамлакат ичкарисидаги терроризм ҳақида сўз боради. Бундай ҳолда тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги, давлатнинг сиёсий тизими (давлат ҳокимияти, давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг ҳаёти, соғлиғи) жиноятнинг объекти ҳисобланади. Беларусь Республикасининг Жиноят кодекси терроризмнинг учта таркибини қамраб олган, шулардан иккитаси 289-(терроризм) ва 290-(террористик ҳаракат содир этиш билан қўрқитиш) моддалар жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (яъни биздаги давлат ичидагига ўхшаш), деб ҳисобланилса, битта, яъни 126-модда (халқаро терроризм) тинчлик ва инсониятга қарши жиноят, деб тан олинади. Бошқача айттанда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддаси терроризмнинг Беларусь Жиноят кодексида кўрсатилган учала таркибини ҳам ўзида "мужассамлаштиради" ва бу ерда асосий объектларни белгилашда ўхшашликлар кузатилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ҳуқуқшунос олимларнинг орасида асосий объектни ажратиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳатто шундай нуқтаи назар мавжудки, унга кўра жиноятнинг асосий объекти – "қонун билмайдиган мавҳумликдир". Хусусан, В.П.Емельянов И.П.Лановенко ва Г.И.Чангулиларнинг (Лановенко И.П., Чангули Г.И. Уголовно-правовая характеристика трудовых прав граждан. Киев, 1989, с. 13.) нуқтаи назарини бирдан-бир тўғри хулоса деб, жиноят ҳақикатда ҳам объектив фаолият натижаси бўлиб, фақат биргина аниқ ёки бир неча шундай объектга эга, деб баҳолайди. В.П.Емельянов ўз фикрини давом этиб, шундай дейди: "асосий объект кўпгина белгиларини аниклаш, маълум маънода, субъектив, ҳатто карама-қарши хусусиятга эга, шунинг учун давлат тараққиёти давомида бир хил таркибга эга бўлган жиноятлар жиноят кодексининг турли бўлимларида жойлашган бўлади ёки турли давлатлар жиноят кодексларида бир хил жойлашмаган бўлади ҳамда фанда уларнинг жиноят кодексида тўғри жойлашган-жойлашмаганлигини,

бўлимларда ҳам тўғри-нотўғри жойлашганлиги тўғрисидаги жиддий мунозараларга сабаб бўлади (Ёмельянов В.П. Проблемы уголовно-правовой борьбы с терроризмом. М., Государство и право, 2000, №3, с.88).

Натижада Россия, Беларусь, Туркманистон ва Ўзбекистон давлатларининг ҳуқуқий таълими ва қонунчилиги терроризмнинг асосий объектини аниқласа, Украина ҳуқуқ мактаби – буни рад этаяпти. Сабаблари эса жуда ҳам ишончли эмас, яъни "бу субъектив хусусиятга эга бўлиб, шунинг учун давлат тараққиётининг турли босқичларида Жиноят кодексининг турли бўлимлари(боб)да ёхуд Жиноят кодекси бўлимларида бир хил жойлашмаган ёки турли давлатларнинг Жиноят кодексида турлича жойлашган бўлади" (Ўша жойда, 89 б).

Юқоридаги муаллифларнинг фикрларидан "Субъективлик у ёки бу давлатга хос бўлган нарсадир", деган маънони тушуниш мумкин. Бу асоснинг иккинчи қисми ишончсизроқ ва зиддиятлидир. Давлат тараққиётининг турли босқичларида бир турдаги жиноятнинг бир неча хил давлатлар Жиноят кодексининг бошқа-бошқа бўлимларида жойлашиши бу – қонуний, объектив ва табиий ҳолдир, – чунки, биринчидан: олдинги РСФСР Жиноят кодекси (СССРнинг Жиноят кодекси бўлмаган) ва ундан кўчирилган иттифоқдош республикалар Жиноят кодексларида бу модда умуман бўлмаган; иккинчидан: фан, қонунчилик ўзига терроризм (бу пайтгача бу кенг миқёсда кузатилмаган) билан курашиш амалиётини сингдирган ҳолда олдинга ҳаракат қилади. Шунинг учун, ушбу модда турли даврларда жамият кодексларининг турли бўлимларида жойлашади; учинчидан: турли давлатларнинг миллий қонунчилиги, ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога ёндашади ва шунда юридик тушунча ҳисобланмасада миллий менталитетини эътиборга олиб, ушбу жиноят таркибини ўз давлатининг манфаатларига мос келадиган бўлимга жойлаштириш ҳуқуқига эгадир. Масалага бундай ёндашиш мазкур иш муаллифининг жиноят таркиби белгилари тўғрисидаги мунозараларга нисбатан билдирган қатъий фикридир.

Энди терроризмнинг асосий объекти мавҳум ва террористик ҳаракат халқаро тинчлик ва инсоният хавфсизлигига ёки жамоат хавфсизлигига қандай тажовуз қилиши мумкинлиги масаласига қайтсак.

И.Лановенко, Г.Чангули, В.Емельянов каби ҳуқуқшуносларнинг юқоридаги фикрларига қарши борган ҳолда, ижобий жавоб томон ён босамиз. Биз бунда мазкур модда бир қанча давлатлар Жиноят кодексида айнан шу номдаги бўлимларда жойлашганлигини асос қилиб олмоқчи эмасмиз (бу янада ишончсизроқ чиқиши мумкин). Лекин, бизнинг далиллар халқаро терроризм билан курашиш тажрибасидан олинган мисоллар билан янада аниқ, тасдиқланган ҳолда бўлади. БМТ терроризмнинг "Тинчлик ва хавфсизликка қарши Жиноят кодекси" лойиҳасидан, деб белгиланганлигини инобатга олсак, бу бизнинг ҳақ эканлигимизни тасдиқлайди. Шунингдек, терроризм сўзининг таърифи ўзида "... шахс

ёки хусусий мулкка нисбатан йўналтирилган, ўз хусусиятига кўра давлат арбоби, гуруҳ, шахс ёки аҳолини қўрқитиш мақсадида ҳаракатлар содир этиш", деган мазмунни мужассамлаштиради. Халқаро ҳуқуқий луғатда эса терроризмга кишиларнинг беҳуда ўлимига, давлатларнинг ўз меъёридаги дипломатик фаолиятини бузишга, халқаро алоқа ва учрашувларни (яъни, тинчлик ва хавфсизлик муаммоларини) ҳамда давлатлараро транспорт алоқаларини ташкил қилишга халақит берувчи ижтимоий хавфли қилмишлар (яъни, жамоатчилик хавфсизлигини бузувчи - У.У.) йиғиндисидир, деб таъриф берилган (Дубнов В. Дуга невидеимого фронта. Новое время. М., 2000, №42. с.19.).

Бизнинг фикримиз асосининг бошқа қисми: террорчилар, яъни "Ўзбекистон ислом ҳаракати", деб номланувчи ҳаракат аъзолари 1999 йили Тошкент шаҳридаги одам гавжум жойларда бир вақтнинг ўзида 25 та портлашлар уюштириш, мамлакатимиздаги чет давлатлар элчихоналари вакилларини гаровга олишни режалаштириб, тинчлик ва хавфсизликка тажовуз қилишмадими? Уларнинг мамлакат барча аҳолисини қўрқитиш, ваҳима уруғини сепиб, тартибсизликларни келтириб чиқаришни, яъни вазиятни беқарорлаштиришни ҳисобга олганлиги жамоат хавфсизлигига таҳдид эмасми? "Ўзбекистон ислом ҳаракати" жангариларнинг 2000 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари *худудларига бостириб кириши*, уларнинг халқаро хавфсизлик ва тинчликка тажовуз килганлигидан ишончли равишда гувоҳлик беради. Агар, шартли равишда "ЎИҲ"нинг Қирғизистон Республикасига ҳеч қандай эътирози йўқ эди, улар фақатгина бу давлатнинг ҳудуди орқали Ўзбекистон ҳудудига кириб келмоқчи эди, деб ўйласак, уларнинг у ерда япон мутахассислари ва немис альпинистларининг гаровга олинишини, маҳаллий аҳолига нисбатан боскинчилик қилиб, уларни талаганлиги тинчлик ва хавфсизликка қилинган тажовуз, нафақат у ердаги, балки бутун минтақадаги барқарорликни издан чиқаришга олиб келмасмиди?

Бошқа изоҳлар ортиқча, деб ўйлаймиз ва шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, жиноят объекти ва содир этилган жиноят оқибатларини узвий бирликда жойлашган, ҳар доим ҳам терроризм деб тавсифланувчи жиноятнинг оқибатлари келиб чиқмасдан, юқорида кўрсатилган моддалардаги бирон-бир ҳаракатни содир этишни терроризм, деб тавсифланувчи жиноятлар гуруҳига киритса бўлади.

Сўнгги хулосаларимиз жиноят таркибининг асосий белгиси бўлган объектив томон билан, яъни жиноятни содир этиш воситаси, вақти ва жойига тааллуқли жиноий хатти-ҳаракат билан боғликдир.

Айни пайтда, Россия Федерацияси (ЖК 205-моддаси), Туркманистон (ЖК 271-моддаси), Латвиянинг (ЖК 88-моддаси) жиноят қонунчилигида терроризмнинг объектив томони портлашлар содир этиш, ўт қўйиш билан кишилар ўлимига сабаб бўлиши мумкин бўлган хавфли

вазиятни вужудга келтириш ҳамда катта миқдорда моддий (мулкий) зарар етказганликни ҳам ўз ичига олади. Фикримизча, жиноий хатти-ҳаракатларни аниқ белгилашга интилишлар унчалик асосли эмас, чунки бу ҳол ушбу модданинг диспозициясини жуда майдалаштириб юборишга олиб келиши мумкин. Балки, янги мустақил давлатларининг қонунчилик тизими шаклланаётган пайтда бундай аниқлик мақсадга мувофиқдир, лекин кейинчалик, демократик ва ҳуқуқий давлат деб тан олингандан кейин, бундай кичик даражадаги аникликларни бартараф этиб, "ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатни содир этиш ёки содир этиш билан қўрқитиш" деб, чекланилса ҳам бўлади.

Терроризм хавфига қарши курашиш масаласига жаҳон ҳамжамияти давлатларининг миллий қонунчилигида алоҳида ўрин ажратилган. Ўз қонунчилигида терроризмга қарши махсус қонунлар жорий этган давлатлар орасида Буюк Британия, Италия, Туркия, Германия, АҚШ каби бир қанча давлатлар бор. Бу давлатларда терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши уларнинг ривожланганлик даражаси билан эмас, балки ўз салоҳиятига кўра, яъни қуролланиши, махсус хизматлар, ҳуқуқи жиҳатидан кучли эканлигига қарамай, терроризмдан ҳаммадан кўп "жабр чекканлиги" билан боғликдир. Буюк Британияда 1974 йилда "Терроризмнинг олдини олиш тўғрисида"ги қонун (Вақтинчалик Низом) қабул қилинган эди ва у кейинчалик бир неча марта қайта кўриб чиқилиб, тўлдирилди. Чунки, Шимолий Ирландияда бугунги кунгача терроризм ҳаракати тўлқинлари босилганича йўқ. Италияда "Қизил бригадалари"нинг йирик давлат арбоблари, ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлари, суд, армия ходимларини ўғирлаш ва ўлдириб кетиш каби кенг миқёсда террористик ҳаракатларни содир этиши бу давлатни 1978 йилдан бошлаб терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар мажмуасини қабул қилишга мажбур қилди.

Германиядаги мавжуд давлат ва ижтимоий тартибот тизимига барҳам беришни мақсад қилиб қўйган сўл радикал ҳисобланган "Қизил Армия Фракция"си (RAF), "Инқилобий уя (ячейка)", "Империализмга қарши курашиш" ва, шунингдек, ўнг экстремистик ташкилотларнинг ва Германияда ўрнашиб олган хорижий террористик ташкилотлар, Шарқ давлатлари, хусусан, Яқин Шарқ фаолият кўрсатаётган террористик гуруҳлари аъзолари учун Германия "дам олиш лагерига айланиши"ни ҳамда мамлакатда ушбу террористик гуруҳларнинг ўзаро алоқаларининг кучайиши 1986 йилда ГФРда "Терроризм билан курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинишига туртки бўлди. Францияда Жазоир ислом экстремистларининг "Аксьон директ" (тўғри ҳаракат), "Корсика озодлиги миллий фронти" гуруҳларининг кескин чиқишлари, 1986 йилда "Терроризм ва давлат хавфсизлигига тажовуз билан курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу қонунлар билан террористик, деб тан олинган жиноятлар таркиби доираси 32 тагача кенгайтирилди.

Таққослаш учун Россия Федерацияси қонунида 6 та, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 155-моддасида 12 та жиноят таркиби белгиланганини келтириб ўтамиз (2001 йил 29 августгача).

АҚШ "Гаровга олиш тўғрисида"ги, "Террористларни тайёрлаш ва террористик гуруҳларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ фаолиятни тақиқлаш тўғрисида"ги, "Террористик ҳаракатларни содир қилганлар учун ўлим жазосини киритиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунларни кетмакет қабул қилиш билан ўзларининг терроризмга қарши қонунчилигини тизимини ишлаб чиқдилар. 1996 йил апрелда АҚШда, Давлат департаментининг ташаббуси билан "Терроризм билан курашиш ва ўлим жазосини қўллаш тўғрисида"ги янги қонун қабул қилинди. Бу қонун мавжуд меъёрий ҳужжатларни анча тўлдирди, давлат раҳбари (Президент)нинг ушбу соҳада ваколатларини кенгайтирди ва терроризм билан курашаётган субъектларнинг вазифаларини янада аниқлаштирди. Унда Президент халқаро террорчилар инфратузилмасини барбод этиш ва бузиш учун фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг давлатлараро ва халқаро ҳамкорлигидангина фойдаланиб қолмасдан, уларнинг жойлашган жойи ва қароргоҳини йўқ қилиш учун ҳамма зарур воситалар, шу жумладан, махфий тадбирлар (операциялар), куролли кучлардан фойдаланишни тавсия этади (Юридическая газета. М. №40, 1999.). 1998 йили, МРБнинг маълумотларига кўра, У. бин Лоден томонидан режалаштирилган ва ташкил этилган АҚШнинг Африка давлатларидаги элчихоналарига, 2001 йил 11 сентябрда эса Американинг ўзида уюштирилган хуружларга қарши, ўша 1998 йили Судан (Хартум)даги кимёвий фабрикани ва У. бин Лоденни йўқ қилиш мақсадида Афғонистоннинг айрим тоғли ҳудудларини, 2001 йилда эса Афғонистоннинг деярли барча ҳудудларини бомбардимон қилиш ҳаракати АҚШнинг "Терроризм билан курашиш ва ўлим жазосини қўллаш тўғрисида"ги федерал қонунидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган эди.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, юқорида номлари келтирилган давлатларнинг кўпчилиги, террорчиликка қарши махсус қонунларини қабул қилгунча, бир қатор халқаро конвенцияларни ўз миллий қонунчилигига тадбиқ (имплементация) этишганди. Хусусан, АҚШда "Гаровга олинганлар тўғрисида"ги қонун, "Ҳаво кемаларини эгаллаб олиш ёки йўқ қилиш", "Хорижий давлатларнинг расмий вакиллари ёки халқаро ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ҳужум қилиш", Буюк Британияда 1978 йилда "Терроризм билан курашиш тўғрисида"ги Европа Конвенцияси ва бошқа бир қатор биз санаб ўтган конвенциялар жиноят қонунчилигига жорий этилганди.

Россия Федерациясининг 1998 йилда кучга кирган "Терроризм билан курашиш тўғрисида"ги қонуни терроризм билан курашиш ижроия ҳокимияти федерал органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни тартибга солиш, РФ субъектлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар,

ижтимоий ташкилотларнинг ижроия органлари, мансабдор шахс ва алоҳида фуқароларнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, шунингдек, терроризм билан курашишини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва кафолатларини белгилаб берувчи 29 та моддани ўз ичига олади.

Бу қонунга кўра, зўравонлик ва қўрқитишнинг жисмоний шахс ёки ташкилотга нисбатан қўлланилиши, шунингдек, мулк ёки бошқа моддий объектни йўқ қилиш, зарар етказиш ёки йўқ қилиш ва зарар етказиш билан қўрқитиш, терроризм, деб белгиланади. Бу ҳаракатлар кишиларга ўлим хавфини туғдирувчи, катта миқдорда моддий зарар етказишга ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келувчи, жамоатчилик хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш ёки ҳокимият органларига террорчилар учун қулай ёхуд уларнинг ноқонуний мулкий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилувчи қарорлар қабул қилишга таъсир ўтказиш мақсадида амалга оширилган бўлса; давлат ёки жамоат арбоби ҳаётига, унинг давлат ёки бошқа сиёсий фаолиятига ёки шундай фаолияти учун қасос (ўч) олиш мақсадида тажовуз қилиш; хорижий давлат вакили ёки халқаро ҳимоядан фойдаланувчи халқаро ташкилот ходимига ҳужум қилиш, шунингдек, халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахснинг хизмат биноси ёки транспорт воситасига халқаро муносабатларни чигаллаштириш ёки уруш келтириб чиқаришга уриниш мақсадида ҳужум қилишлар террористик ҳаракатлар, деб баҳоланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, РФ жиноят қонунчилигида терроризм Ўзбекистондагидек (ЖК 155-м) икки даражада белгиланади: давлат доирасидаги жиноят ва халқаро хусусиятга эга бўлган жиноят.

Лекин, бу ерда шу нарсага аҳамият бериш керакки, жиноят таркибининг объектив томони, ўз мазмунига кўра, ҳаддан ортиқ кенгайиб кетган, бундай белгиланишнинг сабаби ижтимоий хавфли қилмишларнинг жуда кўпини ўз ичига олишга бўлган уриниш натижасидир. Бизнингча, россиялик ҳуқуқшунослар томонидан қилмишларнинг батафсил ҳисобга олиниши ҳам баъзи бир тушунчаларнинг унчалик тўғри ифодаланмаслигига сабаб бўлган. Бу ерда жиноят бўлмаган қатор ҳуқуқбузарликлар ҳам терроризмга мансуб, деб белгилангани кузатилади. Хусусан, бундай иборалар "ташкилот ёки жисмоний шахсга нисбатан зўравонлик ёки қўрқитишни қўллаш, шунингдек, мулк ва моддий объектларни... йўқ қилиш... мақсадида ёки террористларнинг "ноқонуний мулкий ва бошқа манфаатларини қондириш" учун ҳокимият органларига таъсир ўтказиш" кабилар фикримизни тасдиқлайди.

Бу тушунчаларнинг жиноий ҳаракатлар қаторига кириши кўриниб турибди. Аслида бу ҳаракатлар учун жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортиш керак.

РФ жиноят кодексининг олтита моддасида терроризмга алоқадор бўлган жиноятлар устида сўз боради: булар 205-(терроризм) ва 206-

(гаровга олиш) каби моддалардир. Шунингдек, 207-(билиб туриб терроризм ҳаракати тўғрисида ёлғондан хабар бериш) ва 208-(ноқонуний ҳарбий тизимлар ташкил қилиш ва унда қатнашиш) моддаларининг ҳам террористик хатти-ҳаракатларига мансуб, деб белгиланганлиги кишини таажжублантиради. Ҳар икки моддада ҳам "терроризм" тушунчасига мос келувчи жиноят таркибига эга бўлган субъектив томоннинг махсус мақсадини кўрсатадиган эслатма, ҳатто бунга ишора ҳам йўқ. Бизнинг фикримизча, ЖКнинг бу моддалари мустақил жиноят сифатида ҳам таснифланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов II чақириқ Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида сўзлаган нутқида "Бизнинг юртимиз бугунги кунда ён-атрофимизда вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, ўзининг узоққа мўлжалланган ёвуз мақсадларини амалга оширишга уринаётган турли экстремистик-ақидапарастлик марказларининг ғаразли интилишлари қаратилган ҳудудга айланиб қолмоқда", деб таъкидланган эди (Халқ сўзи, 31.08.2000). Бу "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга асосий туртки бўлган эди.

Мазкур сатрлар муаллифи ҳам "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашган. Гуруҳ аъзоларида янги қонунга бошқа давлатларнинг халқаро қонун яратувчилик тажрибасини ўзида мужассамлаштирган шунга ўхшаш қонунларни асос қилиб олиш фикри бўлганлигини тан олиш керак. Лекин воқеликда бу иш халқаро ҳамжамиятнинг мустақил субъекти, дунёдаги мавжуд тартибга ўз нуқтаи назарига эга бўлган, ўзига хос хусусиятли миллий ҳуқуқ билан боғлиқ эди. Кўр-кўрона нусха олиш ёки тақлид қилиш Ўзбекистонга фақат зарар келтириши мумкин эди.

Номи қайд этилган қонун лойиҳаси устида ишлаш қуйидаги босқичлардан иборат бўлди:

- Ўзбекистон Республикасидаги қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятини аниқ белгилаб берувчи конституциявий нормаларни, конституциявий тузумни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги қоидаларни, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш;

- бу хавфли ижтимоий-сиёсий ҳодиса кенг тарқалган ва жамоатчиликка кескин кўринишларда хавф соладиган давлатларда терроризм билан курашиш тажрибаларига бағишланган, илмий адабиётлар хорижий даврий матбуоти материалларини тўплаш;

- бу халқаро жиноятга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича катта тажрибага эга бўлган давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва умумлаштириш;

- терроризм билан курашишдаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни (БМТ Бош Ассамблеяси резолюциялари, БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорлари; халқаро конвенция, шартнома ва битимлар; БМТ Конгресс-

ларнинг терроризм билан курашиш тўғрисидаги карорлари, терроризм билан курашиш борасидаги хамкорлик масалалари бўйича битимлар ва давлатлараро шартномалар; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг терроризм, уюшган жиноятчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан курашиш соҳасидаги ҳужжатлари ва бошкалар).

Қонун лойиҳасида терроризмга қарши курашнинг тамойилларини белгилашда "БМТ VIII Конгрессининг жиноятчиликни огоҳлантириш ва ҳуқуқбузарлар билан муносабатда бўлиш бўйича материаллари"даги "давлатларнинг жиноят қонунчилигига тегишли амалиётида қонунларнинг ўхшашлигини таъминлашга кўмаклашиш, гарчи шу билан бирга давлатлар ўртасида низолар келиб чиқиши мумкинлигини огоҳлантириш учун миллий қонунчиликнинг ҳаддан ортиқ кенгайиб кетишини олдини олишга амал қилиш" мазмунидаги тавсиялари инобатга олинди;

- фақат террорчиларни жазолаш ва терроризмнинг олдини олиш чоралари мужассамланиб қолмасдан Англия, Италия, ГФР ва бошқа давлатларнинг жиноятчиликни олдини олиш ва ушбу вазифани ҳал этишга эътиборни кучайтиришга қаратилган тажрибаси ҳам эътиборга олинди;

- фақат терроризм билан курашишда қатнашаётган шахсларнинг эмас, балки гаровга олинганларнинг, ОАВ ходимларининг, шунингдек, аксилтеррор операцияси ўтказилаётган ҳудудга тасодифан кириб қолганларнинг ҳам ижтимоий муҳофазаси устувор бўлиши керак эканлиги асослаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонун ва Россия Федерациясининг "Терроризм билан курашиш тўғрисида"ги Қонунини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Россия қонунида олдини олиш вазифаси етарли даражада ўз ифодасини топмасдан, асосан эҳтиёт чораларини кўришга урғу берилган. Бир қатор хорижий давлатларнинг терроризм билан курашиш тўғрисидаги қонунчилигида терроризм билан курашишда эса олдини олиш (профилактика) чора-тадбирларига кўпроқ эътибор берилган. Масалан, Италиянинг "Террористик фаолиятидан бош тортган шахслар фойдасини кўзловчи чора-тадбирлар" қонунида ўз фаолиятида пушаймонлик институтини рағбатлантириш ва ундан фаол фойдаланишга катта эътибор берилган. Худди шундай меъёрлар ГФРнинг терроризм билан курашиш тўғрисидаги қонунида ҳам белгиланган. Жиноят ва Жиноят – процессуал кодексларига тегишли ўзгаришлар киритилган, бунда ҳатто жиноий жазодан озод қилиш ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳам худди шундай қоида ўз ифодасини топган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан 2001 й. 29 августдаги "Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги" Қонунга асосан, 155-модда ("Терроризм")

жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартини ўз ичига олган 4-қисм билан тўлдирилди. Унда бундай дейилади: "Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашишган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади".

Хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш энг мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Бу терроризмга қарши тадбир ўтказаётган ҳудудга ОАВ вакилларини қўйиш ва ОАВ вакилларининг террористларни қўлга олиш, гаровдагиларни озод қилиш билан боғлиқ воқеалар тўғрисидаги хабарларни тарқатишини назорат қилиш масалаларига тегишлидир. Бу ҳолатда тарқатилаётган ахборотларни назорат қилмаслик жамоатчиликни мавжуд далиллардан чалғитишга, терроризмни англанмаган ҳолда, тарғиб қилишга, шунингдек, "террористлар тажрибаси"нинг оммалашуви ва бундай фаолиятга қарши курашиш усул ва воситаларининг ошкор бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Масалан, АҚШда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, терроризмга қарши тадбирлар ўтказилаётган ҳудудга кирувчи ОАВ вакиллари доираси чегараланиши расмий меъёрлар билан белгилаб қўйилган. Бунинг учун улар(журналист)га террористик фаолиятга қарши ва унинг олдини олиш тадбирлари ўтказилаётган ҳудуддаги воқеалар тўғрисидаги хабарларни жамоатчиликка етказиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома-карточкалари берилади. Бундан ташқари, тадбир ўтказилаётган ҳудудга қўйилган ОАВ вакилларига тадбирни бошқарувчи раҳбар ёки шундай ваколатга эга бўлган махсус вакилгина фавқулодда ахборот бериш ҳуқуқига эга. Матбуотда чоп этилиши ёки телевидения да кўрсатилиши лозим бўлган хабарлар ва тадбир олдиндан ўтказишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари томонидан текширилади.

Ана шуларни ҳисобга олиб, фавқулодда ҳолатларни бартараф этаётганда, жумладан, террорчилар жиноий фаолиятининг олди олинаётган жойларда ОАВ вакилларининг иштирок этишини қонунлаштирувчи махсус йўриқномалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат "Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик"- деб номланган модда умумий тарзда ўз ифодасини топган.

Афсуски, мазкур Қонунга бу террористик ҳаракат натижасида зарар кўрган шахслар рўйхати киритилмади. Бизнингча, бундай шахсларга фақатгина терроризмга қарши тадбирни ўтказишда иштирок этган ҳарбий хизматчилар эмас, балки гаровга олинганлар, оммавий-ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, тадбир ўтказилаётган ҳудудда ёки воқеа жойига тасодифан бориб қолган шахслар ҳам мансуб бўлиши керак. Зарар кўриши, жумладан, соғлиғи ёки ҳаётига ҳам зарар етиши мумкин бўлган

шахслар доирасини кенгайтиришнинг ҳаққонийлигини Тошкентдаги 1999 йил февраль воқеалари ҳам тасдиқлаб турибди. Ўшанда жиноятчилар томонидан ташкиллаштирилган ва амалга оширилган портлашлар ҳудудига тасодифан кириб қолган шахслар ҳам қурбон бўлганди.

Афсуски, бу моддага йиғилишлардаги муҳокамаларда атрофлича ва чуқур эътибор берилмасдан, у қуйидаги умумий кўринишга келтирилди: "Террор ҳаракати натижасида етказилган зарарни қоплаш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади".

Шуни айтиш жоизки, турли вазирлик ва идораларнинг экспертлари мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилишганида у ёки бу масалалар бўйича хилма-хил, ҳатто бир-бирига зид келадиган фикрлар билдирилганди.

Энг аввало, бу тушунча аппаратга тегишли эди. Чунки, бу имкон даражасида қисқа, ҳудудий жиҳатдан бошқача талқин қилиниш ёки тушунилишига ҳеч бир ўрин қолдирмаслиги керак.

Терроризм тушунчасини аниқлаш жараёнида "йўналтирувчи " (ЖК 155-моддасига) хусусиятига эга бўлган, яъни терроризмни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган жиноий жазога сазовор ижтимоий хавфли қилмиш сифатида талқин қилиш таклифи ҳам киритилган. Бундай таклиф ЖКнинг 155 - моддасида терроризмнинг қонун лойиҳасида кўзда тутилмаган жиҳатлари ҳам аниқ кўрсатилиб берилганлиги билан асосланганди. Бунинг устига, бу тушунчаларни терроризмнинг кўринишлари ва босқичлари билан тўлдириш таклиф этилган эди: биринчи босқич -- маънавий террор (хатлар, варақалар ва телефон орқали қўрқитиш). Иккинчиси – босқинчилик, талончилик ва ўлдириш билан амалга ошириладиган қўрқитиш. Учинчиси – кишиларга ўлим хавфини туғдирувчи, катта моддий зарар етказишга сабаб бўлувчи портлашлар, ўт қўйиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш. Терроризм ўз олдига қўйган мақсадига кўра қуйидаги (сиёсий, иқтисодий, этномиллий ва функционал терроризм) турларга бўлинади деган таклифлар ҳам киритилган. Уларнинг нималардан иборат эканлиги ҳам асослаб берилган.

Айтиш керакки, бу таклифнинг босқичларга тааллуқли бўлган биринчи қисми жиноят конунчилигида қабул қилинган жиноят таркибининг тайёргарлик, суиқасд қилиш ва тугалланган босқичлари тушунчаси билан жиддий қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Қолаверса, террорчи (террорчилар) ўз жиноятини, албатта, маънавий террордан, яъни телефон, хат орқали ёки варақалар тарқатиш ва шу каби бошқа ҳаракатларни содир этишдан бошлайдими?! Улар биринчи портлаш ва ўт қўйишлар (учинчи босқич) ни содир этиб, кейин иккинчи босқичга, яъни талончилик ёки босқинчиликка ўтиши мумкин эмасми? Таклифнинг терроризмни кўринишларига кўра таснифлашга қаратилгани, ҳуқуқий меъёр эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, бундай таснифлаш, ўз моҳиятига кўра, шартли ажратиш ҳисобланади ва бу ҳуқуқ эмас, кўпроқ сиёсатшу-

нослик соҳасига оид бўлиб қолади ва уни терроризмнинг кўриниши сифатида туркумли таҳлил қилишга ҳожат қолмайди.

Муҳокама жараёнида номи келтирилган бобга биз томондан таклиф қилинган "Террорчилик фаолиятининг олдини олиш" моддасини киритмасликни тавсия қилувчи таклифлар ҳам тушди. Уларнинг асоси: террорчилик фаолиятини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бош мақсад, унинг олдини олиш эса аниқ ва тақиқловчи мазмундаги кучга эга эмиш. Бу, умуман, янглиш фикр. Бизнингча, кечикиб бартараф этишдан олдини олиш осонроқ ва бу давлат идоралари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоатчилик ва бошқа бирлашмалар томонидан профилактика, ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий бирликдаги чоралар кўриш билан амалга оширилади. Терроризмни тарғиб қилиш республикага террорчилик ҳаракатларига алоқадор ёки ташкилотлар билан ҳамкорлик қилувчи хорижликларни, фуқаролиги йўқ бўлган шахсларнинг киришини, террорчилик фаолият тўғрисидаги далил ва маълумотларнинг бекитилишини тақиқлаб қўйиш, огоҳлантириш чораларига кирмайдими?!

Кутилганидек, қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга бағишланган моддани қолдириш мақсадга мувофиқми ёки йўқми, деган савол атрофида баҳс-мунозара кўп бўлди. Биз демократик жамият қураётган эканмиз "тўртинчи ҳокимият" фаолиятига тақиқлар жорий этишимиз қандай бўларкин, қабилидаги ва бошқа таклифларнинг нотўғрилигини исботладик ва ОАВ вакиллари билан, айниқса терроризмга қарши тадбир ўтказган ҳудуддаги, муносабатларни қонунийлаштириш керак эканлигига оппонентларимизни ишонтира олдик.

Қонун лойиҳаси Олий Мажлис сессиясида биринчи ўқишида кўриб чиқилгандан сўнг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди ва унга ижобий фикр билдирилди. Шу билан бирга "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририятига, шунингдек, бевосита Олий Мажлисга кўпгина таклиф ва тавсиялар киритилган.

Таклифлар, аввалambор, қонун лойиҳасида "Ўзбекистон Республикасининг терроризм билан курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги тўғрисидаги умумий кўринишда эсланади ва бу соҳанинг амалий соҳалари қонунийлаштирилмаган", деган хулоса билан боғлиқ эди. Бизнинг фикримизча, халқаро ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари батафсил қонун томонидан эмас, балки Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларида тартибга солиниши керак. Бу террорчиларни бошқа давлатга бериш масалаларини тартибга солувчи махсус меъёрлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифга ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, "Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари мақоми ва ваколатини қонуннинг алоҳида меъёри билан қонунийлаштириш, терроризмга қарши ҳаракат қилиш, миллий тизимини янада юқори даражада қулайлаштиради", деган таклиф ҳам билдирилганди. Биз уларнинг мақоми ва ваколатини белгилаш ҳуқуқига эгамизми? - деган савол тарози палласини рад жавоби томон босиб кетади. Қолаверса, уларнинг ваколати ва мақоми аллақачон белгилан-

ган, Ўзбекистон Республикасининг бу йўналишдаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги эса, 7-моддада кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Худди шундай мазмунда, яъни террорчиларга қарши тадбирлар ўтказиш тартиби, миқёси ва тадбирларнинг амалга оширилиш тартибини (процедураси) ҳам қонунийлаштириш тўғрисидаги таклиф ҳам билдирилганди. Агар шу ва шунга ўхшаш таклифлар инобатга олинса, қонун нимага айланиб қолади? Қонун бундай аксилтеррор тадбирини ўтказиш учун куч ва восита ажратиш, аксилтерроричи кучларнинг у ёки бу ҳолдаги ҳаракатини батафсил баён этиш режасига айланиб қолади. Чунки, таклиф этилган 16-моддада террорчиларга қарши тадбирларни бошқариш ва раҳбарлик қилиш жойлардаги тезкор штаб ва Республика штаби томонидан амалга оширилади. Бу штабларнинг тузилиш тартиби, ваколати, уларнинг раҳбарлари, тадбирларни ўтказувчи шахсларнинг вазифалари қонун асосида ишлаб чиқиладиган Низомга мувофиқ белгиланади.

Умуман, шуни қайд этиш керакки, террорчилик фаолиятига қарши фаолият жиҳатларини қонунлаштириш масаласи бўйича жуда кўп таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бундай ҳолат, хусусан, "лойиҳада террорчилик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ва судларга ошириш тартиби кўрсатилмаган"лигига тегишли эди. Бу қабилидаги таклифларга тушунган ҳолда ёндашиб, айни вақтда, бу қонун лойиҳасининг асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ташкил қилиши, жиноий иш қўзғатиш учун асос бўлиши, тартиби ва бошқа масалалар қонунчилигимизда олдиндан расмийлаштирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бир қанча халқаро ташкилотларнинг ҳам эътиборини ўзига қаратди. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Ваколатхонаси *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси*, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактни, барча шахсларни қийноққа олиш ёки шафқатсизларча хўрлаш муносабатида бўлиш ёхуд жазолашдан ҳимоя қилиш декларациясини рўкач қилиб, қонун лойиҳасининг 30-моддаси "террористик ҳаракатларда қатнашган, деб гумон қилинган шахслар қийноққа солиниш, ўзбошимчалик ва шошилинч равишда судсиз жазоланиш эҳтимоли борлиги хавфини уйғотиши мумкинлигини" кўрсатишди. Хусусан, эътироз қуйидаги модданинг мазмунига билдирилган эди: терроризмга қарши тадбирни ўтказиш пайтида, қонун томонидан белгиланган асосда, чегарада мажбурликдан зарар етказилишига йўл қўйилади. Терроризм билан курашишда қатнашаётган ҳарбий хизматчилар, мутахассислар ва бошқа шахслар терроризмга қарши тадбирни ўтказаётган пайтда етказилган зарарларни қоплашдан озод қилинади.

БМТ Олий Комиссари экспертларининг ушбу жумлаларни эркин таржима қилганлиги диққатни ўзига жалб қилади. Улар "қонун томонидан белгиланган асосда ва чегаралар"ни "қонун доирасида зарарга йўл қўйилади...", деб таржима қилинган. Ваҳоланки, икки жумла айнан бир хил маънони англатмайди ва, иккинчидан, "асос ва чегаралар" дейилганда

Ўзбекистон жиноят қонунчилигидаги мавжуд бўлган охирги зарурат ва зарурий мудофаа (ЖК 37, 38 м) институтлари тушунилиши керак.

Шу билан бир қаторда, қонун лойиҳаси муаллифлари мазкур модданинг мазмунига танқидий нуқтаи назардан ёндашишганида унинг мазмуни жиҳатидан баъзи бир камчиликларга эга эканлигини аниқлашди. "Йўл қўйилади" жумласи ўз мазмунига кўра "рухсат этилади" деган маънони англатади, гарчи муаллифлар унга зарар етказиш эҳтимоли борлиги маъносини сингдиришга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам. Ушбу ва бошқа тушунтиришлар муаллифлар назарида ишонарли, деб туйилганига қарамасдан, улар янада аниқ ва ишонарлироқ, яъни қонунчиликка тўла амал қилган ҳолда, бошқа таҳрирдаги моддаларнинг киритилишига ўз тавсияларини билдирдилар ва булар амалдаги Ўзбекистон Республикаси "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларида ўз аксини топди.

ЕХҲТ Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бюроси Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига қизиқиш билдириб, терроризмга қарши курашиш қонунчилиги ва инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича эксперт, юридик фанлари доктори А.Хант томонидан тайёрланган шарҳларни Олий Мажлисга тақдим этди. Шарҳлар мазмунидаги кўзга ташланадиган асосий фикр "Ўзбекистонда терроризмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида кенг ваколатлар ўрнатилган, деган мулоҳазадан иборат. Шунингдек, ЕХҲТ шарҳларида "бундай қонуний мақсадларга эришишда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқ бўйича белгиланган чекланишларнинг бирдек даражада сақланиши ҳам муҳимдир", дейилган. Бундай огоҳлантирувчи оҳангдаги ёндашувларга асос деярли талаб қилинмайди, чунки Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланади ва халқаро мажбуриятларни имзолаб, табиийки, уларни бажаришни ҳам ўз зиммасига олган. Бу қонуннинг 3-моддасида махсус белгилаб қўйилган қуйидаги ҳолат билан ҳам тасдиқланади: агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Шарҳларда "терроризмга қарши тадбирларни ўтказишда иштирок этган шахсларнинг жавобгарликдан озод қилиниши ҳажми жиддий ташвиш туғдиради", деб алоҳида таъкидланган. Худди шундай фикрни бундан илгари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Ваколатхонаси ҳам билдирган ва у қонун лойиҳасини мукаммалаштиришда инобатга олинган эди.

А. Хант терроризмнинг таърифига тўхталиб, бу ҳодисанинг аниқ таърифи йўқ эканлигини тан олган ҳолда, "ҳокимият органларига террорчилар учун қулай қарорлар қабул қилишга таъсир ўтказишни миллий хавфсизлик масалаларига тегишли эмас", шунинг учун, уни қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш лозимлигини таклиф этади. Доктор Хант ЕХҲТнинг Инсон ҳуқуқлари ва терроризмга қарши курашишга оид қонунчилик

ҳамда "халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассиси" бўла туриб, терроризмнинг юқорида кўрсатилган сифатларини, халқаро ва Ғарб етакчи давлатлари қонунчилигидаги терроризм билан курашиш ҳужжатларида қайд этилганидек, ҳокимият органларига тажовуз деб, тан олинишини эътиборга олмагани ажабланарли ҳолдир. БМТ Бош Ассамблеяси 34-сессиясининг резолюцияси ҳам "Мустақил давлатларда давлат терроризми ва ижтимоий-сиёсий тузумини бузишга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракатга йўл қўймаслик тўғрисида", деб номланади. ФТБ (ФБР) терроризм ҳаракатларини "ҳукуматга тазйиқ ўтказиш учун ва шахсга қарши кучдан ноқонуний фойдаланиш", деб белгилайди. ЕХҲТ экспертининг мантиғи эса ишончсиз ва ажабланарлидир. Шахснинг ҳуқуқ ва мулкига сиёсий мақсадларда тажовуз қилишни у терроризм, деб тан олади ва айни пайтда, ҳокимият органларига террористлар учун қулай қарорлар қабул қилиш учун тазйиқ кўрсатиш- бу Ўзбекистон қонунчилигида инсон ҳуқуқларининг бузилганлигини ифодалар экан. Бу эса экспертнинг ёндашувида икки хил андозалар мавжудлигидан далолат беради.

ЕХҲТ экспертининг фикрича, "террорчилик фаолияти" жумласининг мазмун-моҳияти "бу жиноят оқибатидан келиб чиққан инсон ҳуқуқларига турли хил аралашувлар Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқи бўйича халқаро пакт талабларига мос келмайди".

Бизнинг қонун лойиҳамизни БМТнинг тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар Кодекси лойиҳасига солиштирганимизда, террорчилар фаолияти ҳақида шундай дейилган "амалга ошириш (содир этиш), ташкиллаштириш, амалга оширишга кўмаклашиш, молиялаштириш (маблағ билан таъминлаш) ёки рағбатлантириш". Бундай кўриниш турдаги ҳар иккала қонун лойиҳасининг баён этилиши ва изоҳланишида кескин фарқлар йўқ.

"Террорчилик фаолияти олдини олиш", деб номланган 5-модда доктор Хантнинг кескин норозилигига сабаб бўлган эди. Бу мулоҳазалар, биринчи навбатда, "инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан террорчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишни тақиқлаш ноқонуний" ҳамда "қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишнинг кўринишларини аниқлаштириш зарурлигини" билдиради. Шуни таъкидламоқчимизки, юқорида зикр этилган БМТ Кодекси лойиҳаси, кўп давлатларнинг терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилиги, АҚШнинг ҳамма томонидан тан олинган, терроризм билан курашиш стратегияси террорчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишни якдиллик билан тақиқлайди. Кўмаклашиш ёки ҳамкорлик (яъни иштирокчилик)ни янада аниқлаштириш масаласига келсак, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасида жиноятда иштирокчиликнинг турлари очиб берилган.

А.Хантнинг "террорчилик фаолияти ҳақидаги далил ва хабарларни бекитишни тақиқлаш жиноий жавобгарликни келтириб чиқарса, сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича халқаро пактнинг 15-моддаси бузилиши хавфи туғилмайдими?" - деган саволига, биз барча мавжуд қонунчиликда маълум бўлган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақидаги хабар ёки далилларни

ҳар қандай яшириш бир хил тартибга солинганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 241-моддасида "Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш", деб қабул қилинганлиги, АҚШ Қонунининг 323-моддасида эса "Терроризм билан курашиш ва ўлим жазосини қўллаш тўғрисида", деб (1996) ҳисобланиши, бу масалалар бизда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасига нисбатан анча кенг талқин қилинганлигини айтиб қўймоқчимиз.

А.Хантнинг фикри бўйича, "терроризм тушунчасини аниқламасдан туриб, уни тарғиб қилиш тақиқланса, сўз эркинлиги чекланади ва бу чекланишни расмий мақсадларни оқлаш зарурати билан боғлаш қийин" экан.

Бундай мантиқ жиддий норозилик туғдиради. Чунки, унга амал қилинса, "уруш келтириб чиқариш ёки халқаро муносабатларни чигаллаштириш мақсадида зўравонлик ёки уни ишлатиш хавфи", ... "йўқ қилиш",... "кишиларга ўлим хавфини туғдириш", ... "аҳолини қўрқитиш", "тажовуз қилиш", "... хорижий давлат вакилига ҳужум қилиш" каби терроризм тушунчаларини қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш керак, чунки бу "сўз эркинлигини чеклашдир". Хўш, унда ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этавериш мумкин экан-да?

Шуни таъкидлаш керакки, Исроилнинг терроризмни тарғиб қилиш ва террорчиларга кўмаклашиш масалалари бўйича 1-қонуни (1968 й.) анча кескинроқ ва "зўравонлик ҳаракатини яхши кўрсатишга, рағбатлантириш ва хайриҳоҳлик қилишга йўналтирилган оғзаки ёки ёзма кўринишда тарғибот ва ташвиқот қилишни тақиқлайди".

Буюк Британиянинг 2001 йил 19 февралдан кучга кирган терроризм билан курашиш тўғрисидаги қонуни, бошқа давлатларнинг шунга ўхшаш қонунларига нисбатан, терроризмни таърифлашда анча кескин ва кенгроқдир. Англия қонунига кўра терроризм бу – сиёсий, диний ёки ғоявий асосда шахсга қарши зўравонлик, шахс ҳаётига хавф солиш, аҳоли хавфсизлигига ва соғлиғига жиддий зарар етказиш хавфини туғдириш, мулкка жиддий зарар етказиш, электрон тизим ишини бузиш билан боғлиқ бўлган ҳамда ҳукуматга таъсир ўтказиш ёки аҳолини қўрқитиш мақсадини кўзлаб амалга оширилган хатти-ҳаракатлардир. Қонун терроризмни аниқлашдаги "ҳаракат", "шахс", мулк", "аҳоли", "ҳукумат" тушунчаларини мазмунан изоҳлайди. Бу ҳолатлар фақат Буюк Британияга эмас, бошқа давлатларга ҳам тааллуқли, деб таъкидланади ва Буюк Британия ҳудудидан ташқарида, бошқа давлатлар ҳокимияти ва аҳолисига қарши йўналтирилган террористик хатти-ҳаракатлар учун ҳам таъқиб остига олиниши белгилаб қўйилган.

Мазкур қонунда қуйидагилар жиноятни содир этган шахс деб ҳисобланади:

- террорчилик ташкилотга мансуб бўлган ёки ўзининг мансублигини билдирган (энг кўп жазо муддати – 10 йил озодликдан маҳрум қилинади).

- террорчилик ташкилотларини жисмоний моддий қўллаб-қувватлашга чақирган, уларни қўллаб-қувватловчи йиғилишлар ўтказишга ёки

ўтказувчиларга ёрдамлашган (улар 10 йилгача озодликдан маҳрум қилинади).

- жамоат жойларидаги хатти-ҳаракатларида улар ўзининг террорчилик ташкилотларга мансублиги ёки уларга ўзининг қўллаб-қувватлашини қандайдир кўринишда ифода этган (6 ойгача озодликдан маҳрум қилинади);

- террорчилик фаолият олиб бориш мақсадида молиявий маблағ ёки мулк тўплаган, берган ёки фойдаланган, ёки фойдаланишга кўмаклашган (5 йилгача озодликдан маҳрум қилинади);

- ўқ отар қуролдан, портловчи модда, кимёвий, биологик ёки ядровий қуролдан фойдаланишни ёхуд уларни тайёрлашни ўрганган ва ўрганишга чақирган (10 йилгача озодликдан маҳрум этилади);

- терроризмга алоқадор ташкилотда ҳар қандай даражадаги раҳбарликни амалга оширган (энг кўп жазо муддати – умрбод қамоқ жазоси);

- террорчилик фаолиятига алоқадор нарсага эгалик қилган (10 йилгача озодликдан маҳрум қилинади);

- террорчилик фаолиятига алоқадор ахборотларни тўплаган (10 йилгача қамоқ жазоси);

- террорчилик ҳаракатини содир этишга, жумладан Буюк Британия ҳудудидан ташқарида ҳам содир этишга гиж-гижлаган (турли муддатга озодликдан маҳрум қилинади).

ЕХҲТ ўз эксперти А.Хант орқали террорчилик фаолиятида қатнашувчи хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонга кириши тақиқланиши билан боғлиқ қонунни расмий шубҳа остига олади. Қонун лойиҳасидаги 5-модданинг бу қисми мазмунини таҳлил қилиш бу қоиданинг мутлақо ҳаққоний ва қонунийлигини, бундай ҳол бир қанча халқаро конвенцияларда мавжудлигини, шунингдек, бир қатор давлатларнинг миллий қонунчилигига кўчириб ўтказилганини ҳам кўрсатади. АҚШнинг юқорида қайд этилган қонуннинг 401-моддаси бу масалада мамлакат миллий хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амал қилади. Ундан ташқари ҳаммага маълумки халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан виза тартиби жорий этилган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистонга кириш ҳуқуқини бермасдан, инсон ҳуқуқининг бузилишига йўл қўйилаётган бўлса биз жавобгарликни зиммамизга оламиз. Шу билан бирга, шахсни бизнинг давлатга киришини тақиқлашимиз бу шахснинг шикоят қилиш ҳуқуқини бекор қилмайди, яъни бу ерда халқаро ҳуқуқ меъёрлари сақланади.

"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокама жараёни, унга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Ваколатхонаси ва ЕХҲТ вакили билдирган муносабатларнинг мазмуни терроризм билан курашишни ҳуқуқий тарибга солиш, уни қонуний меъёрлар асосида мустаҳкамлаш мураккаб юридик жараён эканлигини яна бир марта кўрсатди. Кўпчилик ҳолларда бу "терроризм" сўзининг умумэътироф этилган таърифи йўқлиги, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти давлатлари ҳуқуқ тизимининг бир-биридан фарқланиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигини, ҳуқуқшунос олимларнинг чоп этилган ишларини, айрим давлатлар раҳбарлари фикрини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, терроризм билан курашишда ҳуқуқий асосни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида умумий иш олиб боришга майл пайдо бўлмоқда. Бундан келиб чиқадики, терроризм билан курашишнинг ҳамма томонини фақатгина тартибга солувчи қонуний ҳужжатларни қабул қилиш эмас, балки ана шу қонун асосида уни амалиётга жорий этиш мурватларини ишлаб чиқиш қонуний меъёрий ҳужжатлар билан ҳам мустаҳкамланган бўлиши керак.

Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунини амалга жорий этиш шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқишда муҳим даражада ёрдамлашган бўларди. Бундай дастурнинг назарий асоси бўлиб Терроризмга қарши миллий концепцияси хизмат қилиши мумкин. Дастур ва концепция ўз навбатида терроризм билан курашиш ва миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат чоралари тизимини ишлаб чиқишга асос бўла оларди. "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунни амалга жорий этишдаги мантиқий кетма-кетлик муаллифга айнан шундай кўринади.

Ўрганилган муаммолар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидламоқчимиз. Гап шундаки, терроризм таҳдиди мавҳум тушунча эмас, балки халқаро терроризмнинг ўз олдига қўйган сиёсий мақсадларига эришиш учун жаҳондаги мавжуд тартибни беқарорлаштириш, халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликка тажовуз қилиш орқали режа ва ниятларини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлардир.

Бу нарса миллий ҳуқуқ ва халқаро меъёрларнинг бузилишига сабаб бўлувчи қилмишлар тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар, деб тавсифланиши кераклигини билдиради. Мана нима учун халқаро терроризм ва унинг таҳдидига қарши ҳаракат фақат ҳарбий, сиёсий ва махсус хусусиятли чоралар билангина эмас, балки терроризм билан курашишда ҳуқуқ доирасида, амалдаги миллий қонунчилик, халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида олиб борилиши кераклигини талаб қилади. Бу курашиш – янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ҳуқуқий тартибга солиш давлат сиёсати, стратегияси ва тактикасининг, жаҳон ҳамжамияти давлатларининг терроризм тадрижий ривожланишига қарши ҳаракатининг асоси бўлиб қолиши керак.

8. ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Халқаро ҳуқуқ юридик тамойиллар ва меъёрлар тизими сифатида давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади ҳамда уларнинг давлатлараро муносабатлар доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ, бир томондан, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва давлатлараро мулоқот доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришга йўналтирилган бўлса, бошқа томондан, у халқаро ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда содир этганлик учун жазолашга ҳуқуқий асослар яратиши керак.

Сўнгги ўн йилликларда халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш вазифаси ҳамжамият томонидан ҳал қилинадиган кенг миқёсдаги муаммоларни ўзига камраб олмоқда. Давлатларнинг кенг ижтимоий масалалар бўйича ҳамкорлиги доирасида сўнгги пайтларда глобал муаммога айланиб улгурган халқаро терроризмга қарши курашиш ҳам амалга оширилмоқда. Анча кенг тарқалган жиноий феъл-атворнинг хусусияти ва оқибатларини тушуниш халқаро ҳамжамиятнинг олдига тегишли чораларни кўриш вазифасини қўймоқда. Чунончи, давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилиши БМТ Низомида белгилаб қўйилган, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши мажбуриятини олганлиги тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ тамойилига тўлиқ мос келади ва унинг талабларига жавоб беради (Декларация Генеральной Ассамблеи ООН от 24 октября 1970 года. "Международное право в документах". "Юридическая литература", М. 1982 г. с.9.).

Терроризм билан курашиш соҳасидаги ҳозирги босқичдаги ҳамкорлик бир неча йўналишларда амалга оширилмоқда. Давлатлар ҳамжамияти учун хавфли ва ноқонуний, деб белгиланган жиноий хатти-ҳаракатлар ким томонидан, қаерда содир этилганлигидан қатъий назар, бундай ҳаракатларнинг террористик ҳаракат деб тан олиниши бу соҳадаги асосий йўналишдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда гап ҳамкор давлатлар учун юқори даражада хавф солувчи, ўзининг алоҳида муҳим жиҳатларига эга бўлган ва ўз ичига анча катта жиноятлар гуруҳини олган халқаро терроризм хусусида бормоқда. Бундай тажовузларнинг халқаро хавфсизлик ва тинчлик тизимига йўналтирилганлигининг тан олиниши тасодиф эмас. Чунки, бу хавф бир эмас, икки ва ундан ортиқроқ давлатлар манфаатига дахл қилади, яъни бундай хатти-ҳаракатлар чет давлатлар ҳудудида содир қилиниб, бошқа давлатларнинг фуқаролари уларнинг қурбонлари бўлишлари мумкин. Бир неча давлат ёки ҳеч бир давлат қонунчилигида кўрсатилмаган бундай хатти-ҳаракатлар халқаро ҳуқуқ тартиби жорий қилинган ҳудудларда ҳам содир этилиши мумкин. Бу ҳолатдан кўриниб турибдики, терроризмнинг бундай кўринишлари

билан фақатгина миллий даражадаги воситалар, давлатнинг ички тартибида белгиланган чоралар ёрдамида курашиш кўзланган натижани бермайди.

Давлатларнинг бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорлик қилиш тамойилини амалда жорий этиш икки томонлама, минтақавий ва бутун дунё даражасида битимлар имзоланишида ўз ифодасини топади. Бу кейинги икки ўн йилликда терроризм сайёрамиз, цивилизация ва жаҳон тартибига жиддий хавф солувчи воқеликнинг асосий ва энг ташвишли ҳақиқатларидан бири бўлиб қолганлиги билан боғликдир. Халқаро ҳамжамият даврмизнинг ушбу ўткир муаммосини тўғри баҳолаб, уни ҳар бир форум, конференция ва "саммит"да кўтариб чиқиб, унга тобора жиддий эътибор қаратмоқдаки, бу учрашувларнинг расмий тинчликпарварлик мақоми билан белгиланмоқда. Фақатгина 1995-1996 йилларда Галифакс (Канада), Шарм-аш-Шайх (Миср), Лиссабонда давлат бошликларининг олий даражадаги "тинчликпарвар саммити" – учрашувларининг бўлиб ўтганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Халқаро терроризмнинг ядровий, кимёвий, бактериологик ва бошка оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиши мумкинлиги хавфининг кучайишини инобатга олиш жаҳон ҳамжамияти олдига давлатлараро ва миллий чораларни ўзаро уйғунлаштириб, самарали курашиш масаласини кўндаланг қўймоқда.

Шу билан бирга, айрим давлатлар терроризмнинг ноконунийлигини тан олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослашган ташкилотлари, шунингдек, минтақавий ва икки томонлама даражадаги резолюциялар ва баёнотларни эътироф этган ҳолда, бу ҳужжатларни терроризмга қарши курашиш масаласида фойдаланиши мажбурий бўлган восита сифатида қабул қилмайдилар.

Баъзи бир давлатларнинг бу масалага ёндашувида маълум даражадаги бирёқлама қарашлар, бошқа давлатларни терроризмни рағбатланлантирувчи ва тарқатувчи сифатида айблаш, ўз мавқеи ва фаолиятларига танқидий нуқтаи назардан ёндашишда бир хилликка йўл қўйиш мавжуд бўлса-да, бу масалага жаҳон ҳамжамияти изчиллик билан олға ҳаракат қилмоқда. Хусусан, терроризм билан курашишнинг қандайдир ноаниқ шакли эмас, балки халқаро даражада курашишнинг, маълум концептуал асосларига эга бўлган, ўзига хос асоси яратилмоқда. Фақат сўзда эмас, амалда ҳам терроризмга қарши курашишнинг асосини умумий халқаро вазиятни соғломлаштириш ва минтақавий, миллий низолар ҳамда уларнинг сабабларига барҳам бериш орқали ташкил этиш мумкинлиги тушуниб етилди.

Бир неча йил бундан олдин Исроилда бўлиб ўтган сайловларда Фаластин озодлиги ташкилотига нисбатан кескин ва муросасиз йўл тутганлиги учун Бош Вазир Б. Нетаньяху ғалаба қозонганди, кейинчалик Ё.Барак ва А.Шаронлар ҳам шундай йўлни танладилар. Бироқ, бундай

кескин мавкени эгаллашнинг мустаҳкам ва ҳаққоний бўлмаслиги амалда маълум бўлди. Б.Нетаньяху, Ё.Барак, айниқса, А.Шарон даврларида Исроилга қарши йўналтирилган терроризм кескин равишда кучайди.

Кнессетдаги мухолифат раҳбар деган ўринларини ҳукумат раҳбари ўрнига алмаштирган Б.Нетаньяху ва кейинчалик Ё.Барак оғир вазиятга дуч келиб, Исроил миллий хавфсизлигини ўйлаб, ўз фикрларини тинчлик музокараларини давом эттириш томон ўзгартиришга мажбур бўлишганди.

Жаҳон ҳамжамиятида дунёда юз бераётган воқеаларга, "совуқ уруш" давридагидек, икки қутбли ёндашув тугаганлиги тўғрисида бир хулосага келинган бўлса-да, лекин, терроризмга қарши курашишдек муҳим масала борасида мафкуравийлашган қарашларнинг мавжудлиги сезилмокда.

Халқаро терроризмнинг хавфи ўсиб бораётганлиги тан олинган ва бундай зўравонликка қарши курашишда кучларни бирлаштириш зарурлиги тушунилган бўлса ҳам, бу муаммога мафкуравий ёндашиш ёки "бу бизни қониқтирмайди", деган нуқтаи назарда туриш ҳоллари ҳамон учрамокда.

Халқаро терроризм билан курашишдаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик *ўз ичига кенг миқёсдаги муаммоларни қамраб олади. Давлатларнинг* терроризм билан курашишдаги ҳуқуқий-шартномавий ҳамкорлиги ҳозирги пайтда фақат БМТ доирасида эмас, балки халқаро, ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари доирасида ҳам амалга оширилади. Бу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик ривожланишининг асосий белгиловчи омили, бу - давлатлар, жаҳон ҳамжамияти томонидан халқаро муносабатлар, тинчлик ва халқларнинг хавфсизлигига ушбу жиноий ҳодиса солаётган хавфи кучаётганлигини тушуниб етиш бўлиб қолмокда.

Шу боисдан, халқаро ҳамкорликнинг асосий тамойили терроризмнинг ноконуний ва жазога лойиқ, деб умуммаввий тан олинишидир.

1985 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси "қаерда ва ким томонидан содир этилишидан қатъий назар терроризмнинг барча усул, амалиёти ва барча жиноий ҳаракатлари сўзсиз жазоланади", деган резолюцияни бир овоздан қабул қилган эди.

Орадан олти йил ўтиб, бу қоида БМТнинг Бош Ассамблеяси сессияларидан бирида халқаро терроризмни бартараф этиш бўйича чоратадбирлар тўғрисидаги Декларация қабул қилинганида, янада тўликроқ маънога эга бўлди. Унда хусусан шундай дейилган эди: "кенг жамоатчилик орасида террор ҳолатини юзага келтиришни ҳисобга олган ёки шунга йўналтирилган террорнинг жиноий хатти-ҳаракатларни, ҳоҳ у сиёсий, фалсафий, ғоявий, иркий, этник, диний ёки бошқа шунга ўхшаш хусусиятлардан келиб чиққан бўлса ҳам, уларни оқлаш мумкин эмас" (Международная жизнь, М. 1996, апрель, с. 15).

Мазкур Декларациядан давлатларнинг террористик фаолиятни ташкиллаштиришдан, унга гиж-гижлаш, кўмаклашиш ва шароитлар яра-

тишга амалий ҳаракатлар қилишдан, моддий-техник жиҳатдан таъминлашдан, уларни бекитишдан ўзини тийиш мажбуриятлари келиб чиқади, шунингдек, уларга террорчиларни қидириш ва ушлаш, терроризм билан курашишда "aut dedero aut judiare" (ёки экстрадиция қил ёки уни суд жавобгарлигига торт) тамойилига риоя қилиш мажбуриятини юклайди.

1995 йил Оттавадаги "катта еттилик" давлатлари ва Россия адлия вазирлари учрашуви қатнашувчиларининг халқаро терроризмга қарши курашиш қоида ва тамойилларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги даъвати бу йўлдаги амалий қадамлар эди:

Барча давлатларни терроризм билан курашиш бўйича амалдаги конвецияга 2000 йилгача қўшилишга чақириш;

- жиноятчиларни экстрадиция қилиш бўйича юзага келган ҳуқуқий муаммолар борасида ўзаро ёрдам кўрсатиш;

- терроризм бўйича оддий ва разведка ахборотларини алмаштиришни жонлантириш;

- барча давлатларни одамларни гаровга олган боскинчиларга кўп ён бермасликка ва бунга алоқаси бор шахсларни жавобгарликка тортишни қатъий тартибда кафолатлашга чақириш;

- террорчиларнинг ҳаракатларига тўсқинлик қилиш;

- террорчиларни уларнинг молиявий жамғармаларига "яқинлаштирмаслик" ва ҳ.к.

Умуман олганда, терроризм билан курашишдаги халқаро ҳамкорликнинг асосий тамойилларини қуйидагилар, деб белгилаш мумкин:

- умум томонидан терроризм ноқонуний ва жазога лойиқ амал, деб тан олиниши;

- мажбурий, деб тан олинувчи мувофиқлаштирилган халқаро ҳамкорлик;

- терроризмнинг замирида ётган сабабларни бартараф этишга фаол кўмаклашиш;

- ижтимоий зиддиятлар ўчокларини бартараф этишда давлатларнинг ҳамкорликда ҳаракат қилишлари;

- низолар ечилишида асосий восита сифатида куч ишлатишдан воз кечиш;

- ҳамкорликдаги давлатларнинг ахборот алмашинуви ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш борасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш;

- терроризмни айрим давлатларнинг сиёсатига тенглаштиришдан воз кечиш ва терроризм миллий, диний, ирқий ёки бошқа ҳодиса эмаслигини тан олиш ва бошқалар.

Шунингдек, террорчиларнинг ҳар доим ва ҳар қандай давлатда, жиноят содир этган вақти ва жойидан қатъий назар, ўз давлатлари ҳукумати томонидан хайрихоҳлик кўрмаслигини тан олиш;

- ҳамкорлик тамойилларини мафкурадан холи қилиш, яъни бу жараёнга мафкуравий жиҳатларни киритишдан воз кечиш.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, санаб ўтилган тамойиллар, гарчи уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун аксарият ўзида маънавий масъулият ва мажбуриятни ҳис қилиб турган бўлса-да, халқаро ҳуқуқнинг умум томондан тан олинган меъёрларига айланганича йўқ. Бу ҳол ушбу тамойилларни мустаҳкамлашга *изн* берадиган ҳар томонлама мос келувчи (универсал) халқаро ҳуқуқий асоснинг йўқлиги билан боғликдир.

Агар давлатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосда ҳамкорлик қилишлари тарихига назар ташласак, бунда терроризм билан курашиш тўғрисидаги биринчи ҳужжат 1937 йилда Миллатлар Лигаси томонидан қабул қилинган, *терроризмнинг олдини олиш ва огоҳлантириш* тўғрисидаги Конвенцияси ҳисобланади. Бу халқаро ҳуқуқий ҳужжат давлат бошлиқлари ва бошқа арбобларини ҳимоя қилишга қаратилган эди.

Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик майдонида давлатлар томонидан, халқаро терроризмнинг фуқаролар авиациясида, ҳаво кемалари бортларида ҳамда халқаро аэропортларда амалга ошириладиган жиноятларига қарши курашиш соҳасида, катта тажриба тўплаган. Шунга қарамасдан, 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда фуқаро авиацияси воситасида мисли кўрилмаган хуружлар содир этилди. Жиноят содир этишда фуқаро авиациясидан фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, халқаро фуқаро авиацияси давлатлар ва жаҳон халқлари ўртасидаги алоқаларда муҳим воситадир. Унга қарши жиноят кўплаб кишиларнинг ҳаётига хавф туғдиради, тинч аҳоли ўртасида қўрқув ҳолатини ҳамда ишончсизликни пайдо қилади. Фуқаро *авиациясига қарши ёки унинг воситасидаги* террористик ҳаракатлар нафақат йўловчилар, экипаж аъзолари ва ҳаво кемасига, балки миллий ва халқаро авиация тизими хавфсизлигига ҳам катта хавф туғдиради. Ҳаво кемалари бортида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги Токио конвенцияси (1963 й.) "хайджекинга" қарши курашиш соҳасидаги биринчи кўптомонлама тузилган битим эди. ("Хайджекинг", бу – 60-йилларда фуқаро авиациясига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларнинг номланиши). Бу битимнинг қабул қилиниши халқаро терроризмнинг янги босқичи ва унга қарши халқаро ҳамкорлик асосида курашишнинг бошланиши даврига тўғри келди.

Токио конвенцияси кейинги Гаага (1970 й.) ва Монреаль (1971 й.) *конвенциялари билан тўлдирилган эди*. Бу конвенциялар, биринчи навбатда, икки ёки бир неча давлатлар манфаатларига зид, халқаро хусусиятга эга бўлган жиноятларни жазолаш ва огоҳлантириш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Уларда содир этилган қилмиш учун жазодан қутилиш мақсадида, ҳаво кемасида бошқа давлатларга ўтиш, гаровга олинган экипаж ва йўловчилар ҳамда учувчи воситаларни қайтариб бериш эвазига катта миқдорда пул талаб қилувчи босқинчиларга, шунингдек, нафақат халқаро ҳаво алоқаларига хавф туғдирадиган, балки давлатлараро муносабатларга путур етказадиган ёки уларнинг узилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларни содир этганларга қарши курашишда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Давлатларнинг халқаро терроризм билан курашини тартибга солувчи кейинги кўп томонлама битим 1973 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 28-сессияси томонидан қабул қилинган "Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан дипломатик вакилларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция"дир (Нью-Йорк конвенцияси дейилади).

Конвенциянинг кириш қисмида дипломатлар ёки халқаро ҳимоядан фойдаланувчи бошқа шахсларга қарши жиноятлар нафақат бу шахсларнинг хавфсизлигига жиддий таҳдид туғдириши, балки жиноятчиларни аниқ шахс билан боғлиқ бўлган транспорт ҳамда бинолар ҳам қизиктириши алоҳида таъкидланган.

Конвенциянинг 1-моддасида халқаро хусусиятларга эга бўлган у ёки бу зўравонликнинг тўғри тавсифланишига маълум даражада ёрдам берувчи "Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахс" тушунчасининг мазмуни очиб берилган.

"Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар" қуйидагилардир:

- давлат раҳбари;
- давлат конституциясидан келиб чиққан ҳолда давлат бошлиғи вазифасини бажарувчи коллегиал органнинг ҳар бир вакили;
- ҳукумат раҳбари;
- ташқи ишлар вазири;
- улар чет давлатдалигида уларга ҳамроҳлик қилувчи оила аъзолари;
- давлатнинг ҳар қандай вакили;
- давлатнинг мансабдор шахси;
- ҳукуматлараро, халқаро ташкилотнинг бошқа вакили;
- улар билан яшайдиган оила аъзолари.

Уларнинг хизмат биноларига, яшаш жойлари ёки транспорт воситаларига қарши жиноят содир этилган вақтда ва шундай жиноят содир этилган жойларда, халқаро ҳуқуқдан келиб чиққан ҳолда, шахсни эркинлиги ва шаънига қарши қаратилган ҳар қандай ҳужумдан махсус ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар;

1978 йилда Терроризм билан курашиш тўғрисидаги Европа конвенцияси кучга кирди. Бу Конвенция ёпиқ битим ҳисобланади, чунки унинг амал қилиш доираси Европа Кенгаши давлатлари худуди билан чекланган. Бу ҳужжат Европа Кенгашига аъзо давлатлар адлия вазирларининг халқаро зўравонлик шаклларини ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳақидаги таклифига кўра Жиноятчилик муаммолари бўйича Европа Кенгаши қўмитаси томонидан тайёрланган эди.

Ҳужжатнинг 1-модда, мазкур конвенциянинг амал килиш доираси билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик кўринишлари берилган. Улар қуйидагилар:

- фуқаро авиациясига қарши жиноятлар билан курашишда Гаага ва Монреал конвенцияларининг амал қилиш доирасига кирувчи ҳатти-ҳаракатлар;

- халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар ҳаётига суиқасд қилиш;

- бундай шахсларга тан жароҳати етказиш; бу шахсларнинг эркинлигига суиқасд қилиш;

- ўғирлаб кетиш;

- гаровга олиш;

- ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этиш;

- бомба, граната, ракета, автомат, ўқ отиш қуроли, "конқон" хат ва жўнатмалардан фойдаланиб ҳаракат қилиш;

- қаётга суиқасд сифатида қаралувчи тан жароҳати етказиш ёки шахс эркинлигига қарши жиддий зўравонлик ҳаракати;

- мулкка қарши йўналтирилган ҳар қандай жиддий ҳаракат, агар бу ҳол шахсларга умумий хавф келтириб чиқарган бўлса.

Конвенция террорчиликка мансуб зўравонлик ҳаракатлари доирасини кенг белгилаб беради. Халқаро ҳуқуқшунослар томонидан унинг халқаро битимлар орасида алоҳида эътиборга моликлиги таъкидланади, чунки бу конвенциянинг муҳим жиҳати, унда бир қанча террористик ҳаракатларнинг "сиёсий эмас" (деполитизация), деб белгилаганлигидадир. "Сиёсий эмас", деб белгилашдан мақсад террористик ҳаракатни амалга оширган шахсни экстрадиция қилиш (бошқа давлатга бериш) қилиш имконини яратишдир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йилги 34-сессиясида қўллаб-қувватланган Кишиларни гаровга олиш билан курашиш тўғрисидаги халқаро конвенция терроризм билан курашишда давлатлар ҳамкорлигининг ривожланишида муҳим қадам бўлди. БМТ БАнинг 35 аъзо давлатлардан иборат махсус қўмитаси конвенциянинг асосий қоидаларини маъқуллади ва имзолади.

Конвенция махсус қўмита фаолиятининг маҳсули бўлиб, унда халқаро муносабатларга раҳна солиши мумкин бўлган кишиларни гаровга олиш каби, террористик ҳаракатлар, шунингдек миллий, сиёсий ва жиноий терроризмнинг кучайганлигидан ташвишга тушган Ғарб давлатлари вакиллари фаол иштирок этишди.

Кишиларни гаровга олиш халқаро ҳужжатда терроризмнинг кўринишларидан бири, деб баҳоланди ва халқаро ҳамжамиятда жиддий ташвиш туғдирувчи жиноят, деб эълон қилинди. Конвенциянинг 1-моддасида ушбу жиноятнинг қуйида белгилари берилган:

- бошқа шахсни қўлга олиш ёки ушлаб туриш;

- ўлдириш билан қўрқитиш;

- тан жароҳати етказиш билан қўрқитиш;

- шахсни ушлаб туришни давом эттириш орқали учинчи томонни, яъни давлатни, ҳукуматлараро халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахс ёхуд бир гуруҳ шахсларни қандайдир бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этмаслигини гаровга олинган шахсни озод этишнинг тўғридан-тўғри ёки қисман шарт қилиб қўйиш мақсадини қўйиш;

- кишиларни гаровга олиш ҳаракатини содир этишга уриниш.

Конвенция ҳар бир қатнашувчи давлатга кишиларни гаровга олиш ҳаракатини содир этганлари учун жазо белгиланганда жазо чораси ва турини ўзи белгилаши имконини беради (2-модда.) Ҳар қандай шароитда ҳам унинг оғир хусусиятлари инобатга олиниши керак.

Конвенция қоидаларига мувофиқ, қатнашувчи давлат кишиларини гаровга олиш жиноятига нисбатан юрисдикцияни ўрнатиш учун зарур тадбирларни белгилаши, жиноятчини ушлаш ва дастлабки тергов ишларини олиб бориш учун чоралар кўриши керак. Унинг 8-моддасига кўра, "Ҳудудида гумон қилинган жиноятчи борлиги аниқланган (маълум бўлган) қатнашувчи давлат уни (жиноятчини) бермаса, унинг ҳудудида жиноят содир этганлиги ёки йўқлигидан қатъий назар, ўша давлат қонунчилигига мос равишда жиноий қидирув ишларини бажариши ва суд ажримини чиқариш учун ишни ваколатли органларга беришга мажбурдир".

Шуни назарда тутиш керакки, халқаро терроризм субъектлари муайян давлатнинг миллий қонунчилиги меъёрларига амал қилинган ҳолда таъқиб қилинади (суд-тергов ишлари олиб борилади). Халқаро террористик ҳаракатларнинг олдини олишнинг самарали тамойили жиноятни содир этган шахс қўлга олинган давлатда ёки жиноятни содир этган давлатда ёхуд террористик ҳаракатдан энг кўп жабрланган давлатда жазони ўташи керак. Жиноятчини беришнинг асоси бўлиб конвенциялар, икки ва кўп томонлама шартномалар, бериш (жиноятчини наз. тут. – У.У.) ҳақида миллий қонунлар хизмат қилиши мумкин. Жиноятчини бериш институти халқаро терроризм билан курашишдаги энг самарали восита ҳисобланади.

Террорчилар қўлига тушиб қолган ядровий қуролларнинг инсониятга хавф туғдириши мумкинлиги, 1980 йилда Ядровий материалларни жисмоний ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилинишига сабаб бўлди. Террорчиларни энг ёвуз қурол - портловчи пластик моддалардан маҳрум қилиш зарурати уларга белги қўйиш (уларни маркировка қилиш) тўғрисидаги битимининг тузилишига (1991 й.) сабаб бўлди.

Ядровий терроризм ва террористик мақсадларда ядровий моддалардан фойдаланиш хавфи билан курашиш муаммоларига янгича ёндашиш фақатгина битимларни имзолашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки халқаро ва миллий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган махсус кучларни яратиш муаммосини ҳал қилишни ҳам ўз ичига олади. Мутахассислар фикрига кўра, ядровий терроризмга қарши курашишни фақат армия ва полициянинг зиммасига юклаб қўйиш бу хавфни унчалик камайтирмайди. Уларнинг фикрига кўра, полиция ва армиядан мустақил ва айни шу мақсадда ҳаракат қилувчи махсус кучларни ташкил қилиш зарур. Бу эса армияга ҳам, полицияга ҳам, махсус кучларга ҳам ўз ишлари билан шуғулланиш имконини беради.

Портловчи пластик моддаларни маркировка қилиш тўғрисидаги конвенция 1991 йилда Монреалда ҳаво ҳуқуқи бўйича бўлиб ўтган Халқаро конференцияда қўллаб-қувватланган эди. Конвенция тузилишидан олдин, яъни 1989 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгаши портловчи пластик моддалардан террористик мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилган эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, халқаро ҳуқуқ терроризмнинг турли хилдаги кўринишларда ўсиб бораётган тўлқинлари, қўллаётган усул, восита ва тажовуз объектлари ортидан етиб улгурмаяпти. Масалан, оммавий қирғин қуролларини ишлатишнинг яширин имкониятлари хавфи ёҳуд тинч аҳолига қарши портлашлар содир этиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланмаган. Ҳаётнинг ўзи ва террористик фаолиятнинг бундан кейин янада кучайиши эҳтимолининг мавжудлиги сиёсатчилар, давлатлар раҳбарлари, минтақавий ташкилотлар ва ниҳоят БМТнинг диққат ва эътиборларини ўз вақтида терроризм билан курашиш тамойилларини ҳуқуқий нуқтаи назардан кўриб чиқиши ва, бизнинг фикримизча, умумий халқаро конвенцион хусусиятга эга бўлган ҳужжатларни қабул қилишга қаратилиши керак.

Давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиши, одатда, икки томонлама битимлар доирасида бўлади, шу билан бирга, шартнома-ҳуқуқий инфратузилмаларини яратувчи давлат идоралари ва ҳукумат қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам ҳамкорликнинг субъектлари бўлиб ҳисобланади. Улар давлатлараро ҳамкорлик доирасида алоқа ўрнатилиб, уни муайян ва аниқ мазмун билан тўлдирадилар.

Терроризм билан курашиш истиқболига тааллуқли масалалар минтақавий даражада ҳам кўрила бошланди ва, масалан, Европа Кенгаши, ЕХҲТ, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти каби ташкилотларнинг фаолиятида муҳим ўрин эгалламоқда.

Терроризм муаммосининг глобал аҳамият касб этиши унга қарши ҳамкорлик ҳам глобал даражада бўлишини талаб қилади. Лекин, ҳамкорликка бундай ёндашиш билан бир вақтда халқаро терроризм асосида ётган сабабларни бартараф этишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Чунки, террорчиликнинг кучайиши учун мавжуд ва пайдо бўлаётган кескинликлар ўчоғлари, минтақавий зиддиятлар, зўравонлик ҳаракатлари, давлатлар мустақиллигининг бузилиши, ирқчилик сиёсати ва геноцид каби иллатлар қулай замин яратади.

Терроризм билан курашишдаги халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги концептуал тизимини белгилаш мумкин:

1. БМТ, унинг ихтисослашган ташкилотлари (ИКАО, ИМО, МАГАТЭ) доирасида давлатларнинг глобал даражага яқин ҳамкорлиги; шу асосда халқаро ҳамкорликка оид битимлар ёки конвенцияларни, хусусан, жаҳон ҳамжамияти ва цивилизациясининг манфаатларига зид жи-

ноятларнинг ушбу аниқ тури билан курашишни ўз ичига олган халқаро-ҳуқуқий негизини яратиш ва ҳаракатга келтириш.

2. Халқаро терроризм билан курашишда бунга дахлдор ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатларига тегишли минтақалараро даражада ҳамкорлик қилиш (ОАГ, ОАЕ, СААРК, ЕХҲТ, ШХТ ва бошқалар); бу борада оз бўлса-да тажриба бор: 1996 йили Багиода минтақавий ташкилотлар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

3. Халқаро терроризм билан курашишда минтақавий даражада, яъни Европа Кенгаши, ЕҲҲТ, Америка давлатлари ташкилоти, Африка бирлиги ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти, Жанубий Осиёдаги минтақавий ассоциация (СААРК), Марказий Осиё давлатлари хавфсизлиги конференцияси (2002 йил февраль ойидан Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотлари), Шанхай ҳамкорлиги Ташкилоти ва шунга ўхшаш ташкилотлар миқёсида ҳамкорлик қилиш. Ҳамкорликнинг бу даражаси мумкин ва воқеликка жуда яқиндир, чунки, бу муайян минтақадаги давлатлар манфаатининг бир-бирига мос келишини ҳам ифода этади.

4. Икки томонлама ҳамкорлик. Амалий натижалар бериши шубҳасиз ушбу яратувчи ҳамкорлик, давлатларга ўз махсус хизматлари имкониятларини тўғридан-тўғри ҳаракатга келтириш имконини беради. Шунингдек, у аниқ масалалар, масалан, жиноий ишлар бўйича ёрдам кўрсатиш, жиноятчиларни бериб юбориш каби масалаларда битимлар тузилишига имконият яратади.

5. Давлатларнинг Интерпол доирасида, унинг муайян давлатлардаги миллий бўлимлари (Бюро) билан мустаҳкам алоқада бўлган ҳолда, ҳамкорлик қилиш.

Шу билан бирга, масалага ҳамкорликнинг ҳақиқий имкониятларини баҳолаш, уни аниқ мазмун билан тўлдириш, тузилган битимларнинг ижросини назорат қилиш нуқтаи назаридан ёндашиш ва ҳамкорлик даражаларини "оздан кўп томонга" тамойили тартибида тизимлаштириш. Яъни, терроризмга қарши курашнинг миллий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан икки томонлама ҳамкорлик қилишга ўтиш ва ҳ.к. да конвенциялар даражасига янада яқинроқ бўлади.

Давлатлараро ҳамкорликнинг бевосита ташкилий шаклларига келсак, улар қуйидагилар:

1. Терроризм билан курашиш соҳасида ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг қонунчилигини бир-бирига уйғунлаштириш (унификация);

2. Жиноятларнинг алоҳида кўринишлари билан курашиш ўзанларида қиладиган биргаликдаги ҳаракатларни ишчи учрашувлар, кенгаш ва семинарлар шаклида мувофиқлаштириш, шу жумладан, ҳамкорликнинг самарадорлиги масалаларини баҳолаш.

3. Жиноят содир этган шахсларни бериб юбориш ҳақидаги ёки терроризм билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар тўғрисида келишувга эришиш.

4. Алоҳида жиноятчи ва жиноятдан бошлаб, жиноятчилик билан курашишнинг амалдаги барча соҳалари бўйича мазмунан доимо янгиланиб турувчи ҳамда ўз ичига жиноятнинг статистикаси, сабаблари ҳақидаги илмий маълумотларни, башорат ва йўналишларни ва бошқа шу каби масалаларни қамраб олувчи ахборотларни мунтазам алмашишни йўлга қўйиш.

5. Тажриба алмашиш, шу жумладан, мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасида, мазкур масалани ўрганиш масалаларида ўзаро ёрдам кўрсатиш.

6. Жиноий ишлар бўйича жиноятчиларни қидириш, гувоҳларни, ҳужжатли ашёларини топиш, ашёвий далилларни йиғиш, тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказиш каби ишларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

7. Террористик гуруҳларнинг ўзаро алоқа воситаларини назорат қилиш, қурол- яроғларнинг ва террористик ҳаракатни амалга ошириш воситаларининг давлатлар чегаралардан ноқонуний ўтказиш йўлларини тўсиш каби ишларда биргаликда ҳаракат қилиш.

8. Дунёдаги мавжуд аҳвол, терроризм билан курашиш сиёсати ва фаол халқаро террористик ташкилотлари ҳамда бошқа, шунга ўхшаш нарсалар тўғрисида ахборот алмашиб туриш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқаро ҳамжамиятда терроризм билан курашишдаги ҳамкорлик қилиш тажрибаси тобора самарали бўлмоқда. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, 1995 йил декабрда Оттавада бўлиб ўтган саккиз давлат адлия вазирлари учрашувида унинг иштирокчилари ўша йил июнь ойида Галифаксда бўлиб ўтган "катта еттилик" ва Россия давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари саммитида қабул қилинган қарорларни амалга оширишда ўз давлатларининг жаҳон ҳамжамияти, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ишлашлари кераклигини тушуниб етдилар ва муайян келишувларга эришдилар. Уларнинг халқаро терроризмга қарши биргаликда ҳаракат қилиш бўйича ва собиқ совет иттифоқи ўрнида вужудга келган янги давлатларни ҳам халқаро терроризмга қарши курашишга жалб этиш юзасидан аниқ чақириқлар билан мурожаат қилишларини ҳамкорлигининг самараси сифатида баҳолаш мумкин.

1996 йил март ва декабрь ойларида Миср ва Лиссабонда бўлиб ўтган "Тинчликпарварлар саммити"ларида Галифаксдаги тажриба ва ишланмалар сезиларли даражада ривожлантирилган ва аниқ мазмун билан тўлдирилган эди. Лиссабондаги конференция ишида Ўзбекистон ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. МДҲ давлатларининг терроризм билан курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги масаласига келсак, бу масаланинг Давлат раҳбарлари кенгашлари мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқилаётганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

2000 йил 25 январда МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши аъзолари томонидан 2000 йилдан 2003 йилгача бўлган давр мобайнида жиноятчилик билан ҳамкорликда курашиш чора-тадбирларининг Давлатлараро дастури

ва ўша йилнинг 21 июнида 2003 йилгача бўлган давр мобайнида халқаро терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишлари билан МДҲ қатнашчи-давлатларининг курашиши дастурлари имзоланган эди.

МДҲ доирасида жиноятчилик ва терроризм билан курашишда шартномавий-ҳуқуқий асос яратилишига у ёки бу йўсинда хизмат килувчи бир қатор кўп томонлама ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланган. Улар орасида:

- ҳуқуқий ёрдам ва жиноий, оилавий ҳамда фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида конвенция (22 январь 1993 й., Минск);

- МДҲ қатнашчиларининг ноқонуний миграция билан курашишдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (6 март 1998 й., Москва);

- МДҲ қатнашчи – давлатларининг жиноятчилик билан курашишдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (25 ноябрь 1998, Москва);

МДҲ қатнашчи – давлатларининг наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши билан курашишдаги ҳамкорлиги тўғрисидаги битим (30 ноябрь 2000 йил, Москва). 2000 йил декабрида Давлат раҳбарлари кенгаши МДҲ давлат – қатнашчиларининг терроризмга қарши кураши Маркази ҳақидаги Низом маъқулланди. Бундан ташқари, МДҲ давлат раҳбарларининг қарорига мувофиқ, Ҳамдўстликка қатнашувчи давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлари раҳбарларининг кенгашлари ҳам тузилган.

Маълумки, МДҲда қатнашчи – давлатлар томонидан унинг раҳбар органи ҳисобланган Давлат раҳбарлари кенгаши фаолиятига нисбатан ҳар хил эътирозлар билдирилмокда. Бунга сабаб – унинг қатор йиғилишлари бесамара бўлганлиги ва, энг асосийси, унинг кўплаб қарорлари, кўпинча, намойишкорлик хусусиятга эга бўлиб, амалга тадбиқ этилмаётганлиги.

Бундан кўриниб турибдики, ҳамкорликнинг бу шакли кутилган натижаларни бермаяпти (Масалан, Ўзбекистон чиқишга мажбур бўлган Коллектив хавфсизлик шартномаси). Шунинг учун бизнинг давлатимиз икки томонлама асосда шартнома тузиш йўлини танлади. Ўзбекистон КХШдан чиққанидан кейин Россия билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, 2000 йилда Қирғизистон билан ҳам шундай ҳужжатни имзолади. Алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси дунёнинг кўплаб давлатлари билан терроризм, экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги шартномаларни тузган.

2000 йил апрель ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари учрашувида "Терроризм, сиёсий, диний экстремизм, миллатлараро жиноятчилик ва томонлар хавфсизлиги ҳамда барқарорлигига таҳдид солувчи хавфлар билан курашишда ҳамкорликдаги ҳаракатлар тўғрисида"ги шартномани имзоладилар.

2001 йил июнь ойидаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари саммитида (бу учрашувда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон ва Тожикистон билан биргаликда мазкур обрўли ташкилотнинг таъсисчиси бўлиб қолди) ШҲТни тузиш ҳақидаги Декларация, шунингдек, Терроризм, айирмачилик ва экстремизм билан курашиш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Терроризм билан курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида гап борганда, Ўзбекистон ташаббуси билан тузилган "6+2 гуруҳи" деб номланган гуруҳни ҳам эслаш керак. Унинг саъй-ҳаракатлари билан, 2000 йил октябрида, БМТ ва ЕХҲТ иштирокидаги, "Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳванд моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашишга биргаликда ёндашиш" мавзусидаги халқаро Тошкент конференцияси ўтказилди.

Халқаро шартномаларга қайтиб, терроризм билан курашишдаги ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама битимлар, бу – ҳамкорликнинг энг самарали шакли эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчимиз. Чунки, кўп томонли асосдаги шартномалар тузиш анча қийин ва муаммолидир. Бунинг сабаби шундаки, кўп масалаларда давлатларнинг манфаат ва ёндашувлари бир-бирига ўхшамайди, мос келмайди. Демак, икки томонлама асосдаги битимлар юқорида зикр этилган кўп томонлама шартномаларни тузишда асос бўлиш вазифасини бажариши мумкин. Ҳамкорлик долзарблиги, шакл ва тамойиллари тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Шу ўринда, Президентимизнинг 2001 йил 11 сентябрдаги воқеалардан сўнгги баёнотидаги айрим фикрларни келтирамиз.

"Бугун бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий. Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам ҳақиқатни тасдиқлайди. Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъий назар, турли давлатлар, шу жумладан, барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилаётгани эътиборга сазовордир. Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқаро ҳамжамиятнинг қатъиятлиги тобора мустаҳкамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмаялти". Шуни таъкидлаш лозимки, қўпорувчилик хуружларига дуч келган Ўзбекистоннинг терроризмга ўзининг аниқ ва равшан муносабати бор. Бу муносабат Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва АҚШ ҳукуматининг Қўшма Баёнотида тўла ифода этилган:

"Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати халқаро терроризмни тинчликка, шунингдек, глобал ва минтақавий барқарорликка жиддий хавф, деб билдиради. Шу муносабат билан улар шу йил 7 октябрь куни терроризмга қарши курашда икки томонлама ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратадиган битимни имзоладилар. Нафа-

кат Марказий Осиё халқлари учун, балки бутун дунё аҳли учун анчайин хавфсиз келажакни яратиш йўлида мамлакатларимиз ўзаро яқинликда иш олиб борадилар.

Бизнинг умумий курашимиз афғон халқига қарши эмас, балки терроризмга қарши йўналтирилган ва биз Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик қиламиз. Биз, шунингдек, халқаро терроризм ва унинг инфратузилмалари йўқотилишининг тарафдорларимиз. Шу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси ўз ҳаво кенглигидан ҳамда ўз аэродромларидан бирининг зарур ҳарбий ва фуқаро инфратузилмаларидан фойдаланиш учун розилик беради. Улардан, биринчи навбатда, инсонпарварлик мақсадларида фойдаланилади.

Бизнинг хукуматларимиз хавфсизлик ва минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ишига узоқ муддатли содиқлигига асосланган сифат жиҳатидан янги муносабатларни ўрнатишга қарор қилди. Биз терроризмга қарши курашда яқин ҳамкорлик зарурлигини тушунамиз. Бу Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини тўғридан-тўғри хавф туғилган ҳолатда муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган маслаҳатлашувлар заруратини ҳам ўз ичига олади". Қисқа қилиб хулоса чиқарадиган бўлсак, ушбу битим ҳамкорлик қандай аниқ ва амалий мазмунга эга бўлиши кераклигини намойиш этади.

Терроризм билан курашишда давлатлар ҳамкорлигини кўриб чиқиб, натижаларни умумлаштирар эканмиз, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган тамойили ва меъёрлари, жумладан "Pacta sunt Servanda" (шартномага амал қилиниши керак) қоидасига амал қилиш, бизнингча, умумбашарий миқёсдаги сиёсий-ҳуқуқий ҳамкорлик даражасини янада кўтариш имконини беради.

ХОТИМА

Сўнгги йилларда, айниқса АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин, терроризм муаммоси тобора ташвишли ва жиддий аҳамият касб этиб, жаҳон ҳамжамиятига, кўплаб давлатларнинг миллий манфаатларига дахл қилмоқда. Террорчи ва диний экстремистларнинг, эътиқодларидан қатъий назар, биргалашиб ҳаракат қилаётганликлари дунёдаги сиёсий жараён ва тартиботга катта хавф солмоқда. Бунинг устига, ҳозирги терроризм ўзини халқаро ва ички сиёсатнинг субъекти сифатида мустаҳкамлашга уринмоқда. Иқтисодиёт, сиёсат, экология, маданият ва бошқа соҳалардаги глобаллашув жараёнлари билан бир қаторда, терроризмнинг глобаллашуви ҳам ушбу жараённинг таркибий қисмларидан бири бўлиб қолмоқда.

Терроризм "байналмилал" фаолиятининг кучайиши шароитида унинг умумий хавфсизлик ва алоҳида олинган давлатлар хавфсизлигига, шубҳасиз, таҳдиди кун тартибига халқаро терроризмга қарши ҳаракатларни ташкил қилиш, мавжуд ва келажакда келиб чиқиши эҳтимоли бўлган жиноий ҳаракат ва хавфларга тенг чора-тадбирлар кўриш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Бизнинг фикримизча, замонавий терроризмнинг чуқурлашиб бораётган глобаллашув жараёни ва у билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар мазкур китобда ёритилмай қолган масалалари халқаро терроризмнинг барқарорлик ва хавфсизликка таҳдидини ўрганишга бағишланган янги илмий изланишларнинг мавзуси бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқлари

1. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.- Т., 1996.
2. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. // 3-35 б.
3. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза. // 110 б.
4. Барқарорлик тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун. // 167 б.
5. Минтақавий муаммолардан жаҳоншумул муаммоларга. // 209 б.
6. Ўзбекистон йўли-жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир. // 211 б.
7. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун. // 294 б.
8. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. // 3-1 б.
9. Келажагини ўз қўли билан қураётган Ўзбекистонга ҳалақит берманг. //332 б.
10. Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашида сўзланган нутқ. // 337 б.
11. Тошкентдаги чет эл дипломатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган брифингда сўзланган нутқ. // 352 б.
12. Амалий ҳамкорлик-тараққиёт мезони. // 556 б.
13. Ҳушёрликка даъват. // 557 б.
14. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Т., Ўзбекистон, 1997., 315 б.
15. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. // Т., Ўзбекистон, 1999., 48 б.
16. Эгали юрт эркини бермас. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзланган нутқ. // Халқ сўзи, 31.08.2000.
17. БМТ Бош Ассамблеяси(Мингйиллик саммит)да сўзланган нутқ. // Халқ сўзи. 12.09.2000.
18. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзланган нутқ. // Халқ сўзи. 20.06.2001.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Баёноти. // Халқ сўзи. 6.10.2001.
20. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг Қўшма Баёноти. // Халқ сўзи. 13.10.2001

Қонунчилик, меъёрий ва бошқа ҳужжатлар

21. Ўзбекистан Республикаси Конституцияси.
22. Указ Президента Республики Узбекистан "Об освобождении от уголовной ответственности граждан Узбекистана, по заблуждению оказавшихся в составе террористических групп", 6 сентября 2000.
23. Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни. 2000.
24. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т.: Адолат, 1995.
25. Закон США "О борьбе с терроризмом и применении смертной казни", 1996.
26. Закон США "О захвате заложников", 1984.
27. Закон Российской Федерации "О борьбе с терроризмом", 1998.
28. Закон Республики Казахстан "О борьбе с терроризмом", 1999.
29. Революция 34-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН (1979) "О недопущении политики государственного терроризма и любых действий государств, направленных на подрыв общественно-политического строя в других суверенных государствах".
30. Конвенция о предотвращении и наказании преступлений против лиц, пользующихся международной защитой, в том числе дипломатических агентов. 14 декабря 1973.
31. Международная Конвенция о борьбе с захватом заложников. 17 декабря 1979.
32. Декларация о мерах по ликвидации международного терроризма. 9 декабря 1994.
33. Европейская Конвенция по борьбе с терроризмом. 27 января 1977.

34. Договор "О совместных действиях по борьбе с терроризмом, религиозным экстремизмом, транснациональной преступностью и иными угрозами стабильности и безопасности сторон между государствами Центральной Азии от 21 апреля 2000.
35. Заявление глав государств Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Республики Таджикистан, Республики Узбекистан и специального представителя Президента Российской Федерации" от 22 августа 2000.
36. Приговор от имени Республики Узбекистан (Верховный Суд, 28 июля 1999).
37.Доклад Госдепартамента США о глобальном терроризме за 1999 год. http:// / euvrasia/ org/ ru/ 2000/ extrem/ of 12 terrorism. Htmi, 22 ноября 2000.
38. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан-99. UNDP, Ташкент. Узбекистан, 2000, с. 76.
39. Международный билль о правах человека. 1990, №2, ООН.

Умумий адабиётлар

40. Алексеев П.В., Панин А.В Философия. Учебник. М.: Проспект, 1996., с. 449.
41. Аннан К.Кофи. Обновление на переходном этапе. Годовой доклад о работе Организации. Нью-Йорк, ООН, 1997., - 100 с.
42. Антипенко В.Ф. Современный терроризм: состояние и возможности его упреждения. Киев, 1998., -191 с.
43. Антонян Ю.М. Психологические проблемы исследования насилия. Преступность как угроза национальной безопасности. Ульяновск.: УлГУ, 1998.,- 288 с.
44. Антонян Ю.М. Терроризм. Криминалистическое и уголовно-правовое исследование, М. Щит- М., 1998,-305 с.
45. Афанасьев В.Г. Системность и общество. М., Наука, 1980.
46. Ахардт Д., Чилдрес Г.А. От высших руководителей зависит многое. Neuport, RI, PMI 3-3, 1997., pp 1-6.
47. Вальдман П. Терроризм в международном масштбе. (Terrorism in internationalen Umfeld) Internationale Politic, №2-3, Bonn, 1999., с. 21-27.
48. Вестник Московского Университета. Серия 7. Философия, 1995, №2.
49. Вестник Московского Университета. Серия 18. Социология и политология, 1995., №2, 2000., №1.
50. Вестник Московского Университета. Серия 12. Политические науки, 1999, №3.
51. Вестник Московского Университета. Серия 11. Право, 1999., №1.
52. Витюк В.В., Эфиров С.А. Левый терроризм на Западе: история и современность. М. Наука, 1987.
53. Вишнев С.М. Основы политического прогнозирования. М., 1977.
54. Грачев А.С. Политический экстремизм. М., Мысль, 1986.
55. Грей С. Колин. Борьба с терроризмом. Autumn, 1993, pp 17-23.
56. Грехнев В.С. Феномен политического терроризма. М. Философия и общество. 2000., №7.
57. Грохальски С.М. Понятие глобальной проблемы и ее значение для международного права. Вестн. Моск.Ун-та. Сер. 11, 1999, №1.
58. Гупер А.Н. Проблема терроризма на рубеже третьего тысячелетия новой эры человечества. http:// www.e-journal ru/p. Ewro 2000., с. 1-13.
59. Дробот Г.А. Политико-экономические аспекты глобализации. Вестник Моск. Ун-та.Сер. 18, 2000., №1.
60. Евкочев М.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Авторефдис. на соискание уч.ст.канд.полит.наук. Т., 2000, с. 24.
61. Емельянов В.П. Проблемы уголовно-правовой борьбы с терроризмом. М.: Государство и право. 2000., №3.
62. Жумаев Р.З., Убайдуллаев У.А., Хужанов Б.И. Конфликтология асослари. Т.: Академия, 2000., с. 207.
63. Зафесов Г.Р. Тайные рычаги власти. М., Мысль, 1984.
64. Кожушко Е.П.Современный терроризм: анализ основных направлений. Минск; Харвест, 2000., с. 447.

65. Лунев А.Е. Теоретические проблемы государственного управления. М., Наука, 1974., с.148.
66. Ляхов Е.Г. Политика терроризма-политика насилия и агрессии. М., Международные отношения, 1978.
67. Ляхов Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. М., 1991.
68. Морозов Г.И. Международный терроризм. М.: Государство и право, 1997., с.71.
69. Основы конфликтологии (под ред. В.И.Кудрявцева).М.: Юрист, 1997.
70. Петрищев В. Международный терроризм: теория и практика. М., Юридическая газета, 1999, №17.
71. Покровский Н.Е. Глобализация и конфликт. Вест.Моск. Ун-та.Сер.18, 1999, №2.
72. Политология (под ред. Т.В.Полуниной). Учебник., Акалис, 1990.
73. Рабочая книга по прогнозированию. М., 1982.
74. Россия и мусульманский мир. Бюллетень реферативно-аналитической информации №6 (96). М. Институт востоковедения РАН, 2000., с. 135.
75. Сагатовский Б.М. Опыт построения категориального аппарата системного подхода. Философские науки. М., 1976, №3.
76. Санистебан Л.С. Основы политической науки. М., 1992.
77. Системные исследования. Ежегодник, М., Наука, 1980.
78. Скворцов Л.В. Терроризм в России. http (terrorism, Agava, RU), 2000.
79. Теория государства и права (под ред. С.С. Алексеева). Учебник, М., 1995.
80. Уголовное право. Общая часть. Курс лекций. М., 1997.
81. Уилкинсон П. Угроза международного терроризма: настоящее и будущее. Лекция, февраль 1997.
82. Философский словарь. М., Политиздат, 1980., с. 296.
83. Шимои М. Глобализация как источник конкуренции, конфликтов и возможностей. Проблемы теории и практики управления. Киев., 1999.
84.Юдин Э.Г., Бладберг И.В. Становление и сущность системного подхода. М., Наука, 1973.
85. Ясперс К. Смысл и назначение истории. М., 1954, с. 155.

Даврий нашрлар

86. Аргументы и факты, 1998, №47.
87. Борьба с преступностью за рубежом, М. ВИНИТИ, 2000, №2-5.
88. Вопросы истории. М., 1991, №11, 9-10; 1992, №1; 1993, №3.
89. Глобус ИТАР-ТАСС, 1998, №1; 1996, №50.
90. Евразийское обозрение. М., 1996, №7.
91. За рубежом. М., 1997, №12.
92. Зарубежное военное обозрение. М.: Красная звезда, 2000., №8,9.
93. ИТАР-ТАСС, Серия "АМ", 1994, № 6, 1998, №38.
94. ИТАР-ТАСС, Серия, "СЕ", 1995, 23 июня.
95. Конфидент. 1996, №4; 1997, март-апрель.
96. Международная жизнь. М., МИД, 1990, №8; 1992 №3-5; 1997, №5, 7, 8, 10; 1999 №10; 2000 №8-9.
97. Независимая газета. М., 1999, 17 декабря; 2000, 23 августа.
98. Новая и новейшая история. М., 1991, №1,6; 1993, №3; 1994, №4-5.
99. Новое время, 1998, 9 февраля; 1998, №1.
100. Узбекистонда ижтимоий фанлар, Т., 1997, №12; 1999, №3-4; 2000, №3.
101. Общественное мнение. Права человека. Т.: 1998, № 4.
102. Отечественная история. М., 1992, № 2,6; 1993, №5.
103. Правда Востока. 2000, 12 августа; 27 сентября.
104. Пульс планеты. ИТАР-ТАСС, Сер. "СВ", 1996, 20 марта.
105. Социологические исследования. М., 1990, №7.
106. США: Экономика, политика и идеология. М.1990, №6.
107. Труд, 1997, 26 января.
108. Человек и Закон. М., 1995, №6; 1999, №2.
109. Эхо планеты. М., 1989, №5; 2000, №38.
110. Юридическая газета. М., 1999, №40.

МУНДАРИЖА

Кириш **3**

1. Терроризм – замоннинг мудҳиш ҳодисаси 5
2. Терроризмнинг пайдо бўлиши 19
3. Замонавий терроризм глобаллашувининг ўзига хос хусусиятлари 39
4. Халқаро терроризм ташкилотлари фаолиятининг таҳлили 50
5. Терроризмнинг халқаро ва миллий хавфсизликка таҳдиди. 64
6. Замонавий терроризм тадрижини башорат қилиш 78
7. Ўзбекистон ва хорижий давлатлар қонунчилигида терроризмга қарши кураш масаласининг ҳуқуқий тартибга солиниши 103
8. Терроризмга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари 125

Хотима **139**
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати **140**

Умар Абдуллаевич Убайдуллаев

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ: ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

Муҳаррир С.Қурбонов
Мусаҳҳиҳ З.Ахмеджанова

Босишга рухсат этилди 14.04.2009 й. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$.
Офсет босма усулида ёзув қоғозига босилди.Нашриёт ҳисоб табоғи 10,6.
Шартли босма табоғи 15,1. Адади 500 нусха.
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №257

"Университет" нашриёти. Тошкент - 700174. Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. Маъмурий бино.

Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг "Гротекс" босмахонасида босилди.

1500-00

66.3
У170

